

REPUBLIC OF UZBEKISTAN  
MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALISED  
EDUCATION  
BUKHARA STATE UNIVERSITY

English Linguistics Department

INTEGRATION OF PRAGMALINGUISTICS,  
FUNCTIONAL TRANSLATION STUDIES AND  
LANGUAGE TEACHING PROCESSES

(dedicated to the 75<sup>th</sup> anniversary of Candidate of Philological Sciences,  
Associate Professor M.Kh.Alimova)

Proceedings of International Scientific-theoretical Webinar



2020-YIL  
25-DEKABR



SOAT 10:00

Buxoro davlat universiteti Xorijiy tillar fakulteti Ingliz tilshunosligi kafedrası

“PRAGMALINGVISTIKA, FUNKSIONAL TARJIMASHUNOSLIK VA TIL O'RGATISH JARAYONLARI  
INTEGRATSIYASI”

(Filologiya fanlari nomzodi, dotsent M.H.ALIMOVA tavalludining 75 yilligiga bag'ishlanadi)  
mavzusida tashkillashtirilgan Xalqaro ilmiy-nazariy anjuman



QAYSI TILLARDA  
O'ZBEK, RUS, INGLIZ



Manzil: Buxoro davlat universiteti,  
Buxoro shahar M.Iqbol ko'chasi  
11-uy.

BUKHARA -2020

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Инглиз тилшунослиги кафедраси**

**ПРАГМАЛИНГВИСТИКА, ФУНКЦИОНАЛ  
ТАРЖИМАШУНОСЛИК ВА ТИЛ ЎРГАТИШ  
ЖАРАЁНЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯСИ**

(Филология фанлари номзоди, доцент М.Х.Алимова таваллудининг 75  
йиллигига бағишланади)

**мавзусидаги Халқаро миқёсидаги ОНЛАЙН  
илмий-назарий конференция материаллари  
ТЎПЛАМИ**

**2020 йил, 25 декабрь**

**Бухоро  
"Дурдона" нашриёти  
2020**

**УЎК 81'373**

**81.1-3**

**Г 13**

**Прагмалингвистика, функционал таржимашунослик ва тил ўргатиш жараёнлари интеграцияси (Филология фанлари номзоди, доцент М.Х.Алимова таваллудининг 75 йиллигига бағишланади):** мақола ва тезислар тўплами, тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: М.А.Шукурова, О.И.Жумаева, И.И.Акрамов; Бухоро; “Дурдона” нашриёти, 2020 йил, 574 бет.

**КБК 81.1-3**

Тўпламда республикамиз олимлари, катта илмий ходим-изланувчилари ва мустақил изланувчиларининг хорижий тилларда ўқув ва бадий адабиётлар, электрон дарсликлар, ихтисослаштирилган расмлар билан безатилган газеталар ва журналларни яратиш ҳамда чоп этиш самарадорлигини ошириш, ёшларда чет тилни эгаллаш даражаларининг Европа тизими (CEFR)ни ўрганишнинг ўрни, ёшларга чет тилини ўргатишнинг психологик аспекти, чет тилини ўрганишда тил хусусиятларининг аҳамияти ва муаммолари, тил ва маданиятлараро коммуникация методлари, тилшунослик ва адабиётшунослик масалалари, услубшунос олимларнинг илғор тажрибаларининг роли каби масалалар талқинига бағишланган мақолалари ўз ифодасини топган. Тўпламда тил муаммолари билан қизиқувчи илмий ходимлар, катта илмий-ходим изланувчилар, мустақил тадқиқотчи-изланувчилар, магистрантлар ва ўқувчилар фойдаланишлари мумкин.

**Таҳрир хайъати:**

Проф. О.Х.Хамидов, доц. О.С.Қаҳҳоров, проф. М.Қ.Бақоева, проф. Д.С.Ўраева, доц. М.М.Жўраева, доц. З.И.Расулов (масъул муҳаррир), М.А.Шукурова (масъул котиба)

**Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:**

Инглиз тилшунослиги кафедраси ўқитувчилари: М.А.Шукурова, О.И.Жумаева, И.И.Акрамов;

**Тақризчилар:**

Филология фанлари номзоди, доцент М.Х.Алимова  
Филология фанлари номзоди, доцент Н.Б.Бакаев  
Филология фанлари номзоди, доцент З.Б.Тошев

Тўплам БухДУ Хорижий тиллар факультети кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия қилинган (2020 йил 24 декабрдаги 5-сонли баённома)

**ISBN 978-9943-6197-4-6**

## YETMISH BESH YILLIK HAYOT SARHISOBI

*Nizomiy nomidagi  
TDPU Ingliz tili nazariyasi va o`qitish  
metodikasi kafedrasining dotsenti, f.f.n.  
M.X.Alimova*

### *KELDIM*

*Yetmish besh yosh ostonasiga  
Dunyo-dun darsxonasiga  
Sha'n hayotning koshonasiga  
Uzoqlardan chopib keldim men*

*Goh rost kelib, gohida chalg'ib,  
Goho cho'kib, gohida qalqib,  
Goho cho'kib, gohida qalqib,  
Goho botib, gohida balqib,  
Chin do'stlarim topib keldim men*

*Kaftimda tutib ustozlarimni,  
Mehribon mumtozlarimni,  
Toleimga jon so'zlarimni  
Qo'llarini o'pib keldim men*

*Hayot, senga ming bora shukur  
Kam qilmading, yuragimda nur  
Cho'ng boyligim ilm ila shuur  
Ezgulikni sepib keldim men*

*Jon do'stlarim, jonu- jahonsiz  
Shogirdlarim - mavjli ummonsiz  
Farzandlarim jonimga jonsiz  
Barchangizni sog'inib, o'pib keldim men*

*Taniqli Buxorolik shoir Toshpo'lat Axmad she'ri*

Bugungi tarixiy sarhisob qilinadigan, shaxsiy va ijtimoiy faoliyat taxlil etiladigan menga bag'ishlangan mazkur ilmiy anjumanda qimmatli vaqtlaringizni ayamay ishtirok etayotganingizdan boshim osmonga yetdi.

Siz azizlarimga, men uchun qadri baland ustozlarim, kasbdoshlarim, shogirdlarim, farzandlarim va barcha anjuman ishtirokchilariga chuqur minnatdorchilik bildiraman. Siz aziz ustozlarim, shogirdlarim, farzandlarim va barcha oila azolarim borsizlarki, men bugungi mavqega ega bõlib turibman. Hozirgi mavqeimda sizlarning hissangiz beqiyos.

Bilimga chanqoq, mehnatsevar, ilmu-fan sir-asrorlarini bilish uchun intiluvchan shogirdlarim bor ekan-ki men ustimda tinmay ishlab, olimalik, ustozlik nomi soxibasi bõlibman.

Hozirgi paytda siz shogirdlarim - falsafa doktorlari, hatto oralaringizda fan doktorlari sohibasi ham bor: Buxoro davlat universiteti Xorijiy tillar fakulteti dekani filologiya fanlari doktori Malohat Jo`rayeva: Men sizlar bilan faxrlanaman. Qariyb yarim asrlik ilmiy-pedagogik faoliyatim jarayonida shogirdlarimga õz bilim va hayotiy tajribamdan ozgina bõlsa ham õz hissamni qõsha olgan bõlsam, õzimni baxtiyor his etaman.

Muqaddas Vatanimizda, ona yurtimizda, qayerda bõlmasin halol, vijdonan mehnat qilgan, adolat yuzasidan ish tutgan, xalq xizmatida bõlgan, davlat va rahbariyat topshiriqlarini chin dildan bajargan inson har doim el yurtning hurmatiga sazovor bo'lgan va davlatimiz tomonidan munosib taqdirlangan.

Xalqimiz urf-odatlari, an'analari, bebaho qadriyatlarimizga sodiq bõlib, biz hayotimizni farzandsiz, ustozsiz, shogirdsiz va qarindosh-urug'larsiz tasavvur qila olmaymiz.

Yaratganga behisob shukrlar bo'lsinki, farzandlarim, nevaralarim, shogirdlarimga ustozlarimdan, rahmatlik ota-onamdan olgan õgitlar, nasihatu, maslahatlar, madaniy-ma'rifiy bilimlarimni, hayotiy tajribalarimni oz bõlsa ham imkoniyatlarimdan kelib chiqib bera oldim deya olaman.

Mustabid tuzumda qonun oldida barcha millatlar teng deb ko'rsatilsada, aslida unday emas edi.

Õzbekiston nomli davlat va õzbek millati borligini xorijda bilmas edilar. Masalan, men 1997 yilda Angliyaning Kembrij shahrida malaka oshirish kurslarida tahsil olib yurgan paytlarimda, mendan Where are you from? deganlarida men, I am from Uzbekistan deb javob berganimda: You are from Afganistan? Are you from Pakistan? deb takroran sõrashardi. Shunda men I am from the land of Al-Bukhari, deb javob berganimda meni ziyorat qilishga tayyor bõlhardi. Vaholanki, hududimiz xalqi, faylasuf va allomalari, valiylaru-avliyolari, tanqili mutafakkirlari kõp asrlar davomida dunyoda mashhur bõlgan va jahon ilmu - fan xazinasiga beshumor va salmoqli hissa qo'shgan hamda hozirgi globallashuv davrida ham dolzarb bo'lib qolayagan, zamonaviy kashfiyotlarda ulardan foydalanilayotgan meroslar qoldirilgan.

Yaratganga behisob shukurki mustaqillikka erishgandan keyin birinchi Prezidentimiz rahmatlik I.A.Karimovning mehnatlari va hurmatli Prezidentimiz Sh.M.Mirziyayevning tinmay qilayotgan mashaqqatli faoliyatlari

hamda e'lon qilganlaridek Yangi Renossans davrining yurtimizga kirib kelishi boshimizga baxt qushining yana qo'nganidan dalolat beradi. Bu kunlarni ko'p yillardan beri orziqib kutganmiz. Vatanimiz, jannatmonand yurtimiz butun jahonga tanilmoqda. Ayniqsa BMT yig'ilishlarida o'zbek tilimizning yangraganidan faxrlanamiz. Prezidentimizning dono rahbarliklari tufayli ona Vatanimiz shaxdam qadamlar bilan dunyodagi rivojlangan mamlakatlar qatoriga kirib bormoqda.

Yosh avlod uchun barcha imkoniyatlar yaratilgan, ularning barkamol, baxtli insonlar, tajribali mutaxassislar bo'lib yetishishlari uchun mustahkam poydevor qurilgan.

Dunyodagi eng rivojlangan mamlakatlar *xalqimiz, Vatanimiz, tilimiz, dinimiz, an'anayu, urf-odatlarimiz va milliy qadriyatlarimizni tan olmoqda. Hozirgi online òtkazilayotgan xalqaro ilmiy anjumanda xorijiy mamlakatlardan shogirdlarimizning fan doktori, falsafa doktori sohibi va sohibalari lavozimlarida chet ellardagi mashhur oliygohlarda faoliyat kòrsatib turib, ishtirok etayotganliklari Vatanimizning dunyo miqiyosidagi obrò e'tiborining dalilidir.*

*Sòzimni tugatar ekanman, anjumanda ishtirok etayotgan ustozlarim, kasbdoshlarim, shogirdlarim va barcha mehmonlarga chuqur minnatdorchilik bildiraman va bosh egib ta'zim qilaman.*

*Mazkur ilmiy anjumanni tayyorlab òtkazishda f.f.n., dotsent Z.I.Rasulov rahbarligidagi Ingliz tilshunosligi kafedrasini jamoasini, Xorijiy tillar fakulteti dekani f.f.d. M.Jorayevani qòllab-quvvatlab, amaliy yordam ko'rsatgan BuxDU rektori professor O.X.Xamidovga minnatdorchilik bildiraman.*

*Chet tillar fakulteti dekani p.f.n. dotsent A.M.Mamadaliyev va mazkur fakultet professor o'qituvchilarining ilmiy anjumanda ilmiy maqolalar bilan faol ishtirokini ta'minlashda amaliy yordam ko'rsatgan Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti rektori prof. A.Yu.Umarovga minnatdorchilik bildiraman. Respublikamizning taniqli tilshunos olimlari prof. I.K. Mirzayev, prof. J.J.Jalolov, prof. A.E. Mamatov, prof. S.S.Saidov, dots. A.M.Mamadaliyev, AQSH, Kanada kabi jahonning yetakchi oliygohlaridan falsafa doktorlari D.A.Hasanova, Z.R.Akobirova, N.Bozorova, BuxDU faxriysi B.T.Bobomurodovlarning mazkur ilmiy anjumanda ishtirok etib, chet til o'qitish metodikasi, tilshunoslik va adabiyotshunoslik fanlari sir-asrorlari ustida olib borgan bahsu-munozaralari shogirdlarimning ilmu-fan sohasida yangi va yangi tadqiqotlarga undaydi, albatta.*

*Hurmatli va aziz shogirdlarim, mazkur ilmiy anjumanni tayyorlab, nihoyatda sermazmun, jiddiy va yuqori saviyada o'tkazganlaringiz, ustozlarga nisbatan ko'rsatayotgan hurmat va e'tiboringiz, ilmu-fan yo'lida qilayotgan tinimsiz mehnatingizdan benihoyat xursandman va sizlardan naqadar minnatdor ekanligimni so'z bilan ifodalay olmayman. Vatanimizdagi ilmu-fan taraqqiyotiga berilayotgan e'tibor oldida tiz cho'kib ta'zim qilaman.*

## ЮКСАК ИНСОНИЙ ВА ИЛМИЙ МАСЪУЛИЯТ СОҲИБАСИ

*Ж.Ж.Жалолов,  
профессор (ТДПУ)*

**Аннотация:** филология фанлари номзоди, доцент Мухаррам Ҳаётовна Алимованинг илмий-педагогик фаолиятига бағишланган халқаро анжуман учун тайёрланган мақолада юбилярнинг филология ва чет тил ўқитиш соҳасига кўшган сезиларли ҳиссаси борасида фикр юритилади.

**Таянч сўзлар:** филология, чет тил, илмий марказ, чоғиштирма лингвистика, интеграция, таълим-тарбия, тил амалиёти.

**Аннотация:** в статье излагаются мысли о научно педагогической деятельности кандидата филологических наук, доцента Мухаррам Хаятовны Алимовой в связи с ее юбилеем и осерьёзном вкладе учёной в развитие филологической науки и методики преподавания иностранных языков.

**Ключевые слова:** филология, иностранный язык, научный центр, сопоставительная лингвистика, интеграция, образование, языковая практика

**Resume:** the article deals with connection of the anniversary and scientific pedagogical activity of the candidate of philological sciences, associate professor Mukharam Khayatovna Alimova and her serious contribution in developing philology and methods of teaching foreign languages.

**Key words:** philology, foreign language, scientific center, contrastive linguistics, integration, education, language practice.

Турли макон билан боғлиқ ходиса ва воқеалар ўз замонасига кўра турфа ўзгаришларга юз тутиши мумкин. Баъзи мисолларга мурожаат қиламиз: Бундан минг йил олдин ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қиладиган аҳоли вакиллари замон зайли билан араб ўлкаларига бориб таълим ва тарбия олишган. Бунинг асосий сабаби ўша минтақаларда араб, аниқроғи ислом цивилизациясининг юқори бўлганлигидадир. Халқимиз яхши биледи, ватандошимиз ал-Хоразмий, ал-Фарғоний ва кўплаб бошқа буюк сиймолар Боғдод ёки Миср каби илм-фан тараққий этган жойларда тадқиқот олиб боришган ва улар ёзган асарлар араб тилида бўлганлиги муносабати билан, у даврларда унча ривожланмаган Фарбий Европа мамлакатларида номлари келтирилган бобокалонларимизни араб олимлари сифатида тан олинган.

Келиб чиқиши Хоразмлик бўлган Ал-Хоразмийнинг Ал-жабр (Алгебра) асари ҳануз жаҳон таълим тизимида ўз ўрнига эга. У кишининг лотинлаштирилган отлари Алгоритм аниқ фанларнинг асосини ташкил этадиган терминлар сирасига қиради. Ал-Фарғоний (асли ҳозирги Қувада туғилиб ўсган.) Боғдоддан ташқари Мисрга бориб Нил дарёсини ўлчайдиган асбоб яратганлиги жаҳон олимларига маълум. Қўшимча қилиб айтишимиз жоизки, буюк диний арбобларимиздан Нажмиддик Кубро Мисрда таълим олган ва кейинчалик кубравия тариқатига асос солган яна бир Хоразмлик йирик алломадир. Гап шундаки, юқорида таъкидлаганимиздек, ўша

диёрларга бориб буюклик мақомига эришган ватандошларимиз учун ўз юртларида тегишли имкониятлар бўлмаганлиги боис шундай қилинган бўлиши табиий.

Қисман юқоридаги ҳолатнинг акси сифатида айтиш мумкинки, ўрта асрларга келиб у ўлкаларнинг вакиллари, жумладан, Хуросоннинг ўта буюк сиймолари Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий кабилар Самарқанд шахрига келиб ўз билимларини ва ижодларини ривожлантиришга муваффақ бўлишган. Яна бир карра эслатамиз, Самарқанд пойтахти азим ҳисобланганлиги бу ерга сон-саноксиз ижодкорларнинг келишларига асосий сабаб бўлган.

Яхшими-ёмонми, йигирманчи асрда халқимиздан етишиб чиққан олимлар Собиқ Иттифоқнинг йирик илмий марказларида таҳсил олдилар ва уларнинг катта армияси ҳозирги кунда ҳам миллатимизга турли соҳалардан билим бериш билан машғул бўлиб келишмоқда.

1970-йиллар охирлари ва 1980-йилларнинг бошида ўзбек зиёли аёллари орасидан ўз қобилияти билан алоҳида ажралиб турадиган, қаҳрамонимиз Муҳаррам Ҳаётовна Алимова Москва Давлат Университетида инглиз тили филологияси бўйича аспирантурани ўтади ва ўзбек, рус, инглиз, тожик тилларининг чоғиштирма типологияси соҳасида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, она шахри Бухорога ёруғ юз билан қайтиб келди.

Ўтган асрнинг эллагинчи йилларидан бошлаб йигирманчи аср бошларигача юзлаб, минглаб ўзбек йигит қизлари Москва, Петербург, Киев а бошқа илмий мактабларда ўз даврининг етакчи олимларидан илм-фан сирларини катта қизиқиш билан ўрганишди. Демакки, замон ўзгарганлиги маконга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қўймади.

Юбиляримиз илмий-педагогик фаолияти ҳақида ўйлаганимизда, у кишининг Бухорои шариф тарбиясини кўрганлиги пойтахт Тошкент (Низомий номидаги ТДПУ) илмий мактаби ютуқларидан баҳраманд бўлган. М.Ҳ.Алимова жаҳоннинг машҳур илмгоҳларидан МДУда илмий тадқиқоти натижаларини манзур эта олганлиги юбиляримизнинг ҳаётидаги энг бахтли онларидан десак муболаға бўлмас.

М.Ҳ.Алимова номзодлик диссертациясини ёқлаганидан сўнг Бухоро давлат институти (кейинчалик университети)да илмий-педагогик фаолиятини ёш авлодга фан сирларини ўргатиш борасида, жонбозлик кўрсатиб келди. Таълим масканида ишлаган йилларида кўплаб шогирдлари(магистратура ва бакалаврият талабалари)га илмий раҳбарлик қилди. Шу билан мувозий тарзда ўзининг ҳам илмий салоҳиятини янада кўтаришга саъи-харакатини давом эттирди, юздан ортиқ илмий мақолалар, иккита монография ва иккита ўқув қўлланмасини кенг талабалар ва ўқитувчилар оммасига эълон қилди.

Олиманинг илмий мақолалари нафақат Ўзбекистонда, балки Москва, Германия, Англия, Латвия, Австрия каби жаҳоннинг йирик илмий марказларида ҳам маълум ва машҳурдир.



Сўнги йилларда М.Ҳ.Алимова республикамизнинг йирик педагогик марказларидан бўлмиш Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Чет тиллар” факултетининг “Инглиз тили назарияси ва ўқитиш методикаси” кафедрасининг етакчи педагог олимлари қаторида жамоа профессор-ўқитувчилари ва талабалари эътироф этган инглиз тили назарияси ва амалиётининг билимдони сифатида ўзини намоён этиб келмоқда.

Мухаррамхоннинг кўп сонли олимлардан жиддий фарқи шундаки, теран илмий салоҳият соҳибаси бўлиши билан бирга, тўртта(ўзбек, рус, инглиз, тожик) тилда илмий ишларини баён эта олиши ва эркин лекция ўқий олишларини алоҳида таъкидлашни лозим топамиз. (Ҳазил изоҳ: демакки, юбиляримиз бир тилда лекция ўқийдиган профессор-ўқитувчиларимиздан тўрт баравар кўп маош олишлари мумкин экан.) Фақат бир тилда дарс берадиган фан докторлари хафа бўлишмасин-у, юбиляр олимамизнинг тил билишга бўлган қобилиятини эътироф этиш учунгина бу жумлани киритдик.

Мана энди, дўппини олиб кўйиб бир ўйлаб кўрайлик, бизнинг қахрамонимиздек алломадан таълим олган шогирдлар келажак учун ҳар томонлама мукамал билим соҳиб бўлишларига имонимиз комил. Бундай ноёб истеъдод эгалари жамиятимизнинг соҳавий устунлари деб аталишга арзигулик шахслардандир. Олимамизни бундай ҳамду-саноларга лойиқлигининг боиси шундаки, дунёнинг кўпчилик ҳавас қиладиган масканлари Бухоро, Тошкент, Москва ва бошқа бир қанча илмий марказларда таълим тарбия олганлигидадир. Шу ўринда айтиш жоизки, М.Ҳ.Алимова Англияда ҳам муваффақиятли илмий-амалий сафарларда бўлган.

Жаҳон ҳамжамиятида интеграция жараёни амалга ошаётган бир пайтда Ўзбекистон иқтисоди, сиёсати ва бошқа жабҳаларида ҳам бундай ҳодисага интилиш бошланган. Ривожланган мамлакатларнинг ҳаётдан ўртак олиш ва уларга астойдил эргашиш илм-фаннинг тараққиётига ва у билан ҳамнафас бўлиш учун жаҳон тилларини пухта эгаллаш улкан аҳамият касб этади. Ер шарининг биринчи тили ҳисобланмиш инглизча ёки бошқа тилларда мулоқот қилиш фан ютуқларини ўзлаштиришдек устувор масалани ҳал қилишда тилчиларимизнинг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Сизни туғилган санангизни нишонлаш палласида чин қалбимиздан табриклаймиз ва Оллоҳ берган умрни чиройли ўтказишингизда каттадан-катта муваффақиятлар ёр бўлсин деб қоламиз.

## ИБРАТЛИ ОЛИМА

*С.С.Саидов,  
профессор-германист (БухДУ)*

Ҳаётда қандай одамлар бўлмайди ва улар билан учрашмайди киши. Баъзи кишиларни илк бор кўрганингдаёқ меҳринг тушади, ажиб оҳанрабои билан висолига муттасил чорлайверади. Нега деганда, у ички дунёсининг бойлиги, гўзал ташқи қиёфаси, кийиниш ва гапириш маданияти, ширинсуханлиги, хушмуомалалиги, камтарлиги каби инсоний хислатлари билан бошқалардан ажралиб туради, кишини ўзига тортиб мафтун этади. Такрор-такрор учрашганинг ва, суҳбатлар курганинг ва, маънавий оламининг очилмаган қирралари тобора очилаверади. Бундай кишига тобора яқинлашиб боргинг ва тез-тез кўргинг келаверади. Ана шундай кишилардан бири филология фанлари номзоди, доцент Мухаррамхон Олимова бўладилар. Мен бу кишини 1964-йилдан-эндигина ишни бошлаган даврдан биламан. Мен ўшанда диссертациямни ҳимоя қилиб қайтган бўлганман. Тез орада немис филологияси кафедрасининг мудирини, кейинчалик чет тиллар факультетининг декани этиб сайланганман.

Ўшанда факультетда ҳамма ёшлар, мендан бошқа илмий даражали киши йўқ. Мен факультет декани сифатида илмий кадрлар етиштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйганман. Бу вазифани амалга ошириш учун эса Москвалик, Ленинградлик, Киевлик олимларни ишга ёки давлат имтиҳони ГЭК раислигига таклиф қилганман. Ана шулардан бири жаҳондаги кўзга кўринган Ломоносов номидаги Москва давлат университети (МГУ) тилшунослик кафедрасининг профессори О.А.Широков саналади. У киши ГЭК комиссиясининг раиси бўлиб келиб, Бухорода бир ойча турди. Жамоа аҳли бир ой давомида ҳурматли профессорнинг иззат-ҳурматини жойига қўйди. Ниҳоят профессорнинг ўзлари: “Хўп, менга қандай хизмат бор, факультетга қандай ёрдам беришим мумкин?” деб сўраганларида: “Бизга илмий жиҳатдан ёрдам берсангиз, ёш кадрларимизга илмий раҳбар бўлсангиз” деганман.

Ўша куннинг ўзидаёқ Мухаррам Хаётовна ва Тамара Ивановнани О.С.Широков суҳбатига чақирганман.

Суҳбат ижобий тугагач, ҳар икковларини янги ўқув йили бошланиши билан Москвага -МГУга О.С.Широковга юборганмиз. Ҳар икковлари ишонччи оқлаб, уч йил давомида илмий ишларини ҳимоя қилиб, ўзлари ишлаган факультетга қайтиб келдилар.

Шу йўлни, шу позицияни давом эттириб, домла Тошевни Москва, Шодмоновни Киев чет тиллар институтига, Бозоров, Азимов, Нурмуродовларни Ўзбекистон Фанлар Академиясига ўқишга юборганмиз. Булар ҳам илмий ишларини ўз вақтида ҳимоя қилиб ишга қайтиб келдилар. Шундай қилиб, қисқа вақт ичида факультетда бир нечта илмий даражали кадрлар етишиб чиқди.

Факультетимиз ўша йиллари (1970-1990 йиллар) илмий салоҳияти жиҳатидан Республика Олий Таълим Вазирлигида биринчи ўринда турарди.

Мана, орадан бир-бирини қувлаб бир неча йиллар ўтди. Бу йиллар давомида Муҳаррам Ҳаётовна қайта-қайта инглиз филологияси кафедрасининг мудири, факультет декани бўлиб ишлади. Домла қайси лавозимда ишлаган бўлмасин, бировни ранжитганини эшитганим йўқ, фикр-у зикри одамларга яхшилик қилиш, тўғри йўл кўрсатишдан иборат бўлган ва бўлиб келмоқда. Шу боисдан ҳам ўзи ишлаган ва ишлаётган жамоанинг хурматига сазовор бўлган ва ҳозир ҳам Тошкент Давлат Педагогика университети жамоасининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлмоқда.

Мен Муҳаррам Ҳаётовнадек ўз касбини севадиган, ўз фанини чуқур биладиган, фидойи, камтарин, хушфёъл, хушчакчак, маданиятли, нафасидан бол томиб турадиган, бировга озор етказмайдиган, барча хотир-қизларга ибрат бўла оладиган кадрдон домла билан фахрланаман.

Домла 75 ёшга қадам қўйибдилар. Бироқ у кишининг ҳатти-ҳаракати, интилиши, меҳнат қилиши 40-45 чамасидаги аёлларга ўхшайди. Истардимки, бу нуруна кўриниш, тетик меҳнат фаолияти кўп йиллар давом этсин.

Шу қутлуғ кунларда мен у кишига мустаҳкам соғлик, узок умр тилайман. Ўтган йиллар давомида ҳар жиҳатан намунали, ибратли аёл бўлиб келганлар ва бир умр шундай бўлиб қолсинлар.

Бундан кейинги орзу-умидларининг амалга ошишида тилақдош кадрдон дўст бўлиб қолурман.

Бухоро 22.12.20

## CONGRATULATIONS FROM CANADA!

*D.A.Xasanova,  
Doctor of science, a lecturer from the University of British Columbia,  
Vancouver (Canada)*

Happy birthday to our dearest and most beloved mentor Mukharram Hayatovna. I wish you all the best. May your life be full of happiness and joy. You have done so much for your students and all of us thank you for being our caring supporter and wise advisor. You are the epitome of diligence and embodiment of determination. I, personally, thank you for your trust and belief in me. You were the first one to see strong academic and administrative potential in me. You were there for me when I took my first trip abroad as the youngest department head at BSU and you gave me your blessing when I left the university to pursue my post-graduate degrees in the USA. The lessons I learned from you helped me a lot to achieve professional success in North America. I am proud to be your student and will do my best to make your legacy flourish!

## MEHRIBON ONA, G`AMXO`R USTOZ VA SALOHIYATLI OLIMA

*A.A.Haydarov,  
dotsent, filologiya fanlari nomzodi (BuxDU)*

Hayotda shunday insonlar bo`ladiki, ular hamisha jamiyatda ezgu fazilatlar bilan, qalbi daryoligi, g`amxo`rligi, mehribonligi bilan ajralib turadi.

Ana shunday ezgu fazilatlar sohibasi, aziz ustozim Muharram Hayatovnadirlar. Domlo bilan dastlab 1974-yilda Buxoro davlat pedagogika instituti Chet tillar fakultetiga o`qishga kirganimda uchrashganman. O`sha yillar domlo fakultetimizdagi yosh, iqtidorli, qattiqqo`l, talabchan domlolarimizdan biri edilar. Muharram Hayatovnaning siyratlariga ta`rif beradigan bo`lsak, bu ajoyib inson taniqli olima, talabchan va g`amxo`r ustoz, mehribon ona, havas qilsa arzigulik oqila buvi, sadoqatli do`st... Bunday ta`riflarni uzoq davom ettirish mumkin va albatta bu xislatlarni biz shogirdlar o`zimizda mujassamlashtirishga harakat qilganmiz.

Esimda, Muharram Hayatovna 2-kursda bizning kursimizga rahbar etib tayinlandilar. Guruhimiz inoq, bir-birimizga g`amxo`r, bir maqsad sari intiladigan, kurs rahbarimizga juda hurmatimiz baland talabalar edik. Kurs talabalarida shunday oliyanob xislatlarni shakllantira olgan ustozimiz rahbarligida juda ko`plab ma`naviy tadbirlar uyushtirardik. O`sha davrda ``Navro`z`` bayramini nishonlash ta`qiqlangan davrlar edi. Lekin, Muharram Hayatovna institut rektori (Ollah rahmatiga olsin) Juma Namozovdan ushbu tadbirni universitet yig`ingohida o`tkazishga ruxsat olganlarini aytganlarida biz qanchalik quvonganimizni so`z bilan ta`riflash qiyin.

Xullas, tadbirga tayyorgarlik ishlari boshlandi, biz sun`iy daraxtlar, metaldan lolalar tayyorladik, taxta chiqindisini yashil ranglarga bo`yab, go`yo maysadek polga to`shadik. O`shanda zalda haqiqiy bahor nafasi ufurib turdi. Zalni juda chiroyli qilib bezadik. Bahoriy taomlar tayyorlab, stollarni bezadik. Muharram Hayatovna, rahmatli turmush o`rtoqlari Sayfiddin Amonovich (Ollah rahmatiga olsin) bilan S.Ayniy teatridan aktyorlar kiyadigan kostyumlarni olib keldilar. Men o`shandyoq turmush o`rtog`ining ustozim hayotda erishgan yutuqlarining barchasida yelkama-yelka turganligini, u kishiga nisbatan chin insoniy xislatlarini namoyon qilganliklarini dildan his qilganman va hayotda o`zim ham turmush o`rtog`imga nisbatan shunday munosabatda bo`lishga harakat qilganman. Aytmoqchimanki, ustoz shogirdlariga nafaqat ilm berish, balki hayot darsidan ham saboq beradi va o`zi bu borada shaxsiy ibrat ko`rsatadi.

Domlo bizning kursimizga ikki yilgina rahbarlik qildilar va 1977-yilda Lomonosov nomidagi Moskva davlat universitetiga uch yilga ilmiy xizmat safariga yuborildilar. Uch yillik aspiranturadan so`ng professor O.S.Shirokov rahbarligida nomzodlik dissertatsiyasini muvaffaqiyatli himoya qildilar va yana qadrdon ilm dargohi Buxoro davlat pedagogika institutida faoliyatlarini

davom ettirdilar. O`sha yillari biz oliygohni tugatib, xalq ta`limining turli jabhalarida faoliyatimizni boshlagan edik.

Oliygo`hni tugatgandan keyin ham ustoz bilan yaqin aloqda bo`lib turdim, bu aloqalar keyinchalik oilaviy bordi-keldilarga aylandi.

1993-yilda ustozim meni kafedraga ishga taklif etdilar va biz yana domlo bilan yaqin aloqada bo`lib, birga faoliyat ko`rsata boshladik.

Muharram Hayatovna nafaqat ilmda, balki zukko, talabchan rahbar sifatida bir necha yillar Xorijiy tillar fakultetida dekan lavozimida faoliyat ko`rsatdilar, shu bilan birga Ingliz tilshunosligi kafedrasida 20 yildan ortiq mudirlik lavozimida halol va faol ishladilar. Kafedra mudiri sifatida ko`plab iqtidorli, ilmi shogirdlarni atroflariga to`pladilar. Hozirgi kunda Z.Rasulov rahbarlik qilayotgan ``Ingliz tilshunosligi`` kafedrasining to`qson foiz o`qituvchilari Muharram Hayatovna tanlagan, ishga qabul qilgan yoshlardir.

Men shu kafedraning bir a`zosi sifatida ustozim Muharram Hayatovnadek oliyjanob insonning shogirdi ekanligimdan faxrlanaman va u kishidan bir umr minnatdorman.

Bugun o`zining qutlug` 75 yoshlarini farzandlar, nevarayu-evaralar, shogirdlar davrasida nishonlayotgan aziz va mo`tabar ustozim, mehribon ona, ga`mxor ustoz va salohiyatli olima Muharram Hayatovnani chin qalbdan tabriklab, u kishiga mustahkam sog`lik, uzoq umr tilayman. Hammamiz baxtimizga omon yurishlarini, bizlarga beg`araz maslahatlar berishdan charchasliklarini Yaratgandan so`rayman.

## ДУОГҲЙ УСТОЗИМ

*З.И.Расулов,  
доцент, филология фанлари номзоди (БухДУ)*

Инсон камолотига турли омиллар таъсир этади. Шулар орасида устозларнинг ўрни ниҳоятда беқиёс. Ҳар биримизнинг муайян даражага эришишимизда уларнинг ҳам илм, ҳам ҳаёт соҳасидаги сабоқларига таянамиз. Зеро, устозларнинг ота-оналаримиз каби улуғлиги ҳам шундадир.

Мен ўз ютуқларим омилларни, албатта, устозим Мухаррам Хаятовна Алимова номи билан боғлайман. Талабалик йилларимдан ёш ниҳолни ардоқлаган мисоли фанга оид алоҳида топшириқлар билан бизни кўмиб ташлаган, ўз шахсий кутубхонасидаги гавҳарга тенг китоблар билан баҳам кўриб, биздаги учкунни алангага айлантира олган азиз устозим нафақат илму урфон, балки бизга бир умрга етадиган малака ва кўникмалар билан куруллантирди.

Бугунги кунда олий таълимда муваффақият билан фаолият юритиш мушкул иш. У мутахассисдан фидойиликни, изланувчанликни, ҳалолликни, жонқуярликни, омилкорликни, олдинни кўра билиш каби малакаларни талаб қилади. Мен айнан шу хисслатларни устозим Мухаррам Хаятовнанинг узок йиллар кафедра мудири, факультет декани лавозимларида ишлаган даврларидан ўзлаштирганман, десам муболаға бўлмас. Ҳозирги кунда ҳам ечими ғалис вазиятларни, албатта, устозимнинг тутган йўлига қиёслаб: Мухаррам Хаятовна шундай йўл тутган бўлардилар, дея ўз қароримни чиқараман. Зеро, устозим ўз фаолияти давомида маваффақиятли раҳбар сифатида жамоа олдида шараф қозонди.

Халқимизда олтин олма, дуо ол, деган доно нақл бор. Маваффақиятларингиз сири нимада, деганларида мен, албатта, устозларимнинг дуоси, деган булардим. Айнан уларнинг дуоси бизни ёмонликдан, бадниятлардан, турли негативлардан асрайди. Бугун қутлуғ 75 йиллик баҳорини нишонлаётган дуогўй устозимизга чексиз миннатдорчилик билдирган ҳолда узок умр, сихат саломатлик, бир биридан ўтқир шогирдлари, фарзанду неваралари ардоғида кексалик гаштининг сурурини кўришларини тилаб қоламан. Келгуси юбилейларини нишонлаш ҳам ҳаммамизга насиб этсин.

## “ИНСОН” ДЕГАН НОМГА МУНОСИБ УСТОЗ

*М.М.Рахматова,  
доцент, PhD (БухДУ)*

*Келдинг оламга демак  
Етмас уни сўрмак, емак,  
Ерни этмоғинг керак  
Бўстон ўзинг, ризвон ўзинг  
(Э. Воҳидов)*

Бу фоний дунёда *Инсон* деган номни кўтариб юрмоқликнинг ўз гашти, масъулияти ва албатта боқий дунёда жавобгарлиги муқаррар. Ҳаётимизнинг ибтидосидан интиҳосига қадар неки синовларга юз тутмайлик инсон номига доғ туширмасдан яшаб ўтиш ҳар биримизнинг масъулиятимиз экан, инсон бўлишликнинг гашти эса ўзи сингари инсонлар ардоғида бўлишлик, бир вақтлар ўзи суғорган меҳр гулзорининг гуллари атридан сармаст бўлиб бу ҳаётдан мамнун, берган синовларидан мустаҳкам, чархланган иродадан масрур бўлишлиқдир.

Устоз Олимова Муҳаррам Ҳаятовна менинг ҳаётимга кириб келганда 17 ёшга тўлмаган ёш қиз эдим. Ҳаёт фақат ёшлик масрурликларидан иборат деган тасаввурда бўлган ёш қизлар сингари устозимиз М.Ҳ. Олимованинг тарбиясини олишлик мен учун ҳам машаққатли кечган. Биз, ёшгина талаба қизлар университет домласи аудиторияга киргандан сўнг “дарс бериб чиқиб кетиши керак” деган тасаввурда эдик. Лекин Муҳаррам Ҳаятовнадан ҳар доим ўз вақтида бўладиган маърузаларида нафақат чуқур илм, унданда муҳимроқ бўлмиш инсон ва ифбатли ўзбек қизи бўлишлик дарсларини олардик. Устознинг ҳар бир сўзи, имо ишораси ва ҳатто танбеҳи ҳам бизни тўғри йўлга солар, ифбатли ўзбек қизи эканлигимизни эслатар, инсон бўлишликка ундар эди. Ҳар кимга ҳам Оллоҳ ўз машаққатли ҳаёт йўлида гўзал инсонларни учратишни насиб этсин экан. Бугун 24 йил илгари ҳаётимга шундай бир устоз кириб келганидан фаҳрдаман.

Муҳаррам Ҳаятовна касбига садоқатли ва шу қаторда масъулиятли раҳбар сифатида ҳам биз шогирдларининг қалбидан жой олган фидоий инсон! Эсимда Бухорои Шарифдан азим Тошкент томон илм истаб, магистратура босқичида таҳсил олиш учун қадам қўйдим. Бухородан 700 километр узоқликда жойлашган бу шаҳар анча одимлаган цивилизация янгиликлари билан, унга мослашиш учун машаққатли шартлари билан мени кутиб олди. Бухорода олийгоҳни битириб кетган бўлсамда, устозимиз М.Ҳ. Олимованинг меҳр ва оқибатини азим Тошкент шаҳрида ҳис қилиб илм олар эдим. Чунки устозимиз ҳар Тошкентга келганларида биз шогирдларидан хабар олар, машаққатли дамларда далда бўлар, хато қилганимизда тўғри йўл кўрсатар ва бу азим шаҳарда якка эмаслигимизни ҳис эттирар эди. Бу шаҳарда ёш, илмли қиз сифатида ўзимни қайта кашф



этдим, бунда ота она ўғитлари, устоз берган инсонийлик тарбияси мени янада улғайтирди, орзуларим томон етаклади. Ҳозир ўйлаб қарасам, Мухаррам Ҳаятовна келажакни кўра олганликлари учун ҳам йигирма беш йил олдин ҳозирги янги цивилизация остонасидаги янги Ўзбекистон учун муносиб кадрларни ўз оналик меҳри, олим илми ва устозлик масъулияти билан тарбиялаган эканлар.

Бугунги кунда мен ҳам устозман, олима ва онаман, лекин авваламбор бу ҳаётда “Инсон” деган номга муносиб бўлишлик устозларим томондан қулоғимга қуйилган. Инсон бўлишлик масъулияти ва жавобгарлиги қанчалик катта бўлмасин унинг гаштини суришлик шунчалик бахтдир. Бундай масрурлик гаштини шогирдлар ардоғидаги устозим мисолида кўрмоқдаман.

## IBRAT MAKTABI FARISHTASI

*M.J.Oripova (TDPU)*

Ma'lumki, yoshlarga ta'lim tarbiya berish uchun ustoz chuqur bilim va tajribaga ega bo'lish bilan bir qatorda shogirdlarning ilm olishga bo'lgan intilishlari, orzu istaklari va ularning kechinmalarini ham qalban his eta olishi lozim. Bunday noyob fazilat esa hamma ustozlarga ham berilavermaydi. Ana shunday xislatlarga ega, to'rtta, ya'ni o'zbek, tojik, rus va ingliz tillarini mukammal o'zlashtirgan, teran ilmiy salohiyat sohibasi, tilshunos olim, filologiya fanlari nomzodi, dotsent Alimova Muharram Xayatovnaning hayot yo'llari, shaxsiy hayotlari va ilmiy pedagogik faoliyatlari haqida so'zlar ekanman, ustozimning barcha sohalarda ibrat timsoli hamda yosh avlod uchun yo'lchi yulduz ekanliklarini faxrlanib to'xtovsiz aytgim keladi.

Ustoz shogird tanlashda ularning iqtidori, fanga fidoyiligini asosiy me'zon qilib belgilaydilar. Tabiatan xushfe'l bo'lsalarda shogirdlaridan ijro intizomini qat'iy talab qiladigan, zamonamizning ilg'or fikrlovchi olim ayoli deb bilaman men ularni.

1993 -1995 yillar Buxoro davlat universitetida tahsil olib yurgan kezarim ustoz ingliz tilshunosligi kafedrasining mudiri vazifasida ishlar edilar. Alimova Muharram Xayatovnada go'zallik, ochiq chehra va yuksak muomala madaniyati mujassam bo'lib, shogirdlarga nisbatan nihoyatda gamxo'r va mehribon edilar. Ustoz ayniqsa bilimli talabalarga alohida e'tibor berib ularning ilm olishlariga ko'maklashar, doimo ularni qo'llab quvvatlab kelar edilar. Ustoz chin ma'noda qizlarga ham ona ham dugona edilar. Biz ularndan ilm olish bilan birga kelajakda yaxshi uy bekasi, vafodor yor, mehribon ona bo'lish sirlarini ham o'rganganmiz.

Ayni damda tinib tinchimas ustozim dosent Alimova Muharram Xayatovna Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti chet tillar fakulteti " Ingliz tili nazariyasi va o'qitish metodikasi " kafedrasida o'z faoliyatlarini davom ettirmoqdalar. Ular sanoqsiz ilmiy maqolalar muallifi, yosh tadqiqodchilarga ilmiy rahbar, fakultetiimiz jonkuyar maslahatchisi hamdirlar.

Tilshunos olim, samimiy va oqko'ngil ayol, ikkita o'g'ilning mehribon onasi, shirindan- shakar nevaralarning suyukli buvijonisi Alimova Muharram Xayatovna ushbu muborak 75 yoshda ham ijod bilan band. Ilmiy pedagogik faoliyatlari davrida 100 dan ortiq maqola va tezislari salohiyatli ilmiy jurnallarda nashr etildi. 40 dan ortiq magistrlik dissertatsiyalari va 100 ga yaqin malakaviy bitiruv ishlariga rahbarlik qildilar. Ikki monografiya va ikki o'quv qullanmani nashr ettirib, talabalar foydalanishi uchun taqdim etdilar. Buning hammasi tinimsiz mehnat, qalb qo'ri va kasbga bo'lgan muhabbatning samarasidir. Men va kursdoshlarim ustozning Qiyosiy grammatika va Ingliz tili morfologiyasi nomli o'quv qo'llanmalaridan davlat dasturidan o'rin olgan "Til aspektlarini o'rgatish amaliyoti" fanidan darslarimizni tashkil etishda foydalanib kelamiz. Ustozning rus va ingliz tillarda yozgan ko'plab ilmiy maqolalari nufuzli chet el jurnallaridan joy olgan. Bundan tashqari ustoz yoshlarning ma'naviyatini shakllantirish, ularning komil inson bo'lib yetishlari uchun o'z xizmatlarini

ayamay kelmoqdalar. Jonkuyar olim ustozim fakultet xotin qizlar kengashi bilan hamkorlikda tashabbuskor bo'lib talaba qizlarga oila muqaddas qo'rg'onligi, unga hurmat bilan qarash to'g'ri ekanligi haqida ko'p bor uqtiradilar.

Muharram Xayatovna men sizdan kasbga bo'lgan muhabbat va sadoqatni o'rgandim. Bugungi kunda sizdek buyuk inson bilan birga O'zbekistonning nufuzli universitetlaridan biri Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universitetining Chet tillar fakultetida siz bilan yelkadosh bo'lib ishlash nasib qilganidan cheksiz baxtiyorman. Sizdan ustozlik kasbining sir asrorlarini o'rganib kelmoqdaman. Siz men uchun ham ona, ham ustoz ham maslahatgo'y. Farishta misol ustozim sizdan bir umr qarzdorman va boshim yerga tekkuncha ta'zim qilaman sizga ustoz.

Onajon ustozim Muharram Xayatovna! Yillar aziz umringiz shodasini asta-sekin to'ldirib borayotgan marvaridlardir. Har bir mavjida Sizning jamiyat, madaniyat, ta'lim, tarbiya, fan sohalari, universitet – ilm maskani va oila – muqaddas dargohdagi o'ringiz, xizmatlaringiz, yutuqlaringiz, demakki, qoldirgan izlaringiz jilolanib turadi. Yurtimizning har bir burchagida saboqlaringiz tufayli millat kelajagini ingliz tili va madaniy boyligidan bahramand etayotgan minglab shogirdlar sizning izdoshlaringizdir. Har bir darsida yangrayotgan so'z va hikmatlaringiz, tatbiq qilinayotgan o'git-u maslahatlaringiz bilan tarbiyalanayotgan yosh avlod – millatning intellektual negizi – ilmu - amallaringiz majmuyi muhtasham inshootdir. Tavallud kuningizda shunday izlar qoldirib, biz uchun ibrat timsoliga aylanganligingizni his etishingizni istardim. Yana istardimki, shogirdlar, hamkasb-u safdoshlar, ahli ilm va ahli oila davrasida doim xushbaxt va salomat bo'ling. Ulug' niyatlaringiz ro'yobini, farzandlar va nevara-yu evaralar kamolini ko'rib, piri badavlatlik gashini surib yashang, Ustoz! Tavallud kuningiz muborak bo'lsin!

Dunyoda yagona qalbi ummonim,  
Hammadan a'losiz, Siz qadrdonim.  
Mehrda daryosiz, shirin zabonim,  
Sizni asrasin Parvardigorim!  
Mehringiz oldida egib boshimni,  
Tangridan umringiz tilab yuraman.  
Yuragi pokiza, hazrati inson,  
Sizni Olloh, uchun yaxshi ku'raman.  
Dedilar: dunyoda asli kim aziz?

Aytdilar: ustozdir, ustoz begumon.

Tag'in aytdilarki: aziz shubhasiz

Ustoz qadriga yetolgan inson.

## TERAN NAZAR SOHIBI VA SHIJOATLI QALB EGASI

*X.X.Umurova,  
katta o`qituvchi (BuxDU)*

*Dunyolardan qadrlisiz qadrligim,  
Hammadan ham aziz desam arzirligim,  
Bu dunyoda eng musaffo, pok dilligim,  
Boringizga shukr deyman, qalbi to`la mehrligim!*

Darhaqiqat, ham hayotda, ham kasbda namuna bo`la oladigan ustozlarimizdan biri Muharram Hayotovnadirlar.

1990-yillar edi. Rahmatli sobiq rektorimiz, professor Farhod Habibovich Xorijiy tillar fakultetida Ispan filologiyasi ta`lim yo`nalishini ochgandilar. Men ispan tili o`qituvchisi sifatida ishga qabul qilingandim. BuxDUda dastlabki ish boshlagan kunlarimdan oq, Muharram Hayotovnaning tashabbuskorligi, jamoatchiligi, vazifasiga sidqidildan yondashishi, muomala madaniyati, kamtarligi va samimiyligi tufayli fakultet va universitet jamoasi nazariga tushganlarini sezganman. O`sha davrda Tamara Ivanovna, Muhabbat Qayumovna, Ra`no Jumayevna, , Salomat Gulyamovna, rahmatli ustozlarimiz Muhabbat Qurbonovna, Roman Tolibovich, Yozil Hamroyevich, Mamarajab Sulaymonovichlar bilan birga faoliyat yuritganmiz.

Har kuni barcha kasbdoshlar birgalikda tushlik qilardik. Muharram Hayotovna o`z bog`laridan bizlarga tez-tez uzum olib kelib, kafedramiz a`zolarini mehmon qilardilar. Shunda ustozning saxiyliklarini, mehmondo`stliklarini his qilganman. Ustozdagi kishilarga nisbatan iliq munosabat, onalarga xos mehribonlik, rahbarlarga xos g`amxo`rlik va adolatpeshalikning guvohi bo`lganman. Ustoz bilan bir necha yil birga ishlaganmiz. U kishi kafedra mudiri, fakultet dekani lavozimlarida bir necha yil faoliyat ko`rsatdilar.

Muharram Hayotovna do`stlikka sadoqat bobida ibratli shaxslardan biridir. Inson hayotida yaxshi kunlar bilan bir qatorda, sinovli kunlar ham bo`lar ekan. 2014-yil dekabr oyida ishdan qaytayotib, avtohalokatga uchraganimdan so`ng bir necha oy to`shakka mixlanib qolgan edim. Allohning shunday sinovli kunlarida ustozim Muharram Hayotovnaning tez-tez hol ahvol so`rab qo`ng`iroq qilishlari, Z.I.Rasulov boshchiligidagi Ingliz tilshunosligi kafedrasida a`zolarining holimdan xabardor bo`lib turishlari, bergan daldalari mening tezroq oyoqqa turishimga madad bergan. Hayotda shunday insonlarning borligi inson hayotini bezaydi va kelajakka nisbatan umid uyg`otadi.

Muharram Hayotovna nafaqat menga ustozlik qilganlar, balki qizim S.Axmedovaning magistrlik dissertatsiyasiga ham ilmiy rahbarlik qilib, ilm sirlarini o`rgatganlar. Ustozning bergan maslahatlari, ko`rsatgan yo`l yo`riqlari biz uchun hayot maktabidir.

Men xonadonimga kelin tushirayotganda ustozning bergan o`g`itlari hali-hanuz yodimda:

-Xushvaqtxon, oila a`zolaringizga, kelin va kuyovlaringizga, qudandalaringizga nisbatan xushf`e`llik bilan munosabatda bo`ling, zero oila hayotimiz qo`rg`onidir, -degan edilar. Shunda oilaning muqaddasligiga, uning inson hayotida muhim o`rin tutishiga yana bir bor amin bo`lganman.

Ustoz otangday ulug`, deydi dono xalqimiz. Qutlug` 75 yoshni qarshilayotgan Muharram Hayotovna o`zining mehnatsevarligi, bilimdonligi bilan ana shunday hurmat-e`tibor topgan ustozlarimizdan biridir. Domlani tabarruk yoshlari bilan o`zim va oila a`zolarim nomidan chin qalbimdan muborakbod etaman. U kishiga sihat-salomatlik, uzoq umr, xonadonlariga fayzu-baraka, ishlariga rivoj tilayman. Nimaiki o`ylagan yaxshi niyatlari bo`lsa, Rabbim ro`yobini bersin! Oila a`zolari, kasbdoshlari va biz shogirdlar baxtiga doimo sog`-salomat bo`lsinlar!

G`am ko`rmay, bu dunyo turguncha turing,  
Ming yillik mehnatlar huzurin ko`ring,  
Shogirdlar baxtidan shod, masrur yuring,  
Ezgulik yo`lida tolmang, ustozim!

## ЧИНАКАМ ҲАЁТ МАКТАБИ

*М.У.Саидова,  
таянч-докторант (БухДУ)*

Севимливамухтарам устозим Муҳаррам Ҳаятовнанинг муборак 75 ёшлари билан муборакбод этаман. Устозимга оллоҳдан мустаҳкам соғлиқ, тинчлик –хотиржамлик, фарзандлари ва биз шогирдлари бахтига ҳамиша саломат бўлиб юришларини, илмий ижодий фаолиятларида янада улкан зафарлар ва куч-қувват тилаб қоламан.

Мен Муҳаррам Ҳаятовнани 1997 йилдан, Хорижий филология факультетининг биринчи курсига қабул қилинганидан бери биламан. “Амалий грамматика” ва “Назарий грамматика” фанларининг сир асрорларини устозимдан ўрганганман. Устозим раҳбарликлари остида битирув малакавий ишимни ва магистрлик диссертациям ҳимояларини аъло даражада бажардим. Илмий фаолиятга кириб келишимга ушбу инсоннинг ўрни беқиёс. Уқиши берган ҳам илмий ҳам ҳаётий сабоқлардан биз шогирдлар ҳозиргача баҳраманд бўлиб келмоқдамиз. Муҳаррам Ҳаятовна Олимова ўз шогирдларига талабчан ва шу билан бирга жуда ғамхўр устоздирлар.

Биз учун чинакам ҳаёт мактабини яратиб, қалбларимизга касбга садоқат, илмга муҳаббат ҳисларини жойлаган азиз ва барчамиз учун қадрли устоз, Муҳаррам Ҳаятовнага чексиз ташаккур айтаман. Ҳамиша биз шогирдлари ардоғида бўлиб юришларини истаб қоламан.

## МУҲТАРАМ УСТОЗИМГА ДИЛ ИЗҲОРЛАРИМ

*А.Б.Қобилова  
(БухДУ)*

Илм бебаҳо бойлик, уни эгаллаш осон иш эмас. Уламолар илм олишни игна билан қудуқ қазишга ўхшатишган. Инсон шундай бебаҳо хазинанинг соҳиби бўлишида устознинг ўрни бекиёс.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам бир ҳадиси шарифда ўзидаги билим ва ҳунарни бошқаларга ўргатувчи инсонлар ҳақида: «Албатта, Аллоҳ таоло унинг фаришталари, самовот аҳли, ҳаттоки, қавакдаги чумоли, денгиздаги балиққача барчалари инсонларга яхшилик ўргатувчи киши ҳақида саловат-дуо айтиб турадилар», деб марҳамат қилганлар.

Устоз – бу ўз ҳаётини таълим-тарбияга бахшида этган фидойи инсон. Устоз – бу барчамизнинг маънавий ота-онамиз, илм-маърифатга йўлловчи, зиё тарқатувчи, меҳр ва одамийлик булоғи, ўз соҳасининг зукко билимдони, адолат ва ҳақиқат мезонидир.

“Илм ҳикмат сувни ёндирар” дейди доно халқимиз. Ҳа ҳақиқатдан ҳам илм шундай қудратга эга. Бу қудратни эса бизга илмлар султони бўлган устозларимиз беришади. 2002 йилда илк марта Бухоро давлат университетига таҳсил олиш учун келганимда, ўша пайтлар “Инглиз тилшунослиги” кафедраси мудири лавозимида ишлаб келган азиз устозим Муҳаррам Ҳаётовнани мени ва мен билан бирга ўқишга қабул қилинган талаба ёшларни талабалик бахтига эришганлигимиз билан табриклар, гўзал табассум ва самимий чеҳра билан бизни кутиб олганлар. Азиз устозим Муҳаррам Ҳаётовна, менга талабалик давримда “Амалий грамматика”, “Назарий грамматика”, “Қиёсий типология” каби фанлардан таълим бериб, менга билим ва маърифат дунёси сари йўл очиб бердилар, менинг қалбимда юксак инсоний фазилатлар ҳиссини сингдириш йўлида заҳмат чекдилар. Устозим малакавий битирув ишимга ва магистрлик диссертация ишимга раҳбарлик қилиб илм-фан йўлига кириб келишимга, қолаверса олий таълим даргоҳида фаолият олиб боришимда замин яратдилар.

Мен устозим Муҳаррам Ҳаётовна ҳақида гапирар эканман, кўнглимда чуқур ҳурмат ва эҳтиром, чексиз миннатдорлик туйғулари, шу билан биргаликда ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади.

Муҳтарам устозим Муҳаррам Ҳаётовна, сизга соғлиқ-саломатлик, умрбоқийлик тилайман. Ҳозирги шижоат ва матонатингиз сизни ҳеч қачон тарк этмасин. Ҳамиша шогирдлар ардоғида бўлишни, босиб ўтган йўлингизнинг ҳар бир лаҳзаси асрларга татигулик бўлишини тилайман ва ҳамиша биз шогирлар бахтига соғ бўлинг деб тилаб қоламан.

Ҳурмат ва эҳтиром ила шогирдингиз Азиза Қобилова.

# I-ШЎЪБА: ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИҚДА КОГНИТОЛОГИЯ ВА ЛИНГВОМАДАНИЯТ

## ТИЛШУНОСЛИҚДА МОДАЛЛИК КАТЕГОРИЯСИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

*М.М.Жўраева,  
Филология фанлари доктори, (БухДУ)*

**Аннотация.** Мазкур мақолада тилшуносликда «модаллик» категориясининг илмий-назарий асослари ёритилади. «Модаллик» категориясининг ифодаланиши ҳақида айтилган фикрлардан келиб чиқиб, дунё тилшунослигида мавжуд бўлган илмий-назарий қарашларни умумлаштирилади, «модаллик» категориясига муносабат билдирилади, шунингдек, мазкур категорияга ишчи таъриф берилади.

**Аннотация.** В статье описываются научно-теоретические основы категории «модальность» в лингвистике. На основе высказанных взглядов о категории «модальность» обобщены существующие научно-теоретические взгляды в мировой лингвистике, выражено отношение к категории модальности, а также дано определение данной категории.

**Abstract.** The article deals with the scientific and theoretical foundations of the category "modality" in linguistics. Based on the views expressed about the category of "modality", the existing scientific and theoretical views in world linguistics are generalized, the attitude to the category of modality is expressed, and the definition of this category is given.

**Калит сўзлар:** модаллик категорияси, объектив ва субъектив модаллик, матн модаллиги, функционал-семантик модаллик, тилшуносликнинг янги турлари, умумлисоний ҳодиса, феъл майллари, синхрон ва диахрон даража, семантик майдон, иллюстратив материал, тил белгиси, мантик илми, инсоний омиллар, когнитив-дискурсив ҳодиса

**Ключевые слова:** категория модальности, объективная и субъективная модальность, модальность текста, функционально-семантическая модальность, новые типы лингвистики, универсальный феномен, глагольные тенденции, синхронная и диахроническая степень, семантическое поле, иллюстративный материал, лингвистический знак, логика, человеческий фактор, когнитивно-дискурсивное событие

**Keywords:** category of modality, objective and subjective modality, text modality, functional-semantic modality, new types of linguistics, universal phenomenon, verbal tendencies, synchronous and diachronic degree, semantic field, illustrative material, linguistic sign, logic, human factor, cognitive-discursive event.

Инсон тили бениҳоя мураккаб бўлиб, унинг барча жихатларини яхлитлигича ва бирданига тасаввур қилиш ўта мураккабдир. Шундай



бўлсада, дунё тилшунослиги тарихидаги бир неча асрлик тажрибалар турли оқим намояндалари тилни тадқиқ этиш энг мақбул йўл ҳисоблаб, бу йўлда ўрганиш объектини ва унинг моҳиятини аниқ кўрсатиб бериш учун бутун умрларини сарфлаганларини кўрсатади.

Тилшунослик фани тилда бўлаётган барча ўзгаришларни атрофлича ўрганеди. Ҳар қандай фан эса, ўз навбатида, эҳтиёж туфайли юзага келади ва ривожланади. Жамият ўз тараққиётини таъминлаш учун ҳамма даврда илмфанни ривожлантириш ва унинг муаммоларини тадқиқ қилишга алоҳида эътибор бериб келади.

Инсон онги тобора ривожланиб борар экан, унинг дунёқараши, фикри, нуқтаи назари ҳам такомиллашиб, кенгайиб бораверади. Ҳар бир фанда ривожланиш бўлгани каби тилшунослик ҳам кундан-кунга тараққий топиб, турли янги оқимлар, йўналишлар, янги илмий-назарий қарашларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Бунинг натижасида эса тилшуносликнинг янги турлари пайдо бўлди: прагмалингвистика, психоллингвистика, социоллингвистика, этнолингвистика, менталингвистика корпус лингвистика, нейролингвистика, когнитив лингвистика, гендер лингвистика ва ҳ.з.

Модаллик – оғзаки нутқнинг ажралмас функционал аломатларидан бири. Модаллик категорияси тилнинг энг мураккаб ва мулоқотнинг мазмунга бой жиҳатларидан ҳисобланади. Мазкур категория нафақат табиий ва ижтимоий фан соҳаси олимларини, балки тилшунос олимларни ҳам бирдек қизиқтириб келаётган муаммолардан бири бўлиб, лексикология, фразеология, сўз ясалиши, морфология, когнитив ва матн тилшунослигида кенг қўлланмоқда.

«Модаллик (лотинча «*modalis*» – ўлчов, усул) – фикрнинг воқеликка бўлган муносабатларининг турли хил кўринишларини, шунингдек, билдирилаётган нарсаларни субъектив тарзда таснифлашнинг турлича кўринишларини ифодаловчи функционал-семантик категория» [1].

«Модаллик категорияси деб, қатор функционал-семантик модалликкатегорияларининг (*тасдиқ-инкор, реал-нореал, сўроқ, ундов, пайт, сабаб, мақсад, қиёс, шарт, ният, буйруқ, натижа, тўсиқсиз, ўрин, инкор, тасдиқ, мавжудлик, ҳолат, маслаҳат, илтимос, талаб, мумкинлик* ва ҳоказо) шаклланиб, ривожланиб, турли хил маъно нозикликларига қўшилиб, уйғунлашиб кенг функционал-семантик майдонни ҳосил қилиш жараёнида сўзловчининг объектив борлиққа муносабатини англашиб, сўзловчи ва тингловчи орасидаги коммуникатив мулоқотнинг амалга ошишида ифодаланаётган семантик маънолар мажмуига айтилади» [2].

Маълумотларда келтирилишича, «модаллик» тушунчасини фанга биринчилардан бўлиб Аристотель олиб кирган. Ўша даврдан буён модаллик бир қанча фалсафий, мантикий ва тилшунослик билимларининг асосий мавзуси бўлиб келмоқда.

Ш.Балли модал маънолар таркибига «ҳукмнинг турли нозикликлари», «сезги ва истак»ларни киритади ва модаллик

категориясини қуйидагича таърифлайди: «Модаллик – гапнинг қалби, юрагидир. У феъллар, майллар, интонация, савол ва буйруқ шакллари: модал ҳаракат (ишора), ундов сўзлар, аташ ва кўп сонли усуллар билан ифодаланади» [3].

М.К.Хэллидей фикрича, «Модаллик – мулоқотнинг муҳим функционал хусусияти, шахс орасидаги функция, мулоқотда қатнашаётган сўзловчининг ифода шакли ҳисобланади» [4].

Энциклопедик луғатларда мурожаат қилганимизда объектив ва субъектив модаллик категорияларини: «Объектив модаллик билдирилаётган фикрнинг воқеликка муносабати (реал ва нореал, имконият ва имкониятсизлик, зарурият ва эҳтимоллик каби)ни англатади ҳамда грамматик ва лексик воситалар (майл, модалсўз, юклама, интонация) ёрдамида ифодаланади. Субъектив модаллик эса сўзловчининг айтилаётган фикр (ишонч ёки ишончсизлик, розилик ёки норозилик, экспрессив баҳо)га муносабатини кўрсатади ва сўз тартиби, интонация, лексик такрор, модал сўз, юклама, ундов, кириш сўз, сўз бирикмаси ва кириш гаплар билан ифодаланади [1]» – дея таъкидланганлигини кузатдик.

Тилнинг энг мураккаб ва кенг қамровли модаллик категориясига бўлган муносабатни ҳамда модаллик категориясининг ифодаланишини таҳлил қилар эканмиз, мазкур категорияга бўлган муносабатнинг турли-туманлиги яққол намоён бўлади.

В.В.Панфиловнинг таъкидлашича, «Тилда модаллик категорияси каби турли-туман, қарама-қарши фикр билдирилган ва унинг тилдаги алоҳида маъноларининг ранг-баранг табиатичалик кўп талқин қилинган категория йўк» [5].

В.Г.Гак модаллик турига сўзловчи ва хабар берувчи муносабатидаги умумлашганликни асослайди. В.Гакнинг фикрича, «Модаллик уч босқичга бўлинади: 1) хабар бериш хусусиятига кўра – *декларатив* (Je dis que Pierre viendra) ва *перформатив* (J'ordonne que Pierre vienne) *модаллик*; 2) воқеликни билиш хусусиятига кўра – *ишонччилик* (je sais) ва *эҳтимоллик* (Je suppose), (тўлиқсиз ишонччилик); 3) муносабат хусусиятига кўра – *истак* (je veux qu'il vienne), (*ноистак ва розилик*) ва *норозилик* субъект ҳиссиётининг ифодаланиши (уйғониши) билан боғлиқ [6]» .

Е.Е.Корди модаллик категориясининг бўлаклари сифатида гапнинг тўртта функционал типини таклиф қилади: «1) *дарак* 2) *сўроқ*, 3) *буйруқ*, 4) *истак*[7]».

А.Д.Каксин хантий тилида модалликнинг ифодаланишида иллюстратив материал сифатида кўпроқ оғзаки нутқ фразаларини танлаб олади. Хантий тилида *мумкинлик*, *истак*, *ният*, *зарурият*, *керак-лозим* каби модал маъноларни ва уларнинг маъно нозикликларини ифодаловчи воситаларнинг кўплигини кузатади. [8]».

Ж.Муир модаллик категориясини англиз тили нуқтаи назаридан ўрганади, модал маъно нозикликларини эса алоҳида ажратиб, модаллик бўлимига киритади: «Феъл шакллари майл деб аталиб, улар *масдиқ, сўроқ ва буйруқ* каби модал маъноларни ифодалайди [9]».

1963 йили германист А.Т.Кривонос [10] томонидан фанга «модал юкламалар» тушунчаси киритилган.

Яна бир олим С.И.Горбачевская немис тилидаги *aber, auch, doch, ja* юкламаларини таҳлилга тортар экан, ушбу лисоний бирликлар матнлар семантикасида кенгроқ қўлланишини таъкидлайди. » [11].

С.Ў.Боймирзаева ўзбек тили материали асосида матн модаллиги муаммосини ўрганади. Модаллик категориясининг коммуникатив-прагматик хусусиятларини, матннинг когнитив ва маъновий майдонида фаоллашувчи кўрсаткичларини аниқлайди. Матн модаллигининг мазмуний турларини фарқлаш, уларни тавсифлашга ҳаракат қилади. Олима матн модаллигини таҳлил қилар экан, асосий эътиборни субъектив модаллик турларининг матнда воқеланишига қаратади: «...субъектив модаллик қуйидаги турларга бўлинади: *эмотив, эпистемик, деонтик ва аксиологик* [12]».

Ж.А.Ёқубов ўз тадқиқотида мантиқ билан тилшуносликни ўзаро боғлаб модаллик категориясининг семантик хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилган. Олимнинг фикрича, «Модаллик категорияси бир томондан мантиқ илми билан боғлаб таҳлил қилинса, иккинчи томондан мазкур семантик категория тилшуносликда лисоний бирликлар билан ифодаланади. Мантиқ ва тилнинг ҳозирги алоқалари шуни кўрсатмоқдаки, ушбу икки фандаги назарий тушунчаларнинг мос тушиши бир-биридан фарқланадиган тиллар тараққиётида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. [13]».

Тилшуносликда ушбу категорияни ифодалашда сўзловчи билан предмет орасидаги муносабатда оҳанг катта роль ўйнайди. Мулоқотнинг асосий мақсади тингловчининг руҳиятига таъсир ўтказиш ва унинг ҳиссий ҳолатини ўзгартиришдир. Шу сабабли эмоционал таъсир ўтказиш матннинг яратилишида, лисоний бирликлар танловида муҳим омил саналади. Қолаверса, модалликнинг асл моҳияти матн таркибида намоён бўлади ва когнитив-дискурсив ҳодиса сифатида талқин қилишга ундайди. Шу ўринда биз, В.В.Виноградовнинг фикрига қўшиламыз: «Матндаги модаллик билан нафақат синхрон, балки диахрон даража ҳам боғлиқдир. Модаллик категорияси универсал категория сифатида муҳокамага муҳтож, чунки у ҳар хил тизимдаги тилларда турли шаклларда намоён бўлади» [14]. Қолаверса, тилнинг асосий вазифаси инсонларнинг ўзаро мулоқотини, коммуникацияни таъминлашдан иборатдир.

Модаллик категориясини ифодалашда феълнинг *аниқлик, буйруқ, истак, шарт* майллари катта роль ўйнайди, иш-ҳаракатнинг воқеликка муносабатини ифодалайдиган феъл майллари тилнинг турли

хусусиятларини очиб беришда модаллик категорияси билан уйғунлашади.

Буни қуйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин:

| Француз тилида  | Ўзбек тилида   |
|---|--|
| Elle n'est pas revenue. Elle <i>serait partie</i> .       | У қайтиб келмади. У <i>кетган бўлса керак</i> . (тахмин)     |
| <i>Pourvu que</i> le supermarché soit ouvert.             | <i>Ишқилиб</i> , савдо маркази <i>очиқ бўлсинда!</i> (истак) |
| <i>Qu'elle prenne</i> le livre à la bibliothèque!         | У китобни кутубхонадан <i>олсин!</i> (буйруқ)                |
| Nous sommes contents que vous <i>soyez heureux</i> .      | Биз сизни бахтли <i>эканлигингиздан мамнунмиз</i> . (реал)   |
| Vous <i>devriez</i> les aider.                            | Сиз уларга ёрдам <i>беришингиз керакэди</i> . (тасдиқ)       |
| <i>Il est possible</i> que nous partions demain.          | Биз эртага <i>кетишимиз мумкин</i> . (мумкин)                |
| Le professeur <i>veut que</i> nous écrivions sans fautes. | Ўқитувчигиз <i>хоҳлайди</i> . (тақиқлаш)                     |
| <i>Je doute</i> qu'il fasse beau demain.                  | Мен эртага об-ҳавонинг яхши <i>бўлишига шубҳаланаман</i> .   |

Модаллик категориясининг намоён бўлишида бу қадар кенг имкониятлар мавжудлиги, сўзсиз, ушбу категориянинг умумлисоний ҳодиса эканлигидан ва унинг ўрганилиши тил қурилишининг моҳиятини англаш учун ғоят муҳимлигидан далолат беради.

Юқоридаги модаллик категориясининг ифодаланиши ҳақида айтилган фикрлардан келиб чиқиб, дунё тилшунослигида мавжуд бўлган илмий назарий қарашларни умумлаштириб, модаллик категориясига қуйидагича муносабат билдириш мумкин:

Модаллик – тилнинг энг мураккаб, серқирра ва сермазмун, илмий аҳамиятгаэга, мулоқотнинг мазмунга бой жиҳатларини намоён этувчи кенг қамровли тадқиқот объекти ҳисобланади; модаллик категорияси сўзловчининг реал борликқа бўлган муносабатини ифодалашда муҳим роль ўйнайди; модаллик доирасидаги категориал бирликларнинг турлари, ўхшаш ва дифференциал белгиларнинг семантик майдонда ўзаро кесишиш ҳолатлари мавжуд ҳамда модалликнинг бошқа семантик категориялар билан боғлиқлиги муҳим илмий аҳамиятга эга ҳисобланади; модаллик категориясининг вазифасини, ифодалаш воситаларини, юзага келиш шартларини, ўзига хосликларини аниқлашда асосий эътиборни

шахс ва замон категориясига қаратиш зарур; матнларни таҳлил қилишда, уларнинг лингвокогнитив ҳамда лингвомаданий хусусиятларини очиб беришда матн модаллиги ката роль ўйнайди; модаллик ва баҳолаш категориялари ўзаро узвий боғланган бўлиб, мазкур масалани ўрганиш бадий матн шароитида ўта долзарб ҳисобланади; модаллик категориясини қиёсий аспектда ўрганиш, яъни турли тизимли тилларни чоғиштириб таҳлил қилиш жараёнида, уларнинг ўхшаш ва фарқли хусусиятларини очиб беришда, дунё манзарасининг ўзига хос ички тил хусусияти ва миллий хусусиятини тасвирлашда ката ёрдам беради; модалликни ифодалашда фразеологизмларнинг ўрни беқиёс; тилшуносликдаги далиллар гап сихологик лингвокогнитив ва лингвомаданий нуқтаи назардан ёндашиб, модаллик категорияларини 5 гуруҳга ажратиш мумкин: 1) билиш ва англаш; 2) фикрлаш ва фикр билдириш; 3) мулоқот ва мулоқотга киришиш; 4) ҳис-туйғу; 5) хоҳиш-истак.

Грамматик жиҳатларни очиб беришда модаллик категориясини алоҳида ўрганиб чиқиш, айниқса, феъл майлларида грамматик восита сифатида ифодаланишига диққатни қаратиш муҳим саналади.

Модаллик категориясини тилшунослик ҳамда адабиётшунослик нуқтаи назаридан бадий-умумий таърифласак: *«Модаллик бу бутун бир олам, улкан ва тубсиз денгиз, бепоён ўрмон, чексиз саҳро, чегараси йўқ фазо, серҳосил дала, сўнмас олов, виқорли тоғ, сирли гор..., – предметлар ва гаплар орасидаги турли муносабатларни англашиб, кўплаб модал маъноларни ифодалаш учун хизмат қилганшартли тил белгиси, тилнинг энг мураккаб, серқирра ва сермазмун, илмий аҳамиятга эга, мулоқотнинг мазмунга бой жиҳатларини намоён этувчи кенг қамровли категория».*

Инсоний омиллар тилдаги турли воқеа-ҳодисаларнинг функционал мақомидаги анъанавий қарашларни ўз вақтида қайта кўриб чиқиб, ўзгартишлар киритишни тақозо этади. Шу жумладан, модаллик категориясидаги қарашлар ҳам эътибордан холи эмас.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 6 т. – Т., 2000. 38б.
2. Ёқубов Ж.А. Модаллик категориясининг мантиқ ва тилда ифодаланиш хусусиятлари. Доктр. дис. – Т., 2007. 9-12 б.
3. Балли Ш. Язык и жизнь. – М., 2003. 44–60 с.
4. Halliday M.K. System and function in language: Selected papers. Ed. By G. R. Kress London. Oxford Univ. Press. 1976. 197p.
5. Панфилов В. З. Грамматика и логика. – М., 1963. 80 с.
6. Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. Морфология. – М., Высшая школа, 1986. 44 с.
7. Корди Е.Е. Модальные и каузативные глаголы в современном французском языке. – М., 2004. 53 с.

8. Каксин А.Д. К вопросу о средствах выражения модальности в хантыйском языке. Вестник Московского университета. Сер.9. Филология. №1. 2009.56–62 с.
9. Мур Д.Э. Доказательство внешнего мира. Сост., вступит. ст. и коммент. А.Ф.Грязнова. – М., 1993. 66–84 с.
- 10.Кривоносов А.Т. О модальных частицах в немецком языке. Иркутск, 1963. 47 с.
- 11.Горбачевская С.И. Немецкие модальные частицы как иллокутивные индикаторы(опыт сравнительно-сопоставительного анализа). Вестник МГУ. Сер.19. Лингвистика и международная коммуникация. №1. - М., 2005. 21–29 с.
12. Боймирзаева С. Матн модаллиги. – Т., Фан, 2010. 151б.
13. Ёкубов Ж.А. Модаллик категориясининг мантик ва тилда ифодаланишининг семантик хусусиятлари. – Т., Фан, 2005. 62 б.
- 14.Виноградов В.В. О категории модальности и модальных словах в русском языке. Исследования по русской грамматике: избр. труды. – М.,Наука, 1998. 74 с.

## **СЎЗ МАЪНОЛАРИ КУЧАЙТИРИШНИНГ ФОНЕТИК, ЛЕКСИК ҲАМДА МОРФОЛОГИК САТҲДА ИФОДАЛАНИШИ**

*А.А.Ҳайдаров,  
доцент, филология фанлари номзоди (БухДУ)*

**Аннотация:** Мазкур мақолада сўз маънолари кучайтиришнинг фонетик, лексик ҳамда морфологик сатҳда ифодаланиши ҳақида кўз юритилган.

**Аннотация:** В этой статье обсуждается фонетический, лексический и морфологический уровень подкрепления слов.

**Abstract:** This article discusses the phonetic, lexical and morphological level of word reinforcement (exaggeration).

**Калит сўзлар:** интензивлик, компонент, семантика, фонетика, морфология, модел, маъно, фразеологик бирликлар, тилшунослик

**Ключевые слова:** интензивность, компонент, семантика, фонетика, морфология, модель, значение, фразеологические единицы, лингвистика

**Key words:** intensity, component, semantics, phonetics, morphology, model, meaning, phraseological units, linguistics

Интензивлик категорияси масалалари қадимдан тадқиқотчилар диққатини жалб этиб келмоқда. Бу борада турли қарашлар, назариялар пайдо бўлган бўлса-да, XIX асрнинг 60 йилларидан кейин бу соҳадаги илмий изланишларга эътибор кучайди. Интензивлик масаласида Г. Киркнер, Б. Чарлстон, С. Гринбаум, Д. Болинджер, Ш. Балли, А.В.

Кунин, В.А. Мальцев, Т.А. Цой, Н.П. Грошина каби олимларнинг ишларини санаб ўтиш мумкин. Улар мазкур масала тадқиқига турли нуқтаи-назардан ёндашганлар.

Жумладан, А.В. Кунин инглиз тилшунослигида интенсивлик ходисасини фразеологик нуқтаи – назардан таҳлил қилиб, кучли эмоциялар ифодаловчи фразеологик бирликлар кўп ҳолларда фикрни экспрессив ифодалашини қайд этади.

Е.И. Шейгалнинг тадқиқотида эса интенсивлик компонентининг семантик мақомини аниқлашга ҳаракат қилинган. Мазкур тадқиқотда лексик сатҳдаги интенсификаторлар алоҳида қатлам сифатида ажратилган.

И.Г. Беручашвилининг тадқиқотида интенсивлик категориясининг лексик воситалар билан ифодаланишига эътибор қаратилган бўлиб, бунда интенсивлик категорияси “**аниқловчи + аниқланмиш**” типдаги модел бўйича ўрганилади.

Ўзбек тилшунослигида маъно кучайтиришнинг фонетик ва морфологик сатҳларда тадқиқи А. Абдуллаев томонидан ўрганилган. Бу ўринда фонетик усулдаги маъно кучайтиришда унлини кучли талаффуз қилиш, унлини чўзиш ҳамда геминация (товушни иккилантириш) ходисасидан фойдаланиш мумкинлиги, морфологик усулда эса – лар суффиксининг фаоллиги қайд этилади [1].

Тилшуносликда “интенсивлик” тушунчаси ҳақида хилма-хил қарашлар, фикрлар мавжуд. Тилшуносларнинг кўпчилиги бу тушунчага миқдор категориясининг бир кўриниши сифатида қарайдилар. Улар интенсивликни семантик категория деб ҳисоблаб, унинг асосида “миқдор” тушунчасини маънодаги градацияси ётишини эътироф этадилар [2]. Француз олими Ш. Балли бу тушунчага кенгрок ёндашиб, интенсивлик – миқдор, катталиқ, қиймат, куч каби категориялар билан алоқадор деб таъкидлайди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқилса, интенсивлик категорияси экспрессивлик даражасининг ортишида намоён бўлади. Лексеманинг экспрессивлик даражасини аниқлаш зарурияти эса, ўз навбатида “интенсивлик шкаласи” тушунчасининг истеъмомга киритишини тақозо этади [3].

Масалан: to be in love → to be really and truly in love with smb, to be terribly in love with smb, to love smb madness (death) каби.

**to be in love** сўз бирикмасини интенсивлик даражасининг оддий бошланғич нуқтаси сифатида деб қаралса, мазкур сўз бирикма таркибида кучайтирув равишларини киритиш орқали интенсивлик кучайиб борганлигини кўрамиз.

Интенсивлик тилнинг турли сатҳларида ўзининг фонетик, морфологик, лексик, синтактик усулларидаги ифодаланиш тизимига эга. Биз ушбу мақоламизда фонетик, лексик ҳамда морфологик сатҳда интенсивликни ифодаланишига эътибор қаратамиз.

Инглиз тилида фонетик усулда маъно кучайтириш унли ёки ундош товушларни кучли талаффуз қилиш, чўзиш, бўғинларга ажратиб талаффуз қилиш ҳамда интонациянинг турли компонентлари ёрдамида ифодаланади.

Масалан: Don't tell him – Do-o-o-o-n't tell him, please.

Ушбу мисолда “o” унлисини чўзиш орқали интенсивлик кучайиши билан бирга қатор “қўшимча” маънолар – ялиниш, ёлвориш, илтимос каби маънолар ифодаланганлигини кўриш мумкин.

Унлиларда бўлганидек, ундош товушларни иккилантириш (геминация) орқали ҳам маъно кучайтирилади.

Масалан: “I r-r-r-ruin my charter by removing with a ladyship so inflame!”

Шунингдек, ундов сўзларда фонетик усул билан маъно кучайтириш ҳис-туйғуга мувофиқ бўлади.

Масалан: Oh! Ah! Pooh! Dear me! Godknows!

Интонация воситасида нутқ эмоционал-экспрессивликка эга бўлади. Оҳанг нутқни жонли ва ифодали қилишга ёрдам беради. Интонация оғзаки нутқда овознинг кўтарилиши ёки пасайиши орқали, ёзма нутқда эса тиниш белгилари, курсив билан ёзиш орқали ифодаланади.

Масалан: Do you mind opening the window? Shut the door please!

Хуллас, интенсивлик фонетик усулда унли ва ундошни чўзиш, кучли талаффуз қилиш, интонация ва унинг компонентлари пауза ҳамда урғулардан фойдаланиш каби воситалар орқали ифодаланади.

Маъно кучайтиришнинг морфологик усули сўз шакли ёки морфема ёрдамида маъно кучайтиришдир.

Интенсивлик асосан предмет ва ҳаракат белгиларига, ҳаракатнинг ўзига ва сўзловчининг руҳий ҳолатига, ҳис-туйғуси билан боғлиқ бўлади. Сўз туркумлари орасида равиш ва феъл сўз туркумлари маъно кучайтириш учун асос бўлади. Сўз туркумларидан бири сифатнинг маъносини кучайтириш сифат даражалари ёрдамида амалга оширилади.

Оддий даражадаги сифатнинг қиёсий ва орттирма даражаларида маъно кучайиб боради.

Масалан: strong – stronger – the strongest, beautiful – more beautiful – the most beautiful, good – better – the best.

Кузатишлар натижасида шу нарса маълум бўладики, сифат, от, феъл сўз туркумларига оид сўз маъноларини кучайтиришда қуйидаги префикслар анча фаол ҳисобланади: *super-*, *hyper-*, *out-*, *over-*, *ultra-*, *extra-*, *multi-*, *ip-*, *upper-*, *mega-*, *sub-*, *micro-*, *mini-*, *un-*, *in-*, *ir-*, *dis-* ва ҳоказо.

Юқоридаги префиксларнинг айримлари таҳлилида маъно кучайтиришни яққол кўриш мумкин:

**superfood** – a food that is considered to be very good for your health that may even help some medical conditions.

**supercomputer** – a very powerful computer that can deal with large amounts of information very quickly.

**hypersensitive** – very easily upset or offended



**hypermarket** – a very large supermarket, usually built outside a town, that sells a wide range of goods

**outlandish** – extremely strange and unusual

**outlast** – to last longer or to continue to be successfully for longer

**overbook** – to sell more tickets than you available [5].

Мисоллар таҳлили шуни кўрсатадики, морфологик усулда маъно кучайтириш от, сифат, феъл сўз туркумларида бошқа сўз туркумларига караганда анча ривожланган.

Энг фаол префикслар сифатида *super-*, *over-*, *out-* ларни кўрсатиш мумкин. Морфологик сатҳдаги маъно кучайтиришни префикслар, суффикслар, постпозитивлар ёрдамида ифодалаш мумкин.

Умуман олганда, морфологик усулда сўз маъносини кучайтиришнинг жиддий ўрганилиши сўз ва сўз шакли семантик структурасидаги очилмаган қирраларни намоён этишда жуда катта аҳамиятга эгадир.

Лексик сатҳда маъно кучайтириш равишлар, кучайтирувчи сифатлар, квантор сўзлар, кучайтирувчи фразеологик бирликлар, сифат ва феълларнинг синонимик қатори ҳамда алоҳида сўзлар ёрдамида ифодаланади.

Ҳаракат ва ҳолат маъносини кучайтиришни синонимия усулидан фойдаланиб амалга ошириш мумкин.

Масалан: Pour or pour down – to rain very hard. The thunder and lightning stopped but it continued **to pour**.

Лексик сатҳда интенсивликни ифодалашда *jolly*, *pretty*, *dead*, *badly* каби лексемалардан ҳам фойдаланиш мумкин, улар кўп ҳолларда *very* сўзи ўрнида қўлланади.

Масалан: I'll do everything whatever I jolly well want to!

Хулоса қилинганда, интенсивлик семантик категория бўлиб, умумлисоний ҳодиса сифатида сўз семантикасининг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бошқача айтганда, интенсивлик экспрессивлик миқдорининг ўлчамини белгилайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. -Т.: Фан. 1983. -88б.
2. Абдуллаев А. Ҳозирги ўзбек тилида маъно кучайтиришнинг фонетик ва морфологик усули. Фил. фан. номз. дисс. -Т.: 1970. -122б.
3. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. -Т.: Фан, 2007.
4. Солихўжаева С. Эмоционалликни ифодаловчи воситалар. Тошкент, ЎТА, 1978, №5. -44-46 б.
5. Зияев А. Инглиз тилида сўз маъноларини кучайтиришнинг когнитив талқини. “Фарғона” нашриёти, 2011, -19-21 б.

## TIL TEJAMKORLIGI NAZARIYASI SHAKLLANISHIDA MULOQOT EHTIYOJINING ROLI

Z.I.Rasulov,  
*dotsent, filologiya fanlari nomzodi (BuxDU)*

Bugungi kunda tobora ko'proq dunyoning lisoniy panoramasini taqdim etishga qaratilgan zamonaviy umumiy tilshunoslikning dolzarb muammolaridan biri - fundamental tushunchalarni shakllantirish va rivojlantirishning tarixiy asoslarini ishlab chiqishdan iborat (Sh.Safarov, 2006, B. 3-6). Bunda tilshunoslikning turli milliy maktablarida o'rnatilgan an'analarni hisobga olgan holda, lingvistik tafakkurni shakllantirish tarixidagi eng katta yutuqlarni diqqat bilan tahlil qilish muhim ahamiyatga ega: "Tilshunoslik tarixini o'rganishda quyidagilarni inobatga olish zarur: 1) tilshunoslik tarixini umumiy fan tarixining bir qismi sifatida ko'rib chiqish; 2) lingvistik nazariyalarning boshqa ilmiy fanlar bilan o'zaro munosabatlariga ahamiyat qaratish; 3) nazariyalarning uzluksizligini, yangi vazifalarni belgilashga sabab bo'lgan omillarni aniqlash; 4) haqiqatga mos kelmaydigan ba'zi keng tarqalgan g'oyalarga qarshi tura olish. Bundan tashqari, tilshunoslik tarixi g'oyalar tarixining ajralmas qismi va g'oyalar mafkuraning ifodasi sifatida qaralishi kerak. Muayyan ilmiy nazariyaning shakllanishiga ta'sir qiluvchi geterogen omillar hisobga olinishi lozim (jamiyatning amaliy ehtiyojlari, ijtimoiy jihatdan shartli mafkuraviy sharoitlar, muayyan ilmiy omillar va boshqalar)" (A. Bushuy, 2005, B.6).

Tillarni kuzatar ekanmiz ular da fonetik o'zgarishlarning sababi sifatida qaralishi mumkin bo'lgan talaffuzning "qulayligi" uchun barqaror tendentsiya mavjudligini ko'rishimiz mumkin. Shu bilan birga, ularning ishlatilishida barqaror bo'lgan tovushlar va bo'g'inlar (ya'ni, boshqa qisqarmaydigan) muayyan qiymatlarni tashuvchilar sifatida qabul qilinadi. Boshqacha qilib aytganda, talaffuzning "qulayligi" til vositasidagi turli muloqot shakllarida tovush o'zgarishiga sabab bo'luvchi asosiy kuchdir. Ushbu hodisa tilni soddalashtirishga, rivojlanish jarayonida murakkabdan oddiylik tomon harakat qilishni anglatadi. Bu, birinchi navbatda, uzun so'zlarni qisqa so'zlarga aylantirganda kuzatilishi mumkin. Masalan, *wetellen* → *wetell* ("biz gapiramiz"). Bunday jarayon soddalashtirish tizimi domiga turli xil til faktlarini qamrab olgan holda tezlashishi mumkin. Bunday tejash tamoyili odatda nafaqat miqdoriy (faqattalaffuzharakatlariningko'payishiyokikamayishi), balki insonning aqliy qobiliyatini tejash bilan chambarchas bog'liq. Bu borada A.M.Bushuy (2005, p.77) shunday qayd etadi: "Tilda hamma narsa o'zgarishga yuz tutadi. Til har doim o'zgarib turadi, biroq ayni paytda u juda barqaror. Boshqachaqilibaytganda, harqandaytarixiyvaqtdatildoimiyva ayni paytda o'tkinchi narsadir. Har bir inson to'xtovsiz tilga ta'sir qiladi. Xuddi shuningdek har bir avlod ham unga o'z ta'sirini o'tkazadi – bu jarayon tilning bazaviy leksik fondida va grammatik shakllar materialida aks etmasa-da, ularning muloqot nutqi tabiatida – albatta ifodalanadi. Demak-ki, til doimiy ijodiy jarayon, doimiy yaratuvchilik faoliyati bo'lib, u ovoqli materiyani fikrning ifodasiga aylantiradi".

Tejamkorlik tamoyili muammosiga tilshunoslik ilmida birinchilardan bo'lib H. Paul (1846-1921) yosh grammatikachilar yo'nalishi vakillarining nazariy qarashlarini (1960, 372) ifodalar ekan o'z e'tiborini qaratdi. Shunisi ahamiyatliki, XIX asrning ushbu "lingvistik katexizisida" – "tejamkorlik tamoyili" deb nomlanuvchi maxsus bo'lim mavjud. Unda H. Pol tilda tejash haqida gapirar ekan mazkur qonuniyatning nutqiy muloqot ehtiyoji - "Sparsamkeit im Ausdruck" (= "ifoda tejamkorligi") asosida yuzaga kelishi haqida gapiradi. (H. Paul, 1960, B.357). Bundan tashqari, tilshunos tilning boshqa tendentsiyasini – muayyan elementlarning ortiqchaligini ko'rsatib o'tadi: "Fikrlarni ifodalash uchun til vositalarining ko'proq yoki kamroq tejalishi aynan ehtiyojlarga bog'liq. Garchi lingvistik vositalar ko'pincha keraksiz holda, isrofgarchilik bilan ishlatilishini inkor etib bo'lmaydi. Umuman olganda, til faoliyati uchun muayyan tejamkorlik tendentsiyasi mavjud" (1960, B. 372).

Tilning evolyutsiyasi muammosini va nutq harakatlarini tejash bilan bog'liq masalalarni hal qilishda sezilarli darajada keng qamrovli ilmiy izlanishlar olib borgan XIX asrning oxiri – XX asrning boshlarida yashab ijod qilgan eng yirik tilshunoslaridan yana biri sifatida Otto Yespersen (1860-1943) nomi tilga olinadi.

Tilning rivojlanishini tizim sifatida o'rgangan O. Yespersen (1958) quyidagilarni ta'kidlaydi: tilning evolyutsiyasi ba'zi til normalari va shakl hosil qilish turlari yo'qolib borishi va boshqalari paydo bo'lishi bilan namoyon bo'ladi, ayni paytda tilda bunday dinamik jarayonni tartibga soluvchi va boshqaruvchi barqaror tendentsiyalar mavjud.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Сафаров Ш. Когнитивтилшунослик. — Жиззах: «Сангзор», 2006. — 92 б.
2. Бушуй А.М. Язык и действительность. — Ташкент: Фан, 2005. — 144 с.
3. Пауль Г. Принципы истории языка. — М.: Изд-во иностр. лит., 1960. — 500 с.
4. Есперсен О. Философия грамматики. — М.: Изд-во иностр. лит., 1958. — 404 с.

#### **CONTEXTUAL ANALYSIS OF SOMATIC PHRASEOLOGICAL UNITS WITH “HEAD”/”BOSH”IN THE UZBEK LANGUAGE**

*M.I.Gadoeva,  
docent, candidate of philological sciences (BSU)*

**Annotatsiya:** Ushbu maqola o'zbek tilidagi "head" / "bosh" so'zi qatnashgan somatik frazeologik birliklarning kontekstli tahlillariga bag'ishlangan. Somatik frazeologik birliklarni "head" / "bosh" so'zi bilan mukammal tahlil qilish uchun frazeologik birliklarning strukturaviy haqiqiy ma'nosining o'ziga xos xususiyatlari aniqlangan.

**Annotation:** This article devoted to the contextual analyses of somatic phraseological units with the concept of “head”/”bosh”in the Uzbek language.

For the perfect analysis of somatic phraseological units with “*head*”/”*bosh*” the structural real meaning of phraseological units, peculiarities of their pragmatic organization are defined.

**Аннотация:** Данная статья посвящена контекстуальному анализу соматических фразеологизмов с понятиями «*head*»/«*голова*» и «*eye*»/«*глаза*» в узбекском языке. Для точного анализа соматических фразеологизмов с понятием «*head*» / «*голова*» определены структурно-реальное значение фразеологизмов, особенности их прагматической организации.

**Kalit so`zlar:** somatik frazeologik birliklar, somatizmalar, o'zbekcha, bosh.

**Key words:** somatic phraseological units, somatizms, Uzbek, head.

**Ключевые слова:** соматические фразеологизмы, соматизмы, узбекский, голова.

Phraseological units with the component “*head*”/ “*bosh*” is divided into the following semantic groups. The lexical somatism “*head*”/”*bosh*” as a part of body has the ability forming many phrases in Uzbek.

There are nearly 90 somatic phraseological units with the component “*head*”/”*bosh*”.

Somatic phraseological units in Uzbek language contains the long history of the nation, its culture, customs and traditions.

1. the word “*head*”/”*bosh*” in phraseological units is a lexical substitution of the person: *хамманинг (кимсанинг) бошида бор.*

2. Somatic phraseological units with the word “*head*”/”*bosh*” expressing the spiritual state of the person:

а) *хурсандчилик: боши осмонга етди, боши кўкка етди; маъноси ўзида йўқ хурсанд бўлмақ.*

б) *хафагарчилик: боши завгода; маъноси: хафа бўлмақ; ўзини ёмон ҳис қилмоқ.*

с) *уят: бошини хам қилди, бошини егди; маъноси: уялмақ.*

3. The component “*head*”/”*bosh*” in the meaning “intellectual, conscious” is rarely be changed to the lexeme “*mind*”: for example, *боши ишлайди; маъноси: ақли.*

4. The phraseological units with the word “*head*”/”*bosh*” denoting the notion “punishment”: *бошида данак чақди; бошидаёнгоқ чақди; бошидан тегирмон тоши юргизди; маъноси: бирор бир қулфатга дучор бўлмақ.*

5. The phraseological units with the word “*head*”/”*bosh*” denoting the notion “illness”: *боши ёстиққа тегди, маъноси: касал бўлиб қолди.*

6. The phraseological units with the word “*head*”/”*bosh*” denoting the notions “*death, lost*”: *бошини еди, маъноси: йўқ қилди, ўлдирди.*

7. The phraseological units with the word “*head*”/”*bosh*” denoting the notions “trouble, unfortunate”: *боши балога қолиб кетди.*

8. The phraseological units with the word “*head*”/”*bosh*” denoting the notions “braveness, fearless”: *бошини тикди; маъноси: ўзини ҳаётини беришига тайёр бўлмақ.*

9. The phraseological units with the word “head”/”bosh” denoting the notions “carefulness”: *бошини силади, маъноси: гамхўрлик қилди, ўз ҳомийлигига олди.*

10. The phraseological units with the word “head”/”bosh” denoting the notions “much, great deal of”: *бошидан ошиб ётибди; бошидан ошиб-тошиб ётибди, маъноси: иши кўпайиб кетмоқ.*

11. The phraseological units the word “head”/”bosh” denoting the notions “reject”: *бош тортди, маъноси: қайтарди, рад қилди.*

12. The phraseological units with the word “head”/”bosh” denoting the notions “respect, high regard, kindness”: *бошига кўтармоқ, бошида кўтариб юрмоқ; маъноси: қаттиқ ҳурмат қилмоқ.*

13. The phraseological units with the word “head”/”bosh” denoting the notion “ruling, manage”: *бош-қош бўлди; маъноси: бошқарди, бирор ишни ўзи бош бўлиб бошқармоқ.*

14. The phraseological units with the word “head”/”bosh” denoting the notions “swear, hiding”: *бош эгди; маъноси: яширинмоқ, кечирим сўрамоқ.*

15. The phraseological units with the word “head”/”bosh” denoting the notion “being busy”: *бош қашгани қўл тегмайди; маъноси: juda банд бўлмоқ.*

16. The phraseological units with the word “head”/”bosh” denoting the notions “to be under difficulty, in a difficult situation”: *бошини қаёққа уришини билмаслик; маъноси: қандай қилиб шу (қийин) ҳолатдан чиқиши.*

17. The phraseological units with the word “head”/”bosh” denoting the notions “indifference, unimportance”: *боши оққан томонга (кетди); маъноси: хоҳлаган томонга кетиши.*

18. The phraseological units with the word “head”/”bosh” denoting the notion “making much noise”: *бошига кўтарди; маъноси: қаттиқ шовқин қилмоқ, бақирмоқ.*

19. The phraseological units with the word “head”/”bosh” denoting the notions “to be close, to be friend”: *бир ёқадан бош чиқарди; маъноси: биргалликда, дўстликда бирор ишни бажармоқ.*

**Conclusion.** Phraseological units with the component “head” from the structural point of view divide into several types. Besides that we come across to the following structures. They are the phraseological units of different structure and they contain 55% of phraseological units as a whole. Phraseological units with the component “head” is divided into the following semantic. The lexic somatism “head” as a part of body has the ability forming many phrases in Uzbek. There are nearly 90 somatic phraseological units 65 with the component “head”. Somatic phraseological units in Uzbek language contains the long history of the nation, its culture, customs and traditions.

#### **The list of used literature:**

1. Алмаматова Ш.Т. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили: Филол. фан. номзоди. ... дис. –Тошкент, 2008. – 117 б.

2. Бердиёров Х, Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – 232 б.
3. Бозорбоев К.Т. Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари: Филол. фан. номзоди. ... дис. – Самарқанд, 2001. – 135 б.
4. Ёўлдошев Б. Бадиий нутқ стилистикаси. – Самарқанд.: 1982. 82б.
5. Ёўлдошев Б. Фразеология тарихидан лавҳалар, Самарқанд.: “Суғ - диён” нашриёти, 1998. 110 б.
6. Ёўлдошев Б., Пардаев З. Ўзбек фразеологиясидан материаллар, 4 – қисим, Самарқанд.: “Суғдиён” нашриёти, 1997. 90 б.
7. Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Тошкент, 1991. – 274 б.
8. Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шакилланиш масалалари: Филол. фан. доктори. ... дис. – Тошкент. 1999. – 238б.
9. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили этимологик луғати (туркий сўзлар). - Тошкент: Университет, 2000. – 402 б.
10. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати - Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 380 б.

## TAXIS - RELATIVE TIME – EVIDENTIALITY

*D.I.Khodjaeva,  
Doctor of Philosophy (BSU),  
Z.T.Saidova  
Master-student (BSU)*

**Annotation.** The purpose of this article is to clarify the categorical specifics of taxis in relation to some other, related categories. Taxis, being a highly controversial category, expresses the meaning of the simultaneity of the multiplicity of conjugate actions performed in an integral time period. The analysis is based on the materials of Russian and partly English language investigations.

**Annotatsiya.** Ushbu maqolaning maqsadi taksisning tegishli toifalarga nisbatan kategorik xususiyatlarini aniqlashdan iborat. Taksis juda ziddiyatli tushuncha bo'lib, bir vaqtning o'zida amalga oshirilgan ko'plab bog'liq harakatlarning bir vaqtning o'zida tegishliligini ifodalaydi. Tahlil rus tilidagi va qisman ingliz tilidagi materiallar namunasi asoslangan.

**Аннотация.** Задачей настоящей статьи является уточнение категориальной специфики таксиса в соотношении его с некоторыми другими, смежными категориями. Будучи весьма дискуссионной категорией, таксис выражает значение одновременности разновременности сопряженных действий, совершаемых в целостный временной период. Анализ проводится на материале исследований русского и частично английского языка.

**Kalit so'zlar:** tasdiqlanishi, noshifterlar va shifterlar, fe'l kategoriyasi, polipredikativ jamlanma, nisbiy vaqt, taksis toifa.

**Keywords:** evidentiality, shifters and non-shifters, a verbal category, polypredicative complex, substantial time, the category of the taxis.

**Ключевые слова:** засвидетельствованность, нешифтеры и шифтеры перевертыши и не перевертыши, вербальная категория, полипредикативный комплекс, относительное время, категория таксиса.

As evidenced by the data of a number of sciences, a modern person in the process of his practical activity involves at least two different types of ideas about time:

1. Abstract-generalized, rational - here time acts as a kind of endless, continuous, uniformly flowing substance that exists by itself, regardless of the events taking place in the world and the relationship between them.

2. Sensually visual, concrete, empirical - as an integral relational attribute of the existence of specific finite and discrete phenomena (events, facts) and relations between them.

Both of these types of temporary representations, of course, exist and are actualized in the minds of people not in isolation, but in close relationship with each other.

Such a dual cognitive nature of temporal representations in a person can be considered as a special case of the reflection of the dialectics of the concrete and the abstract, the single and the general, the discrete and continuous in the cognition and mastering of the surrounding world, which is embodied in the corresponding linguistic (verbal) picture. Thus, ideas about empirically perceived "individual times" of real objects with their properties and relationships, acting in their connected areas of space-time of certain specific situations and events, are embodied, respectively, in statements about specific individual processes, facts, actions, states, - they are immanently present in the content of propositions, predicates, event names, verbal lexemes, receive various modifications in aspectual semantics.

The idea of abstract time as a uniformly flowing stream of continuous and indistinguishable from each other moments allows us to explain such linguistic phenomena as, for example, deictic functions of grammatical absolute temporal forms, which divide the abstract time continuum relative to the moment of speech into three large non-discrete spheres (past, present, the future), the presence of special temporal vocabulary of various degrees of generalization. In the course of cognitive and linguistic-thinking activity, both types of temporal representations appear in close dialectical unity: the images of specific "individual times" of the existence of separate concrete and discrete phenomena, events, facts interact in various combinations with the image of a single time continuum or certain of its segments as its subset. In most languages, for the transmission of existing cognitive images of temporary structures, there is a corresponding inventory of semantic (lexical and grammatical) means that form interacting systems

(subsystems), the main function of which is to transfer the ordering and correlation with each other of the expressed "states of affairs" (events, situations, facts ) in substantial time, or, in terms of modern logic of time, the formation of a temporal assessment, which is understood as the establishment of a mutual position in substantial time (one set) of at least two events (its subsets).

During the study of the available scientific literature on taxis, attention is drawn to the fact that some aspects concerning the form, content, and the linguistic status of this category are interpreted by researchers from very different, sometimes significantly diverging, positions. It should be taken into the consideration that, in the light of the taxis theory, some categories and concepts of traditional linguistics associated with the expression of positional time, first of all, such as "relative time", "relative times", "time coordination" have been rethought and received a new interpretation, revealing sometimes significant discrepancies among various researchers. So, for instance, O.S. Akhmanova, S. Belenkaya, (in relation to the English language) and A.I. Borodin (in relation to English and German), taxis is associated exclusively with the opposition "perfect: non-perfect", which conveys, as known, the relation of "precedence" and is known in traditional Germanic and English studies as "relative time", thereby assigning it the status of predominantly morphological categories. As for the semantic-syntactic and lexical-semantic aspects and conditions for the functioning of this opposition, they, as a rule, are not included in the study and are not described by these authors.

It is interesting to note that almost all of these authors, using this concept, in one way or another tend to rely on the concept of R.O. Jakobson, as well as A.V. Bondarko, who developed and concretized it on the basis of the Russian language in a number of his works. For an adequate understanding of the taxis concept formulated by R.O. Jakobson, it is important to keep in mind several key points on the basis of which he describes this category. Accordingly, the following four things should be distinguished: the reported fact (En), the fact of the message (Es), the participant in the reported fact (Pn) and the participant in the fact of the message (Ps), whether it is the sender or the addressee". In accordance with this R.O. Jakobson divides all the verb categories he considers into two types, namely categories, (1) containing an indication of the participants in the reported fact and (2) not containing such indications. For now, it is important to focus on the categories associated with the linguistic expression of several different aspects of the idea of time. In particular, a typical example of a shifter is the traditional grammatical category of tense (in the work it is represented by the formula EnEs). Its content is as follows: "Time characterizes the reported fact in relation to the fact of the message. So, the past tense shows that the reported fact precedes the fact of the message". Thus, taxis is a connector and, at the same time, a non-shifting category. In our opinion, R.O. Yacobson's key in his general concept of taxis, since it reflects the most specific features of this category. It is possible, perhaps, even to argue that non-shifting and connectivity are the basic signs of a taxis.



Besides, not only non-shifting, but also shifting categories can be combined with the sign of connectivity. One of them, about which R.O. Yacobson speaks specifically and unequivocally, is the category of **evidentiality**. With this term he designates a verbal category, as he writes, “taking into account three facts [the reported fact, the fact of the message and, in addition, the transmitted fact of the message (Ens) that is, and the indicated source of information about the reported fact]. The speaker reports an event based on the message of some other person (quote, that is, information received from someone), on dreams (information obtained by revelation), on conjectures (conjectural information) or on his own past experience”.

The research on the category of evidence (evidentiality) was carried out by other linguists; it is presented, for example, in the works of T. Givon and A. Woodbury. Recent studies, in the context of the problem we are discussing, the typological analysis carried out by the author on the material of languages of different structures clearly confirms the qualitative specificity of this category, established by R.O. Jacobson. Meanwhile, a real linguistic ontology presents a much more complex and ambiguous picture. So, even the concept of "polypredicative complex", which A.V. Bondarko lays in the basis of his definition of taxis and considers one of the central in his functional-semantic concept of this category, (by the way, one of the most consistent concepts among all existing today) , on closer examination, turns out to be far from being so holistic and not entirely sufficient to serve as a reliable criterion for identifying a taxis, in particular, for delimiting its functional sphere from the sphere of the so-called "relative time", which, like the taxis, is functionally connected with the sphere "positional from time".

It is quite obvious that here, as in some of the others already mentioned above, the authors clearly hypostatize, on the one hand, the formal feature - "polypredicative complex", and on the other - two meaningful features - "the temporal relationship between actions" (in this - simultaneity) and “irrelevant to the moment of speech”. Although A.B. Bondarko does not consider taxis and relative time to be identical categories, nevertheless, he allows their intersection in cases similar to those considered. This is due to the fact that his proposed specification of both categories is not clear enough. The vagueness of this specification arises as a result of insufficient logical clarity in the delimitation of actions (events) correlated with each other in terms of their roles in the communicative-semantic organization of the utterance. Meanwhile, this drawback can be eliminated if, in the analysis of polypredicative statements, along with formal and meaningful criteria, we take into account such an aspect of the semantic structure of polypredicative statements as the ratio of dictum and modus in them, or, using parallel terms, proposition and propositional attitude. It is here, among other things, that the actual sphere of "relative time" is located, by the way, the same sphere in which the category of **evidentiality** is actualized.

Summing up the entire above, one can thus assume that statements containing taxis relations always convey at least two homogeneous “situations”,

while statements with witnessing relations express two dissimilar situations, one of which is, as it were, included in the other ("Situation in a situation"). That is why constructions with predicate actants, although they convey certain temporal relations of the sphere of "positional time", it is logical to refer to the means of expression as the category of evidentiality (evidence), and not taxis.

### **The list of used literature:**

1. См.: Молчанов Ю.Б. Проблема времени в современной науке. М., 1990. – С. 37-93
2. «Позиционное время» и, далее, «векторное время» - термины В.А. Жеребкова: Жеребков В.А. Опыт описания грамматической категории времени в системе немецкого глагола // Учен. зап. Калнинск. пед. ин-та. Калинин, 1970. Т. 72. Вып. 3. – С. 14-16. 5. Якобсон Р.О. Шифтеры, глагольные категории и русский глагол // Принципы типологического анализа языков различного строя. М., 1972. - С. 101.
3. Akhmanova O., Belenkaya S. The morphology of the English verb. Tense, aspect and taxis. Moscow, 1975; Бородина А.И. Категория таксиса в современном немецком языке в сопоставлении с категорией таксиса в современном английском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. Киев, 1975.
4. Бондарко А.В. Общая характеристика семантики и структуры поля таксиса // Теория функциональной грамматики: Введение. Аспектуальность. Временная локализованность. Таксис. Л.: Наука, 1987. С. 234-242; Бондарко А.В. Функциональная грамматика. Л.: Наука, 1984; Акимова Т.Г., Козинцева Н.А. Аспектуально-таксисные ситуации // Теория функциональной грамматики: Введение. Аспектуальность. Временная локализованность. Таксис. Л.: Наука, 1987. С. 257-294.
5. Givon T. Evidentiality and epistemic space // Studies in Language. 1982. Vol. 6. № 1; Woodbury A.C. Interactions of tense and evidentiality // Evidentiality: The linguistic coding of epistemology / Ed. by W. Chafe & J. Nichols. Norwood, 1986.
6. Бондарко А.В. Функциональная грамматика. Л.: Наука, 1984. – С. 76

**“GONE WITH THE WIND”  
ASARIDAGI FRAZEOLOGIZMLARNING  
SEMANTIK-PRAGMATIK XUSUSIYATLARI**

*N.F.Qosimova,  
PhD (BuxDU),  
M.R.Sayliyeva,  
2- bosqich magistranti (BuxDU)*

**Annotatsiya.** Mazkur maqola Margaret Mitchellning “Shamollarda qolgan hislarim” asaridagi frazeologik birliklarning funksional-diskursiv tahliliga bag’ishlangan. Unda ijobiy va salbiy konnotasiyali frazeologik birliklar tahlili keltirilib, mavzuga doir nazariy qarashlarga munosabat bildirilgan.

**Abstract.** The presented article is devoted to the functional-discursive analysis of phraseological units in "Gone with the Wind" by Margaret Mitchell. The article contains an analysis of phraseological units with positive and negative connotations as well as the comments on theoretical views on the subject of research.

**Аннотация.** Данная статья посвящена функционально-дискурсивному анализу фразеологизмов в произведении Маргарет Митчелл «Унесенные ветром». Статья содержит анализ фразеологических единиц с и комментарии к теоретическим взглядам на предмет исследования.

**Key words:** phraseological unit, conceptuality, idiom, equivalence, discursive- functional, analog, proverb.

**Kalit so’zlar:** frazeologik birlik, konseptuallik, idioma, ekvivalentlik, diskursiv-funksional, analog, maqol.

**Ключевые слова:** фразеологическая единица, концептуальность, идиома, эквивалентность, дискурсивно-функциональный, аналог, пословица.

Ingliz tili ming yillik tarixga ega bo'lib, uning xazinasida ko'plab iboralar, maxsus turg'un birliklar to'plangan. Iboralarning ma'nosini tushunish, ularni nutqda to'g'ri ishlatish nutq ko'nikmalarini takomillashtirish va til madaniyatining yuqori ko'rsatkichlaridan biri hisoblanadi. Shu sababli, ushbu sohaga bo'lgan qiziqish juda kattabo'lgan. Frazeologik birliklarni o'rganish doimo katta ahamiyatga ega bo'lgan, shuning uchun ko'plab olimlar frazeologik birlikni aniqlash orqali frazeologiyaga o'z hissasini qo'shishga intilganlar. Frazeologiya asoschisi shveysariyalik olim Charlz Balli. Xo'sh, frazeologik birlik nima? Charlz Balli frazeologik birlikka umumiy ta'rif berdi: "tilda mustahkam o'rnashgan kombinatsiyalar frazeologik iboralar deb ataladi". Rus tilshunoslari S.I.Ozhegov va N.Y.Shvedova frazeologik birliklarni idiomatikaga yaqin mustaqil ma'noga ega barqaror ifoda sifatida ta'riflaydilar [2, 718]. L.L.Nelyubin frazeologik birlik (frazeologik birlik, frazeologik aylanma, frazeogramma) leksik jihatdan bo'linmaydigan, tarkibi va tuzilishi bo'yicha barqaror, ajralmas ibora, tayyor nutq birligi shaklida ko'paytiriladi, deb hisoblagan [1, 221]. Frazeologizm,

shuningdek, so'zma-so'z boshqa tilga tarjima qilinmagan nutqning barqaror burilishi yoki idioma sifatida ham ta'riflanadi. Ammo idioma frazeologik birlikdan farq qiladi, chunki u sintaktik va semantik tuzilishi bilan tilning o'ziga xos va noyob xususiyatlarini ochib beradi. Frazeologik birliklarning tarjimasida har doim eng katta qiyinchiliklarni keltirib chiqardi. Tarjimonning vazifasi nafaqat ma'noni yetkazish, balki frazeologik birlikning obrazlilikini aks ettirish, maqsadli tilda eng maqbul so'z yoki iborani topishga harakat qilishdir. Ushbu tadqiqot taniqli amerikalik yozuvchi Margaret Mitchellning "Gone with the Wind" romanidan biz tanlagan frazeologik birliklarning tarjimasiga bag'ishlangan. Ushbu asar, bizning fikrimizcha, har xil iboralar va frazeologik birliklar bilan to'ldirilganligi uchun yaxshi misoldir.

**Hold the rein-** (*to be in charge to be in control as of a business political organization or other group quotation.*)

**Hold the rein** said Rhett Butler Rhett shortly, swinging to the ground and to sing the bridle to uncle Peter. They saw his heavy shoulders towering above the crowd as he went through, brutally pushing and shoving. In a while he was back, with half a dozen in his hands

Ko'rsatilgan frazeologik birlikma Rhett Butler tomonidan qo'llanilgan. O'zbek tilida „o'zini bosmoq, o'zini qo'lga olmoq“ degan iboralar sinonim bo'ladi. Yankilar bilan bo'layotgan ayovsiz urushning daxshati va har kuni bedarak yo'qolganlar, yoki urushda vafot etganlar nomi e'lon qilinishi, aholining g'azabini ifodashga yordam bergan.

**To hold one's temper-**(*to refrain from becoming angered, enranged or upset due to some provocation to maintain control of one's composure despite being anger.*)

The conversation was not going the way she wanted it. It ever did when she was with him. Always, it was a duel in which she was worsted.

“And suppose you are a proper person?” She asked with sarcasm **holding her temper** in check with difficulty.

“Oh yes, if I cared to take in trouble he said carelessly”. They say I kiss very well.

Ushbu suhbat Scarlett va Rhett orasidagi suhbat bo'lib, kontekstda vaziyatga mos qo'llanilgan. Rhett bu vaziyatda Scarlettni allaqachon sevib qolgan lekin Scarlettni Ashleyni sevishini bilganligi sababli unga yaxshi munosabatda bo'lmagan. Scarlettning g'azablanishi va o'zini g'azabini bosishini ifodalash uchun ishlatilgan. Frazeologik birlikma so'zma – so'z tarjima qilinganda ham qisman ma'no kasb etadi. (kayfiyatni ushlamoq, asabini saqlamoq)

O'zbek tilida **o'zini tutmoq, o'zini qo'lga olmoq** iborasi bilan ma'no jihatdan yaqin hisoblandi. Iboralar orasida faqat „g'azabini yengmoq“ konkret ma'no ifodalab, ikki tilde ekvivalentlik holatini yuzaga keltiradi.

**Draw a courage-** (*to feel more confident and hopeful because of something*)

Gradually Scarlett **drew a courage** from the brave faces of her friends and from the merciful adjustment which nature makes when, what can not be cured must be endured.

Asarda keltirilgan quyidagi ibora Scarlettning ichki holatini ifodalash uchun ishlatilgan. Ayni paytda Peachtree ko'chasida Yanki askarlari, qurshab olgan. Hatto u bir Yanki askaridan qo'rqmay unga va otiga yordam berib o'zining jasurligini isbotlaydi. U shu paytda urush tugashiga qattiq umid qilar va o'ziga bo'lgan ishonchini yo'qotmagan edi.

**Lay eye on someone-** (*essentially it means to see, (not look at) someone but is usually used when you see someone for the first time. E.g He fell in love the moment he laid eyes on her*).

She heard the front gate click and she hastily raised her head and dashed her hands across her wet eyes. She rose and saw it was Rhett Butler coming up the walk, carrying his wide Panama hat in his hands. She had not seen him since when she had alighted from his carriage so precipitously at Five Point. On the occasion she had expression the desire never to **lay eyes on** him again.

Irlandiya xalqining yankilarga qarshi urush kechayotgan bir paytda hech qayerda bazm, kechalar o'tkazilmay qo'yilgan edi. Ayni shu vaziyat qahramonlarning, butun shaharning tasviri asarda yaqqol tasvirlangan. Eshleyini o'ylab xayollari chalkashgan bir mahalda Rhett Butler xonaga kirib keladi, Scarlett uning kelgan, uni birinchi marta balda unga diqqat bilan nazar tashlagani (Rhettga)kabi gaplashishga xohishi yo'q ekanligi ushbu frazeologik birlik orqali kontekstning ma'nosini oydinlashtirgan. O'zbek tilida **tikilib qolmoq, nazar tashlamoq, razz solmoq**, frazeologik iboralar bilan ekvivalent bo'la oladi.

**Rack one's brain-**(*to struggle to recall or think of something, make a great effort to think of or remember something*. So that's where you were so long whenever I send you somewhere you go where I tell you and don't stop to pass any time with anybody „Go” she stopped and **racked her brain**. Who was left in town among their friends who would be helped?

Keltirilgan frazeologik birlik Melanini farzandli bo'lishiga oz fursat qolganida va Scarlett nochor, nima qilishini bilmay kimdan yordam so'rashini bilmay turgan paytda ishlatilgan. Quyidagi iborani o'zbek tiliga so'zma –so'z tarjima qilsak, o'zining miyyasini halok qilmoq, miyyasini yo'q qilmoq degan kontekstga mos bo'lmagan tarjima kelib chiqadi. Biz avval eslatib o'tganimizdek, frazeologik birliklarni to'g'ri tarjima qilmasak, kitobxonda kontekstsning ma'nosini tushunishda, qator qiyinchiliklar yuzaga keladi. Ushbu iborani o'zbek tilida **boshiqotmoq, boshqotirmoq** kabi variantlari bilan tarjima qilsak maqsadga muvofiq bo'ladi.

Xulosa qilib aytish mumkinki, badiiy asardagi bir necha frazeologik birliklarni tahlil qilib chiqdik. Ko'pgina holatlarda ularning ma'nosini lug'atdan foydalanmay talqin qilish muvaffaqiyat bilan yakunlandi. Boshqacha qilib aytganda diqqat markazimizda bo'lgan iboralar ma'nosini kontekstdan kelib chiqqan holda tahlil qila oldik.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Нелюбин Л.Л. Толковый переводоведческий словарь. – 3-е изд., перераб. – М.: Флинта: Наука, 2003. – 320 с.
2. Ожегов.С.И. Большая российская энциклопедия. Том 23. –М., 2013. – С. 718–719.
3. MitchellM. *Gone with the Wind*. – Boston, USA. 1967.
4. Oxford Advanced Learner's Dictionary of Current English (2005).

### ABDULLA QODIRIYNING “O'TGAN KUNLAR” ASARIDA “XUNUKLIK” KONSEPTINING LISONIY XUSUSIYATLARI

*M.M.Rahmatova,  
dotsent, PhD (BuxDU)  
D.I.Inoyatova,  
1-kurs magistri (BuxDU)*

**Annotatsiya.** Jahon tilshunosligida yuzaga kelayotgan yangi sohalar, jumladan, psixolingvistika, kognitiv tilshunoslik, lingvokulturologiya kabi yo'nalishlarda ko'plab ilmiy izlanishlar, tadqiqotlar olib borish va ilm-fan taraqqiyotiga hissa qo'shish eng muhim va dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi. Hozirgi kunda til va madaniyatning bog'liqligi, tilning madaniyatda, madaniyatning esa tilda namoyon bo'lishini o'rganuvchi lingvokulturologiya yo'nalishini tadqiq qilish va rivojlantirish zarurati jadallasharkan, ushbu sohada muhim ahamiyat kasb etgan konseptlarning til xususiyatlarini tahlil qilish, o'rganish g'oyat muhim ahamiyat kasb etadi. Shuni inobatga olgan holda, ushbu ilmiy maqolada, o'zbek adabiyotining durdona asari bo'lgan “O'tgan kunlar” romanida “xunuklik” tushunchasining lisoniy xususiyatlari haqida so'z boradi.

**Annotation.** One of the most important issues is to conduct a lot of scientific researches and contribute to the development of science in new fields emerging in world linguistics, including psycholinguistics, cognitive linguistics, linguoculturology. Nowadays, the need to study and develop the field of linguoculturology, which studies the relationship between language and culture, the manifestation of language in culture. This article is devoted to the linguistic features of the concept of "ugliness" in the novel "Bygone days", a masterpiece of Uzbek literature.

**Аннотация.** Одним из важнейших вопросов является проведение множества научных исследований и содействие развитию науки в новых областях, возникающих в мировой лингвистике, включая психолингвистику, когнитивную лингвистику, лингвокультурологию. В настоящее время возникает необходимость изучения и развития области лингвокультурологии, изучающей взаимосвязь языка и культуры, проявления языка в культуре. Статья посвящена лингвистическим

особенностям понятия «уродство» в романе «Минувшие дни», шедевре узбекской литературы.

**Kalit so'zlar:** konsept, lingvokulturologiya, xunuklik, psixolingvistika, kognitivtilshunoslik.

**Key words:** concept, linguoculturology, ugliness, psycholinguistics, cognitive linguistics.

**Ключевые слова:** концепция, лингвокультурология, уродство, психолингвистика, когнитивная лингвистика

Xunuklik konsepti haqida olimlar turlicha fikr yuritishgan. Xususan, Charlz Montandeyl buyuk nemis faylasufi I.Kantning estetik qarashlarini tahlil qilar ekan, Kant go'zallik bor joyda albatta uning aksi xunuklikning ham bo'lishi, chiroylilikni his qilish uchun ham albatta xunuklik mavjud bo'lishi kerakligini aytib o'tadi. Ammo, Kant qarashlarida bu tushuncha to'g'ridan to'g'ri berilmaslik kerakligi aytilgan.<sup>1</sup> Kant nazariyasiga qarshi o'laroq, XVIII asr tanqidchisi Jonson esa asarlarda qahramonlarning ham tashqi ko'rinishidagi, ham ichki dunyosidagi xunuklikni boricha ko'rsatish lozimligini aytib o'tadi.<sup>2</sup>

Vilson estetikada xunuklik tushuchasini izohlayotganda Suqrotning quyidagi fikrini keltirib o'tadi: “ Nimayiki yaxshi bo'lsa demak u go'zallik, nimayiki yomon bo'lsa, demak u xunuklikdir”.<sup>3</sup> Dunyoni faqat yaxshi tomonini ko'rsatib bo'lmagandek, hamma narsani go'zalligini ham ko'rsatib bo'lmaydi. Shuning uchun ham, ushbu maqolada aynan xunuklikning ifodalanishiga diqqat qaratildi va tahlil qilindi.

O'zbek tilining izohli lug'atida “xunuklik” – ko'rimsizlik; chiroyli emaslik; “xunuk”: 1) salqin, sovuq, yoqimsiz; 2) ko'chma ma'noda jirkanch; 3) ko'chma ma'noda qo'rqinchli degan ma'nolarda izohlanadi.<sup>4</sup> Abdulla Qodiriy insonning tashqi ko'rinishi, nutqi, xulqi, harakatidagi xunuklikni turli so'z turkumlari, asosan, sifat (cho'tir, ko'rimsiz, qattiq, dahshatli), ot (to'ng'iz, maxluq, shayton, habis), otlashgan sifat (buzuqi), ravish (vahshiylarcha) va ba'zan esa o'xshatish usulidan (yerdan bichib olg'andek, ko'zi qoqqan qoziqdek, qirq yillik og'riganlardek, ukking ko'zidek, albastilardek), so'z birikmalari, metaforalar orqali mohirona tasvirlab, asarda ta'sirchanlikni, bo'layotgan voqealar va asardagi qahramonlar qiyofasini kitobxonlar ongida yaqqol namoyon bo'lish darajasini yanada oshirgan. Quyida xunuklikning eshitish va ko'rish orqali his qilinishi bo'yicha tahlili beriladi.

### **Tovush bilan his qilinadigan xunuklik konsepti.**

O'zbek tili shu qadar boyki, bir tushunchani har xil so'z turkumlari, metaforalar orqali judayam ta'sirli ifodalash mumkin. Buning yorqin isbotini asardagi quyidagi parchada ham yaqqol sezish mumkin: “ Hoji so'zini tugata

<sup>1</sup> Charles Mantandale .Latin poetry and the judgement of taste.- Oxford University Press, 200

<sup>2</sup> Charles Mantandale .Latin poetry and the judgement of taste.- Oxford University Press, 2005-p 217

<sup>3</sup> Wilson, Francis G., "The ugly in aesthetics" (1942). Master's Theses. 7-bet

<sup>4</sup>O'zbek tilining izohli lug'ati (IV jild). Toshkent: „O'zbekiston milliy ensiklopediyasi“ Davlat ilmiy nashriyoti. 2008.-608 b

olmadi, hojining ters so'zlariga chidolmagan Azizbek *vahshiylarcha* baqirdi"<sup>5</sup>. O'zbek tilining izohli lug'atida vahshiy so'zi yirtqich ma'noda qo'llanilishi aytilgan<sup>6</sup>. Tabiiyki, vahshiy deganda inson ko'z oldiga judayam yovuz va xunuk timsol gavdalanadi. Shuning uchun, vahshiy so'zi inson xarakterini va xulqini yomonligini ifodalash uchun ishlatiladi. Ushbu jumlada esa *vahshiylarcha-ravish so'z turkumi* baqirish harakat bildiruvchi so'zning judayam baland, qo'rqinchli va inson qulog'iga yomon eshitiladigan darajada xunukligini ta'kidlash uchun mohirona qo'llanilgan.

Abdulla Qodiriy bundan tashqari, nutqdagi yomon, qo'pol so'zlarga ham xunuklik belgisi sifatida qaraydi: "...bizning Homidboy shunaqa qo'lansa gaplar uchun yaratilg'an odam"<sup>7</sup>.

*Qo'lansa* sifat so'z turkumi o'zbek tilining izohli lug'atidako'chma ma'noda "yoqimsiz", "xunuk"<sup>8</sup> ma'nolarida inson nutqidagi beodob, xunuk gaplarning aytilishiga nisbatan ishlatilishi yozilgan. Muallif ham aynan o'z qahramonining qo'pol va xunuk so'zlashini aynan shu so'z orqali tasvirlaydi.

Shuningdek, Qodiriy asar qahramonlarining xunuk tovush chiqarishlarini ifodalash uchun taqlid so'zlardan ham foydalangan: "*Xi, xi, xi, ahmoq. Toshkandan bo'lmay Qorategindan bo'lsinmi?*". Ushbu barchadagi *Xi, xi, xi-tovushga* taqlid so'zi orqali kitobxon qahramonning quloqqa yoqimsiz eshitiladigan tarzida kulayotganini his qiladi.<sup>9</sup>

Qodiriy yana bir o'rinda ovqatlanganda etiket qoidalariga to'g'ri kelmaydigan xunuk tarzda shapillatib yeyayotgan qahramon tasvirini taqlid so'zi orqali ifodalaydi: "Ichkaridan kimdir *shap-shap* etib chaynar edi"<sup>10</sup>.

### **Ko'z bilan ko'rib his qilinadigan xunuklik konsepti.**

Qodiriy, qahramonlarning tashqi ko'rinishidagi ko'rimsizlikni tasvirlash uchun sifat so'z turkumidan unumli foydalangan. Xususan, asarda Homidning tasvirini quyidagicha beriladi: "...ikkinchisi: uzun bo'ylik, qora cho'tir yuzlik, chag'ir ko'zlik, chuvoq soqol, o'ttuz besh yoshlarda bo'lg'an ko'rimsiz bir kishi erdi"<sup>11</sup>. Ushbu tasvirda xunuklik: *cho'tir, ko'rimsiz* sifatlari orqali ifodalagan.

"O'tgan kunlar" asarida qahramonlarning tashqi qiyofasini tasvirlanishida xunuklik konseptining o'xshatishlar orqali ifodalanishiga ko'p duch kelish mumkin. Masalan, Kumushga Homid tomonidan yozilgan maktubni keltirib bergan xotin tasvirida bunga guvoh bo'lamiz: "Ul *yerdan bichib olg'andek* pak-pakana, burni yuzi bilan barobar deyarlik tep-tekis, *ko'zi qoqqan qoziqdek* chup-chuqur, og'zi qulog'i bilan qoshiq solishar darajada juda katta, yuzi qirq yillik og'riganlardek sap-sariq, qirq besh yoshlar chamasi bir xotin edi"<sup>12</sup>. Ushbu

<sup>5</sup> A. Qodiriy. *O'tkan kunlar.-T.: "Sharq", 2007.-384 b.*

<sup>6</sup> O'zbek tilining izohli lug'ati (IV jild). Toshkent: „O'zbekiston milliy ensiklopediyasi“ Davlat ilmiy nashriyoti. 2008.-608 b

<sup>7</sup> A. Qodiriy. *O'tkan kunlar.-T.: "Sharq", 2007.-384 b.*

<sup>8</sup> O'zbek tilining izohli lug'ati (IV jild). Toshkent: „O'zbekiston milliy ensiklopediyasi“ Davlat ilmiy nashriyoti. 2008.-608 b

<sup>9</sup> A. Qodiriy. *O'tkan kunlar.-T.: "Sharq", 2007.-156 b.*

<sup>10</sup> A. Qodiriy. *O'tkan kunlar.-T.: "Sharq", 2007.-237 b.*

<sup>11</sup> A. Qodiriy. *O'tkan kunlar.-T.: "Sharq", 2007.-384 b.*

<sup>12</sup> A. Qodiriy. *O'tkan kunlar.-T.: "Sharq", 2007.-167 b*



parchada *yerdan bichib olg'andek, ko'zi qoqqan qoziqdek, qirq yillik og'rganlardek* kabi o'xshatishlar orqali kitobxon ko'z o'ngida chiroyli bo'lmagan ko'rimsiz ayol namoyon bo'ladi. Buni Kumushning xotinni ko'rgandagi holatidan ham bilish mumkin: “Kumushbibi o'zi tomonga kelguchi bu *dahshatli* xotinni umrida birinchi ko'rishi edi”<sup>13</sup>. *Dahshatli* xotin birikmasida ham xunuklik tushunchasi *dahshatli-sifat so'z turkumi* orqali ifodalangan.

Yana bir o'rinda, inson tashqi qiyofasidagi chiroyli bo'lmagan qismlar o'xshatish usuli orqali yanada ta'sirchan ifodalangan: “Yigirma ikki yoshlar chamasi bo'lg'an bu yigit sariq tanlik, *ukkining ko'zidek* chaqchayib, o'ynab va yonib turgan qizil ko'zlik, yuziga *parchinlangandek* yuza (*puchuq*) burunlik, manglayi qancha tashqarig'a o'sib chiqqan bo'sa, yuzi o'shancha ichkariga kirib ketgan, qisqasi vaqtsizroq yaratilib qolg'an bir *maxluq* edi”. Sodiq tasvirini o'qiyotgan kitobxon muallifning so'z ustaligiga qoyil qolmasdan iloji yo'q. O'xshatishlar, sifat va ot so'z turkumlari yordamida qahramonning ko'rimsizligi ajoyib tasvirlangan.

O'xshatishlar orqali xunuklik konseptining ifodalanishi quyidagi parchada ham davom etadi: “...*pakana* xotin go'yo onalarning “*ziyondosh albasti*”*laridek*xunuk qiyofada yigitga qarab yugurib kela boshladi”. *Pakana*, *xunuk* sifatlari, *albastilardek* o'xshatishi Sodiqning onasi tasvirida kitobxonda salbiy estetik baho uyg'otadi. Yana bir o'rinda “*itdek sovuq ko'ringan*” qipchoq bachcha<sup>14</sup> deb ta'riflanayotgan Normuhammad tasvirida ham o'xshatish orqali xunuklik mohirona ifodalangan.

Insonga xos harakatlarning ham chiroyli emasligini tasvirlash uchun *xunuk* so'zining ishlatilganligiga quyidagi parchada guvoh bo'lamiz: “*puchuq* xotin Homidning yonig'a o'lturib, *xunuk* bir iljayish bilan so'radi”.

Kishi xarakteridagi xunuk illatlar tabiiyki uning ichki dunyosi chiroyli emasligini ko'rsatadi. Homidning ham ana shu illatlari orqali naqadar tuban kishiligini ko'rsatish uchun salbiy bo'yog'i kuchli bo'lgan “*vijdonsiz, to'ng'uz*”, “*shayton bolasi*”, “*habis*” (yaramas, nopok) so'zlaridan foydalaniladi. Boshqa o'rinda esa Homidni “*tiynati (xulq) buzuq*”<sup>15</sup> deya ta'riflaydi. Bu ham uning xulqidagi xunuk illatlarga ishora qiladi.

Keyingi o'rinlarda ham yozuvchi insonning xarakteri va xulqining yomonligi, xunukligiga ishora qilib insonga nisabtan tabiatan yovvoyi va xunuk timsolni gavdalantiruvchi *to'ng'iz* ot so'z turkumini qo'llaydi: “Bular qora choponning dushmanlaridan bo'lgan ikki to'ng'izning gavdalari”<sup>16</sup>.

Shuningdek, xulqdagi illatlarni ifodalash uchun *buzuqi otlashgan sifatdan* yana bir o'rinda foydalanilgan: “Albatta, biz o'sha *buzuqilarning* jazolarini berarmiz”<sup>17</sup>. Kitobxon ushbu jumlaning o'qiganda, ko'z oldida xunuk xislatli inson gavdalanadi. Har bir holatda badiiylikni, estetik ta'sirchanlikni oshiruvchi bu kabi

<sup>13</sup>A.Qodiriy. O'tkan kunlar.-T.:”Sharq”, 2007.-178b

<sup>14</sup>A.Qodiriy. O'tkan kunlar.-T.:”Sharq”, 2007.-278 b

<sup>15</sup>A.Qodiriy. O'tkan kunlar.-T.:”Sharq”, 2007.-257 b

<sup>16</sup>A.Qodiriy. O'tkan kunlar.-T.:”Sharq”, 2007.-206b.

<sup>17</sup>A.Qodiriy. O'tkan kunlar.-T.:”Sharq”, 2007.-200 b.

misollarda soʻzning qanchalik oʻrinli qoʻllash muhimligi va tilning imkoniyatlari naqadar kengligiga guvoh boʻlish mumkin

*Koʻrimsiz* soʻzi inson tasviridan tashqari predmetlarda ham xunuklikning ifodalanishi uchun qoʻllanilishi mumkinligini quyidagi parchada koʻrish mumkin: “kunbotishgʻa qarab qurilgʻan ikkita *koʻrimsiz* bir betlik eshiklar yuzlariga yopiq holda edilar”.

Nafaqat inson koʻrinishi va unga xos boʻlgan belgilarning xunukligi, balki, joy tasvirlarida ham xunuklik tushunchasini koʻrish mumkin: “Havlining oʻrta yerida *pakanagina* baliq tut oʻsib, ostigʻa *kul va boshqa axlatlar toʻplangan edi*”. Maʼlumki, *pakana* soʻzida salbiy estetik boʻyoq bor, undan daraxt tasvirida foydalangan holda manzara xunukligi nazarda tutilgan. Buni keying gapdagi daraxt ostidagi *kul va axlatlar uyumi* ham isbotlab turibdi. Yana bir oʻrinda, manzaraning xunukligini ifodalash uchun *xaroba sifatidan* foydalanadi: “Havlining sharq va janub tomonlari buzilib-yorilib yotgan eski *xaroba* imoratlar bor edi”. Muallif yana bir necha oʻrinda ushbu soʻzdan “*xaroba uy*” birikma koʻrinishida foydalangan.

Yuqoridagi tahlillardan shuni tushunish mumkinki, Qodiriy qalamiga mansub “Oʻtgan kunlar” asarida xunuklik konsepti turli soʻz turkumlari, asosan, sifat, ot, otlashgan sifat, ravish va baʼzan esa oʻxshatish usulidan ham foydalangan holda badiiy taʼsirchanlikni oshirish va tasviriylikni kuchaytirish uchun ifodalangan. Oʻzbek romanchiligining durdona asarlaridan boʻlgan ushbu asarda darhaqiqat, har bir soʻz oʻrinli qoʻllanilgan. Ushbu tadqiqotda, faqat xunuklik tushunchasining ifodalanishiga urgʻu berilarkan, birgina shuning oʻzi tilning serqirraligi, uning imkoniyatlari cheksizligini koʻrsatadi. Xulosa oʻrinda shuni aytish joizki, til imkoniyatlaridan samarali foydalangan holda bir tushunchani turli soʻz turkumlari orqali ifodalab, yozma va ogʻzaki nutqdagi gʻalizlikdan qochish va badiiylikni oshirish mumkin.

### **Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati:**

1. A. Qodiriy. Oʻtkan kunlar.-T.:”Sharq”, 2007.-384 b.
2. Charles Mantandale .Latin poetry and the judgement of taste.- Oxford University Press, 2005
3. Wilson, Francis G., "The ugly in aesthetics" (1942). Master's Theses.
4. *Oʻzbek tilining izohli lugʻati (IV jild)*. Toshkent: „Oʻzbekiston milliy ensiklopediyasi“ Davlat ilmiy nashriyoti. 2008.-608 b

### **ЭСТЕТИК БАҲО ВА УНИНГ АКСИОЛОГИК ИФОДАСИ**

*М.М.Рахматова,*  
*доцент, PhD (БухДУ)*

**Аннотация.** Баҳо лисоний тафаккурда объект мазмунини яратишнинг асосий ҳолатидир. Ушбу мақолада баҳонинг мантикий жиҳатига эмас, балки лингвистик аспектига асосий эътибор қаратилган.

**Abstract.** Linguistic evaluation is a key condition for creating meaning of an object in thinking. This article focuses on the linguistic aspect rather than the logical aspect of evaluation.

**Аннотация.** Оценка – ключевое условие создания содержания предмета в лингвистическом мышлении. В данной статье основное внимание уделяется лингвистическому аспекту, а не логическому аспекту оценивания.

**Калит сўзлар:** лисон, баҳо, эстетик баҳо, сема, субъект, объект, баҳо асоси, баҳо муносабатлари, эмотивлик, аффективлик

**Key words:** language, evaluation, aesthetic evaluation, seme, subject, object, evaluation basis, evaluative relation, emotionality, affectivity

**Ключевые слова:** язык, оценка, эстетическая оценка, сема, предмет, объект, оценочная основа, оценочные отношения, эмоциональность, аффективность

Оламнинг содда манзарасида гўзаллик тушунчаси энг муҳим қадриятлардан бири. Уни яхлитликда англаш, ботиний ва зоҳирий деб гуруҳларга ажратиш ҳар бир миллат олам манзарасининг аксиологик хусусиятидир. Оламнинг миллий манзарасида маданият ва қадриятлар турли концептлар орқали ифодаланади. Бинобарин, қадриятлар концептлар таркибидаги асосий компонентдир [1, 3-5 б]. Жумладан, “гўзаллик” концепти инглиз, ўзбек ва тожик миллий маданиятида лисоний жиҳатдан ўзига хос тарзда ифодаланади. Қадрият концептларнинг лисоний ифодаланиши асоси сифатида белгиланганлиги боис миллий маданиятни аниқлаш мақсадида соҳа тадқиқотчилари қадриятли олам манзарасини ўрганишга алоҳида урғу беришади [3, 16 б].

Мутафаккир олим, адиб Садриддин Айний ҳар бир қавм тили ўша қавмнинг маданияти натижаси ҳамда ўша маданиятни ўрганиш воситаси эканлигини таъкидлайди [1,25б]. Ҳақиқатан, тил – ҳар бир миллат маданиятининг кўзгуси. Шу маънода олам манзарасини тўлиқ англамай, унинг фалсафий моҳияти ва заруратини белгиламай туриб, тил, тафаккур, маданиятга оид масалалар ечимига тўлақонли жавоб топиб бўлмайди.

Замонавий тилшунослик тилни когнитив аспектда таҳлил қилиш, изланишларни концептуал майдон, моделлаштириш ҳамда фрейм таҳлиллар асосида амалга ошириш жараёнида оламнинг миллий, эстетик, илмий манзараси фарқланишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу узлуксиз жараён мамлакатимизда тилни антропоцентрик нуқтаи назардан таҳлил қилиш сари йўл очди. Жумладан, Д.У.Ашурова, Ш. Сафаров, Г.Х.Боқиева, А.Э.Маматов, Д.Худойберганова ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида олам манзарасига турлича таъриф берилган.

Ш. Сафаров “Зотан, оламни билишнинг асосий воситаси – мия, онг. Мияда кечадиган ақлий фаолият натижасида олам ҳақида ахборот тўпланади, тартиблаштирилади, қайта ишланади ва фойдаланишга тайёрланади. Бу жараёнлар асосан тил иштирокида кечади”, деб ёзади [8,

356]. А.Э. Маматов эса: “Дунё манзараси инсон мулоқоти учун биринчи даражали аҳамиятга эга. Модомики, тил инсоннинг алоҳида атрибуту(рамзи) ҳисобланар экан, оламнинг лисоний манзарасида инсон марказий фигура сифатида гавдаланади.”, деб таъкидлайди [5, 8 б].

*Қадрият-маданият-маъно* шартли схемасидаги тушунчалар нафақат бир тўғри чизиқ остида, балки бир-бирини тўлдирган ҳолда ҳам мавжуд. Қадриятлар муаммоларининг ўрганилиши маданият моҳиятини ёки маданият ҳодисасини яхлит тушунишда катта аҳамиятга эга.

Ҳар бир тарихий даврда инсоният муайян ижтимоий тузумнинг вакили сифатида уруғ, қабила, элат ва миллатларга мансуб бўлган. Даврлар ўтиши билан ҳар бир халқнинг ўзига хос миллий ва умуммиллий қадриятлари шаклланган ва авлоддан авлодга ўтиб келган. Шу тариқа миллий қадриятлар юзага келган [9, 23 б]. Улар, ўз навбатида, инсон онгида аксиологик билим захираси бўлиб хотирада муҳрланади ва ментал бирлик *фрейм*ларни ҳосил қилишда иштирок этади [4, 32 б]. Бинобарин, Г. Риккерт агар фан маданиятни табиат белгиларидан фарқламоқчи экан, авваламбор, қадриятлар принципига асосланиши кераклигини айтади [7, 32 б].

“Гўзаллик” табиатнинг бир бўлаги тарзида объектив нуқтаи назардан қаралса, уни қаерда муайян кўришимиз мумкин ёки табиат уни қандай ифода этади. Уни онгли мавжудотгина англаши, нафақат англаши балки ҳис этиши муқаррар. Онгсиз ва жонсиз мавжудот, масалан, тош тошнинг гўзаллигини англамайди-ку! Инсон эса бир тошни иккинчисидан фарқлаши мумкин. Бир тошга иккинчи тошдан кўпроқ қиймат, баҳо бериши биринчи тошни қадрлашидан далолат. Табиатдаги *садаф*, *ёқут* ижтимоий ҳаётда ўз қийматига эга бўлса-да, эстетик қадрият сифатида инсон онгида қайта яралади ва *тишларнинг садафдек*, *лабларнинг ёқут* сингари гўзаллиги; тожик тилида *гавҳарнишон*, *гуҳарнамой*, *дури ятим*, *лаълмонанд*, *садафосо* каби лисоний тафаккур ҳосилалари эстетик аксиологик баҳонинг миллий образлари натижасидир. Жумладан, “Сумалақдан тош топдим, бир парча қуёш топдим” ифодаси миллий маданиятнинг лисонда акс этишининг ёрқин намунасидир. *Сумалақ* сўзи ўзбек ва тожик(сумалақ, саману, суманак, саманак) [6, 123 б] миллатига хос миллий таом номини ифодалайди. Унинг пиширилишида иштирок этувчи тош таомнинг куймасдан пиширилишининг бир технологияси бўлса-да, ўзбек миллий маданиятида бу таом тановулида ўша тош кимнинг идишидан чиқса, унинг орзуига эришишига халқ ишонган. Бунда халқнинг келажакка умид, бахтли ҳаёт ҳақидаги орзулари мужассамланганлиги халқ тўқиган, куйлаган шеър ва қўшиқларда воқеланган. Сумалақдан топилган тош ўзбек миллий маданиятининг реалияси. У ўзбек олам миллий манзарасини яратади, билим сифатида шаклланиб, ментал қурилмалар орқали лисонда ифодаланади, яъни юқорида ифода этилган қўшиқ сатрларида *тош қуёш* сифатида қайта жонланган, яъни *қаттиқ*, *совуқ*, *жонсиз* табиат натурфакти *иссиқ*, *меҳрли* қадриятли ашёвийликни инсон онгида вужудга келтирган. Демак, маданият тушунчасида *қадр* каби омилларнинг ўз вазифасини бажаришида инсон

омили муҳим ўрин эгаллайди ва инсоннинг ўзи ижтимоий ҳодисага қиймат бериб, миллий онгини шакллантиради. Идрокли жонзот сифатида инсон ўз тафаккурида “гўзаллик”ни жонлантиради, яъни баҳо беради, кадрлайди ҳамда ментал бирликлар ёрдамида уни белгилар орқали ифодалайди, кадрият касб этади, авлоддан авлодга етказиш жараёнида билимлар системасини, яъни *фрейм*ларни яратади ёки тош фреймининг яна бир слотини ўзбек онгида шакллантиради. Зеро, ушбу фрейм слоти бошқа миллий маданиятларда учрамаслиги мумкин. *Инсон–ижтимоийлик–баҳо–кадр–миллий онг–лисон* узвий айланаси доирасида маданият ва кадр тушунчалари фақат бизнинг онгимиздагина мавжуд, ундан ташқарида ҳайвонот ва наботот дунёсида ҳеч қандай маънога эга бўлмаслиги муқаррар. Чунки табиий ташқи дунёнинг ўзига хос, яъни биз англамаган лисон ва инсоний идрокдан ташқарида турувчи омиллари борки, масаланинг бу жиҳати табиий фанлар учун муҳимлик касб этиши мумкин. Инсон бошқа жонзотлардан нутққа эгалиги билан ажралиб туради. Зеро, юқорида кўрсатилган қонуниятлар занжирида лисон акс этмас экан, маданият ва миллий онг каби тушунчалар ҳам фақат фойдали/фойдасизлик қийматидан ўзга кадрларни ифодамай олмайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Айнӣ С.Куллиёт. –Нашриёти давлати Тоҷикистон. Ҷ. 5, Душанбе: 1963.– С. 75
2. Арутюнова Н. Д. Введение // Логический анализ языка. Ментальные действия. – М.: Наука, 1993.– С.5.
3. Карасик В. И.Культурные доминанты в языке // Языковая личность: Культурные концепты: сборник научных трудов. –Волгоград – Архангельск: Перемена, 1996. – С.3 -16.
4. Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. 2-е изд. – М.: Гнозис, 2004.– 390 с.
5. Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? //Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари: илмий амалий анжуман материаллари. Андижон: Андижон, 2012. –Б. 212.
6. Мухтасари мероси маънавийи Тоҷикистон. Мух.Саъдулло Карим. – Душанбе,: Адиб, 2016.– С.189.
7. Риккерт Г. Науки о природе и науки о культуре: Пер. с нем./Общ. Ред. И предилс. А.Ф. Зотова – М.: Наука, 1998.– С. 32.
8. Сафаров Ш. Семантика. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013.Б.
9. Юсупов Э., Гуленов Ж., Гофуров З. Миллий масалаларга доир фалсафий суҳбатлар. – Т.: Фан, 1991. –Б.26.

## ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ «SPIRITUALITY» МАЗМУНИЙ МАЙДОНИ ТАРКИБИ

М.Б.Ахмедова,  
PhD (БухДУ)

**Аннотация.** Мазкур мақолада инглиз тилидаги «spirituality» мазмуний майдони таркибий қисмлари, муносабатлари ва лексикографик талқини таҳлил қилинган ва мисоллар асосида ёритилган.

**Аннотация.** В этой статье анализируются компоненты, взаимосвязи и лексикографическая интерпретация контекста «духовность» в английском языке и иллюстрируется их примерами.

**Annotation.** This article analyzes the components, relationships, and lexicographical interpretations of the “spirituality” context in English and illustrates them with examples.

**Калит сўзлар:** руҳият, мазмуний майдон, таркиб, муносабатлар.

**Ключевые слова:** духовность, контекст, компоненты, взаимосвязь.

**Key words.** Spirituality, context, components, relationships .

«Spirituality» термини тафаккур ва хулқ етуклигини англатишдан кўра кўпроқ диний эътиқод, эътиқод мустаҳкамлиги каби тушунчаларга яқин туради. Дарҳақиқат, инглиз тилининг Вебстер изоҳли луғатида «spirituality» сўзига қуйидагича таъриф берилади: «*of the spirit or the soul as distinguished from the body or material matters*»<sup>18</sup>(p.1373) Яъни тана ёки моддий нарсалардан ажратилган руҳ ёки қалбга оид. Шунингдек, ушбу лексемадан сўнг луғатда «*spiritual character, quality, or nature*» (p.1373) (маънавий хусусият, сифат ёки табиат) деган тушунчалар келтирилади.

«Spirituality» асосида ётган «spirit» сўзи «руҳ» маъносини ифодалагани сабаб ушбу сўз аслида «маънавий» эмас, «руҳият» дея таржима қилиниши мақсадга мувофиқ. Аммо руҳ инсон феъли, унинг ўзлигини англатар экан, ушбу номоддий категорияларнинг энг аъло шаклдагиси юксак маънавий белгиси сифатида қабул қилиниши лозим. Шу жиҳатдан «spirituality» истилоҳи «маънавий» сўзига эквивалент сифатида қабул қилиниши мумкин. Бироқ «spirituality» ўз таркибида «маънавий» сўзидаги каби ижобий бўёқдорликка эга эмас. Ушбу сўз нисбатан нейтрал маънони ифодалайди ва унинг нейтрал маъносини берадиган «руҳият» атамаси ижобий сифатланишга эҳтиёжманд. Яъни «spirituality» истилоҳи «high spirituality» дея сифатланганда «юксак руҳият» маъносини ифодалайди ва шу шаклда «маънавий» сўзининг айнан муқобили ҳисобланади.


«Spirituality» концептига дахлдор илмий тадқиқотларда ушбу тушунча қатор сифатловчи билан тавсифланади. Хусусан, «spirituality»нинг дастлабки хусусиятларидан бири унинг инсон шуурида туғма вужудга келишидир: «Human spirituality in a very real sense...unifies the whole person» and is «an inbuilt feature of the human species that develops from the beginning

<sup>18</sup>Merriam Webster Dictionary, New Edition, Springfield, MA, – 2016. –P. 124.

of an individual's life (or not) depending on [prevailing] conditions»<sup>19</sup>. Яъни spirituality, том маънода, инсонни бир бутун шахс сифатида жипс ҳолда тутиб туради. У инсоннинг туғма хусусияти ва ташқи муҳитга боғлиқ (бўлмаган) ҳолда туғилиш онидан ривожлана бошлайди.

Инглиз тилида «spirituality» тушунчасини ақлий, ҳиссий ва ахлоқий характерга эга уч қиррали воқелик дея қабул қилиш ва шу асосда таҳлилга тортиш мақсадга мувофиқ.

1-жадвал.




Ушбу мураккаб концепт инглиз ва ўзбек тилларида қатор категориялардан ташкил топганлигини кузатамиз. Хусусан, мазкур концепт доирасига *self-development* (шахсий такомиллашув), *emotion* (ҳиссиёт), *enlightenment* (маърифат), *responsibility* (масъулият), *conscience* (виждон), *faith* (эътиқод), *aim* (мақсад), *development* (тараққиёт), *ethics* (ахлоқ) кабилар киради.

Қуйидаги жадвалда (2-жадвал) ҳар иккала тилнинг ақлий, ҳиссий, ахлоқий каби «маънавият» тушунчаларини ифодаловчи бирликлар тизимида таянч (от), марказ (сифат) ва чекка (фёъл) унсурлар мавжудлиги кўрсатиб берилган.

2-жадвал.

<sup>19</sup> Hay D.; Reich, K.H.; Utsch, M. Spiritual Development: Intersections and Divergence with Religious Development. In the Handbook of Spiritual Development in Childhood and Adolescence. Roehlkepartain, E.C., King, P.E., Wagener, L.M., Benson, P.L., Eds.; Sage Publications: Thousand Oaks, CA, USA, 2006. – P.44.



«Spirituality» тизимига кирувчи сўзларнинг кўпчилиги сўз ясовчи кўшимча ва префикслар ёрдамида бошқа грамматик категорияга ёки ушбу воситалар ёрдамида бошқа туркумдан ҳозирги тизимига ўтади; бу атов категорияни ташкил этувчи бирликлар келиб чиқиш этимологиясига кўра соф (*shame* – уят, *faith* – эътиқод, *belief* – ишонч, *honesty* – ростгўйлик, *truth* – ҳақиқат, *kindness* – меҳр) ёки ўзлашган бирликлар (*ideology* – мафкура, *spirituality* – маънавият, *conscience* – виждон) гуруҳига бўлинади.

Инглиз тилидаги «spirituality» атов бирликлари тадқиқидан маълум бўладики, мазкур бирликларнинг кўпчилиги асрлар давомида инглиз тилига бошқа тиллардан тўлалигича ўзлашган; уларнинг баъзиси шаклий, грамматик ва маъновий ўзгаришларга учраган. Чунончи, «spirituality» ифода бирликлари генетикасига хос бўлган асосий белгилардан бири ушбу сўзларнинг аксарияти лотин тилидан ўзлашганлигидадир. Бироқ айнан маънавият тушунчасини ифодаловчи «spirituality» сўзи инглиз тилига бевосита лотин тилидан эмас, балки бошқа бир тил воситасида кириб келган. Лотин тилида эса ушбу сўзнинг бирламчи шакли «spirituality» сўзидан бир қадар фарқли эканлигини кўрамыз. Зеро, Оксфорд изоҳли луғатларидан бирида «spirituality» сўзи асосида ётган «spirit» сўзининг келиб чиқишига доир қуйидаги маълумот бор: «Middle English: from Anglo-Norman French, from Latin *spiritus* ‘breath, spirit’, from *spirare* breathe»<sup>20</sup>.

(Мазмуни: «Сўзнинг келиб чиқиши ўрта инглиз тили даврига тўғри келади ва у француз тилининг Англо-Норман шаклидан ўзлашган, ўз

<sup>20</sup>Oxford English Dictionary. Second edition, 20 volumes, UK, 1989.–21728 p.; The Concise Oxford Dictionary. 12<sup>th</sup> edition. – Oxford University Press, 2011.– 1696 p.; The New Oxford Dictionary of English. – Oxford University Press, UK, 2010. – 2112p.; Angus Stevenson, Christine A. Lindberg. New Oxford American Dictionary. Third edition. – Oxford University Press, UK, 2010. – 2096 p.; The New Shorter Oxford English Dictionary on Historical Principles. – Oxford University Press; Revised edition. November 9, 1995. – 3840 p.



навбатида, бу тилга лотин тилидан кириб келган ва дастлаб «spirare» сўзи «нафас олмоқ» маъносини ифодалаган).

Юқоридаги сўз этимологияси изоҳидан англашиладики, лотин тилига мансуб ушбу бирлик кейинчалик бошқа тилларда, хусусан, инглиз тилида ҳам турли маъно қирралари билан бойитилган. Албатта, бу каби ўзгаришлар лотин тилидан кириб келган мазкур атов гуруҳидаги бошқа турли бирликларга ҳам оид. Зеро, истилоҳнинг шаклан ва луғавий жиҳатдан ўзгариши бир неча аср мобайнида юз берган, шу ўринда ушбу қатлам бирликларининг диний адабиётларда кўп учрашини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ушбу бирликларнинг жадал суръатларда бадиий адабиётга, халқ оғзаки мулоқотига кўчишида эса инглиз черковининг Ғарбий Европа католик черковидан ажралиб чиқишини асосий омил сифатида таъкидлаш жоиз. Черковнинг ажралиб чиқиши натижасида кўплаб диний адабиётлар инглиз тилига таржима қилинган. Ўз навбатида, инглиз тилида ўзига хос «spirituality» концептосфераси шаклланган.

Шу ўринда мазкур бирликлар кўп асрлар мобайнида инглиз тилига бошқа тиллардан ўзлашганлигини, қолаверса, улар ўзлашган тил хусусиятига эга бўлиш билан бирга кўплаб шаклий, грамматик ва маъновий ўзгаришларга учраганлиги аниқланган. Бу концепт таркибининг асосини ташкил қилган барча унсурлар, ўз навбатида, фонетик (*unit – unite – united – unique*), морфологик (*spirit – spiritual, spiritually, spirituality, inspire* (руҳ – руҳий, руҳиятга оид, руҳият/маънавият, руҳлантирмоқ) ва луғавий (*helpful – ёрдами тегадиган, унумли, united– бирлашган, friendly – дўстона*) ўзгаришларга учраганлиги маълум бўлди. Инглиз тилида «spirituality» категориясининг генетик таснифи, ясаилишига кўра (деривацион) таҳлили, шунингдек, тузилиш жиҳатдан (структур) таҳлили барча тилларда мазкур қатлам ифода бирликларини тартибга солиш, категориялаш ва таснифлашда ўзига хос андоза вазифасини ўтайди.

«Spirituality» термини тафаккур ва хулқ етуклигини англатишдан кўра кўпроқ диний эътиқод, эътиқод мустаҳкамлиги каби тушунчаларга яқин туради. Дарҳақиқат, инглиз тилининг Вебстер изоҳли луғатида «spirituality» сўзига қуйидагича таъриф берилади: «*of the spirit or the soul as distinguished from the body or material matters*»<sup>21</sup>(p.1373) Яъни тана ёки моддий нарсалардан ажратилган руҳ ёки қалбга оид. Шунингдек, ушбу лексемадан сўнг луғатда «*spiritual character, quality, or nature*» (p.1373) (маънавий хусусият, сифат ёки табиат) деган тушунчалар келтирилади.

«Spirituality» асосида ётган «spirit» сўзи «руҳ» маъносини ифодалагани сабаб ушбу сўз аслида «маънавият» эмас, «руҳият» дея таржима қилиниши мақсадга мувофиқ. Аммо руҳ инсон феъли, унинг ўзлигини англатар экан, ушбу номоддий категорияларнинг энг аъло шаклдагиси юксак маънавият белгиси сифатида қабул қилиниши лозим. Шу жиҳатдан «spirituality» истилоҳи «маънавият» сўзига эквивалент сифатида қабул қилиниши мумкин. Бироқ «spirituality» ўз таркибида «маънавият» сўзидаги каби


<sup>21</sup>Merriam Webster Dictionary. New Edition, Springfield, MA, – 2016. –P. 124.

ижобий бўёқдорликка эга эмас. Ушбу сўз нисбатан нейтрал маънони ифодалайди ва унинг нейтрал маъносини берадиган «руҳият» атамаси ижобий сифатланишга эҳтиёжманд. Яъни «spirituality» истилоҳи «high spirituality» дея сифатланганда «юксак руҳият» маъносини ифодалайди ва шу шаклда «маънавият» сўзининг айнан муқобили ҳисобланади.

«Spirituality» концептига дахлдор илмий тадқиқотларда ушбу тушунча қатор сифатловчи билан тавсифланади. Хусусан, «spirituality»нинг дастлабки хусусиятларидан бири унинг инсон шуурида туғма вужудга келишидир: «Human spirituality in a very real sense...unifies the whole person» and is «an inbuilt feature of the human species that develops from the beginning of an individual's life (or not) depending on [prevailing] conditions»<sup>22</sup>. Яъни spirituality, том маънода, инсонни бир бутун шахс сифатида жипс ҳолда тутиб туради. У инсоннинг туғма хусусияти ва ташқи муҳитга боғлиқ (бўлмаган) ҳолда туғилиш онидан ривожлана бошлайди.

Инглиз тилида «spirituality» тушунчасини ақлий, ҳиссий ва ахлоқий характерга эга уч қиррали воқелик дея қабул қилиш ва шу асосда таҳлилга тортиш мақсадга мувофиқ.

1-жадвал.




Ушбу мураккаб концепт инглиз ва ўзбек тилларида қатор категориялардан ташкил топганлигини кузатамиз. Хусусан, мазкур концепт доирасига *self-development* (шахсий такомиллашув), *emotion* (ҳиссиёт), *enlightenment* (маърифат), *responsibility* (масъулият), *conscience* (виждон), *faith* (эътиқод), *aim* (мақсад), *development* (тараққиёт), *ethics* (ахлоқ) кабилар қиради.

Қуйидаги жадвалда (2-жадвал) ҳар иккала тилнинг ақлий, ҳиссий, ахлоқий каби «маънавият» тушунчаларини ифодаловчи бирликлар тизимида

<sup>22</sup>Hay D.; Reich, K.H.; Utsch, M. Spiritual Development: Intersections and Divergence with Religious Development. In the Handbook of Spiritual Development in Childhood and Adolescence. Roehlkepartain, E.C., King, P.E., Wagener, L.M., Benson, P.L., Eds.; Sage Publications: Thousand Oaks, CA, USA, 2006. – P.44.

таянч (от), марказ (сифат) ва чекка (феъл) унсурлар мавжудлиги кўрсатиб берилган.

2-жадвал.



«Spirituality» тизимига кирувчи сўзларнинг кўпчилиги сўз ясовчи кўшимча ва префикслар ёрдамида бошқа грамматик категорияга ёки ушбу воситалар ёрдамида бошқа туркумдан ҳозирги тизимига ўтади; бу атов категорияни ташкил этувчи бирликлар келиб чиқиш этимологиясига кўра соф (*shame* – уят, *faith* – эътиқод, *belief* – ишонч, *honesty* – ростгўйлик, *truth* – ҳақиқат, *kindness* – меҳр) ёки ўзлашган бирликлар (*ideology* – мафкура, *spirituality* – маънавият, *conscience* – виждон) гуруҳига бўлинади.

Инглиз тилидаги «spirituality» атов бирликлари тадқиқидан маълум бўладики, мазкур бирликларнинг кўпчилиги асрлар давомида инглиз тилига бошқа тиллардан тўлалигича ўзлашган; уларнинг баъзиси шаклий, грамматик ва маъновий ўзгаришларга учраган. Чунончи, «spirituality» ифода бирликлари генетикасига хос бўлган асосий белгилардан бири ушбу сўзларнинг аксарияти лотин тилидан ўзлашганлигидадир.

Бироқ айнан маънавият тушунчасини ифодаловчи «spirituality» сўзи инглиз тилига бевосита лотин тилидан эмас, балки бошқа бир тил воситасида кириб келган. Лотин тилида эса ушбу сўзнинг бирламчи шакли «spirituality» сўзидан бир қадар фарқли эканлигини кўрамиз.

Зеро, Оксфорд изоҳли луғатларидан бирида «spirituality» сўзи асосида ётган «spirit» сўзининг келиб чиқишига доир қуйидаги маълумот бор:

«Middle English: from Anglo-Norman French, from Latin spiritus ‘breath, spirit’, from spirare breathe»<sup>23</sup>.

(Мазмуни: «Сўзнинг келиб чиқиши ўрта инглиз тили даврига тўғри келади ва у француз тилининг Англо-Норман шаклидан ўзлашган, ўз навбатида, бу тилга лотин тилидан кириб келган ва дастлаб «spirare» сўзи «нафас олмоқ» маъносини ифодалаган).

Юқоридаги сўз этимологияси изоҳидан англашиладики, лотин тилига мансуб ушбу бирлик кейинчалик бошқа тилларда, хусусан, инглиз тилида ҳам турли маъно қирралари билан бойитилган. Албатта, бу каби ўзгаришлар лотин тилидан кириб келган мазкур атов гуруҳидаги бошқа турли бирликларга ҳам оид. Зеро, истилоҳнинг шаклан ва луғавий жиҳатдан ўзгариши бир неча аср мобайнида юз берган, шу ўринда ушбу қатлам бирликларининг диний адабиётларда кўп учрашини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ушбу бирликларнинг жадал суръатларда бадиий адабиётга, халқ оғзаки мулоқотида кўчишида эса инглиз черковининг Ғарбий Европа католик черковидан ажралиб чиқишини асосий омил сифатида таъкидлаш жоиз. Черковнинг ажралиб чиқиши натижасида кўплаб диний адабиётлар инглиз тилига таржима қилинган. Ўз навбатида, инглиз тилида ўзига хос «spirituality» концептосфераси шаклланган.

Шу ўринда мазкур бирликлар кўп асрлар мобайнида инглиз тилига бошқа тиллардан ўзлашганлигини, қолаверса, улар ўзлашган тил хусусиятига эга бўлиш билан бирга кўплаб шаклий, грамматик ва маъновий ўзгаришларга учраганлиги аниқланган. Бу концепт таркибининг асосини ташкил қилган барча унсурлар, ўз навбатида, фонетик (*unit – unite – united – unique*), морфологик (*spirit – spiritual, spiritually, spirituality, inspire* (руҳ – руҳий, руҳиятга оид, руҳият/маънавият, руҳлантирмоқ) ва луғавий (*helpful – ёрдами тегадиган, унумли, united– бирлашган, friendly – дўстона*) ўзгаришларга учраганлиги маълум бўлди. Инглиз тилида «spirituality» категориясининг генетик таснифи, ясаилишига кўра (деривацион) таҳлили, шунингдек, тузилиш жиҳатдан (структур) таҳлили барча тилларда мазкур қатлам ифода бирликларини тартибга солиш, категориялаш ва таснифлашда ўзига хос андоза вазифасини ўтайди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Akhmedova, M. B. (2019) "Analysis of - spirituality| category and its structure in the English language," Central Asian Problems of Modern Science and Education: Vol. 4 : Iss. 2 , Article 136.
2. Akhmedova Mekhrinigor Bakhodirovna. “‘Spirituality’ language category and its content”. Middle European Scientific Bulletin, vol. 6, Nov. 2020, pp. 57-59, doi:10.47494/mesb.2020.6.115.

<sup>23</sup>Oxford English Dictionary. Second edition, 20 volumes, UK, 1989.–21728 p.; The Concise Oxford Dictionary.12<sup>th</sup> edition. – Oxford University Press, 2011.– 1696 p.; The New Oxford Dictionary of English. – Oxford University Press, UK, 2010. – 2112p.; Angus Stevenson, Christine A. Lindberg. New Oxford American Dictionary. Third edition. – Oxford University Press, UK, 2010. – 2096 p.; The New Shorter Oxford English Dictionary on Historical Principles. – Oxford University Press; Revised edition. November 9, 1995. – 3840 p.

3. Akhmedova Mekhrinigor Bakhodirovna. (2020). "Spirituality" language category and its content. Middle European Scientific Bulletin, 6, 57-59. <https://doi.org/10.47494/mesb.2020.6.115>

## КОГНИТИВНАЯ МЕТОНИМИЯ КАК ПЕРИФЕРИЙНЫЙ УРОВЕНЬ ВЕРБАЛИЗАЦИИ КОНЦЕПТА

*А.М.Базарбаева,  
доцент, PhD  
(УЗГУМЯ)*

**Аннотация.** Мақола инглиз тилини ўқитишда рангни ифодаловчи бирликларини муаммоли ва мазмунли ўқитишнинг назарий масалаларига бағишланган. Ушбу стратегиялар ўқитувчилар учун нафақат тилни эгаллаш малакасига эга бўлишда, балки танқидий фикрлаш малакасини ривожлантиришда ҳамда ўқувчиларнинг келгусида чет тилни ўрганишлари учун мотивацияси ҳосил бўлишида ёрдам бериши билан фойдали бўлиши мумкин.

**Аннотация.** Статья посвящена изучению когнитивно-семантической структуры цветообозначений в английском языке. Данные стратегии могут быть полезными преподавателям в связи с тем, что развивают не только языковые навыки, но и навыки критического мышления, а также помогают мотивировать учащихся к дальнейшему изучению иностранного языка.

**Abstract.** This article is devoted to the study of cognitive and semantic structure of color notions in the English language. These strategies may be very helpful for teachers, as they develop not only language skills in a natural environment, but also critical thinking as well as motivate learners for further language studying.

**Ключевые слова:** когнитивная лингвистика, компетентностный подход, креативное мышление, содержательное обучение, преподавание английского языка.

**Калит сўзлар:** компетент ёндашув, муаммоли таълим, мазмунли таълим, инглиз тилини ўқитиш, креатив йўналиш.

**Key words:** cognitive linguistics, competence approach, critical thinking, content based approach, foreign language teaching.

Динамический характер концептов, их взаимодействие и взаимовлияние рассматривается в рамках теории вторичной репрезентации. Изменчивая природа концептов, обеспечивающая неисчерпаемость концептуального содержания, позволяет ввести понятие вторичной репрезентации, подразумевающей языковое представление известного, но в определенной мере модифицированного концептуального содержания за счет использования вторичных языковых средств. При этом происходит не только актуализация исходного концепта, но и его модификация,

приводящая к формированию нового концепта, который в зависимости от степени модификационных процессов может значительно отличаться от исходного [Бабина, 2003б: 54].

В основе вторичной репрезентации лежит концептуальная деривация, представляющая собой когнитивный процесс, который обеспечивает появление новой структуры знания в концептуальной системе человека на основе уже существующих структур знания. Концептуальная деривация предполагает, что «после того, как концепты, составляющие концептуальную систему человека, уже были каким-либо образом поименованы, в языке возникли предпосылки для их дальнейшего объединения в новые концептуальные структуры, обладающие новыми языковыми значениями» [Бабина, 2005: 142].

Именно когнитивный процесс «концептуальная деривация» приводит к формированию концепта.

Прилагательные цвета активно подвержены процессам вторичной номинации благодаря богатству ассоциативной ауры, связанной с тем или иным цветом. *Центральным когнитивным механизмом* образования вторичных номинаций следует считать *метонимический перенос*, так как «реальные связи, существующие между визуально воспринимаемыми признаками, легче обнаруживаются и вербализуются» [Соскина, 2008: 100], кроме того, с когнитивной точки зрения более экономно рассматривать перенос внутри одного домена.

Метонимия с когнитивной точки зрения представляет собой одну из базовых характеристик мышления, не только творческого, но и мышления обыденного, повседневного. Она рассматривается многими исследователями как еще один основной когнитивный инструмент познания окружающей действительности [Падучева, 2000, 2003; Панасенко, 2000; Козлова, 2001; Лакофф 2004; Лакофф, Джонсон 2004; Рунова, 2006; Lakoff, Johnson 1980; Jackendoff, 1984, 1993; Lakoff, 1990a; Taylor, 1995; Kövecses, Radden 1998; Blank, 1999; Feysaerts, 1999; Koch, 1999; Radden, Kövecses 1999; Riemer, 2002; Panther, Thornburg 2003 и другие].

Дж. Лакофф и М. Джонсон отмечают, что лингвистическая функция метонимии заключается в косвенной референции, при которой одна сущность используется для отсылки к другой [Лакофф, Джонсон 2004: 62; Lakoff, Johnson 1980: 36]. Однако метонимия, как и метафора, представляет собой не только языковое явление. Она функционирует в концептуальной системе человека в виде устойчивых, регулярных метонимических концептов, систематизированных в человеческом сознании и отраженных в определенной культуре посредством языка [Рунова, 2006]. По мнению Дж. Лакоффа и М. Джонсона, метонимические концепты коренятся в человеческом опыте, что является более очевидным, чем у метафорических концептов, так как метонимия обычно содержит явные указания на физические или причинные ассоциации [Лакофф, Джонсон 2004: 66; Lakoff, Johnson 1980: 39]. Метонимия, по замечанию данных исследователей, в

какой-то мере служит тем же целям, что и метафора, и используется похожим образом, но она позволяет точнее сконцентрироваться на определенных сторонах того, что обозначается.

В отличие от метафорической модели, заключающейся в ассоциации, аналогии двух разных областей знания, метонимическое отображение наблюдается внутри единой когнитивной области, когда один составляющий элемент этой структурированной области замещает другой ее элемент [Лакофф, Джонсон 2004: 62; Lakoff, Johnson 1980: 36]. З. Ковечеш и Г. Радден один концепт, обеспечивающий ментальный доступ к другому концепту в пределах одной когнитивной области (домена) или ИКМ, называют концептом – средством (vehicle), а второй концепт – концептом–целью (target) [Kövecses, Radden, 1998: 38-39; Radden, Kövecses 1999: 19]. Тем самым постулируется, что метонимия ограничивается рамками одной концептуальной структуры и не предполагает какого-либо взаимодействия с другой концептуальной структурой [Болдырев, 2000: 91; Козлова, 2001: 33].

Регулярный характер метонимии объясняется существованием частотных метонимических моделей, которые выявляют закономерность ее функционирования в языке [Рунова, 2006: 9]. Метонимические модели и их систематичность указывают на их устойчивость в обыденном сознании, что способствует процессу конвенционализации метонимии [Barcelona, 2003: 1415].

Дж. Лакофф определяет метонимическую модель как концептуальную структуру, между элементами которой существует отношение замещения. Более того, он выделяет ряд характеристик метонимических когнитивных моделей, которые обуславливают данное замещение:

1. Существует концепт-мишень А, который с определенной целью должен быть воспринят в определенном контексте;

2. Существует концептуальная структура, содержащая как концепт А, так и концепт В;

3. В является либо частью А, либо тесно связан с ним в этой концептуальной структуре. Как правило, выбор В однозначно определяет А в рамках этой структуры;

4. По сравнению с А, В либо легче понять, запомнить, распознать, либо легче использовать для данной цели в данном контексте [Лакофф, 1988: 33; Лакофф, 2004: 120; Lakoff, 1990a: 84-85].

Так, отношение замещения может проявляться в следующих продуктивных метонимических моделях: *part – whole* (all hands on deck); *whole – part* (to fill up the car); *container – content* (I'll have a glass); *material – object* (a glass, an iron); *producer – product* (buy a Ford); *place – institution* (talks between Washington and Moscow); *cause – effect* (his native tongue is German) и другие [Ungerer, Schmid 1997: 116].

Таким образом, действие когнитивного механизма «концептуальная метонимия» наряду с действием других когнитивных механизмов приводит к формированию концепта, соотносимого с экзоцентрическим сложным словом.

#### Список использованной литературы:

1. Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания. – Л.: ЛГУ, 1969.–338 с.
2. Апресян А.Д. Идеи и методы современной структурной лингвистики (краткий очерк). – М.: Просвещение, 1996. – 203 с.
3. Болдырев Н.Н. Методологические проблемы когнитивных исследований в лингвистике // Филология и культура: мат-лы VII Междунар. науч. конф. 14 – 16 окт. 2009 г. – Тамбов: Издательский дом ТГУ им. Г.Р. Державина, 2009. – С. 35-41.
4. Фрумкина Р.М. Концепт, категория, прототип // Лингвистическая и экстралингвистическая семантика: Сб. обзоров. – М.: 1992. – С. 28-43.

### ДИСКУРСИВНЫЙ АНАЛИЗ «КОНЦЕПТУАЛЬНОЙ МЕТОНИМИИ»

*А.М.Базарбаева,  
доцент, PhD  
(УЗГУМЯ)*

**Аннотация.** Мақола инглиз тилини ўқитишда рангни ифодаловчи бирликларини муаммоли ва мазмунли ўқитишнинг назарий масалаларига бағишланган. Ушбу стратегиялар ўқитувчилар учун нафақат тилни эгаллаш малакасига эга бўлишда, балки танқидий фикрлаш малакасини ривожлантиришда ҳамда ўқувчиларнинг келгусида чет тилни ўрганишлари учун мотивацияси ҳосил бўлишида ёрдам бериши билан фойдали бўлиши мумкин.

**Аннотация.** Статья посвящена изучению когнитивно-семантической структуры цветообозначений в английском, русском и узбекском языках. Данные стратегии могут быть полезными преподавателям в связи с тем, что развивают не только языковые навыки, но и навыки критического мышления, а также помогают мотивировать учащихся к дальнейшему изучению иностранного языка.

Jane Austen does not privilege education over nature in her novel "*Pride and Prejudice*". Miss Bingley was highly educated, she spoke several languages and played multiple instruments. She was quite worldly. Elizabeth, on the other hand, was not well educated. Her parents put little effort into schooling their children, and they never hired a governess to attend to the girls' education. Consequently, the Bennet sisters were left to engage themselves as they chose: Elizabeth read quite a bit, but she was very intelligent, she didn't have the same ability at the piano or with languages as Miss Bingley. If Jane Austen wanted to compel readers to believe that education is the key to being truly well-rounded, likeable, or even good, then she would have made it much easier for us to like Miss Bingley. Miss Bingley, however, is a snob who would rather put on shows to attract Mr. Darcy than spend time to improve herself. Elizabeth is much more likeable, and she follows her own nature. When her mother insists she cannot walk all the way to

Netherfield, she does it anyway. When Mr. Bingley's sisters talk about Elizabeth's dirty skirts behind her back, Mr. Darcy defends Elizabeth's concern for her sister and says the walk seems to have enhanced Elizabeth's beauty. Characters who are good and discerning prefer Elizabeth; Darcy, Bingley and Jane all think highly of her, and Austen makes it easy (in the end) for us to like all of them. This is how we know Austen ultimately privileges nature over education. If Elizabeth represents nature, and she is honest, upright, smart and kind, then we can know nature is privileged over education, which is represented by characters like Miss Bingley.

Thomas mentioned: "Through novels, conversation, and the analysis of one's own behaviors, a woman can learn not only accomplishments, but also the method of interacting in society, which will enable her to earn respect and esteem. These qualities combined, enabled women to be displayed at their best advantage in society; ultimately, in the case of *Pride and Prejudice*, to attract a husband of a higher class." [2, p. 487, 488].

According to Barry Jane Austen demonstrates education as a route to a better life through marriage, allowing women to self-improve both their minds and their social position. [4, p. 112].

In the novel education is viewed largely as a way to attract men at that period of time when the event described in the novel was taking place. When Lydia takes Jane's place at the table as a married woman, Austen demonstrates that society valued marriage as a greater achievement than intelligence and honor. Marriage was consequently valued in the society in a greater sense; education and accomplishments were only means to achieve a profitable marriage. Throughout "*Pride and Prejudice*", Jane Austen demonstrates that accomplishments were more important to attract men's attention. They allowed women a chance to improve their social position by enticing a husband in a higher class.

Jane Austen constructs Elizabeth Bennet as a literary heroine rather than a romance heroine, who goes through a phase of self awareness to realize her shortcomings of pride (on her superior intellect) and her prejudices (against Darcy and Wickham) to better herself and resolve the conflict in the plot to a happy ending.

#### **The list of used literature:**

1. Austen, Jane. *Pride and Prejudice*. First. Ontario: Broadview Press Ltd., 2002. Print. pp. 146, 191
2. Gisborne, Thomas. "On the Importance of the Female Character." *Mansfield Park*. Ed. June Sturrock. Ontario: Broadview Press Ltd., 2001. pp. 487-488.
3. More, Hannah. "The Practical Uses of Female Knowledge." *Pride and Prejudice*. Ed. Robert Irvine. Ontario: Broadview Press Ltd., 2002. pp. 435.
4. Roth, Barry. "Jane Austen and the Question of Women's Education." *Studies in the Novel*. 1993. pp. 112.

## ПРОБЛЕМА «ЛИЧНОСТЬ И ОБЩЕСТВО» В ТРАГЕДИЯХ УИЛЬЯМА ШЕКСПИРА

*Н.Н.Вохидова  
(УзГУМЯ)*

Проблема взаимоотношений личности и общества возникла практически с появлением самого человечества. В разные исторические периоды она имела разные трактовки, применялись различные к ней подходы как в теоретическом, так и практическом плане. Литература как часть общественной идеологии, разумеется, внесла свой вклад в ее освещение. При этом большое значение всегда имели региональные и национальные аспекты проблемы.

Английская литература является неотъемлемой частью мировой культуры и славится по всему миру великими авторами, которые писали о проблемах, волнующих не только англичан, но и все человечество. В своих произведениях они поднимали проблему неравенства, классовой дискриминации, проблему войны и других социальных проблем, которые были актуальными в период их творчества. Но их мастерство и умение разоблачить и показать пороки общества дарят жизнь их произведениям, что даже спустя несколько веков, их не перестают читать и изучать, при этом всегда присутствует специфический чисто английский аспект.

Конфликт между личностью и обществом был главной темой произведений многих английских писателей. Герои таких произведений выступали против норм, принятых обществом, и отстаивали свои убеждения. В разные этапы развития английской литературы проблема "личность и общество" оставалась актуальной. И раскрывали её по-разному.

Свободное развитие человека и вера в его безграничные возможности стала главной темой ренессансной культуры в Англии. С помощью лирической поэзии поэты и писатели этого периода открывали дверь во внутренний мир человека, передавали его эмоции и переживания, мысли и раздумья. А в литературе позднего ренессанса трагедия стала наиболее часто используемым жанром. По мнению Н. Михальской, причиной этого стал тот факт, что трагедия могла с особой силой передать глубину общественных коллизий эпохи, преломившихся в судьбах людей. [2; 34] И именно в литературе позднего ренессанса обнаружилась неразрешимость противоречий между личностью и тираническим режимом абсолютистского государства.

Эта тема была ярко выражена в творчестве Уильяма Шекспира, великого поэта и драматурга эпохи Возрождения, который обратился к теме личности и общества по-новому. Н. Михальская пишет, "В исторических хрониках изображены острые конфликты и трагические противоречия в жизни человека и общества. События национальной истории и реальные персонажи не исключают художественного домысла. Обращение Шекспира

к форме хроники было обусловлено стремлением через прошлое лучше понять и глубже раскрыть противоречия современной ему английской действительности"[2; 47]. Примером этого может служить историческая хроника Шекспира "Ричард III" ("Richard III", 1591). Через образ и историю Ричарда III, Шекспир показывает провал индивидуализма и гибели человеческой личности. Коллизия личности и общества и трагедия личности также звучат в великих трагедиях Шекспира «Гамлет» ("Hamlet", 1603), «Отелло» ("Othello", 1603), «Король Лир» ("King Lear", 1608) и «Макбет» ("Macbeth", 1623). Главные герои этих трагедий окружены циниками, лживыми людьми и преступниками, которые ради достижения своих целей могут убить даже своих близких. Н.П. Михальская пишет, что сам Шекспир размышлял о неустроенности мира и над трагедией личности, живущей в переходную эпоху после правления Англии Елизаветой I. В книге "История английской литературы" она приводит цитату Шекспира из его исторической хроники "Генрих IV", «Попристальной всмотритесь в вещи... И вы увидите, что не король, а время наносило вам обиды». Н.Михальская видит особенность героев Шекспира в том, что они не могут остановить движение времени. Она пишет: "Не может Гамлет вправить «вышедшее из суставов время»; обладая воинской доблестью, не может достигнуть желанной власти Макбет; в мире корысти и жестокости щедрость короля Лира приносит ему страдания; в мире коварного Яго обман одерживает верх над доверчивостью Отелло." [2; 54]

Не претендуя на участие в полемике по поводу трактовки образа Гамлета, заметим лишь, что личность Гамлета сильная и он находит в себе силы, чтобы бороться со злом, которое его окружает. Когда он узнает, что его дядя Клавдий является убийцей его отца, он впадает в отчаяние. Он осуждает свою мать, которая вскоре после смерти своего мужа выходит замуж за Клавдия. Гамлет глубоко скорбит, он разочаровывается в людях вокруг него. Но мириться с этим тоже не может. В борьбе со своим дядей и его сторонниками Гамлет погибает, но ему удается отомстить Клавдию. Конфликт между личностью Гамлета и окружающим его обществом заканчивается трагедией, но также и торжеством добра над злом.

Проблема "личность и общество" также рассматривается Шекспиром в его трагедии "Король Лир"(1606). Н.П. Михальская называет эту трагедию трагедией человеческого достоинства в несправедливом обществе и подчеркивает, что эта трагедия не только семейная и социальная, в ней речь идет не только о существующих в обществе порядках, но и о месте человека в царстве природы, живущей по неподвластным человеку законам. [2; 58] Конфликт в трагедии "Король Лир" начинается с семейной драмы, охватывает все государство, выходит за рамки его и заканчивается войной двух стран. Шекспир описывает этот мир жестоким, а людей в этом обществе беспощадными и лживыми. А.А. Аникст в своей книге "Творчество Шекспира" пишет, что полный распад естественных и общественных связей можно увидеть в отношениях между героями этой

трагедии. Аникст приводит к примеру, как король Лир изгоняет дочь, Глостер — сына; Гонерилья и Регана восстают против отца, Эдмонд обрекает своего отца на страшную казнь; сестры Гонерилья и Регана готовы каждая изменить своему мужу, и в порыве ревнивого соперничества в борьбе за любовь Эдмонда, Гонерилья отравляет Регану; подданные воюют против короля, Корделия идет войной против своей родины. По мнению Аникста, трагедия в "Короле Лире"—это трагедия хаоса, охватившего целое общество. [1]

Исторические события, перемена времен, разрушение общественных устоев стало причинами создания таких трагедий как "Король Лир", "Макбет" и "Отелло". Н.П. Михальская пишет, что Шекспир создавал их, когда сложившиеся в стране конкретно-исторические условия (первые результаты буржуазного прогресса и усиление феодальной реакции) не позволяли реализовать гуманистические идеи в их полноте. По мнению Михальской, условия эпохи приходили в столкновение с идеалами гуманизма, мечта о свободе человеческой личности не могла быть реализована. Такая несовместимость порождала трагический характер возникающих жизненных ситуаций и трагические конфликты в шекспировской драматургии. [2; 63]

Тема человека, ставшего жертвой коварства, звучит в шекспировской трагедии "Отелло". Отелло является воплощением человеческого идеала. Он смелый, доблестный, честный и порядочный. Этот родовитый мавр достиг высокого звания генерала и уважения в высоких кругах Венеции своей храбростью и отвагой. Образ Яго противопоставлен образу Отелло. Яго подлый, лживый, корыстный и мерзкий. Он понимает, что Отелло личность сильная, и это не дает ему покоя. Чтобы отомстить Отелло он прибегает к самым низким способам. Он подрывает его веру в честность Дездемоны, прекрасной жены Отелло. Мир Отелло рушится, яркая и доблестная личность в нем погибает. Поддаваясь влиянию Яго, он душил Дездемону, пытаясь очистить этот мир от предательства и лжи. Когда Отелло узнает, что все было обманом, устроенным Яго, и какую неисправимую ошибку он совершил, поверив подлому обманщику Яго, он вонзает в себя кинжал и кончает со своей жизнью. Перед смертью Отелло признает, что был глупцом. Н. П. Михальская пишет, что образ Яго является воплощением буржуазного эгоцентризма, а образ Отелло воплощением идеалов гуманизма. Яго своим коварством разрушает мир, в котором пребывал Отелло, превращая его в хаос. По мнению Михальской, — это «свободная ренессансная личность, чье доверие к окружающему поколеблено, оказывается уязвимой». [2; 64]

Шекспир смог показать пороки общества и их пагубное влияние на свободное развитие человеческой личности. Герои Шекспира не убегают от этого общества, а наоборот они борются с ним. В этом и заключается призыв Шекспира.

Но у Шекспира мы встречаем и другой вариант взаимодействия личности и общества. Это тот случай, когда талантливая и сильная духом личность не просто объявляет войну обществу, но самоутверждается в злодействах и преступлениях. Яго, Ричард III, Макбет – по-своему одаренные личности. Но, не найдя законных путей к самоутверждению, они выбирают путь преступления, за что и наказываются великим драматургом.

Таким образом, именно Шекспир может по праву считаться первым английским классиком, показавшим разные варианты проблемы взаимоотношения личности и общества и ее решения.

### Списокиспользованной литературы:

1. А.А. Аникст. Творчество Шекспира. Издательство "Художественная литература", Москва 1963.  
<http://william-shakespeare.ru/books/item/f00/s00/z0000011/st083.shtml>
2. Н. П. Михальская. История английской литературы: учеб. для студ. филол. и лингв, фак. высш. пед. учеб. заведений— 2-е изд., стер. — М.: Издательский центр «Академия», 2007.

## ҲИКОЯ ЖАНРИДА БАДИИЙ ПСИХОЛОГИЗМДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ

*Н.С.Қобилова,  
PhD (БухДУ)*

**Аннотация.** В данной статье дана широкая информация о художественной психологии в рассказах американского писателя Джека Лондона и узбекского писателя Абдулла Каххара.

**Аннотация.** Мақолада Америка адабиёти намоёндаси Жек Лондон ва ўзбек ёзувчиси Абдулла Қахҳор ҳикояларидаги бадий психологизмдан фойдаланиш маҳорати таҳлил қилинган.

**Abstract.** In the article is given wide information about literary psychology in stories of American writer Jack London and Uzbek writer Abdulla Kakhkhar.

**Таянч сўзлар:** жанр, лирика, бадий психологизм, қиёсий таҳлил, руҳий ҳолат, психологик мотив

**Ключевые слова:** жанр, лирика, художественный психологизм, сравнительный анализ, душевное состояние, психологический мотив

**Key words:** genre, lyrics, literary psychology, comparative analysis, state of mind, psychological motive.

Бадий психологизм – инсон руҳиятини идрок этиш, таҳлил қилиш натижаси ўлароқ, бадий асарда акс эттирилган руҳий ҳолатлар тасвири; ёзувчи психологик таҳлилларининг маҳсулидир. Ёзувчи бевосита бадий матнда психологик таҳлил қилмайди, балки ўз қаҳрамонининг руҳий оламини, руҳий ҳолатларини тасвирлайди, акс эттиради, “чизади”. Бу

терминларнинг барчаси бир жараённинг турли босқичлари ва маҳсулини англатади. Ёзувчининг психологик таҳлили матндан ташқарида қолади, ёзувчи бадиий матнда ўз таҳлилларининг натижасини кўрсатади, холос. Ана шу натижа, тасвир – бадиий психологизмдир.

Бадиий психологизм адабий тур ва жанрлар кесимида фарқли жиҳатларга эга. Масалан, лирика бус-бутун ҳолда инсоннинг ички дунёси, руҳий олами тасвирига йўналтирилган. Лирик асарларда китобхон оламини субъект – лирик қаҳрамоннинг ҳис-туйғулари призмаси орқали идрок этади. Шунга кўра, лирикада бадиий психологизм марказий ўринни ишғол қилади, руҳият тасвири лирикада устувор бўлади.

Бадиий психологизм эпик ва драматик асарларда характер яратиш воситаси сифатида амал қилади.

Ҳикоя – ҳаётнинг кичик бир парчасини акс эттирганидан, унда бир ёки бир неча ҳаётгӣ воқеа қаламга олинганидан бу жанрда қаҳрамон руҳий дунёсини изчил равишда батафсил ёритиш, “қалб диалектикаси”ни босқичма-босқич бериш имкони бироз чекланган. Ҳикояга характерлар тайёр ҳолда кириб келади, шунинг учун ҳам ҳикоя жанрида психологик таҳлил кўпроқ ситуатив характерга эга. Ҳикояда туш, галлюцинация, мактуб сингари шаклларни қўллаш ҳам кўп учрамайди. Бу жанрда психологик деталь, психологик тафсилотдан фойдаланиш имконияти кўпроқ; портрет эса, асосан, штрихлар тарзида кўринади.

Америка адабиётининг йирик вакили Жек Лондон ҳикоялари ҳажман катта бўлиб, тасвирнинг изчиллиги, батафсиллиги, тафсилотларнинг куюқлиги билан қисса, роман хусусиятларини намоён қилади. Бу асарлар сюжети битта воқеага асосланганлиги билан ҳикоя жанрига киради.

Шунинг учун ҳам Жек Лондоннинг маълум бир асарининг жанри турли тадқиқотчилар томонидан турлича белгиланган. Масалан, “Оқ қозиктиш” асари бир ўринда повесть, бир ўринда роман деб белгиланган.[2,13; 3,12]

Жек Лондон ҳикояларида қаҳрамоннинг ички олами кўпинча унинг ўз нутқи ҳамда муаллиф изоҳлари орқали очиб берилади. Масалан, “Киш ўғли Киш” ҳикоясида ёзувчи диалоглардан унумли фойдаланган. Оқтанлилар динини қабул қила бошлаган Киш ўзи совчи бўлган қиз – Су-Сунинг отаси Гноб талаб қилганда, ёввойи қабиладошларидан фарқли равишда, қон тўкишдан жирканган, қулбаччани ўлдира олмаган бўлса, ғурур, ор-номус, қасос каби кечинмалар таъсирида бирваракайига тўрт киши – Су-Сунинг отаси, икки акаси ва қаллиғининг калласини танидан жудо қилади. Жек Лондон инсоннинг жуда мураккаб психологик портретини яратади. Китобхон Кишнинг қарама-қаршиликларга тўла ички дунёсини бутун бошли воқеалар занжири, шу занжирда алоҳида-алоҳида тизилган диалоглар, тафсилотлар, руҳий ҳолатларнинг қисқа-қисқа тавсифи, тасвири орқали идрок этади. Кишнинг руҳиятида икки томон – ёввойиликка асосланган қабила анъаналари ва цивилизациянинг энди-энди бошланган таъсири кураш олиб боради. Жек Лондон ҳикояларида ҳаммиша қаҳрамоннинг ранг-баранг руҳий ҳолатлари тасвирига дуч келамиз. Жек

Лондон кўп ҳолларда қаҳрамоннинг ичидан туриб унинг ички оламини кашф қилади.

Ўзбек адабиёти намоёндаси Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари эса қисқалиги, асосан, қаҳрамон руҳий ҳолатининг унинг қиёфасидаги акси тасвири, қаҳрамон нутқи ва деталларга асосланганлиги билан ажралиб туради. Профессор Озод Шарафиддинов: “Абдулла Қаҳҳор повесть ва романларида психологик анализнинг бошқача турларидан фойдаланди. Бу жанрларнинг имконияти ҳикояга қараганда анча кенг бўлгани учун, уларда ёзувчи қаҳрамонлар характери, уларнинг биографиясини, маънавий ҳаётидаги ўзгариш ва тебранишларни мукаммал кўрсатади, ҳатто ўрни келганда характерларнинг энг кескин ва мураккаб қарама-қаршиликларга дуч келгандаги ҳолатини ҳам атрофлича тасвирлайди. Лекин ёзувчи бунда ҳам, худди ҳикояларидагидек, қаҳрамон характери тасвирлашда, унинг ички дунёсини очишда табиийликка, ҳаётийликка алоҳида эътибор беради”, деб ёзади. [1,19]

Абдулла Қаҳҳор Жек Лондон сингари бир ёки бир неча воқеани батафсил, барча иқир-чиқирлари билан қаламга олмайди. Адибнинг ҳикоялари воқеликнинг бир моментини қайд этган фотосуратларга ўхшайди. Уларда ҳар бир сўз, деталь ёки тафсилот Шарқ мумтоз лирикасидаги сингари кучли рамзий юкка эга бўлади ва мана шулар орқали қаҳрамоннинг ички олами кашф этилади.

Мисол учун адиб машҳур “Бемор” ҳикоясида қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини деярли бермагандай. Китобхон гўёки воқеанинг боришидангина хабардор қилинади. Фақат бир-икки ўриндагина қаҳрамоннинг руҳий ҳолатига ишора берилади. Бемор оғирлашгандан сўнг Сотиболди хўжайиннинг олдига арзга боради. Шу ўринда “аммо бу боришдан муддаоси нима эканини аниқ билмасди” деган тафсилотнигина беради. [5, 56]

Мана шу биргина тафсилот Сотиболдининг йўлсизлик, нажотсизлик натижасида туғилган оғир ички изтиробларини ифода этади. Иккинчи бир ўринда ҳам ёзувчи қаҳрамон изтиробини бир жумлада баён қилиб кўя қолади, яъни бемор “ҳар инграганда Сотиболди чаккасига бурув солинган кишидай талвасага тушар эди”.

Чорасизлик изтироби қўшни кампир қалбида ҳам кечади. Бунга ёзувчи жуда қисқа, деярли мавҳум ишора беради: “Кампир беморнинг тўзиган сочларини тузатди, у ёқ-бу ёғини силади, сўнгра... ўтириб йиғлади”. Иқтибосдаги уч нуқта ҳам кучли психологик тафсилот сифатида кўринади; унда кампирнинг кўнглидан кечаётган оламжаҳон кечинмалар жамланган.

Мана шу биргина тафсилотда ёшгина аёлнинг ажал чангалига бемахал тушаётганлигидан қалби пора-пора бўлган; чора излаган, аммо на жувоннинг дардига, на эр ва боланинг изтиробларига чора тополмаётган содда бир ўзбек аёлининг дардли туйғулари мавж уриб ётган дарёдай қалбини кўра миз. Салқин, тинч паркда, дарахтлар ичига кўмилган, шиша қабзали кулранг эшигида кўнғироқ тугмаси бор бўлган баланд ва оқ



чиройли иморат, извош ва оқпошшонинг сурати солинган 25 сўмлик пул шаклида идрок этилган қудратли ҳокимият қаршисида Сотиболди ва кекса аёлнинг чорасизлиги, қалб туғёнлари янаям бўртиб кўринади. Жек Лондон ўз қахрамонлари қалбини варақ-варақ ўқиса ва очса, Абдулла Қаҳҳор уларни китобхонга қуёш акс этган шабнам томчисидек тақдим қилади.

Қиёсий таҳлилда ўзига хосликни яққолроқ очишда бир-бирига яқин, бир-бирига ўхшаш асарларни объект сифатида танлаш яхши натижа беради. Шунга кўра, биз ҳам Жек Лондон ва Абдулла Қаҳҳорнинг муайян жиҳатлардан бир-бирига яқин бўлган ҳикояларини таҳлилга тортдик.

Ҳар иккала адиб ижодида ҳам бадиий психологизм композицион асос даражасига кўтарилган ҳикоя бор. Бу – Жек Лондоннинг “Буюк сеҳргар” ҳамда Абдулла Қаҳҳорнинг “Кўр кўзнинг очилиши” ҳикояларидир. Ҳар иккала ҳикояда ҳам қахрамонлар инсон психологиясидан фойдаланиб ўз мақсадларига эришадилар.

“Буюк сеҳргар”да ҳикоя қилинишича, ибтидоий қабилалардан бирида одамларнинг кўпини ҳавасини келтирган одеял ўғриланади. Илгарилари шунга ўхшаган ишларда ёрдам берадиган шаман – сеҳргар Скундуга бир гал шамолнинг йўналишини тесқари айтганлиги сабабли одамлар ишонмай қолишган. Шунинг учун улар одеялни топишга ёрдам беришни сўраб, кўшни қишлоқ шамани Клок-Но-Тонга мурожаат қиладилар. Клок-Но-Тон ваҳима-ю, асъаса билан қишлоққа кириб келади-да, Скунду билан яширинча маслаҳатлашиб олади.

Ҳикоядаги асосий психологик марказ Скунду образида мужассамлашган. Ўткир руҳшунос бўлган Скунду, табиийки, маълум маънода ўзига рақиб бўлган Клок-Но-Тоннинг муваффақият қозонишини истамас, Клок-Но-Тоннинг муваффақияти уни касб-коридан ва ризқу рўзидан буткул мосуво қилиши аниқ эди. Шунинг учун ҳам у Клок-Но-Тон билан суҳбат жараёнида ҳийла қилиб, Ла-Лах деган кишининг ўғри эканлигига ишора қилиб ўтади. Скундунинг ҳийласига лаққа учган Клок-Но-Тон сеҳргарлик амалларини бажаргандан сўнг Ла-Лахни ўғри деб эълон қилади. Одамларнинг қаттиқ кулгусидан маълум бўладики, ўғрилик содир бўлган вақтда Ла-Лах қишлоқда бўлмаган экан. Клок-Но-Тон шармандаларча қишлоқни тарк этади. Мақсадига эришган Скунду эса психологик ўйинни давом эттиради.

Воқеанинг давоми Шарқда кенг тарқалган ҳикоятлардан бирини эсга солади. Клок-Но-Тонни шарманда қилишга эришган Скунду муддаосига етади: одамлар ўғрини топиб беришни сўраб Скундуга мурожаат қилишга мажбур бўладилар. Кекса сеҳргар яна ҳийла ишлатади: Желкс лақабли қарғани қоронғу уйда тўнкарилган қозон остига қўйиб, қабиланинг барча аъзоларини якка-якка ҳолда уйга кириб, мана шу қозонга қўл теккизишга мажбур қилади. Гўёки қарға жинойтчи яқинлашганда қағиллаб юбориши керак эмиш. Қабиланинг барча аъзолари бир-бир синовдан ўтишади, аммо қарға қағилламайди. Шунда буюк сеҳргар гулхан атрофига йиғилган одамлардан қўлларини баланд кўтаришни сўрайди. Табиийки, сири фош

бўлишидан кўрққан ўғри кўлини қозонга теккизмаган, шунинг учун унинг кўллари топ-тоза эди. Ўзини ақлли, бошқаларни сеҳргарларнинг эртақларига ишониб юрадиган гўл-гумроҳ анойи ҳисоблаган Симэ – одеял ўғриси қандай қилиб ҳийлага алданганини билмай қолади. Шундай қилиб ўғри топилади. Скунду қишлоқ аҳли олдида ўзининг олдинги обрўйини нафақат тиклайди, балки шарманда бўлган Клок-Но-Тон воқеаси фонида мавқеини илгаригидан ҳам юқорироқ кўтариб олади.

Аммо Скундунинг психологик ўйини бу билан ҳам тугамайди. У Клок-Но-Тонни ҳам, буюк сеҳргарни нописанд қилган Симэни ҳам енгач, одеялнинг “биз камбағалмиз” дея шаманлик хизматига ҳақ тўлашдан бош тортишга уринган эгаси Гунияга ҳам марҳамат кўрсатади: хизмат ҳақиға ҳамманинг ҳавасини ва ҳасадини келтирган, шунчалик машмашаларга сабаб бўлган одеялнинг ўзини олиб қўя қолади.

Кўринадикки, Жек Лондон ҳикоя марказига соф психологик воқеани кўйган. Воқеа бутун ҳикоя давомида енгил юмор билан баён қилинса-да, ўткир драматик яқуни билан ўқувчи қалбини ларзага солади.[4, 10] Қишлоқнинг содда одамлари шўрлик Симэни тошбўрон қиладилар, одеялни айёрлик билан иккинчи марта ўғирлаган Скундуни эса олқишлайдилар. Алал-оқибатда эса Гуния барибир одеялдан ажраб қолаверади. Аслида ёзувчи одамларни хонавайрон қиладиган скундуларнинг башарасини очиб ташлайди.

Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўғри” ҳикоясидаги сингари ўқувчи олдида “Ҳақиқий ўғри ким?” деган савол кўндаланг бўлади. Қобил боболар яшаган муҳитда бундай ўғрилар мансабнинг турли поғоналарида ўтириб олиб, бутун бир жамиятни ташкил қиладилар, халқни жамият бўлиб талайдилар. Гуниялар муҳитида ҳам улар ўзларини ғайритабиий куч соҳиби сифатида тақдим этиб, юҳо нафсларининг амрини бажариш билан машғул бўладилар. Гуния ва унинг қишлоқдошлари ҳам худди Қобил бобо сингари ўзини талайдиганлардан миннатдор бўлиб, алданиб яшайверади. Ҳикояда одеял худди ҳўкиз каби кучли рамзий деталга айланган. Ҳўкиз Қобил бобо ҳаётининг қанчалик муҳим предмети бўлса, шимоллик Гуния учун ҳам иссиқ одеял шунчалик керакли нарса эди. Демак, ўғрилар ҳар иккала қаҳрамонни зарурий яшаш воситасидан айирадилар. Ҳар иккала ёзувчи кучли психологик деталь воситасида ўткир драматик вазият яратганлар.

Абдулла Қаҳҳорнинг ана шундай психологик воқеага асосланган ҳикояси “Кўр кўзнинг очилиши” деб номланади. Ҳикоя гарчанд ғоявий жиҳатдан эскирган бўлса ҳам, бизни қизиқтирган масала – психологик мотивдир.

Унга кўра, кўрбошининг ишончини суиистеъмол қилган Аҳмад полвон бир кўзли шу кўрбоши томонидан ўлимга ҳукм қилинади. Қатл қилинишига шубҳасиз ишонган Аҳмад полвон ўз ўлимини ҳам душманга қарши кучли қуролга айлантиришга қарор қилади. У худонинг марҳаматига эришиш учун соғ кўзини ҳадя қилиб, кўр кўзини очишига кўрбошини ишонтиради – у ҳам худди Скунду сингари кўрбоши билан психологик ўйин ўйнайди.

Скундунинг муддаоси шунчаки мулк бўлса, Аҳмад полвон ўзини зўр ғоявий курашга бағишлаган киши сифатида намоён бўлади. У кўрбошига ўзининг соғ кўзини ўтказишни, шу билан кўрбошининг кўр кўзини очишга ваъда беради. Аҳмад полвон ҳам худди Скундуга ўхшаш узундан-узок сохта “табиблик” амалларини бажаради. Шундан кейин кўрбошининг йигитларига уларнинг маънисиз кураш билан банд эканликларини, ўзларига ўзлари ўк отиб юрганликларини барала айтиб, шундан кейин катта тош билан кўрбошининг бошини мажақлаб ташлайди.

Ёзувчининг бадиий мақсадига кўра, Аҳмад полвоннинг ўлими босмачилар сафида ўз ота-онаси, акаси ва халқига қарши курашиб юрганларнинг кўр кўзини очишга йўналтирилади.

Абдулла Қаҳҳор ҳикоясида ҳам психологик мотивировка (асослаш) кучли. Жек Лондон ҳикояси воқеалари ибтидоий одамлар орасида бўлиб ўтади. Табиийки, момақалдиروقни тангрилар ғазаби, тонгни уларнинг марҳамати деб талқин қилган бу одамлар сеҳргарликнинг кучига ҳам ишонади. Бундан ташқари, Скунду ўткир психологик мантиқ билан ўғрини топиб беради, бу – одамларнинг сеҳрли кучга ишонишлари учун яна асос бўлади.

“Кўр кўзнинг очилиши”да воқеа шундай: Кўрбоши Олқор жангида ўк еган Исҳоқ афандини ташлаб кетмаслик учун отига мингаштириб олади. Исҳоқ афанди кўрбошидан ўзини қишлоқдаги бирор ишончли кишининг уйига қолдириб кетишни сўрайди. Кўрбоши ишончли киши сифатида Аҳмад полвонни танлайди. Исҳоқ афанди “балки жароҳатидан қон кета-кета ўзи ҳам ўлар эди, аммо полвон уни илгарироқ ўлдирди, оддий, ўтин ёрадиган болта билан чопиб ташлади”. [5,72]

Бундан ташқари, Аҳмад полвон ярадорни кейинроқ – кўрбоши қишлоқдан бутунлай чиқиб кетгандан кейин ҳам ўлдириши, бу билан сўйилишдан қутулиб қолиши ҳам мумкин эди. Чунки ярадор унинг инон-ихтиёрида, унга ишонч билдирилган, устига-устак Исҳоқ афанди ярадор ҳолатда қочиб ҳам кетолмас эди. Аммо полвон ярадорни “кўрбоши қишлоқдан чиқар-чиқмас чопиб” ташлайди.

Аҳмад полвон дастлаб китобхонга шошма-шошарлик қилгандай, бу қаҳрамон характери мантиғига зиддай туюлиши мумкин. Аммо, ёзувчи очик айтмаса-да, бутун ҳикоя давомида ғоят тадбирли, ўткир руҳшунос сифатида кўринадиган Аҳмад полвоннинг, албатта, бу ишни атайлаб – кўрбоши билан учрашиш, у билан юзма-юз бўлиш, йигитларнинг кўзини очиш учун қилганлигини сезиш мумкин.

Бошқача айтганда, жароҳатидан қон кета-кета ўзи ҳам ўлиши мумкин бўлган Исҳоқ афандининг “кўрбоши қишлоқдан чиқар-чиқмас чопиб” ташланиши ҳам психологик ўйиннинг бир қисми бўлади.

Иккинчидан, хиёнатга қўл урган полвонга бўлган ишончини йўқотган кўрбошининг унинг “табиб”лигига, устига-устак ўзига яхшилик қилишига ишониши ҳам характер мантиғига зиддай кўринади. Бундан ташқари Аҳмад полвон ўз душманлигини очик баён қилиб кўрбошига “сиз мени ҳозир нима

учун сўйдирмоқчи бўлсангиз, мен ҳам шунинг учун афандингизни ўлдирдим” дейди. Хиёнат ва очиқ айтилган душманликдан кейин ҳам кўрбоши полвоннинг ғалати таклифига рози бўлади.

Абдулла Қаҳҳор полвоннинг жасорати, ватанпарварлигини кўрсатиш, кўрбоши йигитларининг кўзи очилишидан иборат ғоявий мақсаддан келиб чиқиб ҳикояга табиб образини олиб киради. Бу ишга профессионал нуқтаи назаридан қизиқиб қолган табиб кўрбошини масхара бўлиб туюлган бу таклифни қабул қилишга кўндиради. Табибнинг қизиқиши шу даражада эдики, ҳатто “шу дамда кўрбоши муолажадан воз кечса, ўзини кўр қилиб бўлса ҳам, полвонга ҳатто илтимос қилишга тайёр эди”.

Ҳикояда кўрбошининг мантиқсиздай туюлган таклифга кўнишига иккинчи асос ҳам бор. Бу – полвоннинг худони ўртага солиши эди. Полвон гўёки бу ишни кўрбоши учун эмас, ўзи учун, савоб иш қилиб худонинг марҳаматига эришиш учун қилаётгани эди. Полвоннинг кўрбоши ва унинг йигитларининг қовоқларини бармоқ билан бостириб “юмалоқ, ҳалқага ўхшаган ўт”ни кўрсатиш билан боғлиқ ҳаракатлари Скундунинг қарға “операция”сига, бекнинг боши устига ёқилган шам Скунду ташкил қилдирган катта гулханга ўхшайди.

Ниҳоят, учинчи асос – бу ярим пиёла одам қони керак бўлганда, полвоннинг ўз чинчалоғини чоптириб, керакли нарсани муҳайё қилиши эди. Бу бутун бошли армияни ҳалок қилган Широқнинг ҳаракатларини эса солади. Шу тариқа Абдулла Қаҳҳор кўрбошининг полвонга ишонганини ҳар томонлама асослайди.

“Буюк сеҳргар”да қарға, қора қозон, гулхан каби деталлар қанчалик мантиқ билан ўғрини топишга йўналтирилган бўлса, кўр кўзнинг очилиши саҳнасидаги лаппак тош, тутун, шам деталлари ҳам шунчалик мантиққа бўйсундирилган. “Буюк сеҳргар”да қора қозон ва гулхан амалий аҳамиятга эга, қарға эса шунчаки восита бўлгани сингари “Кўр кўзнинг очилиши”да тош ва тутундан фарқли ўлароқ шамдан шунчаки чалғитиш учун фойдаланилади.

Жек Лондон ва Абдулла Қаҳҳор ҳикояларини психологизм нуқтаи назаридан қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Жек Лондон ҳикоялари Абдулла Қаҳҳор ҳикояларига нисбатан ҳажм жиҳатдан кўпроқ бўлиб, уларда қаҳрамоннинг ички олами кўпинча унинг ўз нутқи ҳамда муаллиф изоҳлари орқали очиб берилади. Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари эса қисқалиги, асосан, қаҳрамон руҳий ҳолатининг унинг қиёфасидаги акси тасвири, қаҳрамон нутқи ва деталларга асосланганлиги билан ажралиб туради.

Абдулла Қаҳҳор ўз ҳикояларида Жек Лондон сингари бир ёки бир неча воқеани батафсил ва барча иқир-чиқирлари билан қаламга олмайди. Адибнинг ҳикоялари воқеликнинг бир моментини қайд этган фотосуратларга ўхшайди. Уларда ҳар бир сўз, деталь ёки тафсилот Шарқ мумтоз лирикасидаги сингари кучли рамзий юкка эга бўлади ва мана шулар орқали қаҳрамоннинг ички олами кашф этилади. Шундан кўринадики,

иккала адибнинг ҳикоялари нафақат ҳажм жиҳатдан, балки бадиий психологизмни ифода этиш жиҳатдан ҳам услубан фарқ қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. **Шарафиддинов О.** Истеъдод жилolari // Қахҳор А. Асарлар. Олти томлик. 1-том. – Т., Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967 йил. – 19-б.
2. **Богословский В.** К истории реализма в США. Творчество Джека Лондона и Эптона Синклера. Автореф. дисс... доктора филол. наук. – М., 1963. – С. 13
3. **Баданова И.** Джек Лондон и его герой. Творчество Джека Лондона 1900-1910 гг. – Автореф. дисс... канд. филол. наук. – М., 1963. – С. 12
4. **Быков В.** Романы Джека Лондона. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1966. – 19 с.
5. **Қахҳор А.** Асарлар. Олти томлик. Биринчи том. – Т., Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти 1967. – 384 б.
6. **Лондон Ж.** Ҳикоялар. – Т., Davr press, 2010. – 228 б.
7. **Шодиев Н.** Психологик таҳлил принциплари, форма ва воситалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1978 йил, 2-сон. – 3-б.
8. **Юлдашев Н.** Проблемы психологического анализа в узбекской прозе (Внутренний монолог в романах А.Кадыри, Айбека, А.Каххара, А.Якубова). Автореф. дисс... канд. филол. наук. – М., 1982.

### ЖЕЙ ПАРИНИ ИЖОДИНИНГ ХРОНОЛОГИК ТАДҚИҚИ

*Ф.М.Хажиева,  
PhD, доцент (БухДУ)*

**Аннотация:** Мақолада замонавий америка адабиётида биографик роман жанрида ижод қилиб келаётган Жей Парини ҳаёти ва ижоди ўрганилган бўлиб, унда ёзувчи яратган асарлар хронологик ўрганилган. Шунингдек, асарларда ёритилган мавзу ва биографик қахрамонлар ўрганилган.

**Аннотация:** В статье рассматривается жизнь и творчество Джея Парини, творящего в жанре биографических романов в современной американской литературе, произведения автора исследуются в хронологическом порядке. Также изучаются темы и биографические персонажи, затронутые в произведениях.

**Abstract:** The article examines the life and work of Jay Parini, who created works in the genre of biographical novels in modern American literature; the author's works are examined in chronological order. Also, the topics and biographical characters touched upon in the works are studied.

**Калит сўзлар:** Жей Парини, бадиий романлар, биографик романлар, биографиялар, шеърӣ асарлар.

**Ключевые слова:** Джей Парини, художественный роман, биографический роман, стихотворное произведение.

**Key words:** Jay Parini, belles-lettres novel, biographical novel, poetic work.

Бугунги кун жадал ривожланиб бораётган жахон адабиётшунослигида биографик жанрдаги асарлар машхурлашиб, замон талаблари, китобхоннинг фактларга асосланган бадий прозага кучли қизиқишини, реал инсон образининг асар марказига қўйилиб, у яшаган давр билан алоқадор воқеаларнинг бадийлаштирилган услубда яратилиши, адабиёт билан биотарихнинг синтезлашуви ҳодисаси кузатилмоқда.

Адабий жараеннинг йирик бир занжири бўлиб, таркибий қисми ҳисобланадиган Америка адабиётида ҳам бадий асарларни “биофикциялаштириш” тенденцияси ривожланиб, янги техника ва услубда яратилган қатор асарлар чоп этилмоқда.

Бундай ҳодиса, ўз навбатида, соҳада кўплаб янги изланишларга замин бўлиб, асарлардаги макро мавзувий-ғоявий ўзига хосликлардан тортиб, асар тилидаги микро стилистик таҳлил-тадқиқотларга асос бўлмоқда.

Замонавий биофикция услубида ижод қилиб, ўзининг қатор асарлари билан Америка ва дуне бадий биографияси хазинасини бойитиб бораётган Жей Паринининг ижоди серқирралиги билан ажралиб туради. Романнавис, шоир, мунаққид ва академик Жей Парининг биографик маълумотлари унинг ҳам олим, ҳам ижодкор қаторига киришини кўрсатади. Жей Парини 1948 йилда АҚШнинг Пенсильвания штатида жойлашган Питтстон шаҳрида туғилган. 1970 йилда Лафайет коллежини битирган, 1975 йилда Шотландиянинг машхур Сейнт Эндрюз университетиде докторлик даражасини олган. Олим – Жей Парини 1975-1982 йиллар оралиғида Дартмаус коллежида, 1982 йилдан бошлаб Мидлбери коллежида инглиз тили ва бадий ижод фанларидан дарс бериб профессор лавозимида ишлаб келган. Адиб 1993 йилда санъат ва адабиёт соҳасида иқтидори билан ажралиб турадиган, АҚШ ва Канада фуқаролари учун таъсис этилган Гуггенхейм стипендияси совриндори бўлган. 1993-1994 йилларда Оксфордда таъсис этилган иқтидорли ижодкорлар ва олимларга бериладиган Фовле Ҳамилтон стипендианти бўлган. 2005-2006 йилларда Лондон университети қошидаги илмий тадқиқот институти ходими сифатида фаолият кўрсатган. Жей Парини дунёнинг бир қанча университет ва коллежларда тан олинган олимлар қаторидан ўрин олган.

Ёзувчи – Жей Парини ижодига назар соладиган бўлсак, адиб қатор шеърӣ, биографик ва тарихий асарлари билан оммага танилган. Унинг бир қанча асарлари ўттиздан ортиқ тилларга таржима қилинган, биографик романлари сюжети асосида бадий ва хужжатли фильмлар суратга олинган. Унинг яратмаларини *соф бадий романлар, биографик романлар, биографиялар, шеърӣ* асарларга таснифлаш мумкин. Жей Парини қатор

антология ва энциклопедияларга муҳаррирлик қилган. Шунингдек, у бадий- танқидий асарлар ва эсселар муаллифи бўлиб ҳисобланади.

Жей Паринининг **соф бадий романлари** “The Love Run” (“Сўнган муҳаббат”) (1980), “The Patch Boys” (“Қизиқчи болакайлар”) (1986), “Bay of Arrows” (“Найзалар кўрфази”) (1992), “The Apprentice Lover” (“Шогирд муҳаббати”) (2002), бўлса, **биографик романлари** куйидагилардан иборат. Буюк рус ёзувчиси ва мутафаккири Лев Толстойга бағишланган “The Last Station” (“Сўнгги бекаат”) (1990), яҳудий файласуф ва мунаққид Вальтер Бенъямин тўғрисидаги “Benjamin’s Crossing” (“Бенъямин йўли”) (1997), буюк америка ёзувчиси Херман Мелвилл ҳақидаги “The Passages of H.M.” (“Херман Мелвилл саргузаштлари”) (2011), Авлие ва руҳоний Паул ҳақидаги “The Damascus Road: A Novel of Saint Paul” (Дамашқ йўли: Авлие Паул тўғрисидаги роман”) (2019) бўлиб ҳисобланади.

Адиб томонидан яратилган **биографиялар** қаторига америка ёзувчиси Жон Стейнбек тўғрисидаги “John Steinbeck: A biography” (“Жон Стейнбек: Биография”) (1996), америкалик шоир Роберт Фрост тўғрисидаги “Robert Frost: A Life” (“Роберт Фрост Ҳаёти”) (2000), америка ёзувчиси Вильям Фолкнерга бағишланган “One Matchless Time: A Life of William Faulkner” (“Беназир давр: Вильям Фолкнер ҳаёти”) (2005), Исо пайғамбар тўғрисидаги “Jesus: The Human Face of God” (“Исо: Инсон қиёфасидаги Худо”) (2013), америкалик ёзувчи ва драматург Гор Видал ҳақидаги “Empire of Self: A Life of Gore Vidal” (2015), аргентиналик ёзувчи Хорхе Луис Борхес тўғрисидаги “Borges and Me: An Encounter” (“Борхес ва мен: Учрашув”) (2020) – мемуар асар – кабилар киради.

Жей Паринининг **шеърий асарлари** ҳам нашрдан чиқиб, омма томонидан ижобий қабул қилинган. “Singing in Time” (1972), “Anthracite Country” (1982), “Town Life” (1988), “House of Days” (1998), “The Art of Subtraction: New and Selected Poems” (2005), “New and Collected Poems 1975 – 2015” (2016) каби шеърий тўпламлари чоп этилган.

Хронологик таҳлили ва кузатишлардан кўриниб турибдики, Жей Парини бугунги кунда ҳам ижод этишдан тўхтамаган, турли жанрларда асарлар яратиб келаётган ижодкорлар қаторига киради. Унинг ўзига хос ижод услуби турли олимлар томонидан эътироф этилган. Биографик соҳада йирик тадқиқотлар олиб бораётган замонавий америка мунаққиди, Миннесота университети профессори Майкл Лакей адиб ижодига куйидагича баҳо беради. “*Within an American context, Parini has probably done more to advance the contemporary biographical novel than any other scholar or writer. Parini has published poetry, biographies, novels, cultural criticism, scholarly essays, and, most importantly, biographical novels.*” [4, 20-21] (Таржимаси: “Америка контексти миқёсида, Парини замонавий биографик роман жанрини олдинга суриш учун, ҳар қандай бошқа олим еки ёзувчи амалга оширган ишдан кўра кўпроғини амалга оширган. Парини шеърий асарлар, биографиялар, романлар, маданий танқидий асарлар, илмий эсселар нашр эттирган бўлсада, унинг энг муҳим асарлари биографик

романларидир)”, – дея Майкл Лакей Парини яратган биографик романларига юксак баҳо беради.

Америка адабиёти намояндаси, биографик роман жанрида ижод этиб келатган Жей Паринининг адабий оламига экскурс натижасида шуни таъкидлаш мумкинки, ёзувчи яратган аксарият асарлар биографик жанрга мансуб. Уларнинг юксак бадиий маҳорати, услубий ўзига хослиги, тарихий ва бадиий тўқиманинг ҳамоҳанг мувозанатда синтезлашуви ходисаси ушбу асарларнинг замонавий америка адабиётидан мустаҳкам ўрин олиб бораётганини кўрсатади. Ёзувчи қаламига мансуб биографик романлар буюк ёзувчи Лев Николаевич Толстой ҳамда Ҳерман Мелвилл, шунингдек, файласуф олим Вальтер Бенъямин, Авлие Паул тўғрисида бўлиб, уларда Жей Парини ноанъанавий нарратологик техникадан фойдаланиб, полифоник дискурстан фойдаланганлигини кузатиш мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Boulton M. *The Anatomy of the Novel*. – London, Boston: Routledge and Kegan Paul, 1975. – 40 p.
2. Clifford J. *Biography as an Art*. – New York: Oxford University press, 1962. – 256 p.
3. Kendall P.M. *The Art of Biography*. – New York: W.W.Norton and Company, 1985. – 158 p.
4. Lackey M. *The American Biographical Novel*. Bloomsbury. – New York, 2016. – 277 p.
5. Lackey M. *Truthful conversations with American biographical novelists*. Bloomsbury. – New York, 2014. – 264 p.
6. Parini J. *The Last Station*. – Edinburg: Canongate, 2008. – 288 p.
7. Rollyson C. *Biography. A User’s Guide*. – Chicago: Ivan R.Deer, 2008. – 322 p.
8. Rollyson C. *Biography. An Annotated Bibliography*. – An Authors Guild Backinprint.com edition, 2007. – 215 p.
9. Sosnovskya V.B. *Analytical Reading*. – Москва: Высшая школа, 1974. –191 p.
10. Wellek R. and Warren A. *Theory of literature*. – New York: A Harvest book, 1956. – 375 p.
11. Бахтин М.М. *Проблемы поэтики Достоевского*. – Москва: Русские словари, 2002. – 505 с.
12. Есин А.Б. *Принципы и приёмы анализа литературного произведения*. – Москва: Флинта, 2010. – 248 с.
13. Руднев В. *Словарь культуры XX века*. – Москва: Аграф, 1997. – 384 с.
14. Хазагеров Г.Г., Лобанов И.Б. *Основы теории литературы*. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2009. – 316 с.



15. Хализев В.Е. Теория литературы. – Москва: Высшая школа, 2005. – 405 с.

16. Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 365 б.

## THE DEVELOPMENT OF ANGRY YOUNG MEN MOVEMENT IN BRITISH LITERATURE

*F.M.Khajiyeva,*  
*docent (BSU)*  
*Sh.R.Rakhimova,*  
*student (BSU)*

**Annotation.** The second half of the XX century is characterized by a large number of political, economic, social changes in the world of society. All these changes, which had a huge impact on the way of life, the worldview of people, are also reflected in the literature. It was representatives of the Angry Young People movement in English literature, who were the first to talk about changes in human psychology, about a turning point in society at the end of the XX century. This article is aimed at studying the peculiarities of the style of the representatives of the movement, at the study of their motives and main themes on the example of the work of the English writer John Osborne "Look Back in Anger".

**Аннотация.** Вторая половина XX века характеризуется большим количеством политических, экономических, социальных изменений в мире общества. Все эти перемены, оказавшие огромное влияние на образ жизни, мировоззрение людей, также нашли свое отражение в литературе. Именно представители движения «Рассерженные молодые люди» в английской литературе первыми заговорили об изменениях в психологии людей, о переломном моменте в обществе конца XX века. Данная статья нацелена на изучение особенностей стиля представителей движения, на исследование их мотивов и основных тем на примере произведения английского писателя Джона Осборна «Оглянись во гневе».

**Annotatsiya.** XX asrning ikkinchi yarmi jamiyat dunyosida ko'plab siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy o'zgarishlar bilan ajralib turadi. Odamlarning turmush tarziga, dunyoqarashiga katta ta'sir ko'rsatgan bu o'zgarishlarning barchasi adabiyotda ham o'z aksini topgan. Inson psixologiyasidagi o'zgarishlar, XX asrning oxirida jamiyatdagi burilish davri haqida birinchi bo'lib ingliz adabiyotidagi "G'azablangan yoshlar" harakatining vakillari gaplashdilar. Ushbu maqola harakat vakillari uslubining o'ziga xos xususiyatlarini o'rganishga, ularning motivlari va asosiy mavzularini ingliz yozuvchisi Jon Osbornning "G'azab bilan orqaga qarash" asari misolida o'rganishga qaratilgan.

**Key words:** Angry Young Men, John Osborne, “Look Back in Anger”, movement, anti-hero, working class.

**Ключевые слова:** Рассерженные молодые люди, Джон Осборн, “Оглянись во гневе”, движение, анти- герой, рабочий класс.

**Kalit so'zlar:** G'azablangan yoshlar, Jon Osborne, “Look Back in Anger”, harakat, anti- qahramon, ishchi sinf

The term “**Angry young men**”, which emerged and immediately became prominent during the second half of XX century, mostly referred to the group of young working- and middle-class British writers. John Osborne, Kingsley Amis, John Wain, John Braine, Phillip Larkin as the representatives of the new trend, became the first in the world history to hear the voice of the lower class. Being deeply touched by the political, social and economic state of British society during the postwar period, “Angry young men” made intelligent young man, who could not find his place in life, their main character.

The phrase was introduced for the first time by “The Royal Court Theatre’s press officer in order to promote Osborne’s 1956 play “Look Back in Anger”. It is thought to be derived from the autobiography of Leslie Paul, founder of the Woodcraft Folk, whose “Angry Young Men” was published in 1951.”[1]

**Historical background.** Despite of the victory in the Second World War, Great Britain was unstable both politically and economically. High rate of unemployment, poor living and working conditions, constant raise of prices – all of them emphasized deep and ailing crisis, which Britain faced. However, the wining of the Labor Party in elections, newly proposed postwar program and the expectation of further democratization gave the new hope to society. The Labor party seemed as the only way to overcome financial problems and provide stability all over the country and colonies. But, very soon, it became clear that the policy of the new government would not change even worsening situations. Great Britain lost its reputation as one of the most powerful countries after the events of 1946. Strong desire to independence with high resistance of India and Egypt, made England lose colonies one by one and become more dependent on the policy of USA.

“The failure of the Labor party, the cold war, devastating economic and moral crisis of 50s-60s frustrated young minds of intellectuals causing disillusionment and skepticism. The living conditions of middle and working class during 70s became even worse, workers responded to government’s policy with numerous demonstrations and strike. The fear of the third world war and desperation lead a new wave of antiwar movement involving millions of British, especially individuals who were mostly from middle and working class.” [3. 225-227]

In 1955, a new tendency of democratization of social life was observed in the policy of Labor government. One of its sign was the extension of higher education network. The great number of red-brick universities established

throughout the country gave chance to young men from low classes the access to higher education. Being cherished by dreams about bright future, young men encountered with severe reality. The growing unemployment, conservative class system of Britain and uncompetitive level of knowledge made people end up working as shop manager, window-cleaners and drivers. This disbelief, disillusionment and desperation of young men made them “angry”. Such social, economic and moral changes in society’s mindset were perfectly noticed by writers of that period, who tried to understand and detect “Angry young men” in British society.

**Literary background.** The novel of the fifties takes up a number of themes. One of the most potent trends in represented the realistic Angry Young Men taken after the dramatic movement of the same name. “The major protagonist of the novels of the fifties is an anti-hero, usually a young man of working class origin who, in the course of a novel, undergoes a test of his intelligence and ingenuity. He is an angry young man determined to conquer the big world. While not a genius, he is smart enough to get to the top and marry a good woman with plenty of money. His education creates a gulf between him and his parents because he does not want to return to his former social status.” [5. 403] What is more, he usually shows contempt for authority. Such prose represents the voice of social criticism within the larger trend of the “Angry Young Men” body of literature. The new element of these novels is that the characters are ordinary people in small towns whose problems are particular to their small communities. With all its particular idiosyncrasies, this “new world” is much closer to what the ordinary man knows and the people who inhabit such small worlds can find humor in their own folly. A faction of the Angry Young Men is a working class novel of Angus Wilson or Alan Sillitoe. A different form of the novel is represented by the experimental fiction of Samuel Beckett, just as ethical and philosophical problems find their way into the novels of Iris Murdoch and William Golding.

The elements of Angry young men movement can be seen first in the works of English writer **John Osborne**. He was born in 1929 in London into a lower middle-class family. After finishing his secondary education, he worked for a while as a journalist before becoming an actor-manager for a number of touring theatre companies.

Osborne continued to write plays that depicted the frustration of living without hope in a society filled with false values. Plays like “The Entertainer” (1957), “Luther” (1961) and “Inadmissible Evidence” (1964) were well received, but the critics found the quality of his work to be increasingly uneven and audiences grew tired of his unrelenting rage. In his last play, “Deja Vu” (1991), a gloomy sequel to “Look Back in Anger”, he says he is by now “a spokesman for no one but himself”. [2, 87-88]

Osborne also paved the way for a group of English dramatists and novelists - the ‘angry young men’- who captured the climate of discontent and social alienation that was to be found in certain sections of society.

He died at the age of sixty-five leaving behind a large body of work, including stage, television and screenplays (his screenplay for “Tom Jones” won an Oscar in 1963), and articles and essays that have been collected in a volume called “Damn You, England”.

“John Osborne’s significance lays not so much in the experimental elements of his plays, but rather in his dramatization of rebellion and the construction of the characters who are convincing either through their uniqueness or mediocrity. Osborn won an academy award for his screenplay of “Tom Jones” (1963)”. [4. H 162]

At the modern stage of the development of fiction, the intellectual novel genre emerged. The term "intellectual novel" was first coined by the German writer Thomas Mann in the early twentieth century. "The historical and global devastation of 1914-1923 exacerbated the need to understand the period in the minds of contemporary people with unprecedented intensity and overthrew this literature. This process blurred the boundaries between science and art; the thought-provoking idea gave life to a living, heart-pounding idea, gave life to plastic images, and created a type of book that could be called an "intellectual novel." What we call an intellectual novel, in its course, T. Mann and G. Gesse, R. Muzil and G. Brox, M. Bulgakov and K. Chapek, U. Faulkner and T. Wolf, P. Koelo and Ch. Yes, the synthesis of philosophy and art, science and fiction is the main feature of an intellectual novel.

This synthesis was manifested in the growth of mythological thinking in the artistic reincarnation of the historical period, in the perception of myths as a universal model of human life and a recurring law, going beyond the mere symbolic framework. The vast expanse of the artistic chronotope, the change of the text of the historical period, the merciless bright scenes of the existing reality through innumerable analogies and parallels and its deep perception as a whole, the abundance of philosophical ideas make the examples of intellectual novels the highest artistic and philosophical thinking. This type of genre began to appear in

our national literature as well. Writers such as Khurshid Dostmuhammad, Nazar Eshanqul, Ulugbek Hamdam, Isajon Sultan boldly used the experience of intellectual novels. event. This is a national intellectual novel

- Artistic reflection of the Eastern-philosophical worldview:

- The artistic "rebirth" of the primitive religious-mythological imagination, which is radically different from the West

- The level of artistic and philosophical thinking, the attitude of writers to humanity and existence, the period, formed in different historical, socio-political environments, except in the West;

- the centuries-long psychological pressure, the manifestation of the people's thinking in the form of a novel, in the person of a certain writer, who is trying to get rid of the complications of the spiritual invasion

Therefore, as an independent nation and country, we can say that the intellectual novel is the brightest example of national identity. According to the above, the fundamental scientific study of the national intellectual novel in comparison with world literature plays an important role not only in the field of art and fiction, but also in defining our place as a nation in the world. The relevance and necessity of the study of the subject arises, in addition to the interests of pure art and literature, primarily from the historical social need characterized by the above. So far, this topic has not been studied fundamentally scientifically in our literature. The life and work of the world-famous Irish writer Oscar Wilde (1854 -1900) was a tragic novel full of contradictions. The life and work of Oscar Wilde, a brilliant speaker and great writer, has always been in the spotlight of world literary critics, and many different monographs, dissertations and articles have been created on the life and work of the writer, including biographical works from the JZL series. The life and work of O. Wilde B.Show, A.Jid, A.Morua, A.Kamyu, Ya. Parandovsky, T. Mann, H.L. Borges did not escape the attention of world-famous writers. At the same time, he did not leave indifferent Russian writers such as L. Tolstoy, A. Gorky, K. Pustovsky. Although it has attracted the attention of hundreds of researchers at various levels, from the world's most famous scientists, it is probably his complex life and controversial work. The problem of novelism has been consistently studied in Uzbek literature, including the work of Isajon Sultan, which has been scientifically evaluated by literary critics at various levels of research.

Oscar Wilde's novel *Dorian Gray* is a highly artistic synthesis of realism, magical realism, the achievements of mythological science, and other forms of art. Anyone who has read the novel over and over again will come to the conclusion that the protagonist, Dorian Gray, faces himself mercilessly at the mysterious portrait painted by his friend Basil at his request. It is as if a coup is taking place in his inner world. However, Gray cannot overcome the satanic feeling within himself. He doesn't want her to do that. He is a tragic victim of his own mismanagement. Gray sums up his past sins by looking at his portrait. D. Gray, who is adorned with the world, falls in love at this moment and meets the beautiful Sibyl, and the love ends in tragedy. That is; realizing that the girl was



pregnant with a child, he drowned her and committed a brutal murder. Gray also has an affection for the environment. So Dorian Gray begins to take matters into his own hands, and eventually takes a dagger with a picture of his beloved and tries to bribe him. But at that moment, a creature appears in the portrait (magical realism) and eats Gray. This is a sign of the evil of the devil's lust, which has always saved Jesus. The portrait of Dorian Gray is one of the most sensational works in the literary world.

Incorporating elements of miraculous realism, this work sheds light on the spiritual crisis of Dorian Gray, a beautiful 20-year-old beauty. Although the plot is unusual for the nineteenth century, it is ideologically similar to many works. Remember, for example, the famous German writer Goethe's tragedy Faust. Faust, like Gray, who "sold his heart to the devil (Mephistopheles) in order to acquire unimaginable knowledge, to taste endless worldly pleasures, and to be alone with Margarita, suffers a spiritual decline. Or the American writer T. mentioned above. Take Clyde Griffiths, the protagonist of Dreyzer's The American Tragedy. Clyde, who sold his conscience to gain wealth, a career, and a beautiful girl, also suffers a conscience like Gray at the end of the play. Another example is Raphael in French author Honoré de Balzac's The Magic of the Blind Skin. The fulfillment of desires; Dorian decides to live the last months of his life relying on his conscience, just as a young man who has risked his life for infinite wealth and luxury realizes that at the end of the work he is no different from an animal if he constantly satisfies human desires (or needs).

#### **The list of used literature:**

1. Ankist A.A. Oskar Wilde History English literature. M. Uchpedgiz, 1956
2. Qoshjonov M. Stages of development and genre features of Uzbek novel // Literary types and genres - Tashkent: Science 1991.
3. Anikin G.V. Mikhalskaya N.I. History of English literature. M. ; High school, 1975. - p. 348-354.
4. Axelrod (Orthodox) L.I. Moral and beauty in the works of Oscar Wilde. - Ivanova-Vodnesensk; Osnova, 1923. - 54 p
5. Ayxenwald Yu.I. Etyudy o zapadnyx pisatelyax. - M., 1910 - S 217-236.
6. Sultan I. Literary theory. - T. : Teacher, 1986.

#### **“SHIRLEY” АСАРИДА РЕАЛИСТИК РОМАН ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ**

*Л.Б.Саъдуллаева  
(11-мактаб, Бухоро шаҳри),  
А.Ф.Бахтиёров, талаба (ТДИУ)*

**Аннотация.** Мазкур мақолада Англия адабиётининг етук намояндalarидан бири, романнавис ва шоира Шарлотта Бронтенинг

“Shirley” романида реалистик роман хусусиятларининг ифодаланишини ўрганишга бағишланган.

**Аннотация.** Данная статья посвящена исследованию выражения реалистических черт романа в произведение “Shirley” одной из ведущих представителей английской литературы, писательницы и поэта Шарлотты Бронте.

**Abstract.** This article is devoted to the study of the expression of realistic novel features in the novel “Shirley” by one of the leading representatives of English literature, novelist and poet Charlotte Bronte.

**Калит сўзлар:** Шарлотта Бронте, роман, реализм, сюжет, ғоя, мавзу, дўстлик, мухаббат, қахрамон, жамият.

**Ключевые слова:** Шарлотта Бронте, роман, реализм, сюжет, идея, тема, дружба, любовь, герой, общество.

**Key words:** Charlotte Bronte, novel, realism, plot, idea, theme, friendship, love, character, society.

Шарлотта Бронте атоқли инглиз ёзувчиси ҳамда шоираси, ўсмирлик чоғидаёқ дадил қадамлар билан кириб келиб, инглиз адабиётида яратган дурдона романлари туфайли довруқ қозонган машхур опа-сингил Бронтеларнинг энг тўнғичидир. Шарлотта Бронтенинг “Курпер Белл” тахуллуси остида яратган дурдона асарлари ёзувчи номини бутун дунёга танитган шоҳ асарлар бўлди, десак муболаға бўлмайди. Шарлотта Бронте ноёб қобилият эгаси, бунга унинг бой ижодий олами ҳамда ўта юксак диди сабаб эканлигини таъкидлаш жоиз. Айнан муаллифнинг шу қирраси уни бошқа ёзувчилардан ажратиб туради. Давр аёлларининг тақдирига нисбатан умидсиз муносабатига қарамасдан, Шарлотта турмуш қуриш ва оила масалаларига ҳаққоний муносабатини билдирди ва оилада ўзаро ҳурмат етарли эмаслигини уқтирди. Ўзининг асарларида ҳам шу ақидага амал қилди ҳамда ўз қахрамонларини севган инсонлари билан турмуш қуришларини таъминлади, бундай оилада бахтли ҳаёт ҳукмрон бўлишини исботлади.

Бир қарашда “Ширли” романининг муаллиф қаламига мансуб бошқа асарлар билан боғлиқлиги йўқдек кўринади, айнан шу асар билан ёзувчи бошқа ҳеч қачон такрорламаган жанрга қўл урганга ўхшайди. У бу ҳақида Жаноб Смитга ёзган хатида бундау дейди: “Мен кун мавзусини ўзида акс эттирган асарлар ёза олмайман, уринишим ҳам беҳуда. Одоб-ахлоқ қоидаларини ифодалаш учун ҳам асар ёза олмайман”<sup>59</sup>. Юқоридаги фикрларга қарамасдан, “Ширли” муаллиф ижодида тубдан яратилган бурилиш, десак муболаға бўлмайди. Чунки мазкур романда тарихий, ижтимоий мавзулар ёритилиши билан бирга, ёзувчи диққатини ўрта синф вакиллари – аёллар, айниқса мазкур давр қурбони бўлган ёлғиз аёлларга қаратди. Романни режалаштириб юрган кезларида Шарлотта Бронте В.С.Виллиамга ёзган хатида жамиятдаги тузумнинг ўзгаришига бўлган

---

<sup>59</sup> <http://elr.sciedupress.com>

орзуси юксаклигини ифодалайди: “Мен доим аёлларнинг аҳволи хусусида бир нима дейишни истайман – аммо бу шундай масалаки, у ҳақида кўп гапирилмайди, ҳаттоки гапириш ҳам ўнғайсиз вазиятда қолдиради кишини. Ҳозирда аёллар ишчи кучидан фойдаланиш рад этиб бўлмас ҳақиқат, аммо қаердан ва қандай?”<sup>60</sup>

Роман сюжети мураккаб тузилишга эга, чунки у бир қатор параллел воқеаларни ўз ичига олади. Гарчи роман сарлавҳаси образлардан бирининг исми билан аталган бўлса ҳам, мазкур образни бош қаҳрамон деб, айта олмаймиз. Асар тегирмонга уюштирилган ҳужум каби жамиятдаги вазиятларни акс этиш билан бошланади ҳамда Викториа даври келишувлари ва турмуш қуришлари билан яқунланади. Каролина Ҳелстоннинг ота-онаси унинг туғилишидан бироз ўтмай ажрашишгани боис, у амакиси Ревемед Ҳелстон билан яшайди. Каролина Роберт Муерни севади, унинг отаси эса Каролинанинг онаси билан узоқ қариндош. Робертнинг ҳаётдан асосий мақсади – муваффақият қозониш. Роман ибтидосида Ҳелстон ва Муер ўртасида зиддият келиб чиқади.

“Ширли” Шарлотта Бронтенинг “Жейн Эйр”дан кейинги муваффақият келтирган романи бўлди, муаллиф унда асосан аёл қаҳрамонларнинг ҳаётидаги зиддиятларни акс эттирди ҳамда ўз асари билан жамиятда ҳукмрон муҳитнинг тубдан ўзгаришига сабабчи бўлди десак, муболаға бўлмайди. Бу фикримизни унда ёритилган бир неча мавзулар ҳам исботлайди.

Асарда ёритилган мавзуларнинг асосийси – ижтимоий муаммолар бўлиб, ўша даврда ҳукмрон барча масалалар аниқ ифода этилган. Бунга мисол тариқасида, ишчи кучига бўлган талабнинг кескин қисқариши, бунинг оқибатида эса ишсизликнинг кўпайиши каби муаммоларни келтиришимиз мумкин. Романда Роберт Муер бу муаммоларнинг барчаси билан тўқнашади, аммо иродаси кучли бўлгани боис, барча муаммоларни енгиб ўтади.

Романда кенг ёритилган мавзулардан яна бири – муҳаббат мавзусидир. Гарчи бир кўришда асар севги тарихидек туюлса ҳам, муҳаббат аниқ тасвирланмайди. Бу мавзу бошқа воқеалар учун замин бўлиб хизмат қилади. Каролинанинг Робертга бўлган муҳаббати ҳамда Ширлининг Луисга муҳаббати романда иккита муҳаббат чизиғидек ёнма-ён баён этилади. Иккала муҳаббат қиссаси бир-биридан тубдан фарқ қилади, чунки иккала аёл қаҳрамоннинг тубдан фарқ қиладиган икки хил ички олами, шахс сифатида ҳар хил характери бор.

Романда кенг ёритилган мавзулардан яна бири – дўстлик мавзусидир. Каролина ва Ширлейнинг дўстлиги тўсатдан юзага келади. Улар тезда инок дўст бўлиб, бир-бирларининг фикрлари, ўй-хаёллари, нуқтаи-назарлари билан бўлишадилар. Ҳаттоки, бирга саёҳат қилишни ҳам орзу қиладилар. Аммо ҳеч қачон улар бир-бирларига юракларининг тубидаги сирни

---

<sup>60</sup> <http://elr.sciedupress.com>

айтмайдилар ва уларнинг мухаббати ўзида сақлаб юрган ягона сирга айланади.

Ширли шундай жасур ва кўркмас қизки, унинг аёл кишининг жамиятда, оилада ўрни ҳақида бўлган фикри ҳамда ўйлари ўз даврига нисбатан анча пешкадам. У аёллар эркаклардан қолишмайдиган даражада ақлли эканлигига ишонади, ҳар қандай ишни – ҳаттоки бу отиш ёки овлаш бўлса эркаклардан кам бажармаслигига ишончи комил. Ширли ўз даврида камдан–кам учрайдиган аёллар хусусиятини ўзида гавдалантирган образ. Қуйидагипарчадафикрларимизнингисботиникўришимизмумкин. “If men could see us as we really are, they would be a little amazed; but the cleverest, the acutest men are often under an illusion about women. They do not read them in a true light; they misapprehend them, both for good and evil. Their good woman is a queer thing, half doll, half angel; their bad woman almost always a fiend”<sup>61</sup>. Мазкур фикрлар романда Ширли томонидан айтилади, аммо бу айтилган гаплар бевосита муаллифга тегишли эканлигини, унинг жамиятда аёлларга бўлган муносабатга мутлақо қарши эканлигини яққол намоён этади.

Ширлининг аёл сифатида жасур эканлигини яна бир парчада гувоҳи бўламиз. Жаноб Симпсон уни бой кишига узатмоқчи бўлганида, Ширлининг ўжарлиги, қайсарлигидан жаҳли чиқади. У бундай ўжарликнинг сабабини маҳаллий одамларнинг таъсири деб ўйлайди, аммо Ширли ўз хоҳиш-истакларини, келажагини ўзи ҳал қилишини айтади. У фақат ўзи кўнгил қўйган инсон билан турмуш қуришини ўзгача бир жасорат билан намоён этади. Бу билан у яна бир бор кучли характерга эга аёл эканлигини, қатъиятлилигини исботлайди. “What do you mean? There are certain phrases potent to make my blood boil. Improper influence! What old woman's cackle is that?" "Are you a young lady?" "I am a thousand times better: I am an honest woman, and as such I will be treated”<sup>62</sup>. Романдан олинган ушбу суҳбатда ҳам муаллиф қаҳрамонлар нутқи орқали ўз фикрларини намоён этади. Романда яна бир аёл қаҳрамон гавдалантирилади. Бу Каролина образи ва у Ширли образидан тубдан фарқ қилади. Каролина образи бир сўз билан айтганда, ўз даври аёлининг типик намунаси. Муаллиф ушбу образни Ширли образи билан ёнма-ён қўйиш орқали китобхоннинг ўзи хулосага келиши кераклигига ишора қилади. “Strange that grief should now almost choke me, because another human being's eye has failed to greet mine”<sup>63</sup>. Мазкур парчада китобхон ҳеч қандай қийинчиликсиз Каролина нақадар содда, кўрқоқ эканлигини англаб олади. У Робертни севади, черковда ўтириб фақат унга қарайди, бироқ Роберт у ердан чиқиб кетаётганида унга умуман қарамайди. Каролина эса бундан азият чекади, чунки биргина унинг қараши ҳам уни бахтли қилади. Каролина романда ана шундай тобеликка мойил образ сифатида талқин этилади.

---

<sup>61</sup><https://www.gradesaver.com/shirley>

<sup>62</sup><https://www.gradesaver.com/shirley>

<sup>63</sup><https://www.gradesaver.com/shirley>

Аммо шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ширли қанчалик кучли ҳамда журъатли бўлмасин, унда уят, ҳаё ва қизларга хос ибo кучли. Фақат унда ўзига бўлган ишонч бошқа мазкур синф вакилаларига нисбатан кучли, холос. Чунки унинг амакиси севимли инсони ким эканлигини сўраганида у куйидагича жавоб беради. “His mind has the clearness of the deep sea, the patience of its rocks, the force of its billows”<sup>64</sup>. Мазкур фикр ҳам Ширлининг нақадар кучли дунёқарашга эга эканлигини ҳам кўрсатиб беради. Чунки тасвирлаётган инсонининг ички дунёси, шахсий хислатлари унинг ташқи кўриниши ёки моддий оламидан кўра муҳимлигини тушунади. Шу боис уни шундай таърифлайди. Шубҳасиз, Ширли очиқчасига бу инсон кимлигини айта олмайди. Фақат шу тасвир билан кифояланади.

Шарлотта Бронте мазкур романини 1849 йил – унинг учун ғоятда мушкул ва аянчли кунларда ёзди. Чунки айнан ўша кунларда ҳам дўст, ҳам қадрдонлари – акаси ва сингилларидан айрилиб қолган эди. Кўпчилик инсонлардан фарқли табиати билан ажралиб турадиган муаллиф осонликча бундай қайғуни енгиб ўта олмади. Шундай мушкул вазиятда “Ширли” романи устида иш бошлайди. Аёлларнинг аччиқ қисмати ҳақидаги ўйлари бутун романни қамраб олган. Шунингдек, чуқур қайғу ҳисси ҳам бевосита китобхонга сезилиб туради. Ҳаттоки бўлимлардан бири ҳам “Ўлим сояси водийси” (“The Valley of the Shadow of Death”) деб аталади. Аммо романни пессимистик деб бўлмайди. Шарлотта бор кучини яхшилиқнинг ғолиб бўлишига, адолатга бўлган хоҳиш-истагининг ушалишига сарфлади. Шу билан бирга, у икки хил образда сингилларининг жонли портретини гавдалантириш орқали вафот этган сингилларига ёдгорлик ўрнатишга уринди. Мағрур ва шижоатли Ширли образида Эмилини кўрсак, олийжаноб, содда Каролина образида синглиси Аннининг ташқи ва ички оламини жо қилди. Энг муҳими, сингиллари ҳаётда эриша олмаган – муҳаббат, оила ва соғлиқ – билан боғлиқ бахтли яқунни романида намоён қилди.

Шарлотта романи бошлаган давр асрнинг боши бўлиб, машиналарни бузувчилар – Луддитлар ҳаракати даврига тўғри келади. 1811-1816 йилларда бўлган мазкур қўзғолон ҳақида муаллиф анча маълумотга эга эди. Англиянинг барча шимолий томонлари, шунингдек ёзувчи таваллуд топган Ёркшир ҳам мазкур қўзғолондан талафот кўради. Ушбу воқеа оқибатида жамиятда ишсизлик, умидсизлик ҳамда ғазаб каби муаммоларга сабаб бўлади. “Ширли” романи ўзида бир қатор ижтимоий ҳамда тарихий воқеаларни акс эттириши билан Шарлотта Бронтенинг бошқа романларидан ажралиб туради. Бу тарихий воқеаларга мисол тариқасида – Наполеон билан олиб борилган уруш, Англияда ҳукмрон зиддиятлар ҳамда юқорида айтиб ўтилган Луддитлар ҳаракатини келтириш мумкин. Бронте ўз романида мазкур воқеаларни тасвирлар экан, уларнинг оқибатини алоҳида таъкидлаб ўтади. Чунки ҳар қандай тарихий жараёнда бўлганидек, ушбу воқеаларнинг қурбони – оддий халқ эди. Муаллиф халқда юзага келган “қашшоқлик” ҳамда “нафрат”ни яққол ифодалайди. У ишчиларнинг норозилигини бардош

<sup>64</sup><https://www.gradesaver.com/shirley>

этиб бўлмайдиган шароитга қарши кўтарилган исён сифатида ифодалайди, шунингдек бундай қаршилиқни ўзи ҳам ёқлайди. Гарчи ёзувчи исёнкорлик тарафдори бўлмаса ҳам, оддий халқ шароитини яхшилаш учун имкон борлигига ишонади. Бронте ўзининг сўнгги романида заҳматқаш халқнинг аҳволини яхшилаш учун қилиш мумкин бўлган фозил инсонлар яшайдиган жамият дастурини таклиф этади. Шу боисдан, ҳеч иккиланмасдан “Ширли” – авлодлар, жинслар ва ижтимоий табақалар ўртасидаги зиддиятнинг кучли ифодаси, десак муболаға бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, Шарлотта Бронте “Ширли” романи билан нафақат роман жанри ривожига ҳисса қўшди, балки жамият ҳамда давр тарихий воқеаларини ифодаш ҳамда сингиллари адабий портретини тасвирлаши билан ўз ижодида тубдан бурилиш ясай олди. Мазкур романи аввалги романларидек дунё бадиий адабиёти мероси қаторига кира олди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Аникст А. История Английской литературы. – М.: “Учпедгиз”, 1956.
2. Bakayeva M. and others. “English literature” – T: “USWLU”, 2006.
3. Введение в мировую литературу. – М.: Издательство МГУ, 2000.
4. Зарубежная литература XX века. Под ред. проф. В. Н. Богословского и проф. З.Т.Гражданской. –М.: Художественная литература, 1979.
- 5.Ивашева В. Английский реалистический роман XIX века в его современном звучании. – М.: Художественная литература, 1974.
- 6.История Английской литературы. Том 2. – М.: Издательство Академии Наук, 1953.
7. <https://www.gradesaver.com/shirley>
8. <http://elr.sciedupress.com>

### **ASAR PERSONAJLARI VA TABIAT TASVIRIDA QO`LLANILGAN LEKSIK-STILISTIK VOSITALARNING ROLI VA VAZIFASI.(“THE PHYSICIAN” ROMANI TAHLILI ASOSIDA)**

*M.A.Usmonova  
(BuxDU)*

**Annotatsiya.** Stilistika sohasi keng qamrovli bo`lib, asarning tahlili davomida o`ziga xos beqiyos o`ringa ega. Ayniqsa, leksik-stilistik vositalar so`z bilan chambarchas bog`liq bo`lganli sababli bu unsurlarning chuqur o`rganilishi asar tili, yozuvchining mahoratini ochib berish jaryonida muhim ahamiyat kasb etadi. Stilistik vositalar turli sohalar bilan bog`liq holda qo`llanilishi mumkin, jumladan, asar personajlarini tasvirlashda, yoki makon va zamon tahlili jarayonida, yoki bo`lmasa, tabiat tasvirini yanada joziba bilan tasvirlashda qo`llanilishi mumkin. Biz maqolamizda tahlil qiladiganimiz Amerika yozuvchisi Noy Gordonning “The Physician (“Tabib”) romani doirasida esa asar personajlari,

hamda tabiat tasviri mavzularini o`ziga xos yo`l bilan berishda qo`llanilgan leksik-stilistik vositalardan ba`zi birlari misollar tahlili asosida o`rganiladi. Maqolaning asosiy maqsadi bo`lib esa, asardagi qahramonlar tasvirini yoritishda qo`llanilgan stilistik vositalarning asar rivojidagi ahamiyatini o`rganish xizmat qiladi.

**Abstract.** The field of stylistics is wide and occupies a unique place in the analysis of a literary work. Especially since lexical and stylistic devices are closely connected with words, the in-depth study of these elements plays an important role in the process of revealing the language of the book. Stylistic devices can be used in a variety of areas, including the depiction of characters, or in the analysis of space and time (settings), or in the more attractive depiction of nature. In the novel "The Physician" by the American writer Noah Gordon, which we will analyze in our article, some of the lexical and stylistic devices are used to convey the themes of nature, as well as the characters of the work in a unique way. They are based on the analysis of examples which will be studied. The main purpose of the article is to study the role of stylistic devices in the development of the work and the image of the heroes.

**Аннотация.** Область стилистики занимает уникальное место в анализе литературного произведения. Более того, лексико-стилистические приемы тесно связаны со словами, глубокое изучение этих элементов играет важную роль в процессе раскрытия языка книги. Стилистические приемы могут быть использованы в самых разных областях, включая изображение персонажей, или при анализе пространства и времени, или в более привлекательном изображении природы. В романе американского писателя Ноя Гордона «The Physician», который мы проанализируем в нашей статье, используются некоторые лексико-стилистические приемы, чтобы уникальным образом передать темы природы, а также персонажей произведения. Они основаны на анализе примеров, которые будут изучены. Основная цель статьи - изучить роль стилистических приемов в развитии произведения и образа героев.

**Kalit so'zlar:** leksik-stilistik vositalar, to`qima obraz, tarixiy shaxs, metafora, metonimiya, o`xshatish (simile), bo`rttirish (hyperbole), shakl o`xshashligi.

**Key words:** lexical-stylistic devices, imaginary character, historical figure, metaphor, metonymy, simile, hyperbole, metaphor based on the similarity of forms.

**Ключевые слова:** лексико-стилистические приемы, воображаемый персонаж, исторический персонаж, метафора, метонимия, сравнение, гипербола, метафора основанная на подобии форм.

**Asosiy qism.** Ma'lumki, uslub va til tasviriy vositalarini o`rganish tilshunoslikning dolzarb va muhim masalalaridan biri bo`lib hisoblanadi. Chunki har bir lingvistik vosita nutq jarayonida odatiy vazifani bajarish bilan birgalikda, uslubiy vosita ham bo`lishi mumkin. Odatda bunday vositalar badiiy tilning har

tomonlama uslubiy jihatdan ta'sirchan bo'lishi uchunkeng imkoniyatlar yaratadi. Yozuvchi ijodida ana shunday uslubiy vositalardan keng ishlatiladigani perifrazadir. Bu esa o'z navbatida turli tillarda turlicha kuzatiladi, buning sababi sifatida esa tillarning kelib chiqishidagi xilma-xilliklarni ko'rsatishimiz joizdir.

Biz asosan I.R.Galperinning leksik stilistik vositalar guruhiga solingan metafora, metonimiya, idioma, so'z o'yini, epitet, o'xshatish, perifraz, evfimizm, bo'rttirish kabi stilistik vositalarni asardan topib ularni talqin qilishga, o'z o'rnida munosabat bildirishga harakat qildik va tegishli xulosalarga kedik.

Tadqiqot ob'ekti sifatida olingan Noy Gorgonning "The Physician" romanida muallif mohirlik bilan ushbu stilistik vositalardan foydalangan. Asar syujeti quyidagicha:

Asar XI asrda bo'lib o'tgan voqealar bayonini ochib berar ekan, dastlabki voqealar asosan Londonda sodir bo'ladi. Asarning boshlang'ich nuqtasi asar bosh qahramoni Rob Cole va uning oilasi tasviri bilan boshlanadi. Shu o'rinda u o'zining qobiliyat egasi ekanligini his qiladi, o'layotgan onasining qo'llaridan tutar ekan o'lim sharpasi kelyotganligini u tansida sezadi. Shu turki uning keyinchalik tibbiyot sohasini o'rganib tabib bo'lishiga sabab bo'ladi. Yetim qolgan bola dastavval o'sha davrda shaharma-shahar kezib ham odamlarni davolovchi, ham ularga tomoshalar ko'rsatuvchi jarrohga shogird bo'lib tushadi. Jarrohning vafotidan so'ng u Arab davlatlarining mashhur madrasalari bo'lmish Isfahon shahrida yashab bilim berayotgan Ibn-Sino haqida eshitadi va unga shogird tushib tajribali tabib bo'lishga qaror qiladi. Safar davomida juda ko'p qiyinchiliklarga duch kelishiga qaramay u yengilmaydi va "Ikkinchi muallim" nomini olgan shaxsdan ta'lim olib o'z bilimini oshirish baxtiga muyassar bo'ladi. o'sha davrda Arab mamlakatlarida xristian dini vakillariga bo'lgan munosabatdan xabar topgan Rob o'zini yahudiy sifatida tanishtiradi. Keyinchalik u safar davomida o'zi tanishgan qiz bilan turmush qurib, ular Isfahonda yashay boshlashadi. Ibn Sino vafotidan so'ng shahardagi notichliklar sababli u azaliy orzusi bo'lmish Londonga qaytishga qaror qiladi. Asar yakunida u o'z oilasi bilan birga chekka shaharlarning birida tabiblik qilib odamlarni davolash bilan umrguzaronlik qila boshlaydi.

Asarning asosiy qahramoni, Rob Cole, voqealar rivoji davomida o'sib ulg'ayadi. Oilasidan erta judo bo'lganligi sababli uning aka-ukalari to'g'risida ma'lumotlar qisqa berib o'tilgan. Garchi ismi faqat bir o'rinda (Croft) tilga olingan bo'lishiga qaramay, "barber-surgeon" (jarroh) nomi bilan ataluvchi asar bosh qahramonlaridan biri uning tabib bo'lib yetishishida muhim rol o'ynaydi. Bundan tashqari tarixiy shaxslar bo'lgan Ibn Sino va Shoh Ala Davla ham asarning keyingi qismi rivojida o'ziga xos ahamiyatga ega bo'lgan qahramonlar bo'lib hisoblanadi. Mary-keyinchalik uning rafiqasi, Mirdin va Karim - uning yaqin do'stlari ham asar voqealar tizimida o'z o'rinlariga egadirlar.

Asarning asosiy qismi yoritilgan sahnalar "Maristan" – odamlarga shifo beriladigan kasalxonada sodir bo'aldi. Muallif ushbu zamon va makonni, shuningdek, asar personajlarini tasvirlashda mahorat bilan metaforalardan foydalangan. Asarning bosh qahramonlari Rob va yahudiy qiz bo'lsa ham, unda



asosiy personajlardan biri o`rta Osiyolik tabib va faylasuf Ibn Sino bo`lib hisoblanadi. Ibn Sinoning maqomi va tabobat ilmidagi ulkan hissasi **metaforalar** orqali tasvirlangan. Misol uchun Noy Gordon uni “Second Teacher”, ya’ni ikkinchi ustoz nomi bilan ataydi va Ibn Sinoning tibbiyot va umuman ilm-fanga qo`shgan hissasini ko`rsatadi. Qyida shu o`rinlarda qo`llanilgan ba’zi misollar va ularning tahlilini havola etamiz:

*“At an early age, fate made Ibn Sina the servant of a series of rulers who used his genius to guard (personification) their health, and though he wrote dozens of volumes on law and philosophy—enough to win him the affectionate sobriquet of **Second Teacher** (First Teacher being Mohammed)—it was as **the Prince of Physicians** (metaphor)*

Misolni tahlil qilish davomida ko`rishimiz mumkinki, Ibn Sinoning hayotini tasvirlash davomida yozuvchi bir necha stilistik vositalardan foydalangan. Masalan, **“rulers who used his genius to guard their health”** degan o`rinda biz shaxslantirish, ya’ni uning aqlining ko`pchilik boshqaruvchilar sog`lig`iga soqchilik qilganligi aytib o`tilgan, bu esa o`z navbatida keyinchalik uning **“the Prince of Physicians”** (“Tabiblar shahzodasi”) deb atalishiga sabab bo`lgan, bu o`rinda biz metaforani kuzatishimiz mumkin. Ibn Sino o`z davrining ko`zga ko`ringan tabiblaridan bo`lganligi sababli uni o`z sohasining shahzodasiga o`xshatilyabdi.

Yana bir misolda esa Ibn Sino quyoshga o`xshatilyabdi, ya’ni uning tibbiyot sohasida mashhur bo`lgani va insonlarning unga shogird tushishi juda mag`rurlanishga sabab bo`ladigan hodisa ekanligi o`ziga xos yo`l bilan berilgan:

*“I was seventeen years old when we met in Jurjān. Ibn Sina was only a few years older, but Allah!**It was like looking straight (simile) into the sun (metaphor)**. My father struck the bargain. Ibn Sina was to apprentice me in medicine, I would be his factotum.”*

Bu o`rinda **“the sun”** (metafora)deyish orqali Ib Sino nazarda tutilmoqda. Ya’ni yuqoridagi misolda ma’noviy yaqinlik orqali stilistik vositaning qo`llanilganligiga guvoh bo`lamiz.

Asarda personajlarning ichki holati tasviriga ham yuqori e’tibor qaratilgan. Ayniqsa aytib o`tilganidek bosh qahramon Rob roman voqealar rivoji davomida o`sib-ulga’yar ekan uning ichki hissiyotlari, yillar o`tib o`zini qanday ko`rishi ham ba’zi bor stilistik vositalar yordamida keng tasvir etilgan. Masalan, quyidagi misolda:

*“**The puppy (metaphor)** he had once been had grown into **a strange sort of a dog (metaphor)**, he told himself, and there was little likelihood that Bostock could connect that juggling boy with this over-tall Jewish physician to whose Persian home Bostock had been drawn.”*

Majoziy ma’noda **“The puppy”**- kichkina kuchuk bolasi, **“a strange sort of a dog”**- qandaydir g`alati it tushunchalari qahramonning o`zini voyaga yetgan, yoki yillar o`tib ulg`ayganini his qilish hodisasiga ishora qilmoqda.

Metoforaning mohirlik bilan qo`llanilishi esa bu holatni aniqroq his qilishimizga yordam beradi.

**Xulosa.** Xulosa qilib aytadigan bo`lsak, tahlilimiz davomida keltirilgan misollar leksik stilistik vositalar badiiy asar rivojidagi ko`lamini yaqqol ko`rsatib turibdi. So`zlarning jimjimadorligi, turli tushunchalarning o`xshatishlar, metafora, ba`zi o`rinlarda shaxslantirish vositalari orqali berilishi vaziyatni to`laroq his qilish, o`sha davr vaziyatini to`laroq ko`rishimiz uchun imkon yaratib bergan desak bo`ladi. Maqolamizning aynan asar personajlri tasviri bilan bog`liq ekanligini eslatib o`tar ekanmiz, yozuvchi yuqorida keltirilgan misollar orqali davrning ba`zi masalalarini o`ziga xos yo`l bilan yoritib bergan. Har bir stilistik vosita vaziyatni to`laroq his qilishga, uning ta`sir kuchini oshirishga xizmat qilmoqda desak shubha bo`lmaydi.

“The Physician” tarixiy romanida leksik stilistik vositalar tabiat tasviri, personajlar kechinmalarini yoritib berishda, estetik, konnotativ, obrazlilik jihatdan badiiy asar tilini boyitishda muallif tomonidan mahorat bilan foydalanilgan. Leksik stilistik vositalarning ahamiyatini o`rganish maqsadida tahlil qilingan misollardan kelib chiqib xulosa qilib aytadigan bo`lsak, tahlilimiz davomida keltirilgan misollar leksik stilistik vositalar badiiy asar rivojidagi ko`lamini yaqqol ko`rsatib turibdi. So`zlarning jimjimadorligi, turli tushunchalarning o`xshatishlar, metafora, ba`zi o`rinlarda shaxslantirish vositalari orqali berilishi vaziyatni to`laroq his qilish, o`sha davr vaziyatini to`laroq ko`rishimiz uchun imkon yaratib bergan desak bo`ladi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati:**

1. Galperin I “Essays on English language stylistics” M., 1958. - 14 p.
2. Galperin I. Stylistics. – Moscow: Higher school, 1977. – 335 p.
3. Galperin I “Translation and stylistics” M.Д950. - 46 p.
4. Jakobson, R. "Linguistics and Poetics Style in Language", The M.I.T. Press, 1966, - 28 p.
5. Noah Gordon, The Physician- The USA, Barcelona editions, 2012, cover page
6. <http://www.e-adabiyot.uz/adabiyotshunoslik/tanqidchilik/1006-maqola.html>
7. <https://www.encyclopedia.com/>

#### **THE ALLEGORIC CHARACTERS IN FAULKNER'S “A FABLE”**

*Z.Kh. Usmonova  
(BSU)*

**Аннотация.** В статье рассматриваются исследование анализы аллегорические характеры в произведении “Fable” и художественные особенности творческой работы Уильяма Фолкнера. А также учитывается социальные проблемы в его произведении.

**Abstract.** The article examines the research analyzes of the allegorical characters in the work “Fable” and the artistic features of the creative work of William Faulkner. And also takes into account social problems in his work.

**Annotatsiya.** Maqolada "Ertak" asari ichidagi allegorik personajlarning tadqiqot tahlili va Uilyam Folkner ijodining badiiy xususiyatlari ko'rib chiqilgan. Va shuningdek, uning ijodiy ishidagi ijtimoiy muammolar hisobga olingan

**Ключевые слова:** аллегорический, рассказы, художественные особенности, точка зрения, символические, тайна, жанр, ситатический, динамический

**Keywords:** allegorical, stories, artistic features, point of view, symbolic, mystery, genre, sitatic, dynamic

**Kalit so'zlar:** kinoya, hikoyalar, badiiy xususiyatlar, nuqtai nazar, ramziy, sir, janr, sitatik, dinamik

What *A Fable* “is” seems to be a central question for some critics in determining its structural features. Thomas H. Carter, for instance, felt that it was basically cleanly structured, but “the other sub-plots obscure the simple rightness of the Corporal's story”. Many see the essential failure occurring in the attempt to mix genres and tones which, in their view, it is impossible to mix. Most critics read *A Fable* as an allegory which has either been contaminated or enriched in a dreadful way by certain “realistic” features which clash with the main action, the Passion whether it is contaminated or enriched is apparently owing to whether the critic personally prefers the realistic or the symbolic mode.

One may easily contrast this opinion to that of Hyatt Howe Waggoner, who sees the novel's process as “almost the opposite of the symbolic”, one that emerges from “an interpretation of scripture based on the supposition that historic Christianity was founded upon a hoax”. Roma King feels that Faulkner's view is basically Christian, but that the book fails because he has “no systematic intellectual grounding or comprehensive theology”, and the allegory “gets lost among naturalistic irrelevancies and details”. But for Lawrance Thomson the “allegorical skeleton sticks through the flesh unpleasantly”. And Irving Howe considers the book to be “a splendidly written fable that is cluttered and fretted with structural complexities appropriate only to a novel”. And finally, we may go to Carter again, who delivers another critical edict. “Whatever its symbolic structure is *A Fable* must be judged by the standards of naturalistic fiction” [1, p. 147-148].

The parallel between the representative of the open society and dynamic religion, and the inherent antagonism that this new being must project upon the established institutions, is thus clearly drawn. Another facet of the “deep dialect” - one which is based on experience - is thus established and one may draw obvious implications from the parallel, fusion as it were, of dynamic religion with the open society. The Corporal is both the representative of the open society and that individual who has immersed himself in the elan vital, and, as his confrontation with the priest illustrated, has embodied within himself, as a

“species composed of a single individual”, the power to overcome the casuistry of dialectic simply by “being”. The Corporal is one who, in the Bergsonian sense, has immersed himself into “real” time, which “if it is not God, is of God”, and the “religion” which emerges from this inundation is one which cannot be defined by ethical laws or theological argument. It is “a religion of men, not laws” [2, p.187].

One may still reasonably ask why Faulkner had to choose the obvious parallel to the Gospel stories, why he could not have demonstrated these ideas on their own merits rather than borrow from the Gospels. Bergson may again supply us with an explanation. But just as the new moral aspiration takes shape only by borrowing from the closed society its natural form, which is obligation, so dynamic religion is propagated only through images and symbols supplied by the myth-making function. A careful reading of the novel shows the reasons for the trappings of Christian allegory in *A Fable*.

The most striking “supernatural” incident parallels, in a rough way, the “multiple deaths” of the Corporal, it occurs in the scene describing the Groom's return to the town in Tennessee where they had first raced the horse. He had earlier appeared at the church, but now appears at the loft above the post office where the men are shooting dice. He suddenly appears there, no one speaks, he goes to the game, a coin mysteriously appears at his foot “where 10 seconds ago no coin had been”, he plays the coin, and immediately wins enough for food. The scene below describes his exit and return:

*“He went to the trap door and the ladder which led down into the store's dark interior and with no light descended and returned with a wedge of cheese and a handful of crackers, and interrupted the game again to hand the clerk one of the coins he had won and took his change and, squatting against the wall and with no sound save the steady one of his chewing, ate what the valley knew was his first food since he returned to it, reappeared in the church ten hours ago; and - suddenly - the first since he had vanished with the horse and the two Negroes ten months ago”* [3, p.194].

The necessary response is a crude one, but it nonetheless resembles the Corporal's ability to cut past speech and force action. The Groom's mysterious abilities to create the fierce loyalties of those around him links him to the Corporal also. It is this ability which carries over into the main action, and is the means by which he and the Runner are joined. But in the context of the main action, the Runner is a different person, a point which will be taken up below. His mysterious qualities are even highlighted in the near play on words Faulkner employs in Sutterfield's pronunciation of his name, “Mistairy” for Mr. Harry. The Groom is, in a sense, “resurrected” also. His mysterious reappearances are not the only point of resemblance in this sense. Faulkner describes him at the very beginning of the “horsethief” episode as having undergone a sort of rebirth as a result of his experiences with the horse. The rebirth is somewhat analogous to the Corporal's final interment in the tomb of the unknown soldier, since it suggests outwardly everything that he was not previously, and also points to the anonymity of the Corporal as far as the world is concerned.

*“Three things happened to him which changed completely not only his life, but his character too, so that when late in 1914 he returned to England to enlist it was as though somewhere behind the Mississippi Valley hinterland ... a new man had been born, without past, without griefs, without recollection”* [3, p.151]. What Faulkner has done in his treatment of the Corporal is to let the action around the Corporal speak for him rather than letting him speak for himself; often the action seems to run a contradictory course to what is being verbalized by characters around the Corporal. This observation goes to the heart of the Corporal's character and the implications toward which his presence in the novel points. The Corporal, for all his taciturnity and seeming passivity, is the essence of action - meaningful action. He is the essence and embodiment of what Bergson considers the mystic, the representative of “dynamic religion”. The Corporal, if not exactly suspicious of ritual, at any rate has no need of ritual, for ritual is extraneous to the dynamic religion he represents. It is, as Bergson states, “a religion of men, not rules”, a religion in which “prayer is independent of its verbal expression; it is an elevation of the soul that can dispense with speech. Bergson, in attempting to define “dynamic religion”, equates it with mysticism, but not the Eastern type of mysticism we generally identify with the Hindu ascetics. These are not true mystics, according to Bergson.

What the Corporal attempts to do, and succeeds in doing for a while, is exactly this. All the action of *A Fable* is generated by his act of mutiny. This failure will be explained within that context, but for the moment we may see this characteristic, dynamism, operating in relation to the Corporal in the particular way Faulkner has chosen to portray it. The Corporal does not have the gift of rhetoric - he has no need of it; action, experience, is his primary method of expression. His monosyllabic answers to the casuistic arguments of the priest and the Marshall are not owing to stupidity or sullenness. An examination of his answers to most of the questions put to him shows that he does not answer the question directly so much as simply state a “fact” which ultimately has bearing upon the question. For example, in answering the priest's charges that he must bear the responsibility for Gragnon's execution, he simply repeats:

*“Tell him [the Marshall] that”* [3, p.364-366].

To the Marshall's long argument in the “Maundy Thursday” scene, he first answers simply, “there are still ten” (meaning his disciples), when the Marshall indicates the futility of his martyrdom [3, p.346]. To the last part of the Marshall's argument, when the Marshall expands at length upon the “narrative of the bird” to reinforce his offer of life, the Corporal simply answers:

*“Don't be afraid. There's nothing to be afraid of. Nothing worth it”* [3, p.352].

The Corporal is equally taciturn in other scenes. He does not speak his first word until page 249; he speaks fewer words than any other major character in the novel, unless one considers the Groom to occupy equal stature, and even the Groom is referred to as constantly mouthing curses, even though Faulkner does not record them for the reader.

Actually, the Corporal's lack of speech is simply part of his makeup. He is exhibiting the mystic temperament as Bergson conceives of it. A calm exaltation of all its faculties makes it see things on a vast scale only, and in spite of its weakness, produce only what can be mightily wrought.

This passage, which goes far to explain the Corporal's peculiar actions also in relation to the other characters in the novel and the events which surround him, bears a resemblance to Faulkner's description of the Corporal as he calmly watches from his prison window above the rage and turbulence of the crowd below.

*“He looked exactly like a stone-deaf man watching with interest but neither surprise nor alarm the pantomime of some cataclysm or even universal uproar which neither threatens nor even concerns him since to him it makes no sound at all”* [3, p.227].

The Corporal is able to transcend much of the human passion that is normally aroused either in argument or in anxiety over one's future. Bergson may offer a reason for the Corporal's “odd” qualities of character when he writes of the difference between ordinary ideas of love and the mystical love of mankind.

*A Fable* denies the institution, both in the action that is outside those parts which resemble the Passion directly, and, more importantly, by internal differences between those portions that do parallel the original Gospel stories, owing mainly to its treatment of those portions. In fact, the very parts that seem to offend most of the critics, the character of the Corporal, the “degrading” last supper scene, the barbed wire crown, the ironic resurrection, the final interment in the military monument and certain aspects of “character” of the Corporal, find their ethical and “theological” perspective, not in the codifications of institutionalized Christianity, which in *A Fable* is equated with “static religion”, but in “dynamic religion” as Bergson describes it.

#### **The list of used literature:**

1. Carter, T.H. *Dramatization of an Enigma*/ T.H. Carter. - New York: Western Review, 1955. - P. 147-148.
2. Bergson, H. *The Two Sources of Morality and Religion*/ H. Bergson.- New York: Henry Holt and Company, 1935. - 289 p.
3. Faulkner, W. *A Fable*/ W. Faulkner. - New York: Random House, 1954. - 384 p.

#### **ЎЗБЕК АЛЛА ҚЎШИҚЛАРИДА ОЛҚИШ МАВЗУЛАРИ**

*М.Х.Ниязова*  
(БухДУ)

**Аннотация:** Ушбу мақолада ўзбек алла қўшиқларида олқишларнинг турли мавзуларда ишлатилиши таҳлил қилинади.

**Аннотация:** В данной статье анализируется использование благопожелания в Узбекских колыбельных песнях на различные темы.

**Abstract:** this article dealt with analysis the use of blessings in Uzbek cradle songs on various topics.

**Калит сўзлар:** олқишлар, алла, дуо, бешик.

**Ключевые слова:** благопожелание, колыбельные песни, пожелания, колыбель.

**Key words:** blessings, lullaby, goodwill, cradle.

Халқ оғзаки ижодининг энг ривожланган жанрларидан бири алладир. Алла боланинг бешикдалигиданоқ, ҳали тили чиқмасиданоқ айтилади. Бола бор жойда алла айтилиши лозим. Қадимдан оналар ўз болаларига бешиги теппасида алла айтиб келишган. Алла ўз оҳанги билан болага ўз меҳрини етказиб беради. Бошқача айтганда, алла қўшиғи болага она сути билан киради. Алла болани хотиржам ором олишини таъминлайди. Аллаларга оналар ўз ҳис-туйғулари, орзу-умидларини, болага яхши тилаклар ва дуолар қўшиб айтилади. Алла эшитган бола онага бўлган меҳри ошади.

Алла эшитмаган болада меҳр ва муҳаббат туйғуларидан йироқ бўлади. “Аллалар, одатда, болаларнинг эмизикли даврида — улар то уч ёшни тўлдиргунларигача айтилади. Аллаларнинг болаларнинг ана шу ёши билан боғланиши қатъий бўлиб, бу хусусият фақат бешик қўшиқларигагина хосдир. Шу сабабли аллаларни она сути билан боғлаб, “сутда қорилган ва меҳрга йўғирилган қўшиқ сифатида баҳолашлари бежиз эмас”. [1] деб таъриф берганлар Охунжон Сафаров “Ўзбек халқ аллалари” китобларида.

Аллалар болани юпатиш, яхши ухлаши учун сокин оҳангда ижро қилинади. Бола хотиржам бўлиб, ором олиб ухлашига имкон беради. Она алла айтаётган пайтида боласига барча яхши тилакларни, дуоларини айтиб, бор меҳрини бериб ижро этади.

Оила ҳар бир бола учун дастлабки тарбия ўчоғи саналади. Оилада болаларга алла қўшиқлари воситасида ахлоқий тарбия бериш учун алла муҳим рол ўйнайди. Бундан ташқари, боланинг илк тил чиқариши, унинг нутқий кўникмаси онанинг алласи жуда катта рол ўйнайди. Гўдак она алласи орқали авваламбор оила аъзоларини, табиатни, теварак атрофдаги барча ҳодисаларни ва дунёни таний бошлайди.

Дарҳақиқат, она ўзининг меҳр-муҳаббати, самимияти орқали бола шахсининг шаклланишида ҳисса қўшади. Асосан, фарзанднинг ақлий, маънавий, ахлоқий камол топиши она алласига боғлиқдир. Она алла орқали болага Ватанига бўлган муҳаббатни, ҳамда меҳнасеварлик, ростгўйлик, мардлик каби фазилатларни жо қилади. Аҳамиятли томони шундаки, ҳар бир онанинг ўз алласи бўлади ва баъзан алла сўзлари, мавзулари ўзгариб туради. Масалан, қуйидаги алла қўшиғида она ўз фарзандининг келажаги порлоқ бўлсин деб яхши тилаклар билдириб қуйлайди:

Ширин аллам тинглаб аста,  
Ухлаб қолгин, алла-ё  
Юзларинга томган сувга  
Ҳайрон бўлма, алла-ё  
Бахтимга сен катта бўлгин,

Хазон бўлма, алла-ё  
Истикболнинг порлоқ сенинг,  
Жажжигинам, алла-ё.[2]

Одатда, онанинг орзу-умидлари кўп бўлади. Она юрагидаги эзгу ниятларини аллага жўшиб куйлайди. Боласининг келажакда соғлом, ақлли-хушли, элига яхши хизмат қиладиган, обрўйли ва комил инсон бўлишини истайди.

Онасининг эркаси,  
Ухлаб қолсин, алла-ё.  
Бўлсин инсон сараси,  
Обрў олсин, алла-ё, алла-ё.

Юқоридаги мисралардан кўриниб турибдики, она фарзандига юқори мартабаларга эришишини тиламоқда. Гар бола ёшлигидан илмга, китобга меҳр қўйса, яхши касб эгаси бўлиши табиийдир. Чунки, она ўз алласи орқали боласига ўқишга бўлган меҳрини уйғотади, ушбу аллада бу яққол намоён бўлмоқда:

Кўчаларда ўйнаб юрсин,  
Мактабларда ўқиб юрсин.  
Мулла-ю, мударрис бўлсин,  
Мартабаси улуғ бўлсин.[3]

Кейинги мисраларга назар ташласак, биз биламизки Бухоройи Шарифда Баҳовуддин Нақшбанддек буюк сиймо яшаб ўтганлар, у кишини Баҳовиддин балогардгон, яни турли офатлардан асрайдиган улуғ зод деб билишади, ушбу мисраларда она фарзандига атаб куйлаган алласида Баҳовиддин Нақшбандийни тилга олиб, фарзандига доим ҳамроҳ бўлишини тилайди.

Уғилгинам бор бўлсин, алла,  
Қўйни тўла нор булсин, алла  
Нори тушиб қолганда, алла,  
Баҳовиддин ёр булсин, алла[4]

Хулоса қилиб, шуни айтиш жоизки, аллалар поэтик жиҳатдан ҳам, оналарнинг ички туйғулари баёни сифатида оғзаки халқ ижодининг бўлак турларидан ажралиб туради. Аллалар болани юпатиш, яхши ухлаши учун сокин оҳангда ижро қилинади. Бола хотиржам бўлиб, ором олиб ухлашига имкон беради. Она алла айтаётган пайтида боласига барча яхши тилакларни, дуоларини айтиб, бор меҳрини бериб ижро этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Охунжон Сафаров. Ўзбек халқ аллалари. Тошкент. “Ўқитувчи” 1999. Б.12
2. <http://www.ziyouz.com/>
3. <https://fayllar.org/reja-bolalar-adabiyoti-va-bolalar-folklorining-mumtoz-adabiyot.html>
4. Охунжон Сафаров. Ўзбек халқ аллалари. Тошкент “Ўқитувчи” 1999. Б.42



## ЖОН СТЕЙНБЕК ИЖОДИ ЖАҲОН АДАБИЁТШУНОСЛАРИ НИГОҲИДА

О.Х.Фаниева  
(БухДУ)

The giant`s daughter and Nix Nought Nothing were very fond of each other, that`s why she tried to help him using magic. She called all the beasts in the field, and all the fowls of the air, and in a minute they all came, and carried away everything that was in the stable and made it all clean before the giant came home. The giant was in a rage and gave another task to him. There was a lake seven miles long, and seven miles deep, and seven miles broad, and he must drain it the next day by nightfall, or else the giant will have him for his supper, but the giant`s daughter called on all the fish in the sea to come and drink the water, and very soon they drank it dry. The next task of the giant was worse:

“I’ve a worse job for you to-morrow; there is a tree, seven miles high, and no branch on it, till you get to the top, and there is a nest with seven eggs in it, and you must bring down all the eggs without breaking one, or else I’ll have you for my supper.”<sup>86</sup>

At first the giant`s daughter did not know how to help Nix Nought Nothing; but she cut off first her fingers and then her toes, and made steps of them, and he climbed the tree and got all the eggs safe till he came just to the bottom, and then one was broken. After this they decided to run away from the giant.

While they were running, the giant chased them in a very high speed. In this case *magic comb*, *magic hair dagger* and *magic flask* helped the main heroes. Nix Nought Nothing took the comb from his sweetheart`s hair and threw it down, and out of every one of its prongs there sprung up a fine thick briar in the way of the giant. It took him a long time to work his way through the briar bush and by the time he was well through Nix Nought Nothing and his sweetheart had run on a tidy step away from him. But he soon came along after them and was just like to catch them up when the giant`s daughter called out to Nix Nought Nothing, “Take my *hair dagger* and throw it down, quick, quick.” So Nix Nought Nothing threw down the *hair dagger* and out of it grew as quick as lightning a thick hedge of sharp razors placed criss cross. The giant had to tread very cautiously to get through all this and meanwhile the young lovers ran on, and on, till they were nearly out of sight. But at last the giant was through, and it wasn’t long before he was like to catch them up. But just as he was stretching out his hand to catch Nix Nought Nothing his daughter took out her *magic flask* and dashed it on the ground. And as it broke out of it welled a big, big wave that grew, and that grew,

---

<sup>85</sup> Jacobs J. English fairy tales and more English fairy tales.– London, 2002. –p.37.

<sup>86</sup> Jacobs J. English fairy tales and more English fairy tales.– London, 2002. –p.39.

till it reached the giant's waist and then his neck, and when it got to his head, he was drowned dead.

*“Jack and his Golden Snuff-Box”* tells us about a boy named Jack who decides to travel to look for a fortune and happiness. He was an only boy for his parents who lives in a village surrounded with high trees without knowing anyone. When Jack makes decision to go away from the village, his father gives him a little box and warns him not to open it till he is near his death. While he was travelling being hungry and tired, he found the back door of a house where he meets his love. When he decided to marry to a young lady, her father gives Jack three tasks. The first one is to “have a great lake and some of the largest man-of-war vessels sailing before his mansion, and one of the largest vessels must fire a royal salute, and the last round must break the leg of the bed where his young daughter is sleeping.”<sup>87</sup>

When Jack was thinking how to make the man's wish happen, out of sudden he remembered about the *little golden box* that his father gave him and when he opened it, out there hopped three *little red men*, and asked Jack: “What is your will with us?” and Jack tells his wish and three little men make his wish happen the next morning. The other thing that the gentleman told Jack to do was to fell all the great trees for miles around by eight o'clock in the morning; and, to make my long story short, it was done, and it pleased the gentleman well. The gentleman said to him: “The other thing you have to do” - (and it was the last thing) — “you must get me a great castle standing on twelve golden pillars; and there must come regiments of soldiers and go through their drill. At eight o'clock the commanding officer must say, ‘Shoulder up.’” “All right,” said Jack; when the third and last morning came the third great feat was finished, and he had the young daughter in marriage. But unfortunately, when Jack left his golden box in his pocket, his valet takes his box and tells the three men to move the castle far and far across the sea. When they come back from hunting, the castle upon the twelve golden pillars had disappeared and poor Jack was threatened by taking his beautiful young wife from him. But at last they made an agreement and Jack was given twelve months and a good horse, money to look for the castle. As he was in search of his missing castle, through woolly woods and sheep walks, he comes up to the place where lives the King of all the little mice in the world and he agrees to help Jack to find the castle and calls mice all over the world to ask whether they know about the castle or not. Unluckily none of them had seen seven-pillar castle. The old King said to him that he had two other brothers: “One is the King of all the frogs; and the other brother, who is the oldest, he is the King of all the birds in the world. When he was leaving Mice Kingdom, a little mouse asked Jack to be his mate. Then they set their way to the Kingdom of Frogs but unfortunately none of them have heard about that castle either, and as Jack was going through the gates, the little frog that was on sentry asked to go with him. So, they decided to visit the King of all birds and every bird all over the world is called. However, none of the birds know about the castle except for *Great Bird*.

---

<sup>87</sup> Joseph Jacobs “Jack and his Golden Snuff-Box” London, 1894.p.85

He tells Jack where to find the palace and he carries Jack on his back over the seas. Now when they get to castle, they didn't know how to get a little box. But thanks to *the little mouse* who goes down and gets a golden box inside of the castle. As they were passing over the great sea, the little box fell down and it slipped into the water. Then *the frog* goes down in the water for three days and three nights to look for the box, finally carrying golden box in his hands. When Jack gets the box, he orders three red little men to move the castle to its former place.

All the magic used in the fairy tale served for good things and main heroes in reaching their aims. In fairy tales, there is often a description of the future, that is, the dreams and aspirations of the people for the future. Therefore, the magical objects in it artistically express people's dreams and desires.

#### **The list of used literature:**

1. Jacobs J. English fairy tales and more English fairy tales. – London, 2002. – 408 p.
2. Steel F. English fairy tales. – London, 2005. – 142 p.
3. Joseph Jacobs “Jack and his Golden Snuff-Box” London, 1894.
4. Oxford Dictionary of English – Oxford: Oxford University Press, 2010.

### **3-ШЎБА: ГЛОБАЛАШУВ ДАВРИДА ҚИЁСИЙ ТИЛШУНОСЛИК ВА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ**

#### **ПРОВЕРБИАЛЬНЫЕ ФРАЗЕОЛОГИЗМЫ КАК СРЕДСТВО ФОРМИРОВАНИЯ НАВЫКОВ МЕЖКУЛЬТУРНОЙ КОММУНИКАЦИИ**

*А.Э.Маматов,  
профессор (УзМУ)*

Теория межкультурной коммуникации имеет огромное значение, поскольку в современный информационный век контакты между людьми, народами, культурами чрезвычайно интенсифицируются, типичным становится поликультурное, полиэтничное, поликонфессиональное общество, нуждающееся в успешном, конструктивном общении между представителями различных культур. Поэтому предметом теории межкультурной коммуникации является анализ типов взаимодействия между представителями различных лингвокультур, изучение факторов, оказывающих положительное или отрицательное влияние на результат коммуникативного взаимодействия.

Формирование умений и навыков межкультурной коммуникации при обучении языку в условиях субординативного билингвизма долгий и сложный процесс. С точки зрения лингвистической теории и особенно лингводидактики этот процесс предполагает описание многих факторов, которые только на первый взгляд кажутся не совсем значимыми. Глубокое и широкое сопоставительно-типологическое исследование выявляет их идиоматичность в родном и изучаемом языках. Степень сложности осуществления межкультурной коммуникации при изучении индивидом неродного языка зависит не только от наличия или отсутствия соответствующей речевой среды, от уровня фактической двуязычности обучающегося, но и от того, какой уровень языка или же какая языковая проблема «тема» в данный момент изучается.

Так, например, при изучении фразеологического фонда неродного языка осуществление межкультурной коммуникации более мотивировано, более реалистично. Объясняется это тем, что в провербиальных фразеологизмах заложены два начала: а) национально-культурное начало; б) универсальное (общечеловеческое, межкультурное) начало. Первое характеризует национальный колорит пословицы. Второе - универсальность, общечеловечность основной мысли, заложенный во фразеологизме.

Например, рассмотрим антропоцентрическую фразеологическую единицу - «человек не грибок, в день не вырастет». В этом фразеологизме национально-культурной спецификой является значение - человек не гриб и

поэтому не сразу становится взрослым. Почему для сравнения взято слово грибок? Потому что для русского народа грибы имеют большое национально - культурное значение: грибы являются одним из символов весны и осени; грибы являются продуктом питания; существует культура сбора и употребления грибов и т.д. В жизни узбека или казаха грибы не выполняют такую широкую и глубокую национально-культурную функцию. Общекультурным (или межкультурным) свойством данной поговорки является понятие человек. Человек растет, но не быстро. Это понятие (понятие человек) характерно для всех народов. Именно второе начало (значение) в семантике поговорки и позволяет ускорить процесс овладения обучающимися умениями и навыками межкультурной коммуникации.

Национально-культурная специфика и универсальное (межнациональное) свойство фразеологизма порождают речевую интерференцию на уровне семантики и стилистики. Преодоление речевой интерференции зависит от многих факторов: а) от результатов сопоставительного исследования фразеологизмов изучаемого и родного языков; б) от степени жизнеспособности разработанной типологии упражнений; в) от степени эффективности методики внедрения разработанной типологии упражнений в учебный процесс и т.д.

При изучении фразеологического фонда неродного языка осуществление межкультурной коммуникации более мотивировано, более реалистично. Объясняется это тем, что во фразеологической единице заложены два начала: а) национально - культурное начало; б) универсальное (общекультурное, межкультурное) начало. Первое характеризует национальный колорит поговорки. Второе - характеризует универсальность, общечеловечность основной мысли, заложенной в поговорке.

Таким образом, успех формирования умений и навыков межкультурной коммуникации при обучении языкам долгая и трудоемкая работа, требующая, прежде всего, собственно лингвистических научных изысканий. Культурологический аспект изучения проverbsальных фразеологизмов имеет большое теоретическое и практическое значение, так как, обычно, под культурой понимают совокупность проявлений деятельности человека в различных областях его жизни: исторической, индивидуальной, общественной, практической, теоретической, эстетической, мифической, религиозной и т.д.

#### **Список использованной литературы:**

1. Маслова В.А. Лингвокультурология. – М., 2001.
2. Жуков В.П. Словарь русских поговорок и пословиц. – М., 2002.
3. Попова Е.А. Человек как основополагающая величина современного языкознания // Филологические науки. – М., 2002. - № 3.

# PRAGMATIC APPROACH TO THE LINGUO-COGNITIVE ANALYSIS OF THE CONCEPT “FATHER” IN THE ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES

*Kh.M.Gaybullayeva- teacher*

*Scientific supervisor: PhD, associate prof.M.Kh.Alimova,  
(Tashkent state pedagogical university named after Nizami)*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada ingliz va o'zbek tillarida "Ota" tushunchasining lingvokognitiv tahliliga pragmatik yondoshish haqida so'z boradi.

Til hodisasini pragmatik yondashuv asosda tahlil etish jarayonida muallifning yaratilgan matnda qo'ygan maqsadining muayyan pertsepive aspektlari,ottenkalarining aniqlanishida imkoniyat paydo bolishi namoyish etiladi.

**Аннотация.** В данной статье рассматривается прагматический подход к лингвокогнитивному анализу концепта «Отец» в английском и узбекском языках.

Прагматический подход к анализу определенного языкового явления способствует выявлению конкретных перцептивных аспектов и оттенков, которые автор имел в виду в процессе создания текста. В связи с этим в статье демонстрируются лингвокультурологические особенности выявления концептов FATHER-ОТЕЦ.

**Abstract.** The present article deals with Pragmatic approach to the linguo-cognitive analysis of the concept “Father” in the English and Uzbek languages.

Pragmatic method of analyzing the definite linguistic phenomenon gives the chance of concretizing the aims and intentions the author placed in the process of creating his text. In connection with it the linguoculturological peculiarities of the concept FATHER-ОТЕЦ are defined in the article.

**Tayanch so'zlar:** pragmatik, tushuncha, ma'no, konseptologiya, kognitiv tilshunoslik.

**Ключевые слова:** прагматика, концепт, значение, лингвокультура, концептология; когнитивная лингвистика.

**Key words:** pragmatics, concept, meaning, linguoculturological, conceptology, cognitive linguistics.

In modern linguistics, there is a tendency to study language as a productive way of interpreting human culture. This is due to the fact that language is the key to the system of human thought, to the nature of the human psyche, it serves to characterize the nation. The tasks of cultural linguistics include the study and description of the relationship between language and culture, language and ethnic group, language and folk mentality. The basis of the categorical apparatus of cultural linguistics is formed by the concepts of a linguistic personality and a



concept, the epistemological formation of which is not yet complete. The term "concept" is the core term of the conceptual apparatus of cultural linguistics. Its fundamental, multifaceted study presupposes the obligatory appeal of scientists to the analysis of various levels or tiers of language through the use of various research methods.

Pragmatics integrates cognitive processes and principles of the interpretation of statements and speech behavior. At the same time, pragmatic factors that result from the conditions of the speech situation, communicative goals, strategies and tactics determine the influencing potential of the utterance, an integral part of the cognitive processes occurring in the human mind.

A linguistic personality in linguocultural conceptology is understood to be fixed mainly in the lexical system as a prototype of a native speaker, including worldview attitudes, value priorities and behavioral reactions reflected in the dictionary - a vocabulary personality, ethnosemantic [8.22], which is the subject of the linguistic picture of the world and the national conceptual sphere.

The concept as a mental formation of a high degree of abstractness is associated mainly with the word. It follows from this that it includes, in addition to subject reference, all communicatively significant information.

So, in the linguistic understanding of the concept, there are three main approaches. First, in the broadest sense, the number of concepts includes lexemes, the meanings of which make up the content of the national linguistic consciousness and form a 'naive picture of the world' of native speakers. D.S. Likhachev suggests that the totality of such concepts forms the conceptual sphere of language [7.280-287], in which the culture of the nation is concentrated. The determining factor in this approach is the way of conceptualizing the world in lexical semantics, the main research tool is the conceptual model, with the help of which the basic components of the concept's semantics are distinguished and stable connections between them are revealed. Secondly, in a narrower sense of the concept of Yu.S. Stepanov and Neroznak classify semantic formations marked by linguocultural specificity and in one way or another characterizing the carriers of a certain ethnoculture. The totality of such concepts does not form the concept sphere as a kind of integral and structured semantic space, but occupies a certain part in it - the conceptual area. And, finally, the number of concepts includes only semantic formations, the list of which is sufficiently limited and which are key to understanding the national mentality as a specific attitude to the world of its carriers.

Among the fundamental concepts associated with many associations, the concept of " *father* " is one of the most important, because family is the most important social institution in which a personality is formed with all its individual qualities that determine cultural, psychological and social adaptation of a person in a specific linguocultural community. The concept " *father* " is one of the fundamental concepts in the worldview in any language. It is obvious to assume that this concept has layers of universal character, as well as layers inherent in any particular community.

In a number of studies on cultural linguistics, there are works performed in a comparative manner, the purpose of which is to identify the national linguistic peculiarity of the concept of "father" in two or more cultures, for example, Russian, English, French, Turkish. We conducted a study on the material of two well-known dictionaries: "Explanatory Dictionary of the Living Great Russian Language" [1] and "Explanatory phraseological dictionary of the Uzbek language" [3].

According to the "Explanatory Dictionary of the Living Great Russian Language" the word "father" has the following explanations:

"father" - who has children, parent, father, dad, daddy.

"creator", "heavenly father", "God" - A merciful father, hear our prayer.

"the first person" - The honor given to all spiritual father.

"benefactor", "breadwinner" - Master is our dear father.

"important part of science inventor" - Hippocrates the father of medical science.

"root", "beginning", "source" - Sanskrit father of European languages.

According to the "Explanatory phraseological dictionary of the Uzbek language" the word "father" has the following explanations:

"Father" - a man with children;

"Ota bo'lmay ota qadrini bilmas"

"Siz otamisiz, nimasiz axir, o'g'lingizni tiyib olish sira esingizga keladimi?", Abdulla Qodiriy. O'tgan kunlar.

"Father" is used to refer to or respect older people;

"Qoratoy O'rozni darrov Shokir otaga yubordi", Oybek. Tanlangan asarlar.

"Father" - used to pamper a son;

"Father" - about a person who started a business or action, founded it;

"Qodiriy o'zbek romanchiligining otasidir."

"Father" - about a kind leader, a guide;

"U kolxozchilarga ota bo'ldi, g'amxo'rlik qildi, ish o'rgatdi."

"Father" - a person who leads the country, of great age or position;

"Tayyorlan qizim, senga yurt otasi, ellikboshimiz gapiradilar.", Oybek. Tanlangan asarlar.

The results of the study contribute to the development of the basic principles of cognitive linguistics and cultural linguistics, which are areas of modern linguistics. In addition, the fact that at each stage of the research the systematic approach is based, the inter-level expression of "father" concepts, and the conceptual features of the concept under study are also indicative of the impact on the development of the linguistic science. The methods used in the definition process can be used as a basis for the study of various concepts.

In the development of general linguistics, this subject underwent three paradigms. Traditionally it is divided into comparative-historical, system-structural and anthropocentric paradigms. The comparative-historical paradigm was the first paradigm in linguistics to have its own method of analysis, while the

system-structural paradigm was the focus of attention. In the anthropocentric paradigm, however, the human factor that uses language as the subject of linguistics is of paramount importance.

In English linguistics, the concepts of “father” form a cultural concept and are represented by a number of language units belonging to different language levels in the English national landscape.

Thus, it can be concluded that the exchange of the concepts of “father” in English and Uzbek languages are important in the scientific research carried out in the context of modern linguistics.

### **The list of used literature:**

1. Dal VI. Explanatory Dictionary of the Living Great Russian Language.
2. Maslova V.A. Cognitive linguistics. Minsk, 2005.
3. Rakhmatullaev Sh. U. Explanatory phraseological dictionary of the Uzbek language. T., 1978.
4. Stepanov Yu.S. Constants: Dictionary of Russian culture. M., 2004, pp. 42-67.
5. Askoldov S.A. Concept and word // Russian literature. From the theory of literature to the structure of the text. Anthology. M., 1997, pp. 267-279
6. Collins Cobuild. Advanced Learner's English Dictionary. New Digital Edition. [Electronic resource]. Access mode: <http://www.mycobuild.com/free-search.aspx>
7. Likhachev D.S. Logical analysis of language. Cultural concepts. M., 1991
8. Karasik V.I. On the categories of linguoculturology // Language personality: problems of communicative activity. Volgograd, 2001. S.

### **INGLIZ VA O'ZBEK TILLARI “RANG” KOMPLEMENTLI FRAZELOGIZMLARIDA ANTROPOSENTRIZM IFODASI**

*N.F.Qosimova,  
PhD (BuxDU),  
M.U.Sharipova,  
1-kurs magistranti (BuxDU)*

**Abstract.** The presented article analyses the national and cultural features of phraseological units of non-related languages in the framework of anthropocentric paradigm. The main focus has been done on the functional peculiarities of color-oriented idioms in the English and Uzbek languages based on dictionaries as well as on the linguistic theories.

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada antroposentrik paradigma doirasida turli tizimli tillarfrazologik birliklarining milliy va madaniy xususiyatlari tahlil qilingan. Asosiy e'tibor ingliz va o'zbek tillari lug'atlari, shuningdek lingvistik

nazariyalar asosida yaratilgan rang komponentli iboralarning funktsional xususiyatlariga qaratilgan.

**Аннотация.** В данной статье анализируются национально-культурные особенности фразеологизмов неродственных языков в рамках антропоцентрической парадигмы. Основное внимание уделяется на функциональные особенности идиом с цветоозначающим компонентом в английском и узбекском языках на основе словарей, лингвистических теорий.

**Kalit soʻzlar:** komponent, antropotsentrizm, til, madaniyat, hissiyot, funktsional.

**Key words:** component, anthropocentrism, language, culture, emotion, functional.

**Ключевые слова:** компонент, антропоцентризм, язык, культура, эмоция, функциональный.

Dunyoda har bir rang bir olam maʼnoni anglatadi. Bugungi kunda dunyo olimlari tomonidan ranglar yordamida ramziy muloqot qilish, insonlarni davolash, tarbiyash, ranglar hamohangligi vositasida falsafiy fikr yuritish, rang orqali insonlarning ichki ruhiy kechinmalari va tuygʻularini aniqlash kabi koʻplab tadqiqotlar amalga oshirilmoqda.

Ingliz va oʻzbek lingvomadaniyatlarida ham ranglar ramziy ahamiyatga ega. Mazkur tillar frazeologik tizimi lingvomadaniy tamoyillar asosida shakllanganligi sababli ularda ham rang semantikasi muhim oʻrin tutadi.

Ingliz va oʻzbek tillarining “rang” komponentli frazeologizmlarida antroposentrizm ifodasini tahlil qilish natijasida 2 semantik guruh mavjudligi aniqlandi.

1. Inson xarakter xususiyatlarini tasvirlovchi frazeologik birliklar.

2. Inson tashqi koʻrinishini aks ettiruvchi frazeologik birliklar.

Ingliz va oʻzbek tillarida oq rang kishining toʻgʻrilik va vijdonlilik kabi ijobiy xislatlarini ifodalaydi. Masalan, *To have white hands* (sof vijdonga ega boʻlmoq), *the white rose of virginity (innocence* (begunoh, beayb) frazeologizmlari fikrimizni dalillaydi). Oʻzbek tilida *Oq koʻngil* (koʻngil oq) (yaxshi niyatli, boshqalarga yomonlikni ravo koʻrmaydigan) iborasi mavjud.

Qora rang ikki tilda ham koʻpchilik hollarda insonning salbiy xarakter xususiyatlarini ifodalashda ishlatiladi: ingliz: *A black soul* – gʻarazgoʻy; *the black sheep* – oilasiga isnod keltirgan kishi; oʻzbek: *Ichi qora* – buzuq niyatli.

Shuni taʼkidlash joizki, *oq* va *qora* ranglar birgalikda uzoq oʻtmishdan asosiy emotsional vosita sifatida qoʻllanib kelinmoqda. Bu ranglar odatda yaxshilik va yomonlik, foyda va zarar kabi zid mazmun kasb etadi. Masalan:

ingliz: *See things in black and white* – vaziyatning yaxshi va yomon taraflarini bilish; oʻzbek: *Oq qorani tanimoq* – hayotiy tajribaga ega boʻlmoq, foyda va zararni bilmoq. Koʻk rang ingliz tilida insonlarga nisbatan yuqori ijtimoiy tabaqa, aql idrok, sadoqat ramzi sifatida qoʻllanilgan [4, 58]. Masalan, *Blue blooded* – Ziyoli oiladan chiqqan; *A blue eyed boy* – yoqimtoy bola; *True-blue* – sadoqatli.

Bundan farqli o'laroq o'zbek tili frazeologizmlarida "ko'k" so'zi osmon tushunchasi sifatida talqin qilingan: *Ko'kka ko'tarmoq* – maqtamoq; *Ko'kka sovurmoq* – behudaga ishlatmoq;

Yashil inglizlar talqinida hasad va rashk ramzi bo'lib kelgan. Masalan, *Be green with envy* – hasad qilmoq; *The green-eyed monster* – rashk. Ushbu ifoda Shekspirning "Otello" tragediyasi 3-parda, 3-ko'rinishida Yago obrazi tomonidan ishlatilgan:

"O! Beware my lord of jealousy;

*It is the green-eyed monster*

*which doth mock*

*The meat it feeds on*" [2,129].

Rashkdan biroz saqlaningiz, muhtaram sardor.

Bu zangor ko'z ajdar nusxa-horiqulodda

O'z qurbonin tahqir qilib qah-qah soladi.

Ammo, "to give someone green light" iborasida *green* yashil chiroq ma'nosidan kelib chiqqanligi bois *biror kishiga ruxsat bermoq*, yo'l ochib bermoq kabi ma'nolarni ifodalaydi. Tashqi ko'rinishni tasniflovchi frazeologik birliklarda oq rang ikki tilda ham holsizlik, ojizlik kabi ma'nolarda ishlatiladi: *Be white as a sheet (paper)* iborasining o'zbek tilidagi ekvivalenti "yuzi oqarmoq" – Biror kasallik yoki qo'rquv sabab yuz rangi o'zgarmoq. Shuningdek, *green* komponenti ham ingliz tilida kasallik ma'nosida talqin qilinadi.

*Be (look) green about the gills* [2,129]– Betob ko'rinmoq.

"Qora" ingliz frazeologizmlarida xunuklik, jahldorlik kabi ko'rinishlarni tasniflaydi:

*Black look* – g'azabnok yuz ifodasi.

*Black and blue* – zarb yegan.

Bundan farqli o'laroq o'zbek tili iboralarida "qora" so'zi shakl, sharpa kabi ma'no kasb etadi: *Qorasini ko'rsatmaslik* – Kimningdir ko'ziga ko'rinmaslik; *Qorasi o'chdi* – Uzoqlashdi, ko'rinmay qoldi. *Go(turn) red /go as red as a beetroot* frazeologizmi uyalmoq, *xijolat bo'lmoq* mazmuni bilan o'zbek tilidagi *yuzi qizarmoq* iborasiga sinonim bo'la oladi.

Xulosa qilib aytganda, borliqdagi turfa ranglar orqali inson ko'rinish ifodalari, tuyg'ulari, xarakter xususiyatlarini namoyon etish mumkin. Ingliz va o'zbek tillarining "rang" komponentli frazeologizmlarida antroposentrizm ifodasining qiyosiy tahlili natijasida 2 semantik guruh; inson xarakter xususiyatlarini hamda tashqi ko'rinishini aks etuvchi frazeologik birliklar mavjudligi aniqlandi. Antroposentrizm tamoyili ikki tilda ham tarixiy, madaniy va diniy omillar evaziga sezilarli o'xshashlik va farqlarga ega.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Cambridge Advanced Learner's Dictionary. 3<sup>rd</sup> Edition. – Cambridge, 2008.
2. Oxford Dictionary of Idioms. 2<sup>nd</sup> Edition. Edited by Judith Siefring. – London, 2004.

3. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. Ш.Рахматуллаев таҳрири остида. – Тошкент, 1978.
4. Nurmiyeva R.R. Anthropocentric Phraseological Units with “Color” Components in the English, Russian and Tatar Languages // The Journal of Social Science Research. – Moscow, 2018.
5. Сакаева Л.Р. Сопоставительный анализ фразеологических единиц антропоцентрической направленности. – Москва, 2009.

## INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA SO'ZLARNING LEKSIK VA GRAMMATIK MA'NOSI QIYOSIY TAHLILI

*N.N.Khayrullayeva*  
(*BuxDU*),  
*N.Eshonqulova,*  
*IV bosqich talabasi (BuxDU)*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada ingliz hamda o'zbek tillarida so'zlarning leksik va grammatik ma'nosi misollar, qiyosiy tahlillar asosida yoritib berilgan, tillardagi o'zaro mushtarak hamda farq qiluvchi jihatlar tahlil qilingan.

**Annotation.** This article describes the lexical and grammatical meaning of words in English and Uzbek on the basis of examples, comparative analysis, analyzes the commonalities and differences in the languages.

**Аннотация.** В данной статье на примерах, сравнительном анализе описывается лексико-грамматическое значение слов английского и узбекского языков, анализируются общности и различия языков.

**Kalit so'zlar:** sintetik, analitik, grammatik kategoria, derivatsion, flektiv.

**Key words:** synthetic, analytical, grammatical category, derivation, inflection.

**Ключевые слова:** синтетическая, аналитическая, грамматическая категория, словообразование, флексия.

Til kommunikativ tizim sifatida turli xil ma'lumotlarning uzatilishini ta'minlaydi. Bu narsalar, hodisalar, tashqi voqelikdagi ishlarning holati va kognitiv faoliyatning subyektiv harakatlari va ma'ruzachining shaxsiy tajribalari to'g'risidagi ma'lumotlar, shuningdek, izchil nutqni qurishda ishlatiladigan usullar va ishlatilgan til birliklari va ularning o'ziga xos xususiyatlari to'g'risida xizmat ko'rsatish to'g'risidagi ma'lumotlar, imkoniyatlari. Shunday qilib, bizning nutqimiz so'zlarning mexanik to'plami emas. Ammo tushunarli bo'lishi uchun nafaqat to'g'ri so'zlarni tanlash, balki ularni tegishli grammatik shaklga qo'yish, jumladagi so'z shakllarini mohirlik bilan birlashtirish va tartibga solish kerak.

So'z tilshunoslikning turli bo'limlarida o'rganiladi, chunki u ovoz dizayni, ma'nosi, grammatik xususiyatlariga ega, ya'ni tilning turli tomonlarining xususiyatlarini birlashtiradi. So'z ikki tomonlama birlikni anglatadi: shakl

(ma'lum bir tovush yoki harflar majmuasi) va ma'noni birlashtiradi. Tovush yoki harflar ketma-ketligi faqat ma'noga ega bo'lganda so'zga aylanadi.

Leksik ma'no bu ongda aks etadigan va unda obyekt, mulk, jarayon, hodisa va hokazolarni aks ettiradigan so'zning mazmunidir. O'z navbatida grammatik ma'no haqida so'z yuritsak, grammatik ma'no – bir qator so'zlar, so'z shakllari, sintaktik tuzilishlarga xos bo'lgan va uning grammatik shakllarda doimiy ifodasini topadigan umumlashtirilgan, mavhum lug'aviy ma'no. Umumiy tilshunoslik nuqtayi nazaridan tillarda turli grammatik ma'nolar uchraydi. Lekin bu grammatik ma'nolar va ularning ifoda uslublari hamma tillar uchun umumiy, bir xil emas. Har bir tilda o'ziga xos grammatik ma'nolar va ulami ifodalash usullari mavjud. Ular ayrim-ayrim holda emas, balki ma'no turlarining yaqinligiga ko'ra guruh-guruh holda uchraydi. Bunday guruhlarda ular son jihatdan kamida ikkita va undan ortiq bo'lishi mumkin. Ana shunday birikmalar tilshunoslikka oid adabiyotlarda *grammatik kategoriya* deb yuritiladi. [4]

Grammatik kategoriyalar ifodalanish usuliga ko'ra uch turga bo'linadi:

1) *sintetik grammatik kategoriyalar*;

2) *analitik grammatik kategoriyalar*;

3) *aralash grammatik kategoriya yoki sintetik-analitik grammatik kategoriyalar*.

Sintetik grammatik kategoriyalar affiksial morflar orqali ifoda qilinadi. Masalan, o'zbek tilidagi son, kelishik, egalik, shaxs-son kategoriyalari, rus tilidagi kelishik, son, rod kabi kategoriyalar, ingliz tilidagi son va kelishik kategoriyalari shular jumlasidandir [4,64].

Analitik grammatik kategoriyalar faqat yordamchi so'zlar orqali ifoda qilinadi. Agar ingliz tilidagi ko'p bo'g'inli sifatning darajalarini yasashda ishtirok etadigan «*more*» va «*most*» so'zlarini ba'zi olimlar aytganidek, yordamchi so'zlar deb qabul qilsak, unda ana shunday sifatlarning (ko'p bo'g'inli) daraja kategoriyasi sof analitik vositalar bilan yasalgan bo'ladi:

|                    |                         |                             |
|--------------------|-------------------------|-----------------------------|
| <i>interesting</i> | <i>more interesting</i> | <i>the most interesting</i> |
| <i>attractive</i>  | <i>more attractive</i>  | <i>the most attractive</i>  |

Aralash yoki sintetik-analitik grammatik kategoriyalar bir vaqtning o'zida ham analitik, ham sintetik vositalar bilan yoki boshqacha qilib aytganda, ham grammatik affiksial, ham mustaqil grammatik morflar yordamida ifodalanadi [2,58]. Bunday grammatik kategoriyalar ingliz, nemis va fransuz tillarida ko'plab uchraydi. Ingliz tilidagi fe'llarda daraja kategoriyasi quyidagicha yasaladi:

|                     |
|---------------------|
| Daraja kategoriyasi |
|---------------------|

|  |                                      |
|--|--------------------------------------|
| 0 _____                                    | be _____ -ed                         |
| Aniq                                       | Majhul                               |
| They asked Martin some questions.          | Martin was asked some questions.     |
| Ular Martindan bir nechta savol so'rashdi. | Martindan bir nechta savol so'raldi. |

Shunday qilib, majhul daraja ingliz tilida *be* yordamchi fe'li bilan *-ed* affiksi orqali ifoda qilinadi. Ingliz va o'zbek tillari flektiv va agglutinativ tillar bo'lganligi sababli ularning grammatik kategoriyalari bir-biridan farq qiladi. Ingliz tilida grammatik ma'nolar otlarda jins, ko'plik va birlik shakllari va egalik kategoriyalarida ifodalanadi. Ingliz tilida ko'plik grammatik ma'nosi suffiks yordamida muntazam ravishda ifodalanadi: *-(e)s*: *book-s* – kitob-lar, *student-s* – talabalar-lar, *horse-s* – ot-lar). [1]

Bir so'z bilan aytganda, ingliz tilshunosligida so'zlarning grammatik va leksik ma'nolari o'ziga xos xarakterlanadi. Grammatik kategoriyalarning ifodalanishiga ko'ra uchta turi ham mazkur tilshunoslikda o'z aksini topadi: ingliz tilidagi son va kelishik kategoriyalari sintetik grammatik kategoriya bo'lsa, analitik kategoriyalar sifat darajalarini hosil qilishda namoyon bo'ladi, uchinchi grammatik kategoriya turi sintetik-analitik usul esa fe'lning majhul nisbatini hosil qilishda aks etadi. O'zbek tilida flektiv tillardagidan farqli ravishda asos mustaqil ma'no anglatish xususiyatiga ega. So'zning asosdan boshqa qismlari esa undan ayriqcha qo'llanilmaydi va ma'no anglatmaydi. Shuning uchun ular *morfemadeyiladi*". Morfema funksional-semantik xususiyatiga ko'ra ikki guruhga bo'linadi:

- 1) derivatsion morfema;
- 2) grammatik morfema.

Derivatsion morfema so'zga qo'shib, yangi so'z hosil qiladi. Grammatik morfema asosiy xususiyatiga ko'ra uchga ajraladi:

- 1) lug'aviy shakl hosil qiluvchi morfema;
- 2) sintaktik shakl hosil qiluvchi morfema;
- 3) lug'aviy-sintaktik shakl hosil qiluvchi morfema.

Lug'aviy shakl hosil qiluvchi morfema leksema lug'aviy ma'nosini nutqqa moslashtirish vazifasini bajaradi. Masalan, *kitob* leksemasining sememasida birlik va ko'plik ma'nosi noma'lum. Son lug'aviy shakl hosil qiluvchisi bo'lgan *-lar* uniko'plik tomon muayyanlashtiradi. Bu morfemaning o'ziga xos turi *lug'aviy-sintaktik shakl hosil qiluvchi morfema* bo'lib, lug'aviy ma'noni muayyanlashtirish, nutqqa xoslash bilan birga (*kelgan*), (*o'qigach*), so'zni sintaktik aloqaga ham kiritadi: *o'qigan bola*, *o'qigach gapirmoq* [3,18]. Sintaktik shakl hosil qiluvchi morfema so'zning sintaktik qurilmadagi o'rnini belgilaydi. Masalan, kelishik kategoriyasi so'zga kesimlik mavqeyini beradi. Kesimning ega



va hol bilan sintaktik aloqasini ta'minlaydi. Kelishik morfemalari oldingi so'zni keyingi, egalik qo'shimchalari esa keyingi mustaqil so'zni oldingisiga bog'lash vazifasini bajaradi.

Yuqoridagilardan shunday xulosaga kelishimiz mumkin, o'zbek tilidagi qo'shimchalar murakkab tabiatga ega. Bu, ayniqsa, fe'l shakllarida yaqqol namoyon bo'ladi. Chunki fe'lning nisbat, bo'lishli-bo'lishsizlik, harakat tarzi va lug'aviy shakllik mohiyatiga ega bo'lgan tur kabi to'rt lug'aviy shakli mavjud. Bu lug'aviy shakllarning har biri o'ziga xos xususiyatlarga va paradigmaga birlashuvchi necha ko'rinishlarga ega, shuningdek, ularning nutqdagi voqelanishi turli xil. Shunga qaramay ular nutqda yuzaga chiqadi va fe'l tarkibida qoladi. Shakl yasovchi, lug'aviy shakl deb yuritib kelingan fe'lning xoslangan shakli – ravishdosh, sifatdosh va harakat nomining o'ziga xos murakkab xususiyati na lug'aviy shaklga, na sintaktik shaklga berilgan ta'riflarga mos keladi. Chunki mazkur shakl so'z lug'aviy ma'nosini muayyanlashtirish bilan birga, fe'lni o'zidan keyin kelgan ot yoki fe'lga tobelantirib bog'lash va shu asosda uning gapdagi mavqeyiga ham kuchli ta'sir etish xususiyatiga ega. Lug'aviy ma'noni muayyanlashtirishi, aniqlashtirishi va faqat fe'lga xosligi ravishdosh, sifatdosh, harakat nomi shaklini sintaktik shakl sifatida baholashga, fe'lni o'zidan keyingi so'zga tobelab bog'lashi hamda gapdagi vazifasini belgilashi ularni lug'aviy shakl sifatida baholashga to'siq bo'ladi. Shuningdek, o'zgalovchi kategoriyasining "fe'lni boshqa so'zlarga bog'lash va fe'lga otga xos vazifalarini berish" umumiy grammatik ma'nosini "fe'lni fe'lga bog'lash" (ravishdosh), "fe'lni otga bog'lash" (sifatdosh) hamda "fe'lga ot vazifasini berish" (harakat nomi) tarzida xususiylashtirsak, mazkur shakllarning sintaktik imkoniyatini jihatida fe'lning xususiyatidan uzoqlashayotganligiga guvoh bo'lamiz. Demak, xoslangan shakl o'zida ham lug'aviy, ham sintaktik shakllik mohiyatini mujassamlashtiradi. Masalan, *yorilgan devor, qizigan asfalt, qiziqib so'ramoq, oqar daryo, o'qigani kelmoq* kabi birikuvlarda sifatdosh shakli fe'lni otga tobelantirib bog'lamoqda va shu bilan birgalikda fe'ldagi harakat ma'nosini kuchsizlantirib, belgi ma'nosi bilan nutqqa olib kirmoqda. Masalan, keltirilgan birikmalar tarkibidagi *-gan* sifatdosh shaklining ma'noviy va vazifaviy xususiyati rang-barang bo'lib, shu boisdan uning talqinida qarama-qarshi nuqtayi nazarni ko'plab uchratish mumkin. O'zbek tilshunosligida bu shakl xususida har xil fikrlar bildiriladi. Birgina *-gan* ko'rsatkichining sifatdosh shakli sifatidagi umumiy grammatik ma'nosi hamda uning oraliq grammatik ma'no orqali voqelanishiga e'tibor qaratganda mazkur shaklning boshqa morfologik shakllar qatori ma'noviy va sintaktik birlikdan iborat butunlik ekanligiga, uning umumiy grammatik ma'nosi ham shu yaxlitlik asosida tiklanishiga amin bo'lamiz. Shaklning ma'noviy jihati "fe'lga sifatlik xususiyatini berish" bo'lsa, sintaktik vazifasini "fe'lni ot va ot vazifasidagi so'zga bog'lash" tashkil etadi. Demak, sifatdosh shaklining umumiy grammatik ma'nosini "fe'lga sifatlik xususiyatini berish va fe'lni otga bog'lash" deya aytishimiz mumkin bo'ladi. Sifatdosh shakli umumiy grammatik ma'nosining sintaktik mohiyati deyarli o'zgarishsiz – "fe'lni otga bog'lash" tarzida xususiylashadi, bog'lanuvchi fe'l yoki ot bu vazifani o'ziga

xos tarzda o'zgartira olmaydi. Biroq ma'noviy jihat to'g'ridan-to'g'ri emas, balki muayyan oraliq grammatik ma'nosi orqali nutqqa chiqadi, xususi holda namoyon bo'ladi. *-gan* shaklining fe'lni aniqlovchi sifatida nutqqa olib kirishga asos bo'luvchi sintaktik imkoniyati borligini ham qayd etishimiz mumkin bo'ladi: Uning *qaltiragan* qo'llarida uzoq yillik og'ir mehnat chizgilari ko'rinib turardi.

Xulosa qilib aytganda, so'z turkumlari yuksak lug'aviy umumlashtirish, so'zlarni umumiy belgilari asosida birlashtirish natijasi bo'lsa, grammatik ko'rsatkichlarning bir qismi leksik va bir qismi sintaktik ahamiyatga egadir. Demak, tilshunos I.I.Meshchaninov ta'biri bilan aytganda, "So'z, aslida, leksik va grammatik jihatlar birligidir". Shunday ekan, so'zning leksik va grammatik ma'nolari har bir tilda o'ziga xoslik kasb etadi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Abduazizov A. Tilshunoslikka kirish. Toshkent "O'qituvchi" 1981
2. Arnold, Jennifer E. Reference form and discourse patterns. Stanford 1998
3. Bahridinova B. Hozirgi zamon o'zbek tili (qo'shimchalar tasnifi yuzasidan materiallar). Monografiya. Qarshi. Nasaf, 2004
4. Usmonov.S. Umumiy tilshunoslik. O'quv qo'llanma – T.: O'qituvchi. 1972.

## **ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

*Н.О.Абдуллаева  
(БухДУ)*

**Annotation.** In this article we consider the linguistic and cultural features of phraseological units using the example of two languages.

**Аннотация.** Ушбу мақолада биз фразеологик бирликларнинг икки тил мисолида лингвомаданий хусусиятлари ҳақида фикр юритамиз.

**Аннотация.** В данной статье мы рассматриваем лингвокультурологические особенности фразеологизмов на примере двух языков.

**Key words:** Phraseology, phraseological units, stable compounds, emotionally-expressive meaning.

**Калит сўзлар:** Фразеология, фразеологик бирликлар, турғун бирикмалар, эмоционал-экспрессив маъно.

**Ключевые слова:** Фразеология, фразеологизм, стабильные соединения, эмоциональное-экспрессивное значение.

Жаҳон тилшунослигида бошқа тил соҳалари қаторида фразеология илми ҳам алоҳида фан соҳаси сифатида ривожланиб бормоқда. Фразеологик бирликлар тузилиш жиҳатдан сўз бирикмасига, гапга тенг, семантик жиҳатдан бир бутун, умумлашган маъно англатадиган, нутқ процессида

яратилмай, тилни нутққа тайёр ҳолда қаратиладиган луғавий бирлик. Турғун бирикмаларнинг образли, кўчма маънога эга тури<sup>88</sup>. Фразеологик бирликлар икки ва ундан ортиқ сўзларнинг турғун бирикишидир. Фразеологик бирликлар таркибида нечта сўз бўлишига қарамай, улар ягона умумий маъно билан бирлашади ва эмоционал –экспрессив маънони ифодалайди.

Фразеологик бирликларни атрофлича ва ҳар томонлама ўрганишда рус тилшунослари В.В.Виноградов, А.Х.Молотков, Е.И.Диброва, З.Г.Ураксин, ўзбек тилшуносларидан Ш.Раҳматуллаев, Б.Йўлдошев, А.Маматов, Ш.Алмаматовларнинг хизматлари улкандир.

Инглиз тилшунослигида эса А.В.Кунин мавжуд фразеологик бирликларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб берган. У фразеологик бирликларни гуруҳларга бўлиб ўрганди. А.В.Кунин фикрича, “Фразеологик бирликлар бутунлай” ёки қисман кўчма маънони турғун бирикмалардир.<sup>89</sup> Шунингдек, фразеологик бирликлар бадиий адабиётда образ таъсирчан восита сифатида кўп ишлатилади.<sup>90</sup>

Фразеологизмлар дунёнинг барча тилларига хос ҳодисалар. Фразеологизмлар бўйича турли тилларда тадқиқотлар амалга оширилган. Фразеологизмларнинг моҳиятини англашга бўлган қизиқиш инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологизмларни қиёслаб, уларнинг семантик хусусиятларини ўрганишга ундади. Бунда фразеологизмларнинг семантикаси бўйича олимлар томонидан айтилган фикрларга таяндик.

Ўзбек тилидаги фразеологизмлар бўйича Ш.Раҳматуллаев илмий изланишлар олиб борган. Олим фразеологик бирликларни семантик жиҳатдан тасниф этиб, уларни уч турга ажратган: фразеологик бутунлик, чатишма ва кўшилма. Ш.Раҳматуллаев фикрига кўра, таркибидаги сўзларнинг маъноларига боғлиқ, шуларга асосланган умумлаштирувчи кўчма маъноли иборалар фразеологик бутунлик деб аталади. Масалан: тўйдан олдин ноғора қоқмоқ, ер билан осмонча...

Демак, Ш.Раҳматуллаев фикрича, иборадан англашиладиган маъно унинг таркибидаги сўзларнинг маъноларига боғлиқ эмас, шулардан келиб чиқмайди ҳам. Иборанинг маъноси билан таркибидаги сўзлар маънолари орасида потенциал боғланиш ҳам йўқ. Бундай иборалар фразеологик чатишмалар деб аталади. Масалан: оғзи қулоғида, тўнини тескари кийиб олмоқ, қўлтиғидан тарвузи тушиб кетди, хафсаласи пир бўлди.

Ўзбек тилида иборанинг компонентларини алмаштириб бўлмаслик фақат фразеологик чатишмаларгагина хосдир.

Ш.Раҳматуллаев фразеологик бирликларни семантик маъно муносабатига кўра яна бир турга-фразеологик кўшилмаларга бўлган. Компонентлардан бирининг кўчма маъносига асосланадиган ва

<sup>88</sup>Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. -Т.:Ўқитувчи.1985.-Б.104.

<sup>89</sup>Кунин А.В. Англиский словарь.-М. Ж Русский язык.1984.-С46 ологичео –русский фразе

<sup>90</sup>Смит Л.П. Фразеология английского языка.-М.:1959.-С.96

компонентларига хос мустақил маъно марказларини сақлаб қоладиган уюшмалар фразеологик қўшилмалар деб аталади.

Масалан: оғир йигит, боғнинг гули, гапнинг тузи; ақли бор чайнайди гапнинг тузини,

Ақли бор чайнайди гапнинг тузини гапини таҳлил қилиб чиқайлик. Ушбу фразеологик бирикмадаги туз сўзи алоҳида олинганида гапнинг тузи уюшмасидаги маъносини англамайди, балки ошга соладиган тузни билдиради. Чунки гапнинг тузи уюшмасидан ҳосил бўладиган қаймоғи, мағзи каби маънолар бевосита туз сўзининг ёлғиз ўзига эмас, балки шу уюшма таркибидаги ҳар икки сўзга боғлиқдир.

Фразеологик чатишма-маъноси составидаги сўзларнинг маъносидан келиб чиқмайдиган, ҳатто унга зид маъно ифодалайдиган фразеологик бирликлар.<sup>91</sup>

Ўзбек тилида “ҳордиқ чиқармоқ”, “ҳолдан тоймоқ” каби фразеологизмлар фразеологик қўшилмалардир. “Кўкка кўтарилмоқ”, “Эти суякка ёпишган (озгин) каби фразеологизмлар бутунликлар ҳисобланади. “Сичқонни инини ижарага олмоқ ижарага олмоқ”, “тегирмонни тушса бутун чиқмоқ” фразеологизмлари фразеологик чатишмалар сирасига киради.

Инглиз тилида эса фразеологик бирликлар семантикасида тил эгаси бўлган халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, маданияти, ўтмиши ва воқеликка муносабати кабилар акс этади.

Масалан: a good drunk-a large quantity

Hard drinks-strange alcoholic

A high wind-a strong wind

Инглиз тилида компаратив фразеологик бирликлар ҳам мавжуд. Улардан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин. Ўта кўп овқат ейдиган кишиларга нисбатан қуйидаги фразеологик бирликлар ишлатилади:

As greedy as a wolf- “бўридай оч”;

As greedy as a dog- “итдай оч”.

Гавдаси ўта семиз кишиларга нисбатан “as fat as a butter”, “as fat as a pig” каби фразеологик бирликлар ишлатилади. Бир сўзнинг тўғри ва кўчма маънолари кўпинча унинг бошқа-бошқа сўзлар билан бирикиб келиши натижасида реаллашади. Масалан:

Тўғри маънолар учун мисол: уйнинг эшиги, нордон-нордон мевалар.

Кўчма маъно: бахт эшиги, нордон-нордон гаплар.

Тилдаги мавжуд фразеологизмлар асосан миллий негиз асосида пайдо бўлади. Миллий-маданий фразеологизмлар қуйидаги омиллар асосида шаклланади:

1. Ижтимоий-тарихий омиллар асосида;

2. Халқ ижоди асосида;

3. Инсонларнинг кундалик ҳаёти, расм-русуми ва урф-одатлари билан боғлиқ омиллар асосида.<sup>92</sup>

<sup>91</sup>Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. -Т.:Ўқитувчи.1985.-Б.104-105

Ижтимоий-тарихий омиллар асосида пайдо бўлган фразеологизмлар ижтимоий-тарихий омиллар асосида юзага келиб, ўтмиш ва тарихий воқеа-ҳодисалар билан бевосита боғлиқ бўлади.

Масалан: “meet ones waterloo”-энг сўнгги зарба(мағлубиятга учрамоқ). Тарихдан маълумки, 1815 йилда француз кўмондони Наполеон Ватерло олдида энг сўнгги қақшатқич зарбага учрайди.

Халқ ижоди асосида шаклланган фразеологик бирликлар афсона, ҳикоя ва ривоятлар, болалар ўйини ҳамда сўз ўйинлари асосида юзага келади.

Масалан: “Harley street”-“шифокорлар”. Лондоннинг тиббиёт олами-Ҳарли стрит кўчасида Лондоннинг машҳур шифокорларининг касалхоналари жойлашганлиги сабабли ушбу ибора пайдо бўлган.

Шундай қилиб, фразеологизмлар миллий характерга эгаллиги билан ажралиб туради, улар ҳар бир халқнинг ўз менталитетидан келиб чиқади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луҳати. - Т.: Ўқитувчи. 1985. - Б. 104

2. Кунин А. В. Англо-русский фразеологический словарь. - М.: Русский язык. 1984. - С. 46

3. Уразметова А. В. Топонимик компонентли фразеологизмларнинг лингвокультурологик аспекти. Филология фанлари номзоди дис. УФА. 2006. - Б. 196

## **ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ МАҚОЛАЛАРИДАН ОЛИНГАН МИСОЛЛАР АСОСИДА СТИЛИСТИК ДАРАЖАЛАНИШ**

*Н.О.Абдуллаева  
(БухДУ)*

**Annotation.** In this article we are told about the lexical hierarchy in the Uzbek and English languages in the journalistic style, the hierarchy in phraseology.

**Аннотация.** Ушбу мақолада биз публицистик услубдаги ўзбек ва инглиз тилларида лексик даражаланиши, фразеологизмларда даражаланиши ҳақида берилган.

**Аннотация.** В статье рассказывается о лексической иерархии в узбекском и английском языках в публицистическом стиле, иерархии во фразеологии.

**Key words:** Style situation, journalistic style, will be displayed.

**Калит сўзлар:** Услуб-вазият, публицистик услуб, намоён бўлади.

---

<sup>2</sup>Уразметова А. В. Топонимик компонентли фразеологизмларнинг лингвокультурологик аспекти. Филология фанлари номзоди дис. УФА. 2006-Б. 196

**Ключевые слова:** Стиль обстановки, публицистический стиль, будет отображаться.

Услуг-вазият ва тингловчи аудиториясига қараб танланадиган ифода йўлидир. Энг муҳими тушунилиши ва англаниши равон бўлган бу йўл айтувчи ва тингловчини англаш фокусида бирлаштирилиши лозим. Жамият аъзоларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётга нисбатан муносабатини ифодалувчи услуб бу публицистик услубдир. Бу услубда ёзилган газета мақолалари ўқувчига ахборотни пухта ва равон етказиб беради. “Матбуот нутқи одатда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий, ахлоқий нашрларда ижтимоий-сиёсий журналларда, барча газеталарда, нотикларнинг нутқларида, радио ва телевидение чиқишларида намоён бўлади”.

“...Ҳолатларни, туйғу ва кечинмаларни қиёслашда ҳис-ҳаяжонлар жунбушини тўлиқ ифодалашда градация усулидан фойдаланилади”.

Баён этганимиздек, услуб вазиятга қараб танланади. Жуда қувончли ёки мудҳиш ҳодиса тингловчига етказилиб берилаётган вақтда тингловчи ҳолати ҳам эътиборга олинади. Шу ўринда маъно оттенкаларига ва услубга эҳтиёж сезилади. Масалан, “ўлди” феълининг даражаланишини кўриб ўтсак.

Ўзбек тилида

*Ўлди, қазо қилди, дунёдан ўтди, кўз юмди, жон берди, вафот этди, дунёни тарк этди.*

Инглиз тилида

*Die, perish, pass away, sink, depart, fade go, lose.*

Бу даражаланиш қаторидан публицистик услубга хос деб ўзбек тилида “вафот этди”ни инглиз тилида эса “die”ни кўрсатамиз.

“Ўзбек балет ва рақс санъатининг атоқли намоёнчаси Ўзбекистон халқ артисти Галия Гейизитдиновна Измаилова 87 ёшида вафот этди”. Ишонч №120(2845) 2010й.

“His father died of frustration and alcohol, his mother of unknown sickness”  
Choice June 2004.

Сўз танлаш сўзловчининг ақлий ва психологик тайёргарлик даражасини кўрсатади.

“Лексик градуономия бир семик белгининг мивдор ўзгариши асосида шаклланувчи изчил фарқланишларини акс эттирувчи семантик ҳодисадир”<sup>23</sup>  
Масалан инсон ўз фикрини оғзаки тарзда баён қилишининг инглиз ва ўзбек тилларида даражаланишини кўриб ўтсак.

Ўзбек тилида

*Пичирламоқ, шивирламоқ, айтмоқ, демоқ, гапирмоқ, сўзламоқ, изҳор қилмоқ, эътироф этмоқ, таъкидламоқ.*

Инглиз тилида

*Mumble, mutter, blurted out utter speak say tell declare pronounce*

Мавжуд даражаланиш қаторидан ижтимоий ҳаётни тўла акс эттирувчи сўзлардан бири публицистик услубда қўлланилиш учун танлаб олинади.

Юқоридаги даражаланиш қаторининг публицистик услубда акс этишини кўрсак.

“Яқинда юртбошимиз Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрганида бу ишорат ва унинг атрофи уйғун ансамбль кўринишига эга бўлганини кўриб, “Мана ҳақиқий марказ пайдо бўлибди” дея эътироф этгани биз қорақалпоғистонликларни ниҳоятда қувонтирди.”

Ишонч №122(№247)2010 й.

“The more hurdles there are, the more corruption there is” says Mr.Zedillo кўриб, “Мана ҳақиқий марказ пайдо бўлибди” дея эътироф этгани биз қорақалпоғистонликларни ниҳоятда қувонтирди.”

Ишонч №122(№247)2010 й.

“The more hurdles there are, the more corruption there is” says Mr.Zedillo  
Демак, публицистик услубга хос сўзлар “эътироф этмоқ” ва “to say” феълларидир.

Кўришиб турибдики бу 2 тилда ҳам даражаланиш кузатилади. Шу ўринда яна бир мисол “қурилган” феълнинг 2 тилда даражаланиши.

Ўзбек тилида

*Солинган, қурилган, бино қилинган, барпо қилинган, қад ростлаган*

Инглиз тилида

*Make, build, raise, erect, construct, develop.*

Публицистик услубга хос сўз деб ўзбек тилида “қад ростламоқни”, инглиз тилида “build” ни берамиз.

“Самарқанд шаҳрида қад ростлаган Мирзо Улуғбек ҳайкали ва музейининг очилиш маросими бўлти ўтди”.

Халқ сўзи №178(5093)2010 й.

Each of Hive’s rulers and many members of their retinue considered it their duty to build a mosque or madrasa higher religious educational establishment which they named after themselves.

Uzbekistan Airways In-flight magazine

Ушбуларидан кўришиб турганидек даражаланиш чизигининг энг асосий хусусияти бу уларда бир умумий сифат ёки белги миқдорининг кўпайиб ёки камайиб боишидир.

Ўзбек тилида даражаланиш бўйича Одилжон Бозоров ва Шоира Орифжоновалар илмий тадқиқот олиб боришган. Аммо тилдаги чексиз маъно товланишлари бу борада яна кўплаб изланишлар олиб бориш зарурлигини кўрсатмоқда.

Инсондаги психик эврилишлар сўз табиатини ҳам ўзгартириб юборади. Шу жиҳатдан сўз хусусидаги назарий фикрлар доимо янгиланиб боради.

### **Фразеологизмларда даражаланиш**

Публицистик услубдаги мақолаларда фразеологик бирликларнинг маъноларидаги образлилик денотатив (асос) маънодаги даражаланишларга

уйғун равишда ошиб ёхуд камайиб боради. Бунинг учун куйидаги мисолларни кўришимиз мумкин:

“Carpet warms the soul and pleases the Eye”

Spirit-essense-heart-soul-core-character-psyche

Green week-2010

Investment oportunitites key to success

Key-input-enter-type

Saving eyesight

Vision-eyesight-sight-perception

Unifight knocking at Doors of Asian Games

door-entrance-gate-entry-exit-access-flap

Uzbekistan and Japan step up Cooperation

Step up-increase-intensify-improve-maximize-accelerate-boost

Great Forefathers who made History

## **YOSH TARJIMONLARDA SINXRON TARJIMA QILISH KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH USULLARI**

*G.G`Abdullayeva  
(BuxDU)*

**Annotatsiya.** Sinxron tarjima murakkab jarayon, biroq sinxron tarjimonlarni tayyorlash undan ham qiyinroq, mas'uliyatliroq jarayon hisoblanadi. Malakali tarjimon egallashi kerak bo'lgan ko'nikma va malakalar, tarjimonlik san'ati bilan bog'liq usullar va mashqlardan tashqari jarayonga tayyorlov mashqlari hamda tarjimonlarda kasbiy kompetensiyalarni shakllantirishga ham yetarlicha ahamiyat berish kerak. Mazkur maqola ingliz-o'zbek tillari sinxron tarjimonlarini tayyorlashda qo'l keladigan usul va amaliy mashg'ulotlarni tahlil qilishga bag'ishlanadi.

**Аннотация.** Синхронный перевод - сложный процесс, но обучение синхронных переводчиков - еще более сложный и ответственный процесс. Помимо навыков и компетенций, которые должен приобрести квалифицированный переводчик, необходимо уделять достаточное внимание методам и упражнениям, связанным с искусством перевода, подготовкой к процессу, а также формированием профессиональных компетенций у переводчиков. Данная статья посвящена анализу методик и практических занятий по подготовке синхронных англо-узбекских переводчиков.

**Annotation.** Simultaneous translation is a complex process, but training simultaneous interpreters is an even more difficult and responsible process. In addition to the skills and competencies that a qualified translator should acquire, methods and exercises related to the art of translation, preparation for the process, as well as the formation of professional competencies in translators, should be



given sufficient attention. This article is devoted to the analysis of methods and practical training in the preparation of simultaneous English-Uzbek translators.

**Kalit so'zlar:** Sinxron tarjima, tarjimon, usul, intuitsiya, nutq tezligi, mashq, chapaqay, miya yarimsharlari, asliyat tili, leksik ekvivalentlar, kompressiya, pauza.

**Keywords:** Simultaneous translation, interpreter, method, intuition, speech rate, exercise, left-handed, cerebral hemispheres, source language, lexical equivalents, compression, pause.

**Ключевые слова:** Синхронный перевод, переводчик, методика, интуиция, скорость речи, упражнение, левша, полушария головного мозга, первоначальный язык, лексические эквиваленты, компрессия, пауза.

Sinxron tarjima murakkab miya operatsiyalarini o'zida mujassam etgan jarayon ekanligi barchaga ayon. Bu turdagi tarjima jarayonida miya yarimsharlarining har ikkalasidagi juda ko'plab nuqtalar birdaniga sinxron tarzda harakatga keladi.

Intuitsiya –inson chap va o'ng miya yarimsharlari orasidagi ma'lumotlarni almashtirish evaziga hosil bo'ladigan aloqa hisoblanadi. Sinxron tarjimada ham ikki til saqlanayotgan xotira kataklari orasida xuddi shunday mexanizm ishga tushishi kerak. Odamlar uch turga bo'linadi: 1) o'ng qo'l odamlar; 2) chapaqaylar; 3) ikkasida ham bir xil ish olib boruvchilar. Har bir miya yarimshari ma'lum bir vazifalarni (tahlil qilish, koordinatsiya, his-tuyg'ular, nutq va hk) bajarishga javobgar. Shu bois odamlar “mantiqiy fikrlashi yuqori” (o'ng yarimshar) va “ijodiy fikrlashi yuqori” (chap yarimshar) kabi guruhlariga bo'linishadi. Lekin tarjimada nutq zonalarining qaysi yarimsharda joylashganini aniqlash muhim emas, muhimi – ikkala yarimsharning bir vaqtda faol tarzda aloqaga kira olishini ta'minlash. Intuitsiyani rivojlantirish uchun o'ng qo'lda yoki chap qo'lda ishlashni afzal ko'ruvchilar uchun teskari munosabatga asoslangan vazifa yoki topshiriqlarni bajararishlarini tashkillashtirish mumkin (masalan, chapaqaylarga mantiqiy-matematik masalalar yechimini topishni vazifa qilib berish). Rubik kublari kabi noverbal boshqotirmali o'yinlar ham intuitsiyani rivojlantirishga xizmat qiladi.

Malakali tarjimon egallashi kerak bo'lgan ko'nikma va malakalarni rivojlantirib borish lozim. Ushbu ko'nikmalar quyidagilarni o'z ichiga oladi: 1) asliyat tilida tinglash; 2) asliyat tilidagi nutqni tushunish; 2) asliyat tilidagi ma'lumotni eslab qolish; 4) ma'lumotni ongda bir tildan ikkinchi tilga tarjima qilish, qisqartirish va tahrirlash; 5) nutqning asliyat tilidagi yangi qismini tinglab turib tarjima tilida xabarni yetkaza olish.<sup>93</sup>

Quyida mazkur ko'nikmalarning har birini rivojlantirish yordam beradigan bir necha usullarni keltirib o'tamiz.

#### 1. Tinglash bosqichi:

---

<sup>93</sup>Liontou K. Strategies in German-to-Greek Simultaneous Interpreting: A Corpus-Based Approach // Gramma: Journal of Theory and Criticism. 2011. Volume 19 – p 40

- eshitishni qiyinlashtirish maqsadida tarjimonning mashq jarayonida ma'lumotni tinglayotgan paytida shovqinlar, ortiqcha imo-ishoralar va boshqa chalg'ituvchi vaziyatlarni yaratish;
  - bir vaqtning o'zida ikki tildagi audio manbani eshittirib, talabalardan faqat bir tildagisini esda saqlashni talab qilish;
  - yosh tarjimon qo'liga berilgan matndagi sana, son va kishi ismlarini o'zgartirib baland ovozda o'qib eshittirish, so'ngra farqlarni taqqoslab berishni talabdan so'rash;
  - "Tinglash tanlovi" usulini mashq qildirish. Bunda talabaning ikki qulog'iga har xil naushniklar orqli ingliz tilidagi ikki turli matn eshittiriladi. Talaba ma'lum mavzudagi matnni eshitib borishi, ikkinchisiga e'tibor qaratmasligi kerak;
2. Tushunib yetish bosqichi:
- audio materiallarda nutq tezligi yuqori bo'lishiga e'tibor qaratish;
  - ingliz tilining turli dialektlari (shevalari)ga asoslangan materiallarni eshittirish;
  - bo'lajak tarjimonda taxmin qilish, matn davomini o'ylab topishni mashq qildirish. Bunda o'zbek tilida yoki ingliz tilida tugallanmagan jumlar beriladi, talabalar ularning davomini o'ylab topadilar;
3. Asliyati tilidagi ma'lumotlarni xotirada saqlash bosqichi:
- xorijiy tilda kishi ismlari va toponimlarni esda saqlashni mashq qildirish;
  - sana va turli xil sonlarni eslab qolishni mashq qildirish;
  - radio yangiliklari, she'rlar yoki nasriy matnlarni yodlashtirish;
  - dastlab bir tilda toponimlar, sonlar, sanalar, ismlar diktantini yozdirish, so'ngra buni ikkala tilda ham takrorlash;
4. Tarjima qilish bosqichi:
- ingliz tilida faqat kalit so'zlarni berib, ingliz tilida mazmunli matn tuzishni mashq qildirish;
  - o'zbek tilida faqat kalit so'zlarni berib, o'zbek tilida mazmunli matn tuzishni mashq qildirish;
  - ingliz tilida kalit so'zlarni berib, o'zbek tilida mazmunli matn tuzdirish;
  - o'zbek tilida kalit so'zlarni berib, ingliz tilida mazmunli matn tuzdirish;
  - kalit so'zlarni ikkala tilda ham berib, o'zbek tilida matn tuzishni aytish;
  - kalit so'zlarni ikkala tilda ham berib, ingliz tilida matn tuzishni aytish;
5. Tarjima tilida fikrni ifodalash bosqichi:
- ingliz tilida eshitgan matnini o'z so'zlari bilan ifodalshga o'rgatish;
  - o'zbek tilida eshitgan matnini o'z so'zlari bilan ifodalshga o'rgatish;
  - eshitish barobarida gapirishni mashq qilish;
  - sinxron tarjimonlarni tayyorlaydigan mutaxassis ingliz tilida matnni jumlamajumla aytadi, talabalar o'sha jumlar tarjimasini yozib ketishlarini mashq qilish kabi usullarni o'z ichiga olmoq'i lozim.

Tarjimonlarni tayyorlaydigan mutaxassis vazifasi talabalarga ko'plab mashq qilish imkoniyatlarini berib, ularga to'g'ri yo'nalish berishdir. Bo'lajak tarjimonlarni tayyorlashda talabalarga o'z ustida ishlashning afzalliklarini tushuntirgan holda jarayonning psixolingvistik tomonlariga e'tibor qaratmoq

lozimligini tushuntirish. Ulardan yetuk sinxron tarjimonlarni yetishtirib chiqarishda jarayonda yuzaga keladigan ham lingvistik, ham nolingvistik muammolarni konseptual tarzda bir butunlikda o'zganib, zarur chora-tadbirlarni qo'llash darkor.

Keltirib o'tilgan tarjimonlik san'ati bilan bog'liq usullar va mashqlardan tashqari yana jarayonga tayyorlov mashqlari (sinxron tarjima amaliyoti bilan bog'liq) ham mavjud. Tarjimonning kabinada to'g'ri joylashuvi va apparaturalar bilan ishlay olish ko'nikmalarini egallashi ham juda muhimdir. Dastlabki mashg'ulotlardan tarjimonlikni o'rganayotganlarga kabinada o'tirishni, charchab qolmaslik uchun korpusni qanday ushlashni, naushnik va mikrofondagi ovoz miqdorini boshqarishni o'rgatish zarur. Shuni ham aytib o'tish joizki, mikrofon yoqilgan paytda hech qanday ortiqcha harakat qilmaslik kerak (yo'talish, ruchkani o'ynatish, stulni tebratish va b.). Dastlabki 2-3 dars mashg'ulotlari davomida tinglovchilarning kabinada joylashish, mikrofon va naushniklarni avtomatik tarzda yoqishni o'rganishlarini nazorat qilish maqsadga muvofiqdir.

Mikrofonda gapirish. Ushbu mashq tarjimonlarga mikrofondan to'g'ri foydalanish hamda ovoz postanovkasini sozlash imkonini beradi. Boshlang'ich davrda bu mashq o'zbek yoki ingliz tillaridagi yozma matnni ovoz chiqarib o'qish va uni yozib olish ko'rinishida bajariladi. Har bir matnni o'qish 2-3 daqiqa davom etadi. Agar bir nechta tarjimonlar tayyorlanayotgan bo'lsa, o'rgatuvchi yozib olingan ovozlarni hammaga eshittiradi hamda xatolarni ko'rsatib o'tadi (mikrofondga juda yaqin yoki uzoq o'tirish kabi). Bu mashq tinglovchilarning o'zlashtirishlariga qarab 2-3 dars davom etadi.

Original matnni tinglash. Bu mashq yosh tarjimonlarda sinxron tarjima kabinasida o'tirib original matnni tinglash ko'nikmasini shakllantiradi. Mashq faqat ingliz tilida amalga oshiriladi, chunki ona tilida tinglash juda oson vazifa hisoblanadi. Dastlab naushniklar orqali juda sekin nutq tezligida tinglovchilarga leksikasi tanish bo'lgan original matnlar eshittiriladi. Tinglab bo'lingach, talabalarga tushunib yetganlarini tekshirish maqsadida yo o'zbek yo ingliz tilida tezkor savollar beriladi. Keyinroq bu mashq murakkablahtirib boriladi: nutq tempi oshiriladi, leksikasi notanish so'zlar qatnashgan matnlar bilan ish olib boriladi. Mashqlar 3-4 mashg'ulot davomida 2-3 marotaba 3 daqiqa davom etadigan matnlar bilan olib boriladi.

Original matnni takrorlash. Mazkur mashq bir vaqtda parallel tarzda eshitish va gapirishni uddalay olish ko'nikmasini rivojlanrtirish maqsadida bajariladi. Xuddi oldingi mashqlardek bu mashq ham qiyinlashib borish darajasida turli variantlarda bajariladi. Bunda naushnikda tinglangan o'zbek tilidagi matn tinch va bir tekisda mikrofondga qaytarib aytiladi. So'zlovchidan necha daqiqaga orqada qolganini o'lchash bu yerda ahamiyatli emas. Keyinroq ingliz tilidagi matnlar bilan ishlashga o'tish mumkin. Talabalar bir xil maromda matnni takrorlaydilar. Mashqning oxirgi qiyinlik darajadagisi bir tilda matnni boshqa tildagisi bilan o'rin almashishidir.

Original matnning pauzalar orqali takrorlanishi. Bu mashq avvalambor original tildagi matnni segmentlarga ajratish ko'nikmasini shakllantiradi.

O'rgatuvchi ingliz tilidagi matnning har bir intonatsion-ma'noli qismlarini pauzalar orqali o'qib eshittiradi yoki audio materialdan tinglovchilar ritmik guruhlar, sintagma va taktlarni ajratib oladilar. Mazkur mashqlar 3-6 dars mashg'ulotlarida 7 daqiqalik seanslarda mashq qilinadi.

Leksik va sintaktik ekvivalentlarni topishni mustahkamlash. Ushbu mashq uch ko'rinishda olib boriladi: a) leksik, frazeologik va terminologik ekvivalentlar topishni o'rganish; b) sintaktik ekvivalentlarni o'rganish; d) leksik va sintaktik ekvivalentlar topishni kompleks o'rganish. Birinchi turdagi mashqni bajarish uchun ijtimoiy-siyosiy mavzudagi inglizcha (qaysi sohada sinxron tarjimon tayyorlanayotgan bo'lsa, o'sha mavzuda) terminlar ro'yxati tuziladi hamda bu terminlarning o'zbek tilidagi ekvivalentlari va shu ekvivalentlar hosil qiladigan birikmalar o'rganib chiqiladi. Ekvivalentlarni tanlashda ularning stilistik jihatdan neytral bo'lishiga ahamiyat berish zarur bo'ladi. Bunga qo'shimcha ravishda yana taniqli davlat arboblari, xalqaro tashkilotlar, geografik joylar atamaları ro'yxatini ham tuzish maqsadga muvofiq.

Sintaktik ekvivalentlarni topa olishni mashq qilishda yozma tarjima matnlaridan foydalansa bo'ladi. Bunda bir til sintaktik qurilishining ikkinchi til sintaktik qoliplariga tugal gap darajasida joylashtirilishi ko'zdan kechiriladi. Leksik va sintaktik ekvivalentlar topishni kompleks o'rganish mashqlari mashg'ulotlarda yuqoridagi ikki turdagi mashqlarni birlashtirgan holda olib boriladi. Ushbu mashqlar to to'liq o'zlashtirilmaguncha har darsda 7-10 daqiqagacha mashq qilinadi.

Nutqni qisqartirish. Nutqni qisqartirish (kompresiyalash) turli sathlarda tashkil qilinadi: so'z birikmalari sathida, fraza va gaplar sathida. Dastlab so'z birikmalarining bitta so'z bilan ifodalanishini topish mashq qilinadi.

Qog'ozdan tarjima qilish. Fraza va gaplarni qisqartirish mashqlarida qog'ozdan tarjima qilish usulidan foydalaniladi. Bu mashq orqali talabalar notanish bo'lgan matnni qiyinchiliksiz va hech qanday tayyorgarliksiz tarjima qila oladilar.

Yuqoridagi mashqlar o'zbek va ingliz tillari orasidagi sinxron tarjima jarayonini optimallashtiruvchi mashqlar hisoblanib, ulardan vaziyatga, talabalar bilim darajasiga qarab xohlagan muddatda foydalanish mumkin.

#### **Foydalanilgan adabiyotlarro'yxati:**

1. Gile D. Basic concepts and models for interpreter and translator training. Amsterdam and Philadelphia: John Benjamins: 1995-278p
2. Li Ch. Coping Strategies for Fast Delivery in Simultaneous Interpretation // Specialised Translation. 2010. Issue 13 – p 19-25
3. Lontou K. Strategies in German-to-Greek Simultaneous Interpreting: A Corpus-Based Approach // Gramma: Journal of Theory and Criticism. 2011. Volume 19 – p 37-56
4. Muminov O. A guide to Simultaneous Translation. Tashkent, 2005. 42 b.
5. G'ofurov I. va boshqalar. Tarjima nazariyasi: Oliy o'quv yurtlari uchun o'quv qo'llanma.- Toshkent: "Tafakkur bo'stoni", 2012- 169b

## ТАРЖИМАДА КОГНИТИВ ДИССОНАНС ФЕНОМЕНИ

*Г.Р.Ибрагимова,  
1-курс магистранти (БухДУ)*

**Аннотация.** Ушбу мақолада когнитив диссонанс муаммосини таржимашунослик феномени сифатидаги ахамияти ва лексик даражадаги когнитив диссонансинг келиб чиқишини тадқиқ этиш хақида баён қилинган.

**Аннотация.** В данной статье изложено значение проблемы когнитивного диссонанса как феномена языкознания и исследование происхождения когнитивного диссонанса на лексическом уровне.

**Annotation.** In this article, the significance of the problem of cognitive dissonance in the quality of translation phenomenon and the origin of cognitive dissonance at the lexical level is explained in the research paper.

**Калит сўзлар:** когнитив диссонанс, когнитив диссонанс назарияси, бадий таржима, контекстуал таржима, билим тизимидаги мутаносиблик, шакл ва мазмун мутаносиблиги, адиб, асар ва таржимон муносабати, таржимоннинг фон билимлари

**Ключевые слова:** когнитивный диссонанс, теория когнитивного диссонанса, художественный перевод, контекстный перевод, соразмерность в системе знаний, соразмерность формы и содержания, отношение писателя, произведения и переводчика, фоновое знание переводчика

**Keywords:** cognitive dissonance, cognitive dissonance theory, artistic translation, contextual translation, proportionality in the cognitive system, form and content proportionality, writer, work and translator attitude, background knowledge of the translator

As you know from ancient times, any person seeks inner peace. The internal senses of a person are incredibly diverse and changeable. A bot-repeated person can at the same time earnestly enjoy his child, demonstrating his chivalry in front of the guests, while the children sit quietly in front of the adults. And this sadness is due in many ways to the cognitive elements, while internal sensory variability. Studies have shown that in the first place a person seeks to eliminate internal conic, increase his inner calm.

In human nature, there is a difference between concepts in which a person is absolutely sure of the strengths of internal convict, and what he really wants and performs. For example, a child who knows that he will be punished as a result of what he is doing will not do a prohibited job or will try to hide the recommendations of the same job. But sometimes it happens that a person continues to do the same, although he knows that his work is a crime or a threat to life. In psychology, mental satisfaction is the absence of a person's personality, that is, the state of dissonance is the state of mental dissatisfaction. And the formation of dissonance is caused by psychological cognitive connotations.

The concept of cognitive dissonance *cognitio* — means "understanding", and *dissonantia* means "inconsistency, non-compliance, lack of melody". The founder of this theory is the American psychologist L. Festinger [1919-1989], the basis of this theory is the imperfection in the system of knowledge. This inconsistency does not lead to mental satisfaction, and this phenomenon has received the term dissonance in psychology. Dissonance in Latin "*dissonantia*" consonant sounds incompatible with each other means a collision, intersection of words or joints [see "*A theory of cognitive dissonance*" by Leon Festinger published in English by Stanford University Press. copyright © 1957 by Leon Festinger].

The term dissonance was first used in the field of music in Marotaba, and in 1380 it was interpreted as the "disproportionate noise of sounds" when the French scientist Evar de Conti translated his work "The question of Aristotle" ("*Les problèmes d'Aristote*") and interpreted this situation in the style of "interruption in the harmony of sounds" [2, B.35]. Dissonance in the music industry is understood as the imbalance in music notes, that is, "a melody or a melody that does not like the ear".

Later this term also entered the literary field. French poet Verlaine described in his work "The art of Poem" (*Art Poétique*) poets of the period of awakening, noting that their poetry is real songs (*chansons*) and that there is no logic in other poems. This imbalance or inconsistency was also accepted in the literature in the style of cognitive dissonance.

In the twentieth century 1957 year in psychology, too, cognitive dissonance began to be used. The founder of the theory of cognitive dissonance is American researcher Leon Festinger, who describes the state of cognitive dissonance in psychology in his work "Theory of cognitive dissonance" (published in 1962), describing the inconsistency in the human knowledge system as the state of cognitive dissonance in psychology. An example of this phenomenon is the parable of Aesop "Fox and grapes". In the parable, the Fox tries to ripen the ripe grapes of rose in one of the summer months, but cannot cope with it. Then he believes himself that although it is true that grapes are ripe, wrong thinking against it, that is, grapes are not ripe. This condition is referred to in psychology as a state of cognitive dissonance in the human psyche.

By the end of the twentieth century, the term cognitive dissonance also entered into translation. Researchers begin a scientific study of the state of cognitive dissonance in translation. The reader has two main reasons for the cognitive dissonance that occurs in relation to a particular text. The first is the lack of logical consistency, the second is the state of non-compliance with the dimensions of the cultural harmony of morality and culture existing in one nation with another. These two situations together can also lead to the formation of misinformation in the human mind or the emergence of any information.

In the last decade, that is, at the end of the XX and beginning of the XXI century, it became known to science that a person, more precisely a language and culture representative of linguistic interdependence, could use the language to

preserve and supply his own culture. The need for the study of "5 elements", which make up the whole existence of mankind, was felt in linguistics. But to learn this, it is necessary, first of all, to consistently study the style of thinking and the circle of thinking of language representatives. This situation created the basis for the emergence of a new scientific direction, such as cognitive science, which served as a new supporter in linguistics. The basis of cognitive linguistics is the ability to understand and analyze the transmitted information with local, that is, mental thinking.

Communication in the text dictates that the reader should be able to work with a slight retreat from his personal experience in the associative feature, formed in his lifetime. That is, the artistic text will be restored mainly on the basis of connotations rich in national color. In this sense, elements with national coloration in the artistic text, intended for a certain period, should be analyzed by the example of the context and a certain period. The task assigned to the translator is not only to translate the original text into a translation language, but also to be able to correctly present the "unknown" social environment for the 10 translation audience.

And the fact that the translator is able to correctly understand the national landscape of the text, an adequate analysis, only linguistic knowledge is lacking. In this place, the preservation of cultural communicative communication depends on the level of background knowledge of the translator. Such a set of knowledge is also referred to by Uzbek scientists as "spiritual knowledge" [2, B.164]. The degree to which the translator is able to enter the national environment of the text is measured by the fluency of the spiritual expressiveness that occurs along with the fact that he receives aesthetic pleasure from unfamiliar literature in the bookstore where he reads the translation work. Failure to properly decipher realities that constitute an integral part of the national cultural environment leads to mental strain in text communication. This situation is referred to in the translation by the invasion of "cognitive dissonance" (state of mental dissatisfaction).

#### **The list of used literature:**

1. Гаржима маҳорати / Мақолалар тўплами. – Тошкент: Фан, 1979. – 196 б.
2. Гаржима санъати. Мақолалар тўплами. 4-китоб / Тўпловчи Т. Жўраев. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978. – 328 б.
3. Гаржимашуносликка доир тадқиқотлар / Маъсул муҳаррир: ф.ф.д Ж. Шарипов. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – 199 б.
4. Фёдоров А.В. Основы общей теории перевода. – М.: Высшая школа, 1983. – 304 с.
5. A Theory Of Cognitive Dissonance - by Leon Festinger published in English by Stanford University Press. Copyright © 1957 by Leon Festinger

## INGLIZ VA O`ZBEK XALQ ERTAKLARI QIYOSIY TAHLILI («THE LITTLE BULL-CALF» VA «BO`Z BOLA» ERTAKLARI MISOLIDA)

*S.H.Axmedova,  
tayanch doktorant (BuxDU),  
K.Razoqova,  
talaba (BuxDU)*

**Annotatsiya.** mazkur ishda ingliz va o`zbek xalq ertaklari («The Little Bull-Calf» va «Bo`z bola») qiyosiy tahlil qilingan bo`lib, ulardagi o`gaylik va yetimlik munosabatlari, o`gay qiz , o`g`il va o`gay ona, o`gay ota tipidagi turkum ertaklar motivlari asos qilib olingan.

**Annotation.** English and Uzbek folk tales («The Little Bull-Calf» and «Boz bola») are compared in this work, the relationship between stepmother and orphan, the motives of a series of fairy tales about stepfathers, stepmothers and stepchildren are chosen as the basis.

**Аннотация.** в данной работе проведён сравнительный анализ английских и узбекских народных сказок («The Little Bull-Calf» и «Bo`z bola») на основе взаимоотношений отчима и сироты, мотивов серии сказок по типу падчерицы, сына и мачехи, отчима

**Kalit so`zlar:** folklor,ertak, motiv, syujet, o`gay ona, o`gay qiz, yordamchi qahramon

**Key words:** folklore, fairy tale, motif, plot, stepmother, stepdaughter, helper

**Ключевые слова:** фольклор, сказка, мотив, сюжет, мачеха, падчерица, помощник

Ingliz xalq ertaklarida ham boshqa xalq ertaklarida bo`lgani kabi mehnatsevarlik, kamtarinlik, aql-zakovat, odamiylik, topqirlik, epchillik, jasorat, qahramonlik kuylanadi, dangasalik, tanballik, manmanlik kulgu ostiga olinadi, shafqatsizlik, adolatsizlikqattiq muhokama qilinadi. Ingliz xalq sehrli ertaklari o`ziga xosligi, turfaxilligi bilan ajralib turadi. Bunda to`qima qahramonlar, sehrli va og`ir vaziyatdan xalos etuvchi parilar, maxluqlar tasviri, ertakning baxtli va murodbaxsh yakuni, romantikasi o`ziga xos takrorlanmas o`ringa ega.

O`zbek xalq ertaklari ham o`zining boy va mukammal syujeti, barkamol badiiyati, barqaror kompozitsion qurilishga egaligi va ommaviyligi bilan jahon folklorida o`z o`rniga ega. Ularda xalqning odamiylik xislatlari, qadimiy urf-odatlar, marosimlari va ajdodlarning namunali hayot tarsi hal qiluvchi rol o`ynagani tufayli xalq milliy qiyofasi butun bo`y-basti bilan gavdalangan bo`ladi. Shu sababli ular, uzoq asrlardan beri tarixchilar, qadimshunoslar, etnologlar, o`lkashunoslar va adabiyotchilar, folklorshunos va tilshunoslarning diqqatini o`ziga rom etib kelmoqda.



Ingliz va o'zbek xalq ertaklari orasida o'xshash mavzularni ko'plab uchratish mumkin. Bu jihatdan ertakdagi o'xshash mavzular sayyor syujetlar qatoriga kiritiladi. Bu syujetlardagi o'xshashlik, milliy jihatlardagi moslik adabiy aloqalar sohasida o'rganilishi kerak bo'lgan muhim masalalardan biridir. Chunki har bir millat va elat vakili o'z tarixida boshqa millat vakili tarixi namunalarini uchratishi mumkin.

O'gay qiz va o'gay ona tipidagi turkum ertaklar necha asrlardan buyon o'quvchilarni mungli va achinarli motivlari bilan o'ziga jalb etib keladi. O'gay qiz tipidagi ertaklarning obraz va motivlar tizimi real haqiqat, hayotiy voqealar, o'gaylik an'analari va yetimlik bilan bog'liq qadimiy tushunchalar atrofida yuzaga kelib ta'limiy-estetik funksiyalarni ado etadilar.

O'gay qiz bilan o'gay ona obrazlarini bir-biriga «begona» deb zid qo'yish va ajratish ma'lum bir zamon mahsuli, aniqrog'i o'zaaro ziddiyat, turmush qarama-qarshiliklari, jamiyatning ibtidoiy bosqichiga oid shart-sharoitlarning mafkuraviy qarashlari zahirida vujudga kelgan.

Mazkur tipdagi ertaklarning asosiy xususiyatlari avvalo o'gaylik mavzui hamda o'gaylikni hikoya qiluvchi voqealar silsilasi, syujetlar xarakteri, qolaversa ishtirok etuvchi personajlar tizimi, har bir obrazning ayrim jiatlari hamda voqea hodisalarning xayoliy uydirmalar, to'qimalar asosiga qurilganligi, ta'limiy didaktik g'oyalari bilan belgilanadi.<sup>94</sup>

Ingliz va o'zbek o'gay qiz turkumli ertaklarining o'ziga xos va asosiy o'xshashligi shundaki, ikkala millat ertaklarida ham asosiy funksiyasi to'rt xil bo'lgan personajlar ishtirok etadi. Bular – o'gay qiz, raqib personaj – o'gay ona. Ingliz xalq ertagi «The Little Bull-Calf»da sehrli vositalar bilan ta'minlovchi sehrigar pari qatnashsa, o'zbek xalq ertagi «Bo'z bola»da mehribon echki timsollarida namoyon buladi. «Bo'z bola» hamda «The Little Bull-Calf» ertaklarini qiyoslaydigan bo'lsak, ikkalasida ham mushtarak g'oya, ya'ni o'gay qiz ezgulik timsoli sifatida namoyon bo'ladi. Bo'z bola va Kichik bolakay obrazlarining ertakdagi asosiy vazifalari o'gaylik va adolatsizlik, yovuzlik va insofsizlikka qarshi chiqishi bilan belgilanadi. Ikki xalq qahramoni ham odobli, aql-idrokli, o'ta haqgo'y, irodali, qat'iyatli, adolatparvar, mehnatsevar, garchi o'gay onalari va otalari tazyiqi bilan achinarli hayot kechirayotgan bo'lsalar-da, kelajakka ishonch ruhi bilan to'la bo'lgan pokiza qalb egalari.

O'gay o'g'ilni tahqirlash turli ertaklarda turli xil tasvirlanadi. «The Little Bull-Calf» da quyidagicha:

«Now this little boy used to go out and feed his bull-calf every day with barley bread, and when he did so this time, an old man came up to him— we can guess who that was, eh?—and said to him: “You and your bullcalf had better go away and seek your fortune.”»

«Bo'z bola»da mehribon va yordamga shay echki bosh qaxramonni yordam ko'rsatish kabi vazifalarni ado etadi. «The Little Bull-Calf»da pari sehrli

<sup>94</sup>Имомов К. Ўгай қиз типдаги туркум эртақларнинг айрим хусусиятларига доир// Ўзбек тили ва адабиёти. 2001, №3 – Б. 43.

kuchlar vositasida o'gay o'g'ilga yordam qo'lini cho'zadi va ziddiyatli vaziyatdan uni qutqarishadi. Shuni aytish joizki, «The Little Bull-Calf»dagi pari sehrni ishga solib yordam qo'lini cho'zsa, «Bo'z bola»dagi jonlantirilgan echki aql va zakovatini ishlatgan holda qahramonga ko'maklashadi. «Bo'z bola»da echki timsoli o'gay o'g'ilni qiyin vaziyatdan xalos etadi, ayni paytda do'stlik hamda hamkorlik timsoli sifatida bosh qahramonni sinash va yordam ko'rsatish kabi vazifalarni ado etadi, eng asosiysi yovuzlikni qoralab yaxshilik yo'lida turgan kishilarni rag'batlantirish yo'li bilan adolatni qaror toptiradi.

Ikkala ertaklarda ham yordamchi personajlar bo'lib, unda asosan tabiat bo'lagi bo'lmish hayvonot olami vakillari qatnashadilar. «The Little Bull-Calf»da yordamchi personaj, asosan, parranda va chorva shaklida namoyon bo'lsa, «Bo'z bola»da magik kuchga ega bo'lgan echki orqali namoyon bulib, o'gay o'g'ilni ogohlantirish, yo'l ko'rsatish kabi harakat va munosabatlarni ado etadilar. Ikki xalq ertaklariga bo'lgan yana bir o'ziga xoslik shundaki, ertaklar tabiati sehrli voqealar ko'lamini bo'rttiradi, jonlantiradi:

«Echki Bo'z bolani xafa ko'rib:

- Ha, Bo'z bolakay, nega buncha xafasiz?- debdi. »<sup>95</sup>

«The Little Bull-Calf»da:

«“No,” says, the bull-calf, “I’m going across the field, into the wild-wood wilderness country, where there’ll be tigers, leopards, wolves, monkeys, and a fiery dragon, and I’ll kill them all except the fiery dragon, and he’ll kill me..»

Aytish joizki, o'gay qiz va o'g'il turkumidagi ertaklar o'ziga xos xususiyati, nasihatomez motivlari va ta'limiy-didaktik g'oyalari bilan ajralib turadi. Yana ikki ertakdagi o'xshashliklardan biri shundaki, bosh qahramon ideallashtirib olinadi, bir vaqtning o'zida ideallashtirish bilan birga zulm va zo'rlik

qoralanadi. Garchi bu ikki ertak ikki xalqqa tegishli bo'lsada, ertakdagi g'oya va ilgari surilayotgan ezgu fikr adolatning qaror topishiga, mehnatsevarlikka, baxtli yakunga va ezgulikning g'olib bo'lishiga asoslangan:

«Well, he showed the diamond ring with her name on it, and the fiery dragon's tongue. How the others were thunderstruck when he showed his proofs! But the king told him: “You shall have my daughter and my estate.” So he married the princess, and afterwards got the king's estate. Then his step-father came and wanted to own him, but the young king didn't know such a man.»<sup>96</sup>

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Имомов К. Ўғай қиз типигаги туркум эртақларнинг айрим хусусиятларига доир// Ўзбек тили ва адабиёти. 2001, №3
2. Имомов К., Мирзаев.Т, Саримсоқов Б., Сафаров.О. Ўзбек халқ оғзаки

<sup>95</sup>Ўзбек халқ эртақлари. – Тошкент, 2007. – Б. 58

<sup>96</sup>English Fairy Tales And More English Fairy Tales A Joseph Jacobs, by Donald Haase, 305 page

- поэтик ижоди. Дарслик. - Т.: Ўқитувчи, 1990
3. Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент, 2007
4. Andrew Lang, The blue fairy book. 5th ed. –London: Longmans, 1991
5. Joseph Jacobs. English Fairy Tales And More English Fairy Tales. Edited by Donald Haase. Oxford, England, 2002.-P.305

## ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ МУНОЖОТ ШЕЪРЛАРИДА ОЛҚИШЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

*М.Х.Ниязова  
(БухДУ),  
М.У.Оромова  
талаба (БухДУ)*

**Аннотация:** Ушбу мақолада ўзбек ва инглиз муножот шеърларида олқишларнинг ғоявий-шаклий жиҳатдан ўхшаш хусусиятлари таҳлилга тортилган.

**Аннотация:** В статье анализируется идейное и формальное сходство благопожелания в узбекских и английских молитвенных стихах.

**Abstract :** In this article analyzes the ideological and formal similarities of Uzbek and English prayer verses.

**Калит сўзлар:** олқишлар, дуолар, ўзбек шеърлар, инглиз шеърлар.

**Ключевые слова:** благопожелание, молитва, узбекское стихотворение, английское стихотворение.

**Key words:** good wishing, blessings, Uzbek poems, English poems.

Шеърият шарқда асрлар давомида адабиётнинг энг асосий жанри сифатида тан олиб келинган. Шеърият инсон руҳини тетиклаштирувчи, унга олам-олам завқ берувчи табиат инъоми бўлиб, ушбу инъомни ҳар ким ҳам ярата олмайди. Бунга катта истеъдод, ноёб қобилият, илҳом ҳамда чуқур билим талаб етилади. Ўзбек шеърияти азал-азалдан шаклланиб келган энг қадимий бадий адабиёт тури ҳисобланади. Унинг ривожланишига қанчадан-қанча шоирларимиз ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Ўзбек шеъриятимиз ривожланиб турган бир пайтда, жаҳон шеърияти ҳам ўзига хос тарзда юксалди. Қанчадан-қанча инглиз шоирлари ўзларининг ҳар томонлама мукамал, мазмунли шеърлари ила адабиётларини янада бойитдилар, унинг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Лекин ўзбек ҳамда инглиз шеъриятининг бир мунча хусусиятлари бир-биридан фарқ қилади. Ҳозир оддий шеърларни эмас, балки ўзбек ва инглиз муножот шеърларини бир-биридан фарқловчи белгиларини ўзаро таҳлил қиламиз. Муножот шеърлар бу Оллоҳга атаб ёзилган шеърлар ҳисобланади. Ўзбек муножот шеърларини ёзишда атоқли шоиримиз Рауф Парфи ўзининг беназир ҳиссасини қўшган. У ўзининг „Тавба“ номли шеърида Оллоҳга

илтижо қилиб, дуолар айтиб гуноҳлари кечирилишини сўраб истиффор айтган:

Додимни эшитгил, қодир ОЛЛОҲИМ,  
Ишқ сенсан, ошиқ ҳам сен, мен қулингман.  
Лойиқман қаҳринга, дўзахим-боғим,  
Омонат деворман,ўтман,қулингман.[1]

Дарҳақиқат, инглиз муножот шеърларини яратишда ўзининг қимматли ҳиссасини қўшган шоир Роберт Бёрнс “Муқаддас Виллининг ибодати” номли шеъри 1785-йилда ёзилган бўлиб, диний икки юзламачиликларга қарши курашиш руҳида ёзилган энг ажойиб шеър сифатида тан олинади. Ушбу шеър шотланд тилида ёзилган, кейинчалик инглиз тилига ўгирилган беқиёс ижод намунасидир.Шеърнинг бош қаҳрамони муқаддас Вилли такводорлик инсон бўлиб, Оллоҳдан ўзининг қилган хато ва камчиликларини кечиришини, ва шу гуноҳларини қилган душманларини абадий дўзахга ҳукм қилишни сўраб дуо қилади қилади. Шеър ҳам айнан бош қаҳрамон бўлмиш Муқаддас Вилли томонидан ҳикоя қилинади.

Оҳ ОЛЛОҲИМ, менинг ОЛЛОҲИМ,  
Титраяпти юрагим, таним.  
Ўша тилёғлама сергап илон  
Ғалаба қилмоқчи ,сен бунга ишон.  
Шундай ҳолатда, ўйла-да ўзинг,  
Биз қандай турибмиз,  
Терлаб тебраниб,  
Қўрқувда ҳолатимиз.[2]

Ушбу икки қардош бўлмаган халқлар томонидан ёзилган шеърларнинг ўхшаш томонлари ҳам бисёр.Яъни ўзбек шоири ёзган шеърда, муаллифнинг ўзи Оллоҳга илтижо қилган бўлса, шотланд-инглиз шоири ёзган шеърда бош қаҳрамон гуноҳлари кечирилишини сўраган аммо, Рауф Парфи-мусулмон,ўзбек шоири, Роберт Бурнс еса хиристиан динига эътиқод қилувчи дунёга машхур шоир. Шеърлардаги асосий ва кўзга кўринарли фарқлардан бири ҳам шудир.

Муқаддас Виллининг ибодати шеъри- черковдаги ёши улуғ оқсоқолни кеча-ю кундуз ибодат қилиб, ёмон ишларга қўл урувчи кишиларнинг жазосини бериши учун дуо қилади.

Тавба шеърида еса Рауф Парфи дунёни қонхўрга ўхшатиб, Оллоҳдан ўзи учун нажот сўрайди. Фақат ўзининг гуноҳларига жазо беришини илтижо қилади. Чунки Ислом динида биров бировга ёмонлик қилиши ёки айб ишлари учун жавоб беришини сўраб Оллоҳга илтижо қилиши ҳимматли эмас.

Ваҳший дунё, қонхўр дунё қутурди,  
Инсон фарёдига тўлди коинот.  
Набийлар, доҳийлар, шоирлар турди,  
“Чора, чора,-дея сўрадилар нажот

Албатта, Р.Бёрнс ҳам ўз дини доирасида шеърни шундай мукамал ёзганки, динни қадрламайдиган иккиюзламачилар шеърдан қаттиқ таъсирланишлари ҳеч гап емас. Муқаддас Виллининг Тангрига қилган барча оҳ-у ноласи, кишиларнинг юрак-юрагига сингиб, дунёқарашини ўзгартириб, яхши ишлар қилишга, ёмонликни қоралаб, эзгу мақсадларни амалга оширишларига туртки бўлади десак, муболаға бўлмайди. Шунингдек, атоқли Рауф Парфининг ҳам Оллоҳдан руҳига иймон, жисмига жон, покиза қон, охират илмидан огоҳ етишини сўраб нола қилиши, ҳар бир мусулмон қалбидаги ёмонлик музларини эритиб, яхшилик эшиklarини очади, қалбига таскин бериб, эътиқодини, иймонини мустаҳкамлайди, дунёқарашини ўзгартириб, Оллоҳга бўлган меҳру муҳаббатини, ишончини оширишига беминнат ҳисса қўшади десак, адашмаган бўламиз. Хуллас, ҳар иккала шеър ҳам ўзига хос фойдали ҳам эътиборли хусусиятларга эга бўлиб, ҳар қайсиси ўз миллати, дини, халқи, доирасида севиб ўқилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Рауф Парфи. Шеърлар. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Тошкент. 2016. Б.28
2. [https://kh-davron.uz/yangiliklar/muborak-kin/olim-oltinbek-bir-qushcha\\_sayraydi-mening-ruhimda.html](https://kh-davron.uz/yangiliklar/muborak-kin/olim-oltinbek-bir-qushcha_sayraydi-mening-ruhimda.html)

## **TARJIMA JARAYONIDA IKKI TILNING O‘ZARO MUQOBILLIGI**

*S.Safoyeva  
(BuxDU),  
D.Abdullayeva,  
talaba (BuxDU)*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada tarjima jarayoni, uning ahamiyati ba tarjima jarayonida ikki tilning o‘zaro muqobilligi haqida fikr yuritilgan.

**Аннотация.** В этой статье обсуждается процесс перевода, его важность и взаимозаменяемость двух языков в процессе перевода.

**Annotation.** In this article the translation process, its importance and the interchangeability of the two languages in the translation process are discussed.

**Kalit so‘zlar:** tarjima, til, muvofiqlik, tushuncha, aloqa, ta’sir, xususiyat, lug‘at, faoliyat

**Ключевые слова:** перевод, язык, соответствие, понимание, общение, влияние, характеристика, лексика, деятельность.

**Key words:** translation, language, conformity, understanding, communication, influence, feature, vocabulary, activity

Tarjima so‘zining lug‘aviy ma’nosini ko‘rib chiqadigan bo‘lsak, tarjima - forscha “tarzabon” so‘zidan arabiylashib o‘zgargan. “Tarzabon” - chiroyli so‘zlovchi, notiq, tili burro kishi degan ma’nolarni bildiradi. Arab tiliga

“tarjumon” shaklida qabul qilingan bu soʻzdan “tarjima” yoki “tarjuma” soʻzi hosil boʻlgan. Oʻzbek adiblari bunday tushunchani “oʻtkazish”, “qaytarish”, “oʻgʻirish”, “agʻdarish” singari atamalar bilan ifoda etganlar. Koʻpyillar davomida “tarjima” sharh, bayon qilish, tushuntirish maʼnolarida ham qoʻllanib kelingan. Keyinchalik esa bu soʻz badiiy ijodning bir turini ifodalash maʼnosini kasb etdi va ilmiy-filologik terminga aylandi. Umuman, tarjima deganda bir tilda yozilgan matn yoki aytilgan nutqning boshqa tilda qayta yaratilishi tushuniladi. Tarjima bu qayta yaratish sanʼati, yuksak badiiy ijoddir, ijod boʻlganda ham tarjima muallifidan izlanish, mehnat, sabr-toqat talab qiladigan, turli xil materiallar ustida mashaqqatli ish olib borishni talab qiladigan ijoddir. Tarjima tushunchasining maʼnosi juda keng, chunki “Tarjima nima?” degan savolga turli soha vakillari turlicha javob berishadi. Bir kishi tarjimani bir tilda yozilgan kitobni ikkinchi tilga oʻgʻirish desa, boshqa bir kishi uni bir tilda bayon qilingan fikrni oʻzga tilda soʻzlovchi kishilarga tushuntirib berishdan iborat deb biladi [1;26].

Tarjimaga lingvistik tarjimashunoslik nuqtai nazaridan yondashib, quyidagicha taʼrif berish mumkin: “Insoniyat faoliyatining murakkab shakli boʻlmish tarjima - bir tilda yaratilgan nutqiy ifodani (matnni), uning shakl va mazmun birligini saqlagan holda, oʻzga til vositalari asosida qayta yaratishdan iborat ijodiy jarayondir”. Demak, asliyat mansub boʻlgan til vositalari yordamida yaratilgan nutqiy ifoda tarjima tili qonuniyatlari asosida vujudga keltirilgan shunday ifoda bilan almashtiriladi. Shu yoʻl bilan asliyat va tarjima tillari matnlarning mazmuniy-uslubiy adekvatligi yuzaga keltiriladi. Mazkur taʼrif tillararo amalga oshiriladigan jarayonga aloqador boʻlib, insoniyat faoliyatining koʻproq qismi mazkur amaliyot bilan bogʻliqdir. Shu tufayli “tarjima” deganda aksariyat kishilar koʻz oldida, birinchi navbatda bir tildagi matnni ikkinchi tilga oʻgʻirish faoliyati namoyon boʻladi. Tarjima toʻgʻrisida bildirilgan yuqoridagi mulohazalarning barchasida jon bor. Chunki ularning har biri tarjimani bir tomondan taʼriflab, bu haqdagi umumiy tushunchani toʻldirishga xizmat qiladi. Demak, tarjima - koʻp sohali, sertarmoq, murakkab faoliyat. Tarjima insoniyat faoliyatining eng qadimiy turlaridan biri boʻlib, u tufayli biz insoniyat taraqqiyoti tarixini barcha tafsilotlari bilan ochiq-oydin tasavvur etamiz. Tarjima xalqlar oʻrtasidagi doʻstlik, qardoshlik va hamkorlik manfaatlariga, ular oʻrtasidagi iqtisodiy-siyosiy, ilmiy, madaniy va adabiy alosalarning kengayishiga xizmat qiluvchi qudratli quroldir. Tarjima turli xalqlar adabiyotlarining oʻzaro aloqasi va bir-biriga taʼsiri jarayonini tezlashtiradi. Tarjimaviy asarlar tufayli kitobxonlar jahon adabiyoti durdonalaridan bahramand boʻladilar, ularning estetik tuygʻulari oshadi, didlari oʻsadi, ularda goʻzal narsalar haqida tushunchalar hosil boʻladi [1;38]. Tarjima tillarning kamoloti uchun zaruriy vosita sifatida, ularning rivojlanish surʼatini jadallashtiradi, lugʻat boyligini oshiradi va takomillashtiradi. Tarjima inson maʼnaviy hayotini boyitadi, ona tilining imkoniyatlarini kengaytiradi, uni serjilo qiladi. Tarjima tufayli kitobxon tafakkuri charxlanib, yangi gʻoyalar, tushunchalar bilan boyiydi. Tarjima jamiyatda yangicha munosabatlar, qarashlar qaror topishiga xizmat qiladi. Tarjima tufayli yangicha

syujet, janr shakllanadi. Tarjimaning bosh xossasi uning soʻz sanʼati ekanligidadir. Soʻzning fikrni ifodalash xususiyati, taʼsir quvvatiga ega ekanligi tarjimani sanʼat darajasida tadbiq etish imkonini beradi. Tarjimada ikki xalq va ikki til, ikki maʼnaviy hayot, ikki milliy madaniyat, ikki davr va ikki adib oʻrtasidagi bir-biriga chambarchas boʻgʻliq munosabatlarning ham oʻziga xos koʻrinishini eʼtiborga olish zarur.

Tarjimaviy muvofiqlik yaratish uchun turli juft tillar vositalarini qiyosiy oʻrganish, badiiy matnning estetik oʻziga xosligini, uning moddiy-mantiqiy, hissiy taʼsirchan va obrazli tizimini tashkil etuvchi unsurlari tarkibidagi uslubiy va pragmatik xususiyatlarni aniqlash hamda stilistik asosga tayanishni taqozo etadi. Til birliklarining uslubiy boʻyoq kasb etish xususiyati turli juft tillar birliklarining mazmuniy-uslubiy va pragmatik jihatlardan oʻzaro mos kelish-kelmasliklari toʻgʻrisida qaror qabul qilish imkonini beradi. Tarjimaning bunday tahlili mazkur sohadagi tasavvur va qarashlarni boyitadi. Ular nafaqat lisoniy, balki til maʼlumotlari tarkibidan tashqarida boʻlgan ruhshunoslik, jamiyatshunoslik, Tarjimaviy muvofiqlik yaratish uchun turli juft tillar vositalarini qiyosiy oʻrganish, badiiy matnning estetik oʻziga xosligini, uning moddiy-mantiqiy, hissiy taʼsirchan va obrazli tizimini tashkil etuvchi unsurlari tarkibidagi uslubiy va pragmatik xususiyatlarni aniqlash hamda stilistik asosga tayanishni taqozo etadi. Til birliklarining uslubiy boʻyoq kasb etish xususiyati turli juft tillar birliklarining mazmuniy-uslubiy va pragmatik jihatlardan oʻzaro mos kelish-kelmasliklari toʻgʻrisida qaror qabul qilish imkonini beradi [2;118].

Bir tildan ikkinchi bir tilga tarjima jarayonida turli muammolarga duch kelinadi. Jumladan, ingliz tilidagi modal feʼllarning oʻzbek tiliga tarjima qilinishida ham bir qancha qiyinchiliklarga duch kelinadi.

Oʻzbek tilida modal feʼllar mavjud boʻlmaganligi sababli, ingliz tilidan ularni tarjima qilish jarayonida bir qancha muammolar mavjud. Modal feʼllar ish-harakatni emas, koʻrsatilgan ish-harakatga munosabatni ifodalaydigan feʼllardir. Bu feʼllar mumkinlik, ehtimollik, keraklikni ifodalaydi. Qoidaga binoan, “can” modal feʼli “qila olmoq”, “must” “kerak, zarur”, “may” “mumkin” maʼnolarida tarjima qilinadi. Ammo har doim ham bunday emas. Ular gapiruvchi yoki soʻzlashuvchining oʻz ichki tuygʻularini baʼzida oʻsha vaziyatni inobatga olib tarjima qiladi. Tarjima jarayonida modal feʼllar biroz fikr yuritishga, oʻylashga undaydi.

Yuqorida aytilganlar “can” ning yana bir muhim maʼnosi boʻlib, bu "ruxsat" maʼnosidir. Masalan,

Nozim can do it himself. Nozim bu ishni oʻzi bajara oladi.

My sister can do it now. Hozir bu ishni mening singlim bajara oladi.

gaplarni oladigan boʻlsak, bu yerda “can”ni “qila olish” maʼnosida tarjima qilsak, “Nozim bu ishni oʻzi bajara oladi. “,“Hozir bu ishni mening singlim bajara oladi.” degan tarjima kelib chiqadi. Yaʼni, bu yerda oʻsha shaxsning ushbu ishni qila olish qobiliyati koʻrsatiladi. Oʻsha shaxs bu ishni sirini yaxshi biladi. Agar bu gap biror matndan olinib, unda qandaydir voqea tasvirlanayotgan boʻlishi mumkin. Bunday holda yuqoridagi gap tarjimasi.

Nozim bu ishni qilishi mumkin bo‘ladi.

Lekin ko‘pincha biror narsa qilish uchun ruxsat so‘rash ma‘nosida “could” va “may” ham qo‘llaniladi. “Could” modal fe‘lining asl ma‘nosi esa ish harakatni o‘tgan zamonda sodir etish imkoniyatini ifodalaydi. Ruxsat so‘rash ma‘nosida “could”ni qo‘llaganimizda gapimiz muloyimroq va xushmuomalalik bilan chiqadi. “Could you send me salt?” “Menga tuzni uzata olmaydizmi?” (Iltimos menga tuzni uzatib yuboring ma‘nosida.) Ushbu gap “can” bilan qo‘llanganiga nisbatan tinglovchiga yaxshiroq eshitiladi.

“May” bilan ham ruxsat so‘rash mumkin. Ammo u rasmiy ma‘noga ega emas. Zamonaviy ingliz tilida ham ruxsat ma‘nosida ko‘proq “can”, “could” qo‘llashga moyillik bor [5;169].

Quyidagi gaplarni taqqoslaylik:

Muzaffar must help his friend. U do‘stiga yordam berishi kerak.

Muzaffar ought to help his friend. U do‘stiga yordam berishi lozim.

“Must” bilan berilgan birinchi gapda gapiruvchi o‘sha shaxsning do‘stiga yordam berishi shart va majbur ekanligini, bunday qilmasa bo‘lmasligini ta’kidlaydi. Bu yerda “ought to” birikmasi maslahatni ifodalayapti. “Ought to” bilan berilgan gap esa ko‘proq axloqiy burchni ifodalaydi. Unga yordam berish bermaslik masalasi uning vijdoniga havola etiladi.

Xulosa qilib aytganda, tillararo muloqotning alohida turi bo‘lmish tarjima turli tillar matnlarining mazmunan teng qiymatligini taqozo etadi. Asliyat va tarjima matnlari mazmunining o‘zaro mos kelishi, ekvivalentlikni tarjimaning asosiy sharti ekanligini ko‘rsatadi.

### **Foydalanilgan adabiyotlarro‘yxati:**

1. Musayev K. Tarjima nazariyasi asoslari. – Toshkent, 2005. 93b.
2. Salomov G‘., Komilov N. Tarjimon mahorati. – Toshkent, «Fan». 1979. 196 b.
3. Авербух К. Я., М. О. Карпова. Лексические и фразеологические аспекты перевода - М., Академия, 2009. 174 с.
4. Бархударов Л. С. Язык и перевод. М.: Международные отношения, 1975.- 230 с.
5. Комиссаров В. Н. Теория перевода (лингвистические аспекты). – М.: Высшая школа, 1990. 253 с.

## **КОМПОЗИТАНИНГ ЛУҒАТЛАРДА АКС ЭТТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

*З.И.Санакулов,  
таянч докторант (ЎЗМУ)*

**Аннотация:** Ушбу мақола лексикографияга бағишланган бўлиб, унда сўз ясалишида энг сермахсул усуллардан бири саналмиш композиталарнинг луғатларга киритиш масаласи таниқли луғатшунослар илмий хулосаларига таяниб таҳлил этилган.



**Аннотация:** Статья посвящена лексикографии, в которой на основе научных выводов известных лексикографов анализируется проблема включения сложных слов в словари, являющаяся одним из наиболее продуктивных методов словообразования.

**Abstract:** The article is devoted to lexicography, which analyzes the problem of adding complex words to dictionaries based on scientific discoveries of famous lexicographers, which is one of the most effective ways of word formation.

**Калит сўзлар:** лексикография, луғат, ясама сўз, композита, лемма.

**Ключевые слова:** лексикография, словарь, сложное слово, лемма.

**Key words:** lexicography, dictionary, compound word, lemma.

Луғатларнинг хорижий тилларни ўқитиш ҳамда ўзлаштиришда аҳамияти беқиёсдир. Улардан нафақат сўзларни бир тилдан бошқа тилга сўзма-сўз таржима қилиш учун фойдаланилади, балки бундай асарларда тилнинг бошқа ўзига хос жиҳатлари ўз аксини топади. Немис тили сўз ясалиши тизимининг энг сермахсул усули композиция саналади. Ҳар бир тилда муайян сўз ясалиш усулини ифодаловчи терминлар мавжуд бўлганидек, ўзбек тилшунослигидаги «композиция усулда ҳосил қилинган ясама сўз, қўшма сўз ёки композита<sup>97</sup>» ҳамда «сўз яшанинг композиция усули» немис тилида халқаро сўз ҳисобланмиш «Komposition (кўплик шакли –Komposita)» ёки соф немисча сўз «Zusammensetzung (кўплик шакли – Zusammensetzungen)» [2: 84] терминлари ёрдамида ифодаланган. Тадқиқот аудиториясини ўзбек тилшунослари ташкил этганлиги – шу тил сўзлашувлари учун одатий терминларни қўлланишини тақозо этиши нуктаи назаридан мазкур усул «сўз яшанинг композиция усули» ва унинг ҳосиласи «композиция усулда ҳосил қилинган ясама сўз, қўшма сўз ёки композита» деб номланади.

Немис тилида композиталар икки ёки ундан ортиқ сўзлар, шунингдек, бевосита ташкил этувчи қисмлар/компонентлар (unmittelbare Konstituenten – UK)<sup>98</sup>нинг бирикувидан таркиб топади. Мас.,

*Bedrohlichkeit: bedrohlich + keit* (сифат + суффикс)

*Ungeduld: un + geduld* (префикс + от)

*Erstarkung: erstark(en) + ung* (феъл + суффикс)

*Stube(n)filege: Stube(n) + Fliege* (от + от).

Конфикс композиталар (Konfixkompsita) эса иккита конфиксдан ёки бир конфикс ва бир лексик маънога эга бевосита ташкил этувчидан таркиб топади. Ушбу бевосита ташкил этувчилар, ўз навбатида, биринчи ва иккинчи компонентларга ажратилади. Иккинчи қисм бўлиб фақат мустақил сўз туркумлари ва конфикслар кела олиши мумкин бўлган бир вақтда,

<sup>97</sup>КОМПОЗИТА (лот. compositum – ташкил этилган, боғланган) – айн. Қўшма сўз. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси.

<sup>98</sup>инглизча – “immediate constituents”. Bloomfield L, *Language*. New York: Compton, 1933, p. 206ff. p. 133

биринчи қисм турли бирликлар воситасида ифодаланиши мумкин бўлади. Жумладан:

- ўзак (негиз)лар, синтагмалар ҳамда сўз негизлари ва конфиксларга бирикиб келган мураккаб сўз бирикма(Wortreihungen)лари: (*Arbeit(s)/zimmer, Fremd/sprache, UKW-Antenne, bär(en)|stark, Langstrecke(n)|field, Ost-West-Verhältnis; Spiel|othek*);
- ўзак (негиз)лар ва конфиксларга бирикиб келган конфикслар (*Bio/gas, Schwieger/vater; Auto/mat*).

Кўшма сўз биринчи қисми бўлиб бирор гап ёки ёлғиз ҳарф келиши бу –компонентларнинг структураси борасида махсус (истисно) ҳолат ҳисобланади (*Ich-nehme-ab-Prigramm, Trimm-dich-Pfad; A-Jugend, V-Ausschnitt*).

Нафақат мустақил, балки фразали ёки ономастик синтагмалар ҳам композита таркибий қисми бўлиб келиши мумкин (*Vor-Ort-Termin, Vieraugengespräch, Schwarzmeerhafen*).

Ҳар иккала бевосита ташкил этувчи қисмлар ўзаро ҳоким-тобе муносабатда (субординация) ёки тенг ҳуқуқли муносабат(координация)да бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда детерминатив композита – Determinativkomposita (*Groß|stadt –камма шаҳар, dunkel|rot –тўқ қизил*), иккинчи ҳолатда копулатив композиталар – Kopulativkomposita<sup>99</sup> (*Stumpf|hose, Dichter|komponist, taub|stumm –кар-соқов*) ясалади [2: 84-85].

Композиталарнинг ушбу икки муносабати миқдори сўз туркумларига қараб фарқлидир. Сифатларда кўпроқ копулатив/координатив муносабат (*deutsch-polnische Gespräche – немис-полия муҳокамалари, schwarzrotgoldene Fahne – қора-қизил-тилла ранг байроқ*) кузатилса, от, феълларда детерминатив(ҳоким-тобе) муносабат етакчилик қилади. Ушбу сабабларга кўра кўшма сўзларнинг луғатларга киритилишини ўрганиш, таҳлил этиш муҳим саналади.

Немисча изоҳли луғатларда леммалар жойлашувининг алифбо тартибида қисман уялаш (гнездовой) принципи мавжуд. Гарчи бу луғатда сўзни излашни мураккаблаштириши мумкин бўлса-да, композиталарда такрорланадиган элементнинг кетма-кетлиги баъзи бир семантик модификациялар билан кесишиши мумкинлиги сабабли уя/гнездонинг тўлиқ берилиши муҳимдир.

В.Девкиннинг (2005: 63) таҳлилига кўра, Клаппенбах/Штайнитц луғатида *abendlich* ва *abends* лексемалари *Abend-* (*Abendbeleuchtung, -blatt, -bummel, -brot, -essen, -gebet* ва шу к.) ҳамда уя/гнездодан алоҳида чиқарилган бўлса, Дроздовски луғатида улар қамраб олинади: *abendländisch, Abendläuten, abendlich, Abendlied, Abendluft ... Abendprogramm, Abendrot, abends, Abendschule*. Ундан фарқли тарзда Клаппенбах ва Штайнитц таҳриридаги луғатда мақолар охирида ушбу лемма композитанинг иккинчи компоненти сифатида келиши мумкин

<sup>99</sup>„Koordinativ komposita“ деб ҳам номланади. Motsch W. Deutsche Wortbildung in Grundzügen. Berlin: New York, 2004. p. 376.

бўлган мисоллар берилган: **Blockade** дан кейин *Handels-, Hunger-, Kriegs-, Küsten-, See-, Wirtschaftsblockade* берилган, ёки **blond** дан кейин: *asch-, dunkel-, flachs-, gold-, hell-, hoch-, matt-, na-tur-, platin-, rot-, semmel-, weiß-, weizenblond; erblonden* берилган. Муаллиф, шунингдек, ушбу луғатларда йўл қўйилган хатоларни ҳам қайд этади. Жумладан, *Angebeg* мақоласида *Tonangebег* козпозитасини хато қўлланганлигини, чунки у, аслида, *angeben* «тон, овоз, темп бермоқ» феъли билан уядош бўлиши кераклигини таъкидлайди.

Биламизки, детерминатив ва копулатив композиталар мавжуд. Баъзи адабиётларда детерминатив композитанинг махсус тури сифатида «поссессив композита ёки бахуврихи (ҳиндча. кўп гуручга эга)» тилга олинади. Қўшма сўз компонентлари ўртасида детерминатив (аниқловчи-аниқланмиш) муносабат кузатилади. Лекин бахуврихи - экзоцентриқ бирикма: унинг маъноси алоҳида ташкил этувчи қисмлар маъноларининг йиғиндисига мос келмайди, балки ўзига хос янги маъно англатувчи сўз пайдо бўлади.

Бахуврихи ясамаларни «эга бўлмоқ» конструкцияси билан тасвирлаш мумкин: *Ein Rotkehlchen* (*Rot* –қизил, *kehlchen* –томоқ/ҳалқумча) бу – қизил томоққа эга бўлган қуш ва унинг номи билан аталган қуш – малиновка (чумчуқсимонларга мансуб сайроқи қуш)дир. Бахуврихи атамаси *bahu* «кўп» ва *vrihi* «гуруч» дан иборат, лекин бирлашганда у «жуда кўп гуруч» дегани эмас, балки у жуда кўп гуручга эга бўлган одамни, яъни бой одамни ҳам англатади<sup>100</sup>. Кўриниб турибдики, бахуврихи композитанинг бир тури бўлса-да, унинг маъноси қисмлар маъносидан очилмайди. Шу сабабдан уларга алоҳида эътибор билан қараш талаб этилади. Бу ҳақида В.Девкин шундай ёзади:

«Даже такой образцовый словарь, как Универсальный Дуден (1996), довольно последовательно фиксирует «соматические» (поссессивные) композиты (бахуврихи) в рамках мотивирующей основы. Ср.: *Querkopf*, *Langbein*, *Zwergnase*, *Spitzbauch*, *Rotbart*, *Schlitzauge*, *Schlitzohr* и т. п. об одушевленном предмете (лице) или композиты с абстрактным вторым компонентом *Schöngeist*, *Schreibkraft*, *Haushaltshilfe* опять же о человеке. Подобные и семантически, и функционально модифицированные элементы не приводятся ни как леммы, ни как семемы полисемии слова, выступающего в роли производящей основы. Эта погрешность словарей наблюдается не только в номинациях, касающихся человека, но и артефактов: *Uhr* – не только часы, но и счетчик (*Wasser-*, *Gas-*, *Blutdruck-*, *Parkuhr*); *Boy* – не только о человеке, но это и *Fleisch-*, *Multi-*, *Schneid-*, *Blumen-*, *Gartenboy*, т. е. бытовой прибор, механизм. Второй компонент композитов *-Zentrum* утрачивает значение «центральности» и начинает обозначать отдел, магазин, учреждение, бюро: *Schuh-*, *Bücher-*, *Sprach-*, *Reisezentrum*. Эта его семантическая модификация не должна оставаться за бортом словаря, а практически она зачастую для него пропадает. Это

<sup>100</sup>Интернет манба:[сўнги муурожаат 10.05.2020] <https://de.wikipedia.org/wiki/Bahuvrihi>

принципиально очень важный вопрос словарных потерь, о восполнении которых мало заботятся<sup>101</sup>.

Юқоридаги фикрлардан маълум бўладики, композиталарнинг бир тури, яъни баҳуриҳиларни лемма мақоласида эмас, алоҳида бериш тавсия этилади.

От сўз туркумидан ҳосил қилинган композита ва дериватлар (-in, -chen ва шу к.) немис тилида жуда сермахсул усуллар саналади ҳамда бу тилни ўрганувчиларга нафақат матнни тушуниш, балки матн тузишда ўта муҳимдир. У ёки бу от бундай ҳолатларда леммадан фарқ қилувчи шаклларни қабул қилиши мумкин. Бунда луғат фойдаланувчиларга икки хил тарзда ёрдам бериши мумкин бўлади: а) Композиталарни боғловчи восита ҳар доим ўша композитанинг биринчи компонентига боғлиқ (*Arbeitsamt, Arbeitslust, Arbeitszeit* ...). Шу боис от сўз туркумига оид мақолаларда худди LANGENSCHIEDT-DaF5-PW даги каби композиталарда от биринчи компонент сифатида боғловчи восита орқали бириктирилади мазмунидаги шакл берилиши зарур. Бошқа томондан немис тилидаги баъзи отларнинг ўзак таркиби кенгайиши ҳодисаси юзага келади, аммо улар деривацияга киритилмайди: *Birn-e* → *Birn-chen*, *Gart-en* → *Gärt-chen*, *Ep-os* → *ep-isch*. Шунга мос келувчи отли мақолаларда «ўзак кенгайиши ҳодисаси» қайд этилиши керак.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Bloomfield L. *Language*. New York: Compton, 1933, p. 206ff. p. 133
2. Donalies E., *Die Wortbildung des Deutschen. Ein Überblick.*, Tübingen: Müller, 2005.
3. Engelberg S., «Morphologie in lexikalischen Datenbanken. Ein Standardformat zur Repräsentation von morphologischen Eigenschaften lexikalischer Einheiten.» *Satz-Text-Diskurs*, т. 1, pp. 179-188, 1994.
4. Fleischer W., Barz I., *Wortbildung der deutschen Gegenwartssprache*, Deutschland: De Gruyter, 2012, p. 1.
5. Lohde M., *Wortbildung des modernen Deutschen. Ein Lehr- und Übungsbuch.*, Bad Schönborn: Narr, 2006.
6. Motsch W. *Deutsche Wortbildung in Grundzügen*. Berlin: New York, 2004. p. 376.
7. Müller W., «Zur Praxis der Bedeutungserklärung (Be) in (einsprachigen) deutschen Wörterbüchern und die semantische Umkehrprobe,» *SnL5*, pp. 359-461, 1984.
8. Девкин В.Д., *Немецкая лексикография. Учебное пособие для вузов.*, Москва: ВЫСШАЯ ШКОЛА, 2005.
9. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси.

<sup>101</sup> Девкин В.Д. *Немецкая лексикография. Учебное пособие для вузов.* Москва: ВЫСШАЯ ШКОЛА, 2005.

## PRAGMATIC SOLUTION OF TRANSLATION IN LINGUACULTURAL ADAPTATION

*V.I.Tashpulatova,  
Senior teacher(NUU)*

**Abstract:** This article analyses the pragmatic solution of translation in linguacultural adaptation, the distinction of one of the mechanisms of adequate interaction and interpenetration of specific cultural signs from one language to another in linguacultural adaptation within the framework of interdisciplinary research.

**Аннотация:** Мақолада таржиманинг лингвомаданий мослашувидаги прагматик ечими таҳлил қилинган бўлиб, фанлараро тадқиқотлар доирасида лингвомаданий мослашишда ўзига хос маданий белгиларнинг бир тилдан ўзга тилга ўзаро таъсири ва интерпритацияси механизмлари таъкидланган.

**Аннотация:** В статье анализируется прагматическое решение перевода в лингвокультурной адаптации, выделение одного из механизмов адекватного взаимодействия и взаимопроникновения специфических культурных знаков с одного языка на другой в лингвокультурной адаптации в рамках междисциплинарных исследований.

**Key words:** translation, linguacultural adaptation, pragmatic solution, lacuna, idiostyle, generalization, concretization

**Калит сўзлар:** таржима, лингвомаданий мослашиш, прагматик ечим, лакуна, идиостиль, умумлаштириш, конкретлаштириш

**Ключевые слова:** перевод, лингвокультурная адаптация, прагматическое решение, лакуна, идиостиль, обобщение, конкретизация

The formation of cultural linguistics as a science of the relationship between linguistics and intercultural communication is determined by the fact that linguists began to note the specificity of cultural influence on the language and, as a result, the need to develop a new conceptual and terminological apparatus for the scientific discipline. Linguists come to the conclusion that this synthesis is an absolutely new phenomenon in the process of convergence of different cultures. One of the mechanisms of adequate interaction and interpenetration of specific cultural signs from one language to another is linguacultural adaptation within the framework of interdisciplinary research. Understanding and the corresponding representation of certain linguistic means during the contact of representatives of absolutely non-identical pictures of the world leads researchers to the need to consider linguistics and linguacultural adaptation as a way to formulate general strategies of human interaction in the process of communicative acts, the consequence of which is an adequate understanding of the speaker's speech and linguistic intentions. For a successful "dialogue of cultures" it is necessary for the translator to use methods of adaptation of the text, since in order to achieve mutual understanding in the translation process, it is necessary that the

information exchanged by the participants is transmitted and perceived equally correctly and accurately [5]. Consequently, the success of intercultural communication depends on the competence of the translator.

The specificity of the translation of these figurative means is reflected in the works of both domestic and foreign linguists, among whom N.V.Zimovets, O.S.Solodova, S. Apo, R. Oittinen and others [2].

The adaptation process assumes that the text of information in one language should be perceived and transmitted by the translator into another language by means of replacement in such a way that the secondary text is maximally identical to the primary one. A number of translation solutions, such as adding and omitting, generalization and concretization, are seen as a necessary pragmatic solution that serves to simplify the understanding of a foreign language speech, on the one hand, and as a successful method of overcoming linguacultural barriers when reading texts, on the other hand. The interaction of cultures provides for human assimilation of the realia's of the new world.

Due to this, through mental operations, translator transposes information into his consciousness from culture that is new to him, which entails certain changes in thinking process and, thus, represents one of the main difficulties in mastering a foreign language [3].

The role of the translator in this context boils down to choosing the most favorable strategies for translation solutions that can positively affect the quality and adequacy of the translated text. Differences in the semantic capacity of words can manifest themselves in the redundancy or insufficiency of the forms of expression of the same concept, since with the secondary nature of the linguistic picture of the world, a person may develop new associative schemes that differ from the original meaning of the original word. One of the most important problems that a translator may face when adapting the translation text is the search for analogs for non-equivalent vocabulary, words and expressions that do not have corresponding translation options in their native language. Lacunarity, therefore, is considered as one of the specific linguacultural phenomena, the removal of which becomes possible only taking into account linguacultural adaptation through the use of various transformations by the translator. One of the ways to study lacunarity and variants of its translatability is the text of a fictional work of the fantasy genre by the English writer J. Rowling "Harry Potter", since it is considered a metal "clot" of linguistic and speech intentions of the author as a carrier of foreign language and culture.

The removal of linguacultural barriers in the process of adequate understanding of reality is based on the fundamental translatability of lacunar units, such as anthroponyms and occasional vocabulary, used by the author to give fabulousness and at the same time reality of what is happening with the heroes of the events. A feature of the fantasy genre is both the presence of correlation space of time between the real and the unreal, and the presence of individually author's culturally marked words. J. Rowling's idiostyle, therefore, significantly affects the capabilities of the translator. Moreover, with a

linguacultural approach, translator is able to operate with a wide range of methods, and, unlike literal translation of occasionalism's or anthroponyms, offer an original version based on linguacultural translation mechanisms, which often require knowledge of not only the semantic features of a foreign language vocabulary, but also methods of a transformational nature with taking into account the strategies of domestication and forenization within the framework of linguacultural adaptation of the text. Translation of figurative means of language in fantasy discourse presupposes the opportunity to analyze and give an adequate assessment of such linguacultural phenomena both from the standpoint of a new scientific discipline and in terms of translation [1].

Thus, in order to achieve mutual understanding in intercultural communication, when there is a "contact between representatives of two linguacultural communities", the translator needs not only linguistic knowledge, but also knowledge of both cultures - the native culture and culture of the target language, without which linguacultural adaptation of the translation of the source text is impossible which form dialectical unity of the ratio of the content and form of the original [4].

#### **The list of used literature:**

1. Markovina I.YU., Sorokin Yu.A. Kultura I tekst. Vvedenie v lakunologiu: ucheb. posobie. M.: GEOTAR-Media, 2010, 144p.
2. Maslova V.A., Lingvokulturologiya. M.: Izdatelskiy centr "Akademiya", 2010, 208p.
3. Strelnikova N.A. "Narodniy perevod" massovoy literature kak lingvolulturniy fenomen // Kult-tovari: fenomen massovoy literature v sovremennoi Rosii" sv. Nauch. St. SPb: SPGD TD, 2009, 142p.
4. Timko N.V. Osnovnie problem lingvolulturnoi translyacii v processe perevoda: na materiale perevodov angliyskih, nemeckih I russkih hudojestvennih tekstov: abtoref. dis. ... kand. filol. nauk: 10.02.20 / N.V. Timko. Moskva, 2001. URL:<http://www.dissercat.com/content/osnovnye-problemy-lingvokulturnoi>
5. Tomahin G.D. Perevod kak mejkulturnaya kommunikaciya // Perevod I kommunikaciya; pod red. A.D. Shveyser I dr. M.: IYaz RAN, 1996, 129p.

### **INGLIZ-O'ZBEK TARJIMA JARAYONI DEBOCHASI**

*Sh.Quvvatova*  
(BuxDU)

**Annotatsiya.** Tarjima qilingan narsa xoh eng mayda lug`aviy birlik – so`z yoki jumla, xoh yirik ilmiy yoki badiiy asar – risola, monografiya, roman bo`lsin, boshqa til birligida dastlabki vaqtlarda ham yangicha ma`no kasb etadi, bora-bora ana shu yangi milliy muhit zaminida sifat jihatdan original g`oyalar, fikrlar, janrlar, obrazlarning kelib chiqishiga sabab bo`ladi, bu esa, o`z navbatida,

tamoman original lug`at, fan, adabiyot va san`at asarlarining maydonga kelishiga qudratli bir turtki beradi.

**Аннотация.** То, что переводится, будь то мельчайшая лексическая единица - слово или предложение, крупное научное или художественное произведение - брошюра, монография, роман, в начале приобретает новое значение другой языковой единицы, и постепенно на основе этой новой национальной среды рождаются качественно оригинальные идеи, мысли, жанры, образы, что, в свою очередь, являются мощным фактором появления совершенно оригинального словаря, произведений науки, литературы и искусства.

**Annotation.** What is translated, whether it is the smallest lexical unit - a word or a sentence, or a major scientific or artistic work - a pamphlet, monograph, novel, acquires a new meaning in the beginning of another language unit, and gradually on the basis of this new national environment, the emergence of qualitatively original ideas, thoughts, genres, images, which, in turn, is a powerful factor in the emergence of a completely original dictionary, works of science, literature and art.

**Kalit so'zlar:** tarjimachilik, tarjima nazariyasi, tarjimonlik qobiliyati, bilvosita tarjima, bevosita tarjima.

**Ключевые слова:** перевод, теория перевода, навыки перевода, косвенный перевод, прямой перевод.

**Key words:** translation, theory of translation, translation skills, indirect translation, direct translation.

Jahon adabiyotining tarkib topishi, mavqening mustahkamlanishi va rivojlanishida tarjima qulay vosita bo`lib qoldi. Ulug` ingliz dramaturgi Shekspir asarlarini jahon tillariga eng ko`p tarjima qilishgan. Shekspir boshqa xalqlar tafakkurida ular ma`naviyatiga taraqqiyparvar g`oyalar, tinchlik, birodarlik, insonparvarlik, adolat uchun kurash g`oyalari, yangi tushunchalarni olib keldi. Shekspir asarlarining tarjimalari ularni tarjima qiluvchi xalqlarning tili va adabiyotiga ham, yozuvchi, dramaturg va shoirlarning ijodlariga ham ulkan ta`sir ko`rsatadi. [4,5]

Badiiy asarlar o`qish inson ongini yetuklikka, komillikka olib chiquvchi yagona manbadir. O`zbek adabiyot gulshani hamda shu bilan birga jahon adabiyoti durdonalaridan bahramand bo`lish, inson tafakkurini o`stiribgina qolmay, uni dunyoviy ilmlardan ham xabardor qiladi. Ilm-fanning taraqqiyoti bilan tarjimachilik adabiyotga kirib kelgan va uning rivojlanishi bilan biz, ko`pgina jahon adabiyotidan bahramand bo`lishimizga zamin yaratdi. [5,88]

Ingliz adabiyoti XX asrning 30-yillariga kelib o`zbek tarjimonlari tomonidan milliy tilga o`girila boshlandi. Hozirga qadar bir qancha Britaniya, Amerika va Lotin Amerikasi yozuvchilarining kitoblari o`zbek tiliga tarjima qilingan. "Robinzon Kruzoning sayohatlari" asari o`zbek tiliga ingliz adabiyotidan qilingan ilk tarjimadir. Bu kitob 1911-yilda o`zbek tiliga



Muhammad Fozil Otabek tomonidan ozarbayjoncha bayon tarjimada ag`darilgan.  
[6,91]

1930-50-yillarda buyuk ingliz dramaturgi Shekspirning Cho'lpon tarjima qilgan "Hamlet", G'afur G'ulom tarjima qilgan "Otello" tragediyalari o'zbek tomoshabinlari orasida zo`r muvaffaqiyat qozondi. Shekspirning nazmda bitilgan "Veronalik ikki yigit" komediyasini 1930-yilda Javod Obidov o'zbek tiliga g'oyat ustalik bilan tarjima qila oldi. Taniqli yozuvchi-tarjimon Mirzakalon Ismoiliy ingliz yozuvchisi Etel Lilian Voynichning "So'na" romanini o'zbekchaga bir qator qisqartirishlar orqali tarjima qilgan edi. Shundan so'ng mutarjim jamoatchilik fikr va mulohazalarini inobatga olgan holda ushbu romanni 1936-yilda qayta ko'rib chiqib, jiddiy tuzatishlar bilan ikkinchi marotaba bosmadan chiqartirdi. 1956-yilda esa ushbu asarni boshdan oyoq qayta tarjima qilib, kitobxonlar e'tiboriga havola etdi.

Har bir tarjima asari o'z davrining mahsulidir. Muayyan bir asarning bundan yuz yil oldin qilingan tarjimasi bilan keyingi davrda qilingan tarjimalari bir-biri bilan qiyoslansa, turli davrda yashagan tarjimonlarning asar muallifini tushunish darajasi, ularning mahorati o`rtasida ko`zga yaqqol tashlanadigan tafovutlar, adabiy tilning turli davrda rivojlanganlik darajasini ko`rish mushkul emas. Davr o`tishi bilan tarjima va kitobxon o`rtasidagi munosabatlar o`zgarishi tabiiy. [3,24]

Shu sababli 1938-yilda Vohid Zohidov dramaturgning "Hamlet" tragediyasini ikkinchi bor o'zbek tiliga o'girdi. Keyinchalik Uilyam Shekspirning boshqa qator dramatik asarlari ham o'zbek tiliga ketma-ket tarjima qilina boshlandi. "Otello" va "Qirol Lir" fojialari G'afur G'ulom tarjimasi asosida o'zbek kitobxonlariga yetib bordi. Ushbu tilga olingan pyesalar hozirgi kungacha o'zbek teatrlari sahnasida o`ynab kelinmoqda. Sarguzasht asarlarini sevib o'quvchi kitobxonlar uchun Jonatan Sviftning "Gulliverning sayohatlari" asari 1944-yilda S.Yo'ldoshev, 1945 va 1952-yillarda A.Xo'jaxonov tomonlaridan o'zbek kitobxonlariga taqdim etilgan bo'lib, oxirgi chop etilgan namuna oldingilariga nisbatan birmuncha yaxshiroq chiqqan.

1950-60-yillarga kelib, o'zbek tiliga o'girilgan asarlar tarjimalari sifat jihatdan ancha ustunligi bilan ajralib turadi: san'atkorlarning tajriba, mahorat va malakalari osha borib, tarjimalar qator xato va kamchiliklardan xalos bo'lib, sayqallasha boshladi. Tarjima tanqidchiligi bo'yicha jurnal va gazetalar sahifalarida chop etilgan qator ilmiy tahlil va umumlashmalar ta'sirida ko'pchilik tarjimonlar o'z mas'uliyatlariga endi ilmiy-tanqidiy yondashadigan bo'lib qoladilar. [1,18]

1960-70-yillarga kelib o'zbek tarjimachiligi yangi bosqichga ko'tarildi. Tarjimachiligimizning geografik maydoni yanaham kengaydi. Iste'dodli yosh tarjimonlar tarjima asarlari bilan ham adabiyotimiz xazinasini boyitdilar. Ikkinchi jahon urushidan so'ng jahon xalqlarining integratsiyalashuvi boshlandi. Shu munosabat bilan jahon xalqlari o`rtasidagi ijtimoiy siyosiy va madaniy aloqalar gurkirab rivojlandi. O'zbek tarjima adabiyotining tug`ilishi va shakllanishi natijasida o'sha davr odamlari nafaqat o'zbek milliy adabiyoti xazinasidan, balki

jahon adabiyoti xazinasidan ham bahra olishlari mumkin bo'lgan. Ushbu davrda mamlakatimizda realistik proza, dramaturgiya kabi janrlarning tarjimalari tezlik bilan rivojlana boshladi.

Ingliz adibi Shekspirning “Yuliy Sezar”, “Veronalik ikki yigit” kabi asarlari Uyg'un tarjimasida mos ravishda 1958 va 1973-yillarda bosmadan chiqdi. Taniqli adibimiz Turob To'la esa biz bilgan va ekranlashtirilgan asar – “Qiyiq qizning quyilishi”ni 1965-yilda tarjima qilib, o'sha yilning o'zida chop ettirdi. O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan san'at arbobi Hamid G'ulom esa Shekspirning “O'n ikkinchi kecha va turfa hangomalar” to'plamini 1966-yilda bosmadan chiqartirdi.

Keyingi yillarda hammaga mashhur ingliz shoiri Jorj Gordon Bayronning “Vido” nomli she'riy to'plami hamda Lengston Hyuzning qator she'rlari tarjimonimiz Sanjar Siddiq tomonidan tarjima qilinib, bosmadan chiqdi. “Umrin daftaridan” deb nomlangan Uilyam Somerset Moemning avtobiografik asarini 1964-yilda Muhiddin Omon ruschadan o'giran bo'lsa, aynan shu yildan e'tiboran Shekspir sonetlari Maqsud Shayxzoda, Yusuf Shomansur, Shunqor, Zohidjon Obidov tomonlaridan o'zbekchaga o'girila boshlandi. 1971-yilda Shotlandiya shoiri Robert Byornsning “Qo'shiq va balladalar” kitobi Muhammad Ali tarjimasida nashr etildi. Shayxzoda, shuningdek, uning “Bolakay Heroldning ziyorati” asarini, Muhammad Ali “Shilyon tutquni” dostonini, Rauf Parfi “Manfred” dramatik dostonini o'zbek tiliga o'girdilar.

1980-90-yillarda Longfelloning “Gayavata haqida qo'shiq” she'riy asari, Shekspirning “Makbet” fojiasi (Sa'dulla Ahmad tarjimasi), Kristofer Marloning “Sohibqiron Temur” fojiasi (Ma'ruf Jalil tarjimasi) o'zbekchaga o'girildi. 1988-yilda buyuk ingliz shoiri Jorj Gordon Bayron tug'ilganiga 200 yil to'lishi munosabati bilan qator gazeta va jurnallar sahifalarida shoirning “Don Juan” dostonidan Abdulla Sher aslyatdan bevosita o'giran parchalar bosildi. [1,17]

Shekspir ijodi hamisha butun dunyo xalqlarining diqqat markazida bo'lgan. Yurtimizda ham uning asarlarini bir to'plam hoida chiqarish va uni adabiyot ixlosmandlariga taqdim qilishdek sharafli vazifani buxorolik O'zbekiston xalq shoiri Jamol Kamol o'z bo'yniga olib, 1981-85-yillarda adibning 15 ta dramatik asaridan iborat besh jildlik tanlangan asarlarini “G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti”da chop ettirdi. Ushbular orasida mutarjimning o'zi tarjima qilgan “Qish ertagi”, “Qirol Genrix IV”, “Makbet”, “Koriolan”, “Venetsiya savdogari” kabi asarlari mavjud.

Keyinchalik “tarjimonning uch jildlik “Saylanma”si mustaqillik yillarida nashrdan chiqib, unda Shekspir ijodining yetuk, shoh asarlari sanalgan 12 drama va poema tarjimasi kiritilgan. “Saylanma”ning birinchi jildida “Qirol Lir”, Hamlet”, “Makbet”, “Afinalik Timon”, ikkinchi jildida “Romeo va Julyetta”, “Otello”, “Koriolan”, “Yuliy Sezar”, uchinchi jildida “Venetsiya savdogari”, “Qish ertagi”, “Qirol Genrix IV”, “Antoniy va Kleopatra” asarlari jamlangan. Ushbu tarjima ishlari ona tilimizga bevosita, ya'ni aslyatdan tarjima qilingan bo'lib, asarlar Uilyam Shekspir kulliyotining professor Uilyam Jeyms Kreyg tomonidan tayyorlanib, 1983-yilda Oksford universitetida chop etilgan

nashri asosida tarjima qilingan. [2,166-168] Bu kabi jahonning nodir asarlari xalqimiz ma'naviyatini boyitishda katta o'rin tutdi hamda keyingi tarjima ishlari uchun o'ziga xos namuna vazifasini o'tab berdi.

Mustaqillik erishganimizdan so'ng esa tarjimachilikka yanayam katta e'tibor qaratilganligining isboti sifatida quyidagi tarjima qilingan asarlarni misol qilib keltirishimiz mumkin:

1991-yilda Jamol Kamol Uilyam Shekspirning "Antoniy va Kleopatra", "Afinalik Timon", "Otello", "Hamlet" tragediyalarini, shoir Usmonxo'jayev Sidni Sheldonning "Orziqib kutaman ertani" romanini, Mirpo'lat Mirzo esa Ser Tomas Eliotning "Shaffof olim saltanatida" asarini, Amirqul Karimov Jon Steynbekning "Javohir" asarini o'zbek tilida bilvosita qayta yaratganlar. Shuningdek, 1996-yilda Dinora Sultonovanning asliyatdan bevosita tarjima qilgan ingliz shoirlarining ishlari "Farog'at" nomi ostida nashr etildi.

Ko'rib turganingizdek, o'zbek adabiyotida ingliz adabiyotidan qilingan tarjimalar katta o'rinni ishg'ol etgan va ularning salmog'i yil sayin oshib bormoqda. Yuqorida sanab o'tganimizdek, o'zbek kitobxonlariga qator zabardast adiblarning nomlari juda yaxshi tanish va albatta, bunda zahmatkash tarjimonlarimizning mehnatlari katta. Shuni ham ta'kidlab o'tish kerakki, yuqorida nomlari keltirib o'tilgan asarlaning aksariyat qismi bilvosita tarjima qilingan bo'lib, asosan, ular rus tilidagi tarjimadan kelib chiqqan. Ammo 90-yillarga kelib bevosita tarjimaga o'tish payti kelganligi, zamon talabi va kitobxonlar saviyasining oshib borishi natijasida va albatta, O'zbekistonning ko'p yillik orzusi bo'lgan mustaqillikka erishganimiz sharofati bilan ingliz tilidagi asarlar endi to'gridan to'g'ri o'zbek tiliga tarjima qilina boshlandi. Qayd etish lozimki, mamlakatimizning ko'p asrlik tarixi mobaynida juda ulkan badiiy-adabiy, tarixiy, etik-estetik, falsafiy, ilmiy, diniy asarlar o'zbek tiliga tarjima qilindi. Tarjima adabiyoti milliy adabiyot bilan yonma-yon turib, rivojlanib, elimizning g'oyaviy-estetik ehtiyojini qondirishda muhim ahamiyat kasb etib kelmoqda. Garchi ingliz-o'zbek tarjima jarayonining ibtidosi avvalo, bilvosita tarjima qilingan ijod namunalaridan boshlangan bo'lsada, yillar davomida ularning saviyasi va sifati oshib borishi bilan bir qatorda bevosita tarjima ishlari ham tobora ortib borgan va bu o'zbek tarjima san'ati taraqqiyoti uchun ayniqsa ahamiyatlidir.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Musayev Q. Tarjima nazariyasi asoslari, - T.: Fan, 2005. 18-b.
2. Saidov A. "Jahon adabiyoti" jurnali,-T.: O'qituvchi, 2008.4-son, 166-168-b.
3. Salomov G'. Tarjima nazariyasiga kirish.-T.: O'qituvchi, 1978. 24-b.
4. Salomov G'. Tarjima tashvishlari. – T.:G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti, 1983. 5-b.
5. Xayrullayeva N. "Teodor Drayzerning "Amerika fojiasi"dagi ruhiy fikrlarning yoritilishi". – M.: Internauka, 2017. -2-qism, 11-son, 88-b.
6. G'ofurov I. va b. Tarjima nazariyasi. – T.: Tafakkur bo'stoni, 2012. 91-b.

## ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ЎРГАНИШДА ТАРЖИМАНИНГ АҲАМИЯТИ ВА РОЛИ

*М.Т.Бабаев  
(БухДУ),  
В.Т.Бабаева  
катта ўқитувчи (БухДУ)*

**Аннотация.** Мақолада таржима тушунчаси кенг ёритилиб, таржима ҳақидаги турли хил қарашлар ва таржима жараёнида учрайдиган муаммолар, таржиманинг кенг қамровли аҳамияти кўплаб олимларнинг қарашлари орқали баён этилган.

**Аннотация.** В статье подробно рассматривается концепция перевода, разъясняются различные взгляды на перевод и проблемы, возникающие в процессе перевода, а также всесторонняя важность перевода с точки зрения многих ученых.

**Abstract.** The article discusses in detail the concept of translation, explains the different views on translation and the problems that arise in the translation process, as well as the comprehensive importance of translation from the point of view of many scholars.

**Калит сўзлар:** Таржима, таржима жараёни, интеллектуал, мутаносиблик, коммуникатив, менталитет.

**Ключевые слова:** перевод, переводческий процесс, интеллектуал, соразмерность, коммуникативность, менталитет.

**Key words:** translation, translation process, intellectual, proportionality, communication, mentality.

Бизга маълумки, бугунги кунда чет тилларини ўрганиш замон талабига айланмоқда. Замон билан ҳамоҳанг тарзда яшашни истаган ҳар бир маданиятли, зиёли шахснинг ҳозирги кунда ҳеч бўлмаганда 1 та чет тилини мукамал тарзда ўрганиши заруриятга айланди. Мамлакатимизда чет тилларини ўрганишга кенг йўл очиб берилиши ҳамда ҳукуматимизнинг тегишли фармонига биноан 1-синфдан чет тилларини ўқитиш тизимининг йўлга қўйилиши ва буни такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар фикримиз далилидир.

Ҳозирги даврда чет тилларини ўқитиш ва ўрганишнинг жуда кўп янги самарали метод ва усуллари мавжудки, уларнинг ҳар бирида ўзига хос афзаллик ва қулайликлар бор. Чет тилларини ўрганишда таржиманинг аҳамияти ҳақида сўз юритар эканмиз, эътиборингизни узоқ даврдан буён фойдаланиб келинаётган, бироқ айни вақтда анъанавий ва самарасиз деб топилган грамматик таржима методига қаратмоқчимиз. Шу ўринда таржима сўзига аҳамият беринг. "Таржима" тушунчасининг ўзи кўп маънолидир ва ўз ичига жараён (ақлий фаолият) ва бу жараённинг натижаси(нутқ асари, матн таржимаси)ни ўз ичига олади.

Таржима назариясининг асосчиларидан бири Л.С.Бархударов куйидаги таърифни беради: "Таржима жараёни деб бир тилдаги нутқ асарларини иккинчи бир тилга мазмунини, яъни маъносини ўзгартирмаган ҳолда ўзгартиришдир". О.С.Ахманованинг талқинича эса "Таржима бу айнан бир нутқ асарининг мазмунини бошқа бир тил воситалари билан маълумотларни етказишдир" Р.И.Галпериннинг фикрича "Таржима бу бир тилдаги маъно мазмуни ва стилистик хусусиятларини бошқа бир тил воситалари билан беришдир". Г.Б.Колпанский эса "Таржима аввало асл тилнинг тўлиқ ва адекват берилишига қаратилган, шунинг билан бирга тил, ижтимоий ва маданий импликацияларининг уйғунлигини ўз ичига олган муҳим коммуникатив фаолият турларидан бири" деб ҳисоблайди.

Таржима бу уйғун ва кўп қиррали фаолият бўлиб, бунда шунчаки бир тилнинг бошқаси билан алмашинуви содир бўлмайди. Таржимада турли маданиятлар, ҳар хил шахсиятлар, турлича менталитетлар, бошқа-бошқа удумлар, урф-одатлар ўзаро таъсир қилади. Таржима ушбу жараёнда иштирок этаётган тилларнинг ва ушбу тиллар тегишли бўлган маданиятларни ҳам бебаҳо маълумотлар манбаи ҳисобланади.

Таржима бир тилдаги матнни бошқа тилда яратишдан иборат адабий ижро тури сифатида талқин этилади. Демак, у миллатлараро халқлар ва давлатлараро мулоқотда кўприк вазифасини уддалайди. Таълим жараёнида тилни ўрганишда, айниқса, бошланғич билим олувчилар ўрганилаётган чет тили билан бир қаторда ўз она тилига ҳам эҳтиёж сезадилар. Улар ўрганилаётган ҳар бир сўз ва сўз бирикмасини англаш орқали чет тилини эгаллайдилар. Таржима нафақат бир сўз ёки иборанинг иккинчи тилда ифодаланиши, балки мантикий ва интеллектуал фикрлаш маҳсулидир. Бугунги замонда чет тилини ўқитиш ва ўрганиш жараёнида ўрганувчининг она тилидан иложи борица камроқ фойдаланишга эътибор берилмоқда. Кўпгина мутахассислар таржима методидан фойдаланиш ўқувчининг мулоқот қилиш ва тинглаш қобилиятини ривожлантиришда самарасиз деб ҳисобламоқда.

Бироқ таржима инсоннинг билиш қобилияти билан узвий боғлиқ бўлиб, гарчан ўқув машғулотларида таржимага урғу берилмасада, ўқувчи чет тилида қабул қилган информацияни ўз онгида ихтиёрий ёки ихтиёрисиз равишда ўз она тилига таржима қилади. Бу эса ўз навбатида ўқувчининг фикрлаш қобилиятига таъсир қилиб ўрганаётган чет тилини она тили билан қиёслаш, солиштириш имкониятини беради. Ўқувчи икки тилнинг ўхшашликлари ва тафовутини таҳлил қилади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, ўз она тилини яхши ўзлаштирмаган, бадий сўз бойликларидан беҳабар инсоннинг бошқа тилни ўрганишда кўпроқ қийинчиликка учраши ва айрим ҳолларда фақат сўзлашув тилини ўзлаштириши исботланган. Таржима жараёнида инсондан нафақат чет тилини билиш, балки, ана шу мамлакат маданияти ва ўзига хос жиҳатларидан боҳабар бўлиш талаб этилади. Илмий ва фан-техникага оид матнларни таржима қилишда таржимон ана шу соҳада етарли билим ва малакага эга бўлиши лозим.

Таржимон бадий асарни ўз она тилига ўгиришда асосий вазифа сифатида аслият руҳини, мазмунини сақлаб қолган ҳолда етказиб беришдир. Ўзбек таржимашунослик мактаби асосчиларидан Ғ.Саломов мутаржим бирон бадий асарни ўз она тилига ўгирар экан қуйидагиларга эътибор бериши лозимлигини таъкидлаб ўтган: "Бинобарин реалистик таржима талабига кўра, бошқа адабий муҳитда яратилган асарни "бус-бутун ўзимизники"га айлантириб юборишга, миллий мансублик ва ўзига хослик тушунчалари билан боғлиқ ашёларни эркин айирбошлашга керагидан ортиқ ружу қилиш ярамайди. Тилимизга ўгирилган асарда тасвирланган бошқа халқ моддий ва анъанавий ҳаётининг биз учун хайратомуз, ғалати томонлари ҳам ўрни ва меъёри билан сақланмоғи лозим". Таржимон таржимада адекватликка эришиш учун нафақат матн мазмунига, ундаги ибораларнинг маъносига эътибор бериши керак, балки коммуникатив функцияларни ҳам кўздан қочирмаслиги лозим.

Мавзудан чекинмаган ҳолатда шуни таъкидлаш лозимки, тилшунос Дафғ айтганидек таржима ўзига 3 та хусусият: мослик, аниқлик ва тўғрилиқни мужассам қилиши керак. Машғулотлар жараёнида таржимадан фойдаланиши ўқувчининг сўз бойлигини оширишдан ташқари, гап қурилмаси ва грамматик қоидаларни пухта эгаллаши, мантиқий фикрлаши ва ўзига бўлган ишончнинг ортишига ёрдам беради. Чет тилини ўқитишда таржимадан фойдаланиши эскирган усул бўлиб туюлиши мумкин, бироқ бу усулдан янгича йўналишда фойдаланиш ва уни қизиқарли амалга ошириш мумкин. Аввало, таржима учун мавзуга оид, ўрганувчининг ёши ва қизиқишларини ҳисобга олиб мавзу танлаш зарур.

Масалан, ўқув машғулотлари жараёнида ўқувчиларни 2-3 тадан гуруҳларга бўлиб, ёки жуфт бўлиб ишлаш орқали матнни таржима қилишга буюрилади. Ёки айни бир матнни барча гуруҳларга таржима қилишга бериш ва сўнг баҳс мунозара орқали қилинган таржималарни таҳлил қилиш, уларнинг хатоларини тузатиш ва таржимани умумлаштириш мумкин. Бу машғулотнинг қизиқ ўтишига ва мулоқотнинг қотиб қолмаслигига ёрдам беради. Матнни бўлақларга бўлиб, турли гуруҳларга тарқатиш орқали таржима қилиш ҳам яхши усул. Бу доимий индивидуал ишлашдан чекиниб, вақтни тежашга ёрдам беради.

Шунингдек, таржимадан дарсинг кириш қисмида ҳам самарали фойдаланиш мумкин. Янги мавзуга оид кичик матн, мақол ва ҳикматли сўзлар, шеър ва кўшиқлардан таржима қилиш учун ўқувчиларга бериш, янги мавзунини қизиқарли бошлаш ва ўқувчилар эътиборини жалб этишда яхши ёрдам беради. Бу каби усуллардан ўқитувчидан биров маҳорат ва ижодий фикрлаш талаб қилинади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Бархударов Л.С. Язык и перевод. Вопросы общей и частной теории перевода. Москва, Международные отношения, 1975.

2. Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. Тошкент, 1978.
3. Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. Тошкент, 1983.
4. М.П.Брадес. Стили перевода. Москва, 1988.
5. В.Н.Комиссаров. Теории перевода. Москва, 1989.

## ОНОМАСТИК ТАРКИБЛИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ТАРЖИМАШУНОСЛИКДАГИ ЎРНИ

*М.А.Раджабова*  
(БМТИ)

**Аннотация.** Ушбу мақолада муаллиф фразеологизмлар таркибидаги диний ономастик компонентларни инглиз, рус ва ўзбек тиллари мисолида таҳлилга тортган ҳамда қардош бўлмаган тилларда уларнинг миллий хусусиятини сақлаган ҳолда таржима қилишга доир олимларнинг қарашларини келтириб, уларга муносабат билдирган. Шунингдек, ономастик бирликларнинг таржимашуносликдаги ўрни, уларнинг фразеологизмлар таркибидаги вазифаларини муҳокама қилган.

**Аннотация.** В данной статье автор анализирует религиозные ономастические компоненты в структуре фразеологизмов на примере английского, русского и узбекского языков, а также приводя взгляды ученых о переводах при сохранении национального характера ономастических единиц на неродственные языки, выражает отношение к ним. Также, обсуждается роль ономастических единиц в переводоведении, их функции в структуре фразеологизмов.

**Abstract.** In this article the author has analyzed the religious onomastic components in the structure of phraseological units of English, Russian and Uzbek languages, and also, citing the views of scientists about translations preserving the national features of onomastic units into unrelated languages and expressed the attitude towards them. Also, it is discussed the role of onomastic units in translation studies, their functions in the structure of phraseological units.

**Калит сўзлар:** ономастик бирлик, фразеологизм, Қобил, Ҳобил, Нух, Холик, Иуда.

**Ключевые слова:** ономастическая единица, фразеологизм, Каин, Авель, Ной, Бог, Иуда.

**Key words:** onomastic units, phraseological units, Cain, Abel, Noah, God, Judas.

Таржима халқлар, миллатлар орасидаги кўп йиллик алоқа воситаси бўлиб, икки ва ундан ортиқ миллат вакилларининг маданияти ва кўп асрлик тарихи ҳақида маълумот олишда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунга келиб таржиманинг миллат ва жамият тараққиётидаги роли янада ортиб бормоқда. Таржима орқали бир-бирига қардош бўлмаган халқлар ўзга

халқларнинг яшаш тарзи, маданияти, тарихи, жамиятдаги ютуқлари билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Ҳар бир халқнинг сўзлашув тилида ўзига хос миллий бойликлари борки, улар асрлар оша авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтади. Шундай бойликлар орасида ономастик бирликлар ва ономастик компонентли фразеологик бирликлар тил эгаси бўлган халқнинг маънавий маданиятини, урф-одати, касби, яшаш шароити, интилиши, воқеликка муносабати билан узвий боғлиқдир<sup>102</sup>.

Таржимашуносликда ономастик бирликлар ҳанузгача тилшунос олимларнинг назаридан четда қолган эмас. Ономастик компонентли фразеологизмлар таржимаси таржимон учун ҳам, тадқиқотчи учун мураккаб жараёнлардан ҳисоланади. Ғ.Саломов айтганидек, «таржима тенг қийматли, тенг сифатли бўлиши лозим. Бинобарин, таржимон ҳам муаллиф билан бўйлаша ва беллаша оладиган «эквивалент ижодкор» бўлмоғи даркор»<sup>103</sup>.

Охирги йилларда миллий бўёқдор фразеологизмларнинг таржимасига бағишланган тадқиқотларнинг сони орта бошлади. Мазкур тадқиқотларда фразеологизмларнинг асосан миллий-лисоний хусусиятлари икки ёки уч тил доирасида қиёсий ўрганилган. Масалан, Г.И.Мансурова<sup>104</sup>, Н.К.Абдыракматова<sup>105</sup>, Ф.С.Азизова<sup>106</sup>, Л.Э.Холмурадова<sup>107</sup>, Ш.П.Рахимова<sup>108</sup>, З.Қ.Тешабоева<sup>109</sup>, Н.А.Тўхтаходжаева<sup>110</sup>ларнинг ишлари шулар жумласидандир.

Таржима жараёнида фразеологизмларнинг миллийлик хусусияти сақланиши лозим, тилшунос олима З.Қ.Тешабоева айтганидек, «ҳар бир барқарор бирикма китобхонга тарихий шахс ва воқеа-ҳодисалар ҳақида маълумот олиш ва уларни хотирада сақлаш имкониятини беради»<sup>111</sup>.

---

<sup>102</sup>Ўйлошев Б., Ўринбоева Д. Ўзбек халқ дostonларининг частотали изоҳли фразеологик луғати. – Самарқанд, 2013. – Б. 3.

<sup>103</sup>Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1983. – Б. 49.

<sup>104</sup>Мансурова Г.И. Когнитивный аспект перевода фразеологических единиц. Афтореф. дисс. канд. филол. наук. – Уфа, 2006. – 29 с.

<sup>105</sup>Абдыракматова Н.К. Особенности межъязыковой транспозиции фразеологических единиц (исследования лингвокультурологической специфики переводов романа Ч.Айтматова «И дольше века длится день» на немецкий и кыргызский языки): Афтореф. дисс. канд. филол. наук. – Бишкек, 2011. – 166 с.

<sup>106</sup>Азизова Ф.С. Олий таълим муассасалари талабаларига инглиз тили фразеологизмларини ўргатишнинг лингвомаданий хусусиятлари (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида). Филол. фанл. бўйича фалс. докт. (PhD) афтореф. – Тошкент, 2018. – 56 б.

<sup>107</sup>Холмурадова Л.Э. Инглиз ва француз тилларидаги образли ва мотивлашган тематик-идеографик талқини (лингвомаданий аспект): Филол. фан. бўйича фалсафа докт. (PhD) дисс. афтореф. – Тошкент, 2017. – 50 б.

<sup>108</sup>Рахимова Ш.П. Инглиз тили идиоматик ибораларини ўзбек тилига ўгиришнинг лисоний хусусиятлари: Филол. фанл. бўйича фалс. докт. афтореф. – Тошкент, 2019. – 48 б.

<sup>109</sup>Тешабоева З.Қ. «Бобурнома»нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалсафа докт. (PhD) дисс. афтореф. – Тошкент, 2017. – 44 б.

<sup>110</sup>Тўхтаходжаева Н.А. Бадиий таржимада лингвокультуремаларнинг ифодаланиши (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида): Филол. фан. бўйича фалсафа докт. (PhD) дисс. афтореф. – Тошкент, 2017. – 42 б.

<sup>111</sup>Тешабоева З.Қ. «Бобурнома»нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалсафа докт. (PhD) дисс. афтореф. – Тошкент, 2017. – Б. 17.



Ономастик бирликлар дастлаб ўз маъносида ишлатилиб, кейинчалик фразеологизмлар таркибида тимсолий маъно касб эта борган. Масалан, О.К.Мжельская ўзининг тадқиқотларида **Иуда** – «*сотқинлик*» рамзи, **Авель**– «*айбсиз қурбон*», **Фома** – «*бадгумон, ишончсиз кишилар*», «*қайсар инсон*» тимсоли сифатида ифода этади<sup>112</sup>. Аслида ҳам, Инжил ривоятларига асосланадиган бўлсак, Иуда Исо (а.с.)нинг ўз шогирди Искариот номидан келиб чиққан. У ўз устози Исога хиёнат қилиб, диний таълимотларда «*сотқинлик*» рамзи сифатида ном қолдирган. Иуданинг номи билан боғлиқ фразеологизмларнинг шаклланиши ҳам шу ривоятлар билан боғлиқ. Инглиз тилида «**(a) Judas kiss**» фразеологизмни рус тилига «**поцелуй Иуды**» деб таржима қилиш мумкин, лекин, ўзбек тилига бу икки фразеологизмни «*Иуданинг бўсаси*» деб таржима қилиш нотўғри, бизнингча. Чунки, Иуда ўзбек менталитетига нотаниш тимсол. «**(A) Judas kiss**», «**поцелуй Иуды**» фразеологизмларини ўзбек тилига «*хоинлик*», «*мунофиқлик*», «*сотқинлик*» деб таржима қилиш мумкин ёки **Авель** ва **Каин** тимсолларини таҳлил қилсак, христианларнинг китоби Инжилда улар ака-ука сифатида тилга олинади. Ислом динининг каломи Қуръони Каримда ҳам **Қобил (Каин)** ва **Ҳобил (Авель)** Одам (а.с.)нинг ўғиллари деб таълимот берилади. Диний карашларга кўра, Каин (Қобил) ўз укаси Авель (Ҳобил)ни ўлдириб, инсоният тарихида оғир гуноҳ-қотилликка қўл уради ва дин тарихида «*қотил*», «*жиноятчи*», «*сотқин*» деб ном қолдиради. Кейинчалик, бу тимсолий номлар асосида халқ орасида «**Cain-coloured**» - «**рыжий**» - «**малларанг**» (Каин малларанг соқолли инсон кўринишида тасвирланган), «**(the) brand of Cain**» - «**Каинова печать**» - «**жиноятнинг ташқи белгилари**» каби фразеологизмлар шаклланган.

Fonetik oʻzgarishli soʻzlarning deyarli barchasida hissiy taʼsirchanlik, emotsional boʻyoq, jozibadorlik, ohangdorlik kabi qator konnotativ maʼnolar ifodalanadi. Ushbu hodisalar ingliz tilida oʻzbek tilidagidek qofiyani rostlash, ritm, tarixiylik, soʻzlashuv nutqida esa qoʻshimcha boʻyoqlarni hosil qiluvchi tasviriy vosita sifatida ahamiyatlidir.

### **Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati:**

1. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. –М.: Просвещение, 1999. – С. 202-211.
2. Boboxonova L.T. Ingliz tili stilistikasi. –Т.: Oʻqituvchi. 1995. – 140 b.
3. Гальперин И.Р. Стилистика английского языка. –М.: Высшая школа. 1981. – С. 312.
4. Haydarov A.A. Fonetik oʻzgarishning vazifasi // Oʻzbek tili va adabiyoti. – Т.: 2006. №6. – 75-77 b.
5. Hojiyev A. Lingvistik terminlarning izohli lugʻati. –Т.: Oʻqituvchi. 1985. -В. 17.
6. Shoabdurahmonov Sh. Tovush almashishi // Oʻzbek tili va adabiyoti. –Т.: 1961. №5. – 43-45 b.

## **НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЎРМОНЧИЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ДИАХРОН ВА СИНХРОН ТАДҚИҚИ**

*Г.А.Тилова  
(Тошкент давлат аграр университети)*

**Аннотация.** Ушбу мақола немис ва ўзбек тилларида ўрмончилик терминларининг диахрон ва синхрон тадқиқига бағишланади. Унда ўзбек ва хорижий тиллар тилшунослигида олимларнинг ўрмончилик соҳасида олиб борган тадқиқот ишлари шунингдек, тилшуносликдаги аҳамияти ҳамда ўрмончилик терминологияси устида изланишлар олиб боришнинг долзарб аҳамияти ҳақида фикр юритилди. Бугунги кунга қадар асосан, ўзбек ва рус тилшуносларининг ушбу соҳа юзасидан немис ва инглиз тиллари билан

чоғиштирма аспектда илмий изланишлар олиб борганлиги диахрон тадқиқ этилди.

**Аннотация.** Данная статья посвящён диахроническому и синхронному изучению лесных терминов на немецком и узбекском языках. Обсуждалась исследовательская работа ученых в области лесоводства на узбекском и иностранных языках, а также важность лингвистики и важность исследований по лесной терминологии. На сегодняшний день, в основном узбекские и русские лингвисты провели исследования в этой области на сравнительном аспекте с немецким и английским языком.

**Abstract.** This article is devoted to the diachronic and synchronous study of forestry terms in German and Uzbek. It discussed the research work of scientists in the field of forestry in Uzbek and foreign languages, as well as the importance of linguistics and the importance of research on forest terminology. Today, mainly Uzbek and Russian linguists have conducted research in this area using the comparative method with German and English.

**Калит сўзлар:** Ўрмончилик терминологияси, диахрон ва синхрон тадқиқ, чоғиштирма аспект.

**Ключевые слова:** Лесная терминология, диахроническое и синхронное исследование, сравнительный аспект.

**Key words:** Forestry terminology, diachronic and synchronous research, comparative aspect.

Ўрмончилик терминлари немис ва ўзбек тилларида қиёсий чоғиштирма аспектда ўрганилмагани боис тадқиқот ишида кўп изланишлар олиб боришга тўғри келди. Биринчидан, ўрмончилик, халқ хўжалигида шундай етакчи соҳаки, у дунё миқёсида жуда муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, Германия ҳам дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидан бири сифатида, Ўзбекистон билан жуда кўплаб соҳалар юзасидан узоқ йиллардан бери мустаҳкам дипломатик алоқаларни ўрнатиб келади. Жумладан: енгил саноат, оғир саноат, фармацевтика соҳаси, илм-фан, техника, қишлоқ хўжалиги соҳаларида.

Тошкентда 1997 йилдан бери Гёте институти икки давлат ўртасидаги илмий, маданий, маърифий, халқаро алмашув муносабатларини ва бошқа дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш учун фаолият юритиб келади. 1995 йилда ташкил қилинган „Logoev.de“ фонди, турли қишлоқ хўжалигига ихтисослашган мамлакатлар ўртасида тажриба алмашувларига мўлжалланган бўлиб, кўплаб давлатларни ўз ичига олган эди. Тошкент давлат аграр университети ҳам шу фонд билан узоқ йиллар ҳамкорлик қилиб, ҳар йили қарийб юздан ортиқ талабалар Германияда қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида амалиёт ўтаб келишга муваффақ бўлди. 2014 йилдан „Agroimpuls“, 2018 йилдан эса „AZ-Germany“ „Praxx“, „Work and travel“, „Praktikum people“ дастурлари бўйича мақсадли тажриба алмашувлар йўлга қўйилди. Бу каби тажриба алмашувлар тилшуносликнинг терминология бўлимига ҳам таъсир этмасдан қолмади.

Чунки ўрмончилик терминларининг тез-тез ишлатилиши, нутқимизга кириб келиши, ҳамда қўлланилиши шу соҳа терминларини ўрганишни талаб этди. Ўрмончилик терминлари ҳам катта лексик фондга эга. Бироқ, у икки бирига қариндош бўлмаган немис ва ўзбек тилларида қиёсий типологик аспектда ўрганилмагани боис, у лексик фонд ҳалигача лингвистикада аниқланмаган. Ўрмончилик терминлари немис ва ўзбек тилларида ўз дунёқарашига эга бўлиб, албатта, техник тараққиёт ютуқларини, илмий асосланган тушунчаларни терминологик майдонда ифода этишга хизмат қилади. Жамият ва ижтимоий ҳаётнинг ривожланиши ўрмончилик соҳасида янги сўз ва терминлар пайдо бўлишига замин яратади.

Маълумки, сўнгги йилларида ўзбек тилшунослигида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Терминларга бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ошиб боргани сари тилшуносликнинг терминология соҳасида кўплаб илмий изланишлар олиб боришни тақозо қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 11 майдаги ПҚ 2966 сонли “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига кўра, ҳудудларда ўрмон фонди ишларини ташкил этиш ва бошқариш самарадорлигини ошириш, жумладан, ўрмонларни кўпайтириш, муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланишни такомиллаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси ҳамда Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ўрмон хўжалиги бошқармаларини ташкил этиш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига илгари юкланган вазифалар билан бир қаторда, янгидан яратилган манзарали ўсимликлар навлари кўчатлари ва экиш материалларини сертификатлаш ва стандартлаштириш, уларни етиштиришни ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш, жумладан, юқори қўшилган қийматли халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ушбу соҳага халқаро молия институтлари грантларини жалб этиш, ўрмон хўжалиги соҳаси ташкилотларини малакали олий, ўрта ва кичик бўғин кадрлари билан таъминлашни такомиллаштириш бўйича ягона тизимни жорий этишга йўналтирилган қўшимча вазифалар юкланмоқда [10].

Терминларни тартибга солиш, уларни бир тизимга (система) боғлаш турли соҳадаги терминларнинг луғат сифатида шакллантирилишига сабаб бўлди. Бинобарин, биз умумий ҳолда, қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларига оид бўлган терминларнинг олимларимиз томонидан тадқиқ этилганини қуйида тақдим этишни лозим топдик. Ўрмончилик терминларининг асосий қисмини дарахт ва буталарнинг номлари ташкил қилгани боис, умумий тавсифига кўра ўсимликлар ономастикаси ҳам ўрганилди. Дарҳақиқат, туркий тилларда ўсимлик номлари монографик аспектда кенг тадқиқ этилган. Туркий тиллар ва олтой тилларида ўсимлик номларининг қиёсий тадқиқи, шунингдек мўғул тили қатламлари борасида

Л.В.Дмитриеванинг тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга молик [4]. Ўрмончилик терминологияси илк бор рус тилида Н.Н.Сперанская [9] томонидан тадқиқ этилди. Н.Н.Сперанская асосан Ўрмончилик институтларининг факультетларида таҳсил олаётган талабаларга ўтилатган дарсликларда, ўқув қўлланмаларда ўрмончилик терминларининг лексик матнларда қандай вазифа бажариб келиши, ўрмончилик терминларининг асосий лексик-семантик хусусиятларини фақат рус тилида тадқиқ этган. Бошқа тил билан қиёсий таҳлил қилмаган. Татар ва инглиз тилларида “Ўрмон” дендронимик лексикаси Э.В.Гиззатуллина [3] томонидан қиёсий тадқиқ қилинди. Э.В.Гиззатуллина ўз диссертациясида “Ўрмон” лексикасининг терминологик майдонда таркиби ва тузилишини, татар ва инглиз тилларида дендронимларнинг номинацион birlikларини қиёсий тадқиқ қилди. А.Р.Хисматова “Дендронимлар бошқирд ва немис тилларида” [11] номли диссертациясида асосан қиёсий-типологик ёндашувда дарахт ўсимликларини номинацион принципларини, уларнинг деривацион тузилишини, бундан ташқари дендронимларни фақат лексик birlik сифатида эмас, балки маданий аҳамиятга эга тушунчалар билан ажралиб туришини тадқиқ қилди. Чуваш тилида дарахт, ўт-ўлан номлари ва уларнинг этимологиясини Ю.К.Дмитриева [5] рус лаҳжаларида бошқирд ўрмон лексикасини Г.М.Курбанғалиева [7], тахта саноатига оид рус тили лексикаси М.В.Холодина [12] томонидан ўрмонларни кесиш асбоб-ускуналари, тахта саноатига оид тўпланган лексиканинг структур-семантик, ономаσιологик ва полипарадигмал ёндашувда тадқиқ этган.

Кўп изланишларим натижасида шунга амин бўлдимки, ўрмончиликка оид бўлган терминларнинг ўрганилиши, тадқиқ этилиши жуда долзарб бўлиб, айнан бу мавзу Ўзбекистонда етарлича ўрганиб чиқилмаганлиги маълум бўлди. Бироқ ўзбек тилшунослигида дарахт ва мева номлари ботаник, лексикографик жиҳатдан яъни, икки тилни қиёслаш нуқтаи назаридан эмас, балки умумий ҳолда Ўзбек ботаника терминологияси масалалари С. Саҳобиддинов, Қ. Зокиров, Х. Жамолхоновлар томонидан ўрганилди [8]. А.К. Боровков [2], Ю. Ишонкулов [6], Б. Бафоевларнинг [1] тадқиқотларида айрим дарахт ва мева номларининг тарихий-этимологик хусусиятлари тадқиқ этилган.

Хулоса қилиб айтганда, тил терминологиясини ривожлантиришда, терминлардан, яъни тилнинг бойиш манбасини тўғри қўллаш барча тиллар терминологияси учун энг муҳим саналади ҳамда мураккаб масалалардан бири ҳисобланади. Илм-фан, техника тараққий этар экан, тилимизда янги-янги терминларнинг пайдо бўлиши давом этаверади. Уларни нутқимизда тўғри ва мақсадли ишлатишимиз ҳар бир инсоннинг нутқий маъданияти қай даражада эканлигига боғлиқ бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Бафоев Б. Кўхна сўзлар тарихи. Тошкент, Фан. 1991.

2. Боровков А.К. Названия растений по Бухарском списку “Мукаддимат ал-адап”// Тюркская лексикология и лексикография. Москва, Наука. 1971. 96-111. с.
3. Гиззатуллина Э.В. Сопоставительное исследование дендронимической лексики терминополья "Лес" в татарском и английском языках. Автореф.дис. ... канд.филол.наук. Казань, 2005.
4. Дмитриева Л.В. Названия растений в тюркских и других алтайских языках. / Очерки сравнительной лексикологии алтайских языков. Ленинград, 1972. 151-223с.
5. Дмитриева Ю.К. Названия деревьев в чувашском языке/ Проблемы исторической лексикологии чувашского языка. Чебоксары, 1980. 28-36 с.
6. Ишонкулов Ю. Опыт историко-этимологического анализа названий плодов в узбекском языке: Автореф. дис. ...канд.филол.наук. Ташкент, 1977.
7. Курбангалиева Г.М. Лексика леса в русских говорах Башкирдии. Автореф.дис. ... канд.филол.наук. Уфа, 2001.
8. Сахобиддинов С., Зокиров Қ., Жамолхонов.Ҳ. Ўзбек ботаника терминологияси масалалари. Тошкент, 1966.
9. Сперанская Н.Н. Лесохозяйственная терминология. Автореф.дис. ... канд.филол.наук. Ленинград, 1984.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 11 майдаги ПҚ – 2966 сонли “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил, 13 майдаги 95 (6789) сони.
11. Хисматова А.Р. Дендронимы в башкирском и немецком языках. Автореф.дис. ... канд.филол.наук. Уфа, 2005.
12. Холодина М.В. Лексика русской лесопильной промышленности: полипарадигмальный подход. Автореф.дис. ... канд.филол.наук. Красноярск. 2009.

## **ОНА ТИЛИ ВА ЧЕТ ТИЛИНИ КИЁСЛАБ УКИТИШ ОРКАЛИ ЭСТЕТИК ДУНЁКАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

*М.Ш.Шарипова*  
(БМТИ)

**Аннотация.** Ушбу илмий мақолада она тили ва чет тилини киёслаб уқитишнинг самарали имкониятлари ва ютуқлари ёритилади. Дунёқараш ва ахлоқнинг шаклланиши ва ижтимоий аҳамият касб этишида фан, кадриятлар, маънавий тараққиёт, дин, иқтисодий билимларнинг ўрни бекиёслигига эътибор қаратилади. Шунинг учун ёшлар ахлоқий дунёқарашини ривожлантиришда фан ютуқлари, миллий ва умуминсоний кадриятлар, маънавий мерос, диний манбалар ва иқтисодиётнинг тараққиёт

конунларига таяниш мақсадга эришишни тезлаштириши алоҳида таъкидланади.

**Abstract.** Progressive opportunities and achievements of comparative teaching of a native language with a foreign language are described in this scientific article. In the article it is explained that science, traditions, spiritual development, religion and economic knowledge – they all are urgent in the process of forming of worldview and morality.

**Аннотация.** В этой научной статье описывается эффективные возможности и достижения сопоставительного обучения родного языка и иностранного языка. Основное внимание уделяется главному аспекту актуальности науки, традиций, духовного развития, религии и экономического образования в развитии мировоззрения и поведения. Таким образом, особо уделяется внимание формированию мировоззрения молодого поколения на основе научных достижений, человеческих достоинств и духовного развития.

**Калит сўзлар:** Киёслаб укитиш; эстетик дунёкарашни шакллантириш; эстетик идеал; илм-фан ютуқлари; қиёсий типология; грамматика; лексикология; фразеология; лингвокультурология; педагогик фаолият

**Key words:** Comparative teaching; forming esthetic worldview; esthetic ideal; achievements of science; comparative typology; grammar; lexicology; phraseology; linguoculturology; pedagogical activity

**Ключевые слова:** Сопоставительное обучение; эстетическое мировоззрение; эстетический идеал; научные достижения; сравнительная типология; грамматика; лексикология; фразеология; лингвокультурология; педагогическая деятельность

Жаҳон ҳамжамиятида муносиб урин эгаллаган, жадаллик билан ривожланиб бораётган ҳамда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни жадал суръатлар билан бораётган мамлакатимизда ҳозирги шароитда ҳар бир мутахассисдан юксак маънавий-ахлоқий салоҳият, мукамал билим, юқори малака ва маҳорат талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти таъкидлаганидек, “Биз олдимизда қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ”. [2]

Республиканинг Мустақиллик давридаги ижтимоий ва маданий ҳаётидаги ижобий сифат ўзгаришлари чет тилларни ўқитишда ҳам ўз аксини топди. Юртимизда чет тилларни ўрганиш талаба-уқувчилар билимларининг ошишига, уларнинг маданий ривожланишига ва маънавий дунёсининг бойишига тurtки булади. «Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти интеграциялашуви даврида ёшларимиз мустақил фикрлайдиган, юксак

интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши»[1] республикамизнинг олий таълим муассасаларида она тили ва чет тилларининг қиёсий типологияси грамматика, лексикология, фразеология, лингвокультурология соҳасидаги билимларнинг янада юқори даражада ўрганилишида уз аксини топганлиги барчамизга маълум. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг 2017 йилнинг 7 февридаги «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси ҳақида»ги ПФ– 4947 сон фармони, 2017 йилнинг 20 апрелидаги «Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш ҳақида»ги ПҚ-2909–сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йилнинг 8 августидagi «Таълим муассасаларида чет тилини ўқитишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори, бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майда эълон қилинган ПҚ-4797-сон фармонида ҳамда мазкур соҳа бўйича қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ҳар биримиз масъулдирмиз, зеро, фуқаро сифатида биз, педагогларнинг пировард мақсадимиз демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда уз хиссамизни кушишдир ва бу ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз хисобланади.

Ҳар томонлама юксак ривожланишда давом этаётган Ватанимиз келажаги бўлажак мутахассисларнинг ҳар томонлама баркамоллиги, касбий маҳоратига, ижтимоий-маънавий фаоллигига, ақлий, ахлоқий, эстетик, руҳий ва жисмоний тайёргарлигига боғлиқ. Булажак мутахассисларнинг ўзида гўзал табиат, мукамал жамият ва ижтимоий ҳаёт, сермахсул меҳнат тўғрисидаги тасаввурларини шакллантириш, инсоннинг оламга, узига ва бир-бирига, турмушга, ишлаб чиқаришга, фаолиятга муносабати, дунёдаги ўрни, ижтимоий йўналиши ва ўзлигини англашга даъват этувчи – ахлоқий-эстетик дунёқарашини тугри ривожлантириш ҳар бир уқитувчининг энг асосий педагогик ҳамда фуқаролик бурчидир.

Олий таълим муассасаларида чет тилини, хусусан, инглиз тилини ўқитиш жараёнида тил компонентларига алоҳида эътибор қаратиш жоиздир, чунки, барчага маълумки, инглиз тили сузлари жуда куп маъноли, серкирра ва контекстан келиб чиқиб таржима қилинади. Инглиз тилида бир суз бир вақтнинг узидида бир неча маънони ифодалаши мумкин, буни эса биз фақат контекстдаги маъносига кура ажратиб оламиз ва таржима қиламиз. Инглиз тилининг бу жихатига айникса, нофилологик олий таълим муассасаларида катта эътибор қаратиш лозим. Мисол тариқасида инглиз тилидаги “character” сузини оладиган булсак, бу суз жуда куплаб маъноларни англантиши мумкин. Бу суз, агарда:

- адабиёт соҳасида ёки бадиий асарда кулланиладиган булса, у ”бадиий қаҳрамон , персонаж” маъносини ифодалайди.



- агар “character” сузи психология соҳасида кулланиладиган булса, у “инсоннинг характери, феъл-атвор” маъносини ифода этади.
- ушбу суз агар информатика ва информацион технологиялар соҳасида кулланиладиган булса, у холда “элемент, белги” маъносини ифода этиб келади.
- кимё соҳасида эса ушбу суз моддаларнинг айрим хусусиятларини, курсаткичларини ифода этади.
- тилшунослик ва филология соҳасида эса ушбу серкирра суз “харф, имло” деган маъноларни ифода этиши мумкинлигини эътиборга олиб айтиш жоизки, инглиз тилида сузларнинг маъноси, таржимаси катъий равишда контекстга боғлиқдир ва нофилологик олий таълим муассасаларида чет тилини, хусусан, инглиз тилини уқитиш жараёнида терминлар ва куп маъноли сузларнинг хусусиятини ҳисобга олиш ниҳоятда зарурдир. Чунки, нофилологик олий таълим муассасаларида, мисол килиб айтадиган булсак, кимё йуналишида таҳсил олаётган талабаларга дарс жараёнида бу сузни “персонаж”, ёки “харф, белги” деб эмас, балки айни (!) маъносида етказиб бериш жуда ҳам муҳимдир. Акс холда матн маъноси узгариб, хатто бузилиб кетади.

Бу каби узига хос хусусиятга эга сузлар инглиз тилида жуда ҳам куп, ва уларни соҳама-соҳа ёритиш чет тилини, хусусан, инглиз тилини уқитишда долзарб мавзу булиб қолади. Шундай килиб, олий таълим муассасаларининг мутахассислар тайёрлаш сифатини таъминлашда ва ҳар жихатдан таълим самарадорлигини оширишда профессор-уқитувчиларнинг роли бениҳоя катталиги ҳеч кимга сир эмас. Шу жихатдан, биз муттасил равишда таълим самарадорлигини оширишда маълумотни танлаш ва унинг мазмунини узлаштириш, шунинг билан бирга, таълим мақсади ва натижаси уртасидаги тафовутни камайтириб боришимиз лозимдир. Биз олий таълим муассасаларида талабаларга чет тилини ургатар эканмиз, бунда жаннатмакон диёримизда муомала маданияти, миллий кадриятларимиз, менталитетимизнинг узига хос нодир кирраларини йукотмаган холда жаҳон цивилизациясининг таъсири, умуминсоний кадриятлардан холи булмаган бошқарувчилар катламини шакллантириб, уларнинг фаолияти оркали адолат, инсонпарварлик ва демократия асосларини инсонлар онгига ҳамда фаолиятига сингдиришимиз зарурдир.

Инсон тугилибдики, унинг дунёқараши мукамаллашиб боргани сари ўз олдига эзгу мақсадлар қўяди, унга эришиш учун тинмай ижодий меҳнат қилади ва уз навбатида, атрофдагиларни ҳам шунга ундайди. Чет тилларини уқитиш оркали укувчи-талабаларнинг, биринчи уринда, Она-Ватанга чексиз меҳр-муҳаббатининг ошишига, иймон-эътиқодли бўлишга, Ўзбекистоннинг буюк келажagini яратишда фаол иштирокчи бўлишига ундаш педагогнинг бош мақсади ҳисобланади, зеро, инсон биринчи навбатда уз Ватанини, уз она тилини севмай туриб, узлигини, уз маданиятини чуқур англамай туриб, бошқа тил ёхуд маданиятни сева олмайди, уз она тилини билмай туриб, узга тилни ургана олмайди!

Дунёқараш шахснинг онгли равишда тўпланган, изоҳланган, маънавий-моддий ҳаёт учун зарур бўлган билимлар йиғиндисини ташкил этади, инсон ўз дунёқарашини ёрдамида олам ва одам тўғрисидаги барча маълумотларга эга бўлиб, соғлом ақлга, тафаккурга, мукаммал ҳаёт ҳақидаги билимларни эгаллайди. Унинг инсон ва жамият тараққиётидаги ўрнини, аҳамиятини англаб етади. Дунёқараш одамларнинг турмуш тарзи, ҳаёти, ахлоқ-одоби, маънавияти ва маданиятини ўзида мужассамлаштирган билимлар манбаи сифатида намоён бўлади, дунёқараш ахлоқ, ҳуқуқ, экология, нафосат, тарих каби тушунчалар билан бевосита алоқадор ва боғлиқ. “Дунёқараш – табиат, ижтимоий жамият, тафаккур ҳамда шахс фаолияти мазмунининг ривожланиб боришини белгилаб берувчи диалектик қарашлар ва эътиқодлар тизимидир. Мазкур тизим доирасида ижтимоий-ғоявий, фалсафий, иқтисодий, табиий-илмий, маънавий-ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий ва экологик билимлар негизида шаклланган эътиқодлар асосий таркибий унсурлар сифатида намоён бўлади”[3]. Бунда дунёқараш асосидагина инсоннинг атроф борлиққа, ижтимоий-иқтисодий ҳаётга, кишиларга, фаолиятга, инсоний ва фуқаролик бурчларга нисбатан онгли муносабатини таъминлаш учун хизмат қилади. “Дунёқараш олам ва одам ҳақида бир бутун қарашлар, ғоялар тизимини яратади. Энг муҳими, инсоннинг оламга муносабати, умумий тушунчаси, дунёдаги ўрни, моҳияти, ҳаётини йўналишини, ўзлигини англаш каби саволларга жавоб беради. Зеро, дунёқараш инсониятни ўтмиш мероси, ҳозирги ҳаёт ва бунда шароитлар, тизимларнинг англаб олинган қадриятдир. Дунёқараш кишиларнинг турмуш тарзи, ҳаёти, ахлоқ-одоби, маданиятини ўзида мужассамлаштирган тасаввур ва билимлар йиғиндисидир”. [4]

Таълим муассасаларида она тили ва чет тилларни киёслаб уқитиш орқали талабаларда ватанпарварлик, инсонпарварлик, адолатпешалик, иймон-эътиқодлилиқ, табиатни асраш, жамият қонунларига ҳурмат, мамлакат мустақиллигини қўллаб-қувватлаш, урф-одатларимиз, умуминсоний қадриятлар, расм-русумларга садоқатли бўлиш каби фазилатларини сингдириш-- бу ҳаммаси дунёқараш билан боғлиқ ва шунинг ўзи ахлоқ, ахлоқий тарбия билан чамбарчас боғланган. Талабаларга чет тилини ургатиш баробарида уларни Ватанга, жамиятга, меҳнатга, ўз-ўзига, жамоага, ўз хатти-ҳаракати ва фаолиятига муносабатини шакллантириш энг асосий ва долзарб масала ҳисобланади. Бинобарин, ёш авлодда аҳиллик, ҳамкорлик, ҳалоллик, поклик, бурч, виждон, эътиқод, иймон, олийжаноблик, фидойилиқ, Ватанга муҳаббат, элни эъзозлаш, ростгўйлик, ўз шаъни, ғурурини ҳимоя қилиш каби юксак инсоний фазилатларни тарбиялаш энг олий бурчимиздир.

Дунёқараш ва ахлоқнинг шаклланиши ва ижтимоий аҳамият касб этишида фан, қадриятлар, маънавий тараққиёт, дин, иқтисодий билимларнинг ўрни бекиёсдир. Шунинг учун ёшлар ахлоқий дунёқарашини ривожлантиришда фан ютуқлари, миллий ва умуминсоний қадриятлар, маънавий мерос, диний манбалар ва иқтисодиётнинг тараққиёт қонунларига

таяниш мақсадга эришишни тезлаштиради. Бунда асосий эътибор ушбу омиллардан хабардорлик эмас, амал қилишга эътиборни қаратиш зарур.

Хеч кимга сир эмаски, ҳар доим эстетик дунёқараш ахлоқий дунёқараш билан ҳамоҳанг булиб келган, ахлоқан баркамол инсон, эстетик онг, эстетик ҳис-туйғу, эстетик идеалга эга бўлган шахс ҳамдир. Чунки эстетик идеал мазмунида нафосат, мукаммалик, адолат, олижаноблик, инсонпарварлик, миллатпарварлик, халқсеварлик каби фазилатлар ҳам мужассамлашган. Айнан шу боисдан ҳам ахлоқий хатти-ҳаракат, ахлоқий муносабатлар, ахлоқий урф-одатлар, муомала маданияти гўзаллик нуқтаи назаридан идрок қилиниб баҳоланса, эстетик юксалиш инсонни ахлоқий баркамолликка тайёрлайди.

Хулоса урнида айтиш жоизки, она тили билан чет тилини киёслаб ургатиш суз санъати, суз сеҳри, суз кучидан баҳра олиб, ахлоқий қарашлар ривожини, эстетик дунёқарашнинг уйғунлашувига туртки булади ва умуман олганда ахлоқий-эстетик дунёқараш деган тушунчанинг янада ёркинлашувига асос бўлади. Чет тилини она тили билан киёслаб уқитиш орқали уқувчи-талабаларнинг ахлоқий-эстетик дунёқарашини ривожлантириш – бу уларда фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида гўзал ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, мукамал жамият, ёт-бегона мафкуравий қарашларга мурасасизликни англаб етган янги инсонларни тарбиялаш жараёнидир. Бу жараён халқимизнинг удумлари, урф-одатлари, анъаналари, маънавий мероси, тили, тарихи, руҳий-иродавий хусусиятларини асраб-авайлашни ривожлантиради ва шу билан бирга, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар жараёни, тараққиётнинг турли жабҳалари (сиёсий, ҳуқуқий, маънавий, иқтисодий ва ҳ.к.)даги ижобий ўзағаришларга ҳар бир инсон, айниқса, ёшлар тўғри муносабатда бўлиши лозимлигини сингдиради. Зеро, халқимиз ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Имом Бухорий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Имом ат-Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо сингари буюк алломалар авлодидир!

#### **Фойдаланилган адабиётлар руйхати:**

- 1) Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т.: «Ўзбекистон», 2016. 59б. (Б. 14). 6
- 2) Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Т.: “Ўзбекистон”, 1999, 18-бет.
- 3) Педагогика (Педагогика назарияси ва тарихи): М.Х.Тохтаходжаева, С.Нишонова, Ж.Ҳасанбоев ва бошқ. – Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти” нашриёти, 2010, 231-бет.
- 4) Фалсафа: Қомусий луғат (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). –Т.: “Шарқ”, 2004, 115-бет.

## ЎЗБЕК-ИНГЛИЗ ПАРАЛЛЕЛ КОРПУСИДА БИРЛИКЛАРНИНГ ТУРЛИ СТРУКТУРАЛАР БИЛАН ИФОДАЛАНИШИ ВА УНИ ПАРАЛЛЕЛЛАШ МАСАЛАСИ

Р.А.Каримов  
(БухДУ)

**Аннотация.** Мақолада инглиз ва ўзбек тиллари параллел корпусида ҳар хил бирликларнинг турли структуралар орқали таржимада ифодаланиши ва уларни параллеллаш масалалари турлича ўрганилган.

**Аннотация.** В статье рассматривается изображение разных единиц параллельного корпуса в узбекском и английском языке, и проблемы перевода их с оригинального текста.

**Annotation.** In article was written about parallel corpuses in Uzbek and English and problems in translation.

**Таянч сўзлар:** корпус, параллел корпус, корпус лингвистикаси, структурал тилшунослик, таржима, тил бирликлари.

**Ключевые слова:** корпус, параллельный корпус, лингвистический корпус, структуральная лингвистика, перевод, языковые единицы.

**Key words:** corpuses, parallel corpuses, linguistic corpuses, structural linguistics, translation, language units.

“Қарз” ҳикояси аслият ва таржиманинг параллеллик жадвали (АТПЖ)нинг 6-сатрида келган *Қарзларим бор* содда гапи *I have a debt. I had borrowed* шаклида икки содда гап билан берилган (Қаранг: 1(с)-илова).

АТПЖнинг 17-сатрида келтирилган *Ҳа, Нилу, ясаниб олибсан, меҳмонга кетяпсанми?* – *дедим эркалаб кўчирма гапи Nilu, you've dressed in your best. Are you going to the feast?* – *I said petting* кўринишида кўчирма гапли кўшма қолипида берилган, аммо кўчирма гап қисми иккита содда гап кўринишини олган, муаллиф гапи қисми структур жихатдан ўзгаришсиз таржима қилинган. Ушбу гапда эътибор талаб қиладиган яна бир ўрин бор. Сўзнинг эквивалентини бериш масаласи. Инглиз тилидаги *feast* сўзи, одатда, *зиёфат* маъносида қўлланади. Бу ерда *меҳмон* сўзига эквивалент сифатида қўлланилган (Қаранг: 1(с)-илова). Албатта, бу ҳолат параллел корпус сўз кидирувида кутилган натижани бермайди, бундай сўзларни махсус белгилаб, уларнинг луғатини тузиб чиқиш, луғатни корпус базасига жойлаштириш керак бўлади.

АТПЖнинг 19-сатридаги *Ия, юбиляр экансан-да, шоимай тур-чи, ҳозир...* бирлиги *Oh, congratulations! Wait, just a minute...* шаклида таржима қилинган бўлиб, битта кўшма гап икки содда гап билан ифодаланган. Шунингдек, *Ия, юбиляр экансан-да гапи Oh, congratulations* тарзида берилиб, гапларнинг ифода мақсадига кўра тури ўзгарган. Таржимада *юбиляр экансан* ифодаси *табриклайман* деган мазмунни ифодаловчи сўз

билан берилган (Қаранг: 1(с)-илова). Агар бу каби бирликлар тегланмаса, корпус сўз қидируви натижаси пасаяди.

АТПЖнинг 21-сатрида келтирилган *Мана, ўртоқларинг билан е гапи These are for you. Have these with your friends* тарзида таржима қилингани кўриниб турибди. Биринчидан, гап структурасида ўзгариш мавжуд, иккинчидан, таклифни билдирувчи модал сўз (*мана*) битта содда гап (*These are for you*) билан ифодаланган. Бу эса параллел корпус ёрдамида ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятини кузатиш имконини беради (Қаранг: 1(с)-илова).

“Гилам пайпоқ” ҳикояси АТПЖнинг 7-сатрида келган *As soon as the weather got cold she used to have a pain in her legs* гапи *Салқин тушиши билан шишиб кетади, оғрийди* кўшма гапи воситасида ифодаланган (Қаранг: 1(с)-илова).

АТПЖнинг 20-21-сатрида келган *Терлаб туриб муз едим. Бир куни акаларим билан яхмалак ўйнаб терлаб кетдим* содда гаплари *I played on an ice-rink with my brothers and sweated up and I ate an ice then* тарзида кўшма гап воситасида ифодаланган (Қаранг: 2(с)-илова).

АТПЖнинг 45-46-сатрида келган *У томогимганимадирқилди. Дод солиб қўлини тишлаб олдим* иккита содда гап *She did something with my throat and I bit her finger* тарзида битта кўшма гап кўринишида таржима қилинган (Қаранг: 2(с)-илова).

АТПЖнинг 69-70-сатрларидаги иккита содда гап (*Қайтага исиб кетди. Қорда ўзи исиб кетаркан*) битта содда гап (*My feet got warm in the snow*) билан ифодаланган (Қаранг: 2(с)-илова).

АТПЖнинг 74-сатрдаги *Кўлимни сезяпсизми?* битта гап 74-75-сатрлардаги *Are you feeling my hand? Touching my mother's feet, said Hoji grandmother* иккита содда гапга мос келган: аслиятдаги битта гап таржимада икки жумла билан ифодаланган (Қаранг: 2(с)-илова).

АТПЖнинг 77-78-сатрларидаги *Эртасига у ётибқолди. Узоқ ётди* иккита СГ таржимада *The next day she got ill and stayed in bed for a long time* битта ҚГ билан берилган (Қаранг: 2(с)-илова).

Худди шундай ҳолатлар “Бола йиғиси” (Baby’s cry) ҳикоясида ҳам учради. “Бола йиғиси” ҳикояси АТПЖнинг 13-сатридаги *Бола ҳамон ерга думалар, ҳар думалаганда қулоқни тешиб юборгудек чинқирар эди* кўшма гапи *The baby was still crying rolling on the land* тарзида СГ билан ифодаланган (Қаранг: 3(с)-илова).

АТПЖнинг 16-17-сатридаги *Морожний обер, деди. Олиб берсам бунақа қиляпти* кўчирма гапли кўшма гап конструкцияси *He demanded me to buy an ice-cream for him* тарзида СГ шаклида ўгирилган (Қаранг: 3(с)-илова).

АТПЖнинг 20-21-сатридаги – *Унақасини қаёқдан топаман! – Жувоннинг тоқати тоқ бўлди шекилли, думалаётган ўглини ердан юлқиб кўтарди. Орқасига бир-икки шапатилади* контексти инглиз тилида *How can I find such hot ice-cream? – said the woman, then she lifted him and slapped on baby's back* конструкцияси билан келтирилганки, бу ўринда ҳам икки гап

битта жумлада қисқартириб ифодаланганлигини кўриш мумкин (Қаранг: 3(с)-илова).

АТПЖнинг 24-сатридаги – *Кела қол, ўзим сенга иссиқ морожний олиб бераман* кўшма гапи *I will buy you a hot ice-cream* тарзида ўгирилиб, СГ гап билан ифодаланган (Қаранг: 3(с)-илова).

Ўзбек тилидаги *Унинг шунчалик жаҳлини чиқарган “совуқ манож” оқиб кўйлакчасининг олдини шалаббо қилган, бошдан оёғизгача лой эди ҚГ* 27-28-сатрларидаги инглиз тилидаги икки содда гап билан берилган: “Cold ice-cream” which annoyed him so much made his shirt wet and dirty (27-сатр). From his head to feet were covered with mud (28-сатр). Аксинча, ўзбек тилидаги икки СГ (*Ҳозир у-утагаборамиз.Ди-дигтатушамиз-а?*) (32-33-сатрлар) инглиз тилида битта СГ билан ифодаланган: We will get into the car now! (Қаранг: 3(с)-илова).

АТПЖнинг 57-58-сатридаги *Йиғласа, сизга нима? Йиғлаб-йиғлаб овунади содда гаплари* битта *What different to you if he cries* битта кўшма гап конструкцияси билан берилган (Қаранг: 3(с)-илова).

АТПЖнинг 59-60-сатридаги *Нимага бировнинг боласи бўларкан! Тўсатдан онамнинг жаҳли чиқиб кетди* алоҳида СГлар таржимада *Why should he be someone’s son? - mother got angry* тарзида кўчирма гапли ҚГ конструкцияси билан берилган (Қаранг: 3(с)-илова).

АТПЖнинг 27-сатрида келтирилган *Тугилганимда* тўлиқсиз содда гап *When it was my birthday* тўлиқ содда гап билан берилган. Бундай кузатишлар тилда тўлиқсиз гапларни ишлатиш ўрнини аниқлаш учун кўл келади(Қаранг: 3(с)-илова).

АТПЖнинг 28-сатрида келтирилган *Қизча ўйланиб қолди* гапидаги кесим кўмакчи феълли сўз кўшилмаси таржимада *Girl thought* содда феъл билан ифодаланган; бу эса қайси тилда феълнинг қандай шакли илатилишини ўрганишда ас қотади (Қаранг: 3(с)-илова).

Корпус матнларини параллеллаш жараёнида шунга гувоҳ бўлдикки, аслиятда матнида мавжуд бўлган бирлик таржимада тушириб қолдирилади.

“Гилам пайпоқ” ҳикояси АТПЖнинг 11-12-сатрида келган *Буни бошқалар билмаса ҳам, мен биламан. Яхши биламан* тарзидаги 2 та содда гап таржимада батамом тушириб қолдирилган (Қаранг: 2(с)-илова).

АТПЖнинг 38-39-сатрида келган икки содда гап (*Ўлибқолади! Болагинам ўлиб қолади!*) *My son is dying!* сифатида битта гапга тенг келади: битта гап таржимада тушиб қолган (Қаранг: 2(с)-илова).

АТПЖнинг 56-сатридаги *Нима қилиб кўйдингиз, тамом бўпсиз-ку!* кўшма гапи *What have you done!* тарзида содда гап шаклида берилган, аниқроғи кўшма гапнинг иккинчи қисми тушириб қолдирилган (Қаранг: 2(с)-илова).

40-41-сатрлардаги *Алдаб-сулдаб овутинг-да. Ана,ди-дигга тушдик* кабилидаги иккита СГ 40-сатрдаги *Study to console him by some cunning ways* СГга тўғри келади. Кўриняптики, иккинчи СГ тушириб қолдирилган (Қаранг: 3(с)-илова).

АТПЖнинг 46-сатридаги *Мана, келдик гапи We've arrived* СГ билан тенг таржима қилинган бўлса-да, 47-сатрда инглиз тилида *Stop the car* гапи мавжуд: ўзбек тилида берилмаган гап мазмунни ёрқинроқ ифодалаш мақсадида келтирилган. 48-сатрдаги ўзбек тилидаги *Раҳмат* сўз-гапи инглиз тилида тушиб қолган (Қаранг: 3(с)-илова).

Бундан ташқари яна бир типик ҳолат учраб туради. Ўзбек тилидаги матнда мавжуд бўлмаган гап таржима матнда пайдо бўлган. Улар матн мазмунини аниқлаштириш мақсадида келтирилади.

АТПЖнинг 62-сатридаги *Сарпнойчан келавердингизми?! – деди Ҳожи буви ҳамон ўша ваҳимали оҳангда* контексти *Did you come like this? – said Hoji grandmother* тарзида ўгирилганини кўриш мумкин. Кўриняптики, *сарпнойчан* сўзига мос эквивалент топилмаган ҳамда *шундай келавердингизми? (Did you come like this?)* қабилида умумий қилиб таржима қилинган, аммо контекстан китобхон маънони англаши мумкин (Қаранг: 2(с)-илова).

АТПЖнинг 63-сатрдан шуни кўриш мумкинки, ўзбек тилидаги матнда мавжуд бўлмаган гап таржима матнда пайдо бўлган: *Still in the same tone* (Қаранг: 3(с)-илова).

“Бола йиғиси” ҳикояси АТПЖнинг 53-сатрида келтирилган гап жуфтликларида (*Қизиқсиз, – дедим жаҳлимни босолмай // – I don't understand you, – I said, revealing my anger*) бутун бошли СГ (*ҳамманинг ишига аралашаверасизми*) тушиб қолган (Қаранг: 3(с)-илова).

АТПЖнинг 54-сатрида инглиз тилида келтирилган гап аслият матни 53-сатрдаги кўчирма гапли кўшма гап таркибида учрайди; бу гап ҳам контекст мазмунини конкретлаштириш мақсадида алоҳида гап структурасини олган: *Are you implicated in everybody's business?* (аслида *ҳамманинг ишига аралашаверасизми*).

АТПЖнинг 61-62-сатрларида аслият матнида мавжуд бўлмаган 2 та СГ келтирилган: улар ҳам матн мазмунини таржимада ёрқинроқ ифодалашга хизмат қилган: *Shame on you! He is crying on the passage* (Қаранг: 3(с)-илова).

АТПЖнинг 63-64-сатрларидаги аслиятдаги *Йиғлаб турган боланинг бегонаси бўладими? Уялмайсанми шунақа дегани?* гапларининг таржимаси йўқ. Улар 61-62-сатрдаги гапларда умумлаштириб берилган, холос. Мазмунига яқин, аммо асл таржимаси эмас ёки матндаги ўрни ўзгарган (Қаранг: 3(с)-илова).

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. UtkirHoshimov. Affairs of life. Stories (Translator:O.M.Muminov). – Tashkent, 2013. – 164 p. – P. 14-16.
2. Hoshimov O`. Dunyoning ishlari: qissa. – Toshkent: “Sharq” nashriyotmatbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, 2005. – 208 b. – B. 16-18.
3. Қамбаров Н. Таржимада морфеманинг морфема билан берилиши ёки морфемик таржима трансформацияси хусусида // Таржима, ахборот,

мулоқот – сиёсий ва ижтимоий кўприк. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2019. – 360 б. – Б.142-144.

## РЕАЛИЯЛАРНИНГ ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ ҲАМДА УНИНГ ПАРАЛЛЕЛ КОРПУСДА ИФОДАЛАНИШИ

*Р.А.Каримов*  
(БухДУ)

**Аннотация.** Мақолада реалия ва унинг оригинал контекстдан таржима қилиш муаммолари, ва уларнинг параллел корпусда ифода этилиши атрофлича таҳлил этилган.

**Аннотация.** В статье анализируется реалии и их перевод с оригинального контекста, особенности их перевода в параллельном корпусе

**Annotation.** In article was analyzed importance of realities in translation from original context and its features using in parallel corpuses

**Таянч сўзлар:** реалия, параллел корпус, корпус лингвистикаси, таҳлил, аслият.

**Ключевые слова:** реалия, параллельный корпус, корпусная лингвистика, анализ, оригинальная текст

**Key words:** reality, parallelcorpuses, corpuseslinguistics, analyses, original text

Маълумки, тил ўрганишнинг муҳим бирлиги – сўз. Миллий тилнинг ўзига хос томонларини ифодалашда реалиянинг ўрни бекиёс, чунки реалия тил бирлиги сифатида муқобилсиз лексика сирасига киради. У лингвистик билимнинг ажралмас қисми бўлиб, тил ва маданиятнинг ўзаро алоқасини тадқиқ этишда муҳим қизиқиш уйғотади<sup>122</sup>. Тилшуносликда қатор тиллар реалиялари иккинчи тил билан қиёсланган ҳолда бой материал тўпланган. Инглиз тили реалияларига бағишланган тадқиқотларни Л.С.Бархударов, Г.Д.Томахин, А.Д.Щвейцер, А.О.Ивановларнинг ишларида учратамиз<sup>123</sup>.

Л.С.Бархударовнинг таъкидлашича, икки тилнинг лексик бирликлари ўртасидаги семантик мосликни уч турга бўлиш мумкин<sup>124</sup>:

1. Тўлиқ мос келиш;
2. Нотўлиқ мос келиш;
3. Умуман мос келмаслик.

<sup>122</sup>ЖуманиёзоваМ., АтажановаА. Реалия ҳақидаги қарашлар талқини // Таржима, ахборот, мулоқот – сиёсий ва ижтимоий кўприк. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2019. – 360 б. – Б.158-159.

<sup>123</sup>Бархударов Л.С. Язык и перевод. – М: Международное отношения, 1975.; Томахин Г.Д. Реалии-америкнизмы. – М. Высшая школа, 1988.

<sup>124</sup>Бархударов Л.С. Язык и перевод. – М: Международное отношения, 1975. – С. 74.



Агар бир тилдаги сўзнинг муқобили бошқа тил луғат таркибида топилмаса, унда муқобилсиз лексика ишлатилади. Е.М.Вершагин ва В.Г.Костомаровлар муқобилсиз лексика деганда “бошқа тил ва маданиятда мавжуд бўлмаган тушунчаларни англатувчи сўзларни, маълум бир маданиятга хос сўзларни, яъни бирор халқни А деб олсак, шу А маданиятига хос, бироқ иккинчи бир халқни Б деб атасак, Б маданиятида бўлмаган маданий элементлар ва А тилда мавжуд бўлган сўзларнинг муқобили Б тилда мавжуд бўлмаганлигини” тушунишади<sup>125</sup>.

М.Жуманиёзова, А.Атажановалар Г.Д.Томахин<sup>126</sup>нинг реалия – “маълум бир халқ ва миллатга тегишли бўлган моддий маданият нарсалари, тарих фактлари, давлат ташкилоти, миллий ва фолклор қахрамонлар номи, мифологик мавжудотлар ва ҳоказоларга оид номлар” деган фикрни маъқуллайди. С.Влахов, С.Флоринлар реалияга шундай таъриф беришган: “Реалия шундай сўз (сўз бирликма)ки, у объектни атайди, бирор халқ ҳаёти учун ҳарактерга эга (турмуш тарзи, маданият, тарихий ва ижтимоий ривожланиш), лекин бошқа халққа ёт бўлган, миллий ва/ёки тарихий колоритни ташувчилари бўлмиш сўзлардир. Улар, ўз навбатида, бошқа тилда аниқ эквивалент (мос сўз ва сўз бирикма)га эга бўлмаган, алоҳида эътиборга молик бўлиб, умумий асосда таржимага мойил”<sup>127</sup>.

Реалиялар ҳар қандай тилга хос бўлиб, ёрқин миллий колорит улар билан ҳамоҳанг. Г.Д.Томахиннинг фикрича, турли тил ва маданиятларни бир-бири билан таққослаш реалиянинг қуйидаги хусусиятларини аниқлашга имкон беради<sup>128</sup>:

1. Реалия бир тил жамоасига хос бўлиб, бошқа тилда мавжуд эмас. Масалан, америкача *drugstore* (дорихона-тамаддихона)нинг ўзбек тилида аналоги йўқ.

2. Турли жамиятда бир-бирига ўхшаш вазифалар турли реалиялар билан ифодаланади. Масалан, америкача *sponge* (губка) ўзбек тилида *мочалка* ҳаммом, ваннада ювиниш воситаси.

3. Турли жамиятда бир-бирига ўхшаш реалиялар ўз жузъий маънолари билан фарқ қилади. Масалан, *suckoo's call* (каккунинг кукулаши) америкаликларнинг миллий эътиқоди (хурофоти)га кўра, қиз боланинг тўйига қанча вақт қолганини билдирса, ўзбек эътиқодида эса умрнинг охирлашишига қанча вақт қолганини билдиради.

Реалияларда тил ва маданият ўртасидаги боғлиқлик янада яққол кўзга ташланади: жамият моддий-маънавий ҳаётида янги реалиянинг пайдо бўлиши тилда ўшанга мос сўзнинг пайдо бўлишига олиб келади. Реалияни ажратиб турувчи хусусият унинг предмет-нарса маъносига эга бўлганлиги билан белгиланади. Реалиялар бирор-бир жамоа ёки корхона миқёси билан

<sup>125</sup>Вершагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура: Лингвострановедение в преподавании русского языка иностранного. – М: Русский язык, 1983. – С. 53.

<sup>126</sup>Томахин Г.Д. Реалии в языке и культура//ИЯШ. 1997. – №3. – С.13.

<sup>127</sup> Влахов С., Флорин С. Непереваемое в переводе. – М.: МО. 1986. – С.55.

<sup>128</sup>Томахин Г.Д. Реалии в языке и культура//ИЯШ. 1997. – №3. – С.14.

хам чегараланган бўлиши мумкин. Реалияга вақт колорити ҳам мансуб<sup>129</sup>. Бу лексик бирликлар маданият билан узвий боғлиқ; тил ҳодисаси сифатида жамият тараққиётидаги барча ўзгаришларга тез жавоб қайтаради; улар орасида неологизм, историзм, архаизм каби реалияларни ҳам фарқлаш мумкин. Реалиянинг санаб ўтилган ҳар бир тури таржимада алоҳида эътиборни талаб қилади. Ўз хусусияти ва вазифасига биноан реалия термин ва атоқли отларга яқин.

“Реалия” тушунчасини “термин” тушунчасидан фарқлаш лозим. Реалия бадиий адабиёт ва оммавий ахборот воситалари тилига хос; у маълум бир халқ маданияти билан чамбарчас боғланган, айнан шу халқ тили учун умум ишлатиладиган, бошқа халққа ёт бўлган характерга эга. Термин эса миллий бўёқдорликка эга бўлмаган, асосан, илм-фан соҳасига тегишли бўлиб, фақат бирор предмет/ воқеъликни номлаш учун сунъий яраталади ва шу орқали кенг ишлатилади<sup>130</sup>.

Ш.Джабборованинг фикрича, муайян бир халқ ва миллатга хос турмуш тушунчаларини англатадиган сўзлар *реалия* дейилади. Луғавий таърифга кўра реалия – бу моддий-маданий нарсалар. Тилшунослик ва таржимашуносликда шу нарсаларни англатадиган сўз, ифода, шунингдек ўз ичига шундай сўзни оладиган қатъий ифода *реалия* деб аталади. Тил реалияларини ўрганиш, уларни таржимада етказиб бериш, лексикографик таърифи ҳамда лингводидактик тақдимоти билан боғлиқ муаммолар лингомаданиятшунослик борасидаги ишларда атрофлича ёритилган. Бизнинг мақсадимиз тил корпусида реалияларни теглаш ҳамда кидирув тизимида акс эттиришдан иборат<sup>131</sup>.

Реалияни она тилига ўгиришда аввал унинг муайян контекстда ўтаб келаётган ахборий ва услубий вазифасини аниқлаш, сўнгра таржима тилида унга ҳар жихатдан мос, айна пайтда, шу тил меъёри ва маданияти даражасидаги сўзлар танлаш зарурияти туғилади. Реалиянинг фарқланувчи характери унинг мазмунида (ифодаланаётган предметнинг маълум бир мамлакат, халқ ва ижтимоий умумлик билан боғлиқлиги) ва унинг маълум бир вақтга тегишли эканлигида.

М.Жуманиёзова, А.Атажанова икки тил нуқтаи назаридан реалияларнинг **ташқи**, яъни жуфтлик учун бегона (масалан, “самурай” ўзбек ва инглиз тиллари учун), икки тилдан бири учун **бегона реалия** ва **бир тилнинг ўз реалияси** (масалан, “рада” украин ва рус тиллари учун) каби турлари фарқлашади<sup>132</sup>.

Тадқиқотчиларнинг нуқтаи назарига кўра, маълум бир лингвистик мактабга тегишлиликка кўра таржима – асл тилда таърифланган

<sup>129</sup>Кўрсатилган манба.

<sup>130</sup>Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. – М.: МО. 1986. – С.17.

<sup>131</sup>Джаббарова Ш. Реалияларнинг таржимада берилиши (миллий хусусияти) // Таржима, ахборот, мулоқот – сиёсий ва ижтимоий кўприк. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2019. – 360 б. – Б.198-199.

<sup>132</sup>Жуманиёзова М., Атажанова А. Реалия ҳақидаги қарашлар талқини // Таржима, ахборот, мулоқот – сиёсий ва ижтимоий кўприк. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2019. – 360 б. – Б.158-159.

диотатларни таржима тили ёрдамида таърифлаш жараёни (1); нутқда асар структурасини қайта қуриш бўлиб, натижада мазмун контекстни ўзгартирмай сақлаб қолган ҳолда ифода контексти ўзгартирилади, яъни бир тил иккинчи тил билан алмаштирилади (2); асос, асл тил бирликлари ва структураларини таржима тили birlik ва структураларига қайта ўзгартириш (3); асл ва таржима мазмуни ўртасидаги эквивалент муносабатларнинг моҳиятини очиш (4) деб таърифланади<sup>133</sup>.

Маълум халқ турмуш тушунчаларини англатадиган кўпчилик хос сўзларнинг (реалия) маъноси ва ўтайдиган вазифаси мамлакатларнинг ўзаро маданий-маърифий, иқтисодий, сиёсий алоқалари натижасида қатор халқлар вакилларига таниш бўлиб қолган сўзлар иккинчи тилга транслитерация йўли билан талқин этилади. Транслитерация усулидан фойдаланишнинг асосий сабаби аслиятда қўлланилган миллий хусусиятли реалияларнинг иккинчи тилда мавжуд бўлмаганлигидир. Транслитерация халқ турмуш тушунчаларини акс эттирадиган реалияни таржимада талқин этадиган энг самарали усул бўлиб, унинг ёрдамида аслиятнинг миллий хусусияти сиқик ҳолда талқин этилади. Масалан, аслият мансуб бўлган халққа хос пул, масофа/узунлик birlikлари, рўзгор ашёлари, кийим-кечак, егулик, ичимлик каби кўпгина тушунчаларни англатадиган реалиялар транслитерация йўли билан талқин этилади. Масалан: *тахмон, палов, паранжи, супа, яктак, дўнни;pudding, holding, club, mayor, galloon, foot* каби ўзбек ва инглиз турмуш тарзига хос сўзларни бундай тушунчаларни англатадиган сўз birlikларига эга бўлмаган инглиз ва ўзбек халқлари, тилларига қилинган ўгирмаларида таржимасиз – айнан келтириш аслиятнинг миллий хусусиятини сақлаб қолиш билан бирга, таржима тиллари луғат таркиби кенгайтиши учун замин яратиш имкониятини беради. Демак, турмуш тушунчаларини акс эттирадиган реалияларнинг таржима тилида учрамаслиги транслитерация усулидан фойдаланишни тақозо этади; таржима орқали реалияларнинг этномаданиятдаги ўзига хосликни сақлаб қолиш учун замин яратади.

Параллел корпуслар икки халқ тилини қиёслаш ва ўрганиш асносида уларнинг маданиятини ҳам намоён этар экан, демак, ПКларда реалияларни параллел ҳолатда ажратиб кўрсатиш ниҳоятда муҳим. Ишнинг кейинги қисмида ўзбек-инглиз параллел корпуси учун танланган матнлар асосида реалияларнинг берилиши, тегланиши ва қидирувда кўрсатилиши масаласига махсус тўхталамиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Бархударов Л.С. Язык и перевод. – М: Международное отношения, 1975.; Томахин Г.Д. Реалии-америкнизмы. – М. Высшая школа, 1988.
2. Бархударов Л.С. Язык и перевод. – М: Международное отношения, 1975. – С. 74.

<sup>133</sup>Джаббарова Ш. Реалияларнинг таржимада берилиши (миллий хусусияти)// Таржима, ахборот, мулоқот – сиёсий ва ижтимоий кўприк. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2019. – 360 б. – Б.198-199.

3. Верцагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура: Лингвострановедение в преподавании русского языка иностранного. – М: Русский язык, 1983. – С. 53.
4. Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. – М.: МО. 1986. – С.17.
5. Джаббарова Ш. Реалияларнинг таржимада берилиши (миллий хусусияти) // Таржима, ахборот, мулоқот – сиёсий ва ижтимоий кўприк. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2019. – 360 б. – Б.198-199.
6. Жуманиёзова М., Атажанова А. Реалия ҳақидаги қарашлар талқини // Таржима, ахборот, мулоқот – сиёсий ва ижтимоий кўприк. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2019. – 360 б. – Б.158-159.
7. Томахин Г.Д. Реалии в языке и культура//ИЯШ. 1997. – №3. – С.13.

## **4-ШЎЪБА: ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

### **OVERCOMING CHALLENGES FOR INTERNATIONAL STUDENTS IN THE UNITED STATES UNIVERSITIES: ENGLISH LANGUAGE PROFICIENCY AND ACADEMIC SUCCESS**

*Z.R.Akobirova,  
PhD, Reformed University in Atlanta (USA)*

*Paper Manuscript  
Submitted to Research Conference at Bukhara State University  
December 20, 2020*

Studying in the United States is not easy for international students. Among the various reasons, the most profound challenges they face are an adjustment to the U.S. education, cultural differences, and language challenges (Zhai, 2002). The inability to speak English fluently is a primary restraint that affects adjusting academically or becoming socially engaged in United States society. As a result, international students have personal and social concerns, such as social isolation, loneliness, homesickness, irritability, and fatigue (Li, Fox, & Almarza, 2007). According to Zhai (2002), studying in the United States is much more stressful for international students than it would be in their home country due to the different teaching methods, fast-paced class sessions, and two-way interaction with professors in the classroom. International students face increased student participation in the classroom, classroom and group activities, reading and writing assignments, presentation and speech requirements, and after class studying. This behavioral pattern may actually be similar to classroom cultures of many other Eurasian countries such as Russia, Ukraine, Uzbekistan, Tajikistan, and Georgia. Getting accustomed to the American style of classes where students are engaged in the class discussions can be challenging to international students. However, class instructors are not always aware of the diversity in their classroom or they may ignore the fact that international students come from different educational systems. While all American students are different in the way they learn among themselves, it is still obvious that students from other countries are not used to the teaching methods and expected class participation in U.S. universities. This study does not offer to change the U.S. instructors' ways of operating their courses, but it does suggest that instructors ought to think about possible approaches to help international students, at least in the initial stages of their study, so that they learn how to participate in class discussions.

Besides academic difficulties, international students may encounter the challenge of social engagement, such as taking part in extra-curricular activities (participating in student associations, campus organizations, or sports), interacting with American students, and being active in the social life of campus.

Engagement in extra-curricular activities helps international students better understand the university environment, plus it provides them with opportunities to explore social and cultural differences (Green & Kim, 2005). However, social engagement of international students is rarely discussed in literature. Engagement in social and academic interactions may also help international students to cope with their adjustment problems and successfully achieve their academic goals. But the question whether international students actively engage in social activities or not, remains unanswered in the existing research on international students.

It is true that international students engage in extra-curricular activities at the beginning of their study in the United States because they participate in international student orientation, sign up for student organizations and associations, and socialize with their host families. But as the time passes, their active engagement diminishes and interactions with others become limited (Green & Kim, 2005). International students are considered to be passive and not active by American students and faculty, and this stereotyping does not permit them to build relationships within their academic department.

Acquisition of academic knowledge and skills is a central part of an academic journey. A body of research indicates that international students with prior English

language proficiency and strong academic preparation demonstrate success in achieving their academic goals, overall academic adjustment (Ramburuth & McCormick, 2001), and have lower levels of stress (Yeh & Inose, 2003). English language proficiency has been pointed out as a significant factor in international students' success. Not only is English language proficiency important in comprehending and communicating academic material, but it is also linked with a student's individual confidence level.

### References:

- Green, D.O., & Kim, E. (2005). Experiences of Korean female doctoral students in academia: Raising voice against gender and racial stereotypes. *Journal of College Student Development*, 46(5), 487-500.
- Li, H., Fox, R.F. & Almarza, D. J. (2007). Strangers in strangerlands : Language, learning, culture. *International Journal of Progressive Education*, 3(1)
- Yeh, C.J. & Inose, M. (2003). International students' reported English fluency, social support satisfaction and social connectedness as predictors of a cultural stress. *Counseling Psychology Quarterly*, 16(1), 15-28.
- Zhai, Lijuan (2002). Studying international students: Adjustment issues and social support. *Journal of Report and Research* (ERIC Document Reproduction Service No: 474481)

## ФОРМИРОВАНИЕ УЧАЩИХСЯ НАВЫКОВ ЯЗЫКОВОЙ ДОГАДКИ

*Б.Я.Ахмедов,  
доцент,  
РЦППКРНО Бухарской области*

**Аннотация.** В работе рассматривается роль навыков языковой догадки в формировании у учащихся лингвистической компетенции. Предлагаются ряд упражнений, способствующих формированию языковой догадки в процессе урока.

**Аннотация.** Мақолада рус тилига ўқитиш жараёнида ўқувчиларда тил кўникмаларини шакллантириш орқали лингвистик компетенцияни ривожлантириш масалалари ўрганилган. Масала юзасидан тил кўникмаларини шакллантириш бўйича бир қатор машқлар тавсия этилган.

**Annotation.** The article is about to develop the learners lexis competence in teaching Russian language. And is advised some activities for developing language skills.

**Ключевые слова:** языковая догадка, семантизация, упражнения, словосочетания, словарный запас, компетенция.

**Key words:** language skills, activities, word combination, active and passive vocabulary, competence

**Калит сўзлар:** тил кўникмаси, семантизация, машқлар, сўз бирикмаси, луғат бойлиги, компетенция.

Языковая догадка – это процесс самостоятельной семантизации незнакомого слова. Формирование таких навыков занимает важное место в методике обучения школьников неродному языку.

С целью выявления возможностей учащихся –узбеков строить языковую догадку нами была проведена опытная работа с шестиклассниками, основанная на методических указаниях, содержащихся в книге З.С.Смелковой «Слово в художественном тексте». Результаты ее показали, что учащиеся слабо справляются с заданиями на самостоятельную семантизацию незнакомых слов, что необходима систематическая целенаправленная работа по формированию у них таких умений.

Опираясь на данные проведенного опыта, мы разработали комплекс упражнений, способствующих развитию у учащихся шестых классов навыков языковой догадки. Предлагаемые ниже задания использовались как на уроках русского языка, так и на уроках чтения. В зависимости от языковой подготовки учащихся конкретного класса упражнения облегчались и сокращались или, наоборот, усложнялись.

I. Языковая догадка на основе определения значений слов по описанию, с опорой на контекст:

1. Определите значения слов по описанию.

Человек, который отличается храбростью, совершает подвиг; человек, который в хоре начинает петь первым; ледокол, который работает на атомной энергии. (Для учащихся со слабой языковой подготовкой даются слова для справок: летчик, герой, запевала, атомоход.)

2. Каждое из данных словосочетаний замените близким по смыслу глаголом, обозначающим то же действие.

Говорить между собой очень тихо; поправиться после болезни; взять шефство; сделать объявление; дать совет; вести разговор. (Слова для справок: шептаться, выздороветь, шефствовать, объявлять, советовать, беседовать.)

3. Вместо точек вставьте подходящие по смыслу антонимы. *Лучше сделать мало, да хорошо, чем..., да.... ....говори, больше делай.*

II. Языковая догадка с опорой на навыки словообразования:

1. Образуйте сложные слова по образцу:

|                     |                 |
|---------------------|-----------------|
| Лед колет – ледокол | воду проводит – |
| Листья падают –     | газ проводит –  |
| Пешком ходит –      | басни пишет –   |
| По луне ходит –     | сталь варит –   |

2. Образуйте от глаголов существительные. Обозначьте суффиксы и объясните, какое значение они придают вновь образованным словам.

*Нарушить – нарушитель; покорить, строить, учить, воспитать.*

3. От данных прилагательных образуйте существительные по образцам:

Храбрый – храбрость; гордый, вежливый, точный;

Добрый – доброта; простой, чистый.

Объясните, какое значение придает суффикс слову.

4. От данных существительных образуйте прилагательные. Составьте с ними словосочетания.

Образец: внимание – внимательный ученик.

Время, бедность, снег, дождь, улица, школа, класс и т.д.

5. От данных глаголов с помощью приставок образуйте другие, употребив их с подходящими по смыслу словосочетаниями.

Дать (с-, от-, за -) – трудное задание, своему товарищу, библиотечную книгу.

Читать (по-, про-) – интересную книгу, больному дедушке.

Бежать (под-, о-, за-, пере-) – на другую сторону дороги, вокруг дома, к школьному зданию, за младшим братом.

III. Проверка правильности языковой догадки через поиск эквивалента в родном языке.

Задания, в которых сама формулировка нацеливает учащихся на обращение к эквиваленту в родном языке, не только формируют навыки



самоконтроля, но и благодаря сопоставлению фактов двух языковых систем, помогают школьникам понять многозначность русского слова, разнообразные варианты его сочетаемости с другими словами. Возможны следующие виды заданий этого типа:

1. Переведите словосочетания на узбекский язык. Отметьте, в каких сочетаниях употребляется лексический эквивалент.

Образец: глубокая река – чукур дарё; глубокая мысль – чукур фикр; глубокая тишина – чукур сукунат.

*Крепкий чай, крепкий мороз, крепкий человек; свежие новости, свежий хлеб, свежий воздух; большой город, большой ветер, большая дружба.*

2. Определите название предмета по его описанию. Переведите на узбекский язык.

Образец: источник воды, бьющий из-под земли (ключ, родник - булок): предмет, с помощью которого открывают дверь, закрытую на замок (ключ от замка - калит).

На дерево он зеленый, в тетради он белый. И.д.

3. Составьте словосочетания с данными словами и переведите их на узбекский язык.

Образец : смех – звонкий смех – жарангли кулги; смешной – смешной рассказ – кулгили ҳикоя; высмеивать – высмеивать соседа - қўшниустидан кулмоқ.

Сад, садить, садовод; цепь, зацепить, прицеп; и т.д.

На уроках литературы формирование языковой догадки связано прежде всего с самостоятельным определением значения незнакомого слова в контексте. Для начала учитель должен показать учащимся на конкретных и наглядных примерах, как идет оформление языковой догадки.

Так, в процессе нашей опытной работы мы проводили семантизацию слова подтягиваться, встретившегося шестиклассникам в предложении **Обеспокоенный, он подпрыгнул, схватился за край забора и осторожно стал подтягиваться.**

На вопрос учителя – Как вы понимаете значение слова «подтягиваться»? – наиболее точный ответ был дан эквивалентом в узбекском языке – тортинмоқ (подтягиваться).

Отметив правильность ответа, учитель подчеркивает, что это конечный результат языковой догадки. Далеко не все учащиеся могут сразу назвать эквивалент слова в родном языке. Для того чтобы правильно определить значение незнакомого слова, ученику необходимо, во-первых, представить, что обозначает это слово (действие, качество, предмет); во-вторых, установить, на какое знакомое слово оно похоже; в-третьих, обратить внимание на те слова, которые его окружают.

Далее учитель на примере слова *подтягиваться* раскрывает «механизм» языковой догадки:

- Слово *подтягиваться* обозначает действие. Оно похоже на слова *тянуть, тянуться*. Теперь рассмотрим предложение целиком. Мальчик совершил одно за другим 3 действия: подпрыгнул, схватился за край забора, стал подтягиваться. Как вы думаете, зачем он подпрыгнул?

Ответы: 1) Потому что забор был высоким. 2) Чтобы увидеть, что делалось забором.

- он подпрыгнул и тут же схватился за край забора, т.е. повис (осилиб колди). Сима не мог в таком состоянии увидеть, что делалось за забором. Чтобы увидеть, ему надо было еще немного подняться наверх, т.е. *подтянуться*. Значит, глагол *подтянуться* обозначает действие «подниматься вверх с помощью рук» - осилиб юкори кўтарилмоқ.

На уроках чтения мы использовали те же упражнения, что и на уроках русского языка, но задания всегда строились с учетом словаря конкретного изучаемого текста.

Рассмотрим с этой позиции некоторые упражнения, предлагаемые шестиклассникам по текстам.

#### I. Упражнения с опорой на навыки словообразования

1. Образуйте от глаголов прилагательные и составьте с ними словосочетания. Переведите их на родной язык.

Образец: видеть – видное место – кўриниб турадиган жой.

*Темнеть, ласкать, любить.*

2. Образуйте прилагательные от данных существительных. Составьте с ними словосочетания.

Образец: *железка – железный капкан – темир тузоқ. Круг, школа, охотник* и т.д.

#### II. Упражнения на выделение в контексте синонимов.

Цель этих упражнений – помочь школьникам глубже понять содержание текста, правильно осмыслить лексический материал, расширить представление о выразительных возможностях русских синонимов.

1. Найдите в рассказе глаголы, обозначающие:

а) речь, говорение (*сказал, возразил, попросил, позвал, говорит, закричал*);

б) движение (*зашагали, вышли, продолжали путь*);

в) действия (*вынесла, нести, передала, не отдавал, прижал, поднял, протянул, сжимал*)

Составьте с ними словосочетания и предложения.

2. Упражнения на подбор синонимов к устойчивым выражениям, фразеологизмам, встречающимся в тексте: крылатые корабли – самолёты, лайнеры; белый свет – окружающий нас мир, окружающая нас жизнь; и т.д. Данные упражнения мы предлагали учащимся на уроках русского языка и литературного чтения при изучении определенных программных тем. Как показали результаты опыта, они способствовали выработке у шестиклассников навыков языкового чутья, языковой догадки.

### Список использованной литературы:

1. Акишина А. А., Каган О. Е. Учимся учить: Для преподавателей русского языка как иностранного. М.: Рус. яз. Курсы, 2002.
2. Балыхина Т. М. Методика преподавания русского языка как неродного (нового): Учебное пособие для преподавателей и студентов. М.: Изд-во РУДН, 2007.
3. Никитина Т. Г. Русские словообразовательные модели в пособии по языку специальности для иностранцев // Альманах современной науки и образования. 2013. № 12. С. 138–140.
4. Щукин А. Н. Методика преподавания русского языка как иностранного: Учеб. пособие для вузов. М.: Высшая школа, 2003.

### CHET TIL O'QITISH QIYOSIY METODIKASI XUSUSIDA

*Z.R.Abdujabbarova,  
dotsent, p.f.n.(TDPU)*

**Annotatsiya.** Maqolada chet til o'qitish qiyosiy metodikasini fan sifatida o'rganish uchun ilmiy va amaliy ma'lumotlar berilgan bo'lib, uning umumiy chet til o'qitish metodikasi bilan o'zaro bog'liqligi hamda chet til o'qitish qiyosiy metodikasida uchraydigan terminlarga to'xtalinib o'tilgan. Shuningdek, chet til o'qitish qiyosiy metodikasining negizini tashkil qiluvchi ta'lim bosqichlarida til o'qitilishga doirtavsiyalar berib o'tilgan.

**Аннотация.** В данной статье рассматривается научно-практическая информация по сравнительной методике преподавания иностранного языка. Анализируются терминологии, встречающиеся при преподавании рассматриваемой дисциплины, также рекомендуются методы по основным принципам преподавания иностранного языка в разных учебных заведениях.

**Annotation.** This material is devoted to methodology of teaching foreign languages and its connection with comparative methodology. Some terminologies we come across in the course of learning/teaching the discipline "Comparative methodology of teaching foreign languages" are analysed and main stages of teaching foreign languages are demonstrated in the article.

**Tayanch so'zlar:** Chet til o'qitish metodikasi, qiyosiy metodika, interferensiya, chet til o'qitish bosqichlari

**Ключевые слова:** Методика обучения иностранного языка, сравнительная методика, интерференция, этапы обучения иностранного языка

**Key words:** Methodology of teaching foreign languages, comparative methodology, interference, stages of teaching foreign languages

Yillar mobaynida chet til o'qitish metodikasi borasida ko'p izlanishlar olib bordim va undagi ilmiy tushunchalar bir biriga to'g'ridan to'g'ri bog'lanib

boraverdi. Bu fan nuqtai nazaridan ta'lim jarayoniga qarasangiz algoritmik ketma ketlik hosil qilayotganini anglashingiz qiyin bo'lmaydi.

Chet til o'qitish metodikasi xorijiy til o'qitishning maqsadi, mazmuni, metodlari, yondashuvlari, prinsiplari, vositalari va texnologiyalarini, shuningdek tili o'rganilayotgan mamlakat madaniyatini o'rganish va o'rgatish bilan shug'ullanib, chet til orqali o'quvchilar va talabalarni tarbiyalash jarayonlarini amalga oshiruvchi fan sifatida qabul qilishimiz mumkin. Albatta ta'kidlash joizki, Chet til o'qitish metodikasi fani evalutsiyasi pedagogika, psixologiya, informatika, tarix, ekonomika va eng asosiysi, tilshunoslik kabi fanlar bilan chambarchas bog'liqdir.

Biz bilamizki, chet til o'qitish metodikasi lingvodidaktikaning (Tillar ta'limi nazariyasi) ajralmas qismi bo'lib, bilim, ko'nikma va malakalarni hosil qilish va samarali qo'llash masalasini ustivor qo'yadi.

Fan sifatida nazariy asoslarini, nutq faoliyati turlarini o'rganish va o'qitish jarayonini tashkil qiluvchi chet til o'qitish metodikasi kun sayin rivojlanib, yillar mobaynida ma'lumotlarni yangilab kengaytirib bormoqda. Masalan chet til o'qitish bosqichlarini olsak: avvallari uch bosqichli chet til o'qitish jarayonini tadbiq etgan bulsak( 5-8 sinflar; 9-11 sinflar; oliy ta'lim), bugungi kunda usbu uch bosqichlik ta'lim jarayoni olti bosqichni o'z ichiga olyapti: maktabgacha ta'lim bosqichi; boshlang'ich ta'lim; o'rta ta'lim bosqichi; o'rta maxsus bosqich; bakalvr bosqichi va magistratura bosqichi.

Aynan shu bosqichlar zaminida qiyosiy metodika fan sifatida bunyod bo'ldi va olimlar tomonidan ushbu fan o'rganilib kelinmoqda.

Bu fan chet tilni turli bosqichlarda o'ziga xos xususiyatlar bilan o'qitish masalasini o'z ichiga oladi. Chet til o'qitish va o'rganishdagi interferensiya (chet til o'qitish jarayonida uchrovchi "interferensiya" termini ona tilining o'rganilatyotgan tilga salbiy ta'siri sifatida qo'llanilgan; ijobiy ta'siriga nisbatan esa "traspozitsiya" terminin qo'llanilgan) holati, tildagi qiyinchiliklarni aniqlash (fonetik; leksik; grammatik; matn yaratishdagi shakliy hususiyati; stilistik va hokazo) xatolar va ularni ustida ishlash, ta'lim muassasalaridagi shart-sharoitlar (tabiiy/suniy) va eng muhim jihati - ta'limdagi uzluksizlik shular jumlasidandir. Bu esa o'z o'rnida turli ta'lim muassasalari uchun dastur, darslik va qollanmalarni ishlab shiqish, metodikasini to'g'ri shakllantirish masalasini yuzaga keltiradi.

Demakki, chet til o'qitish qiyosiy metodikasi fani O'zbekiston respublikasi sharoitida quyidagi ta'lim muassasalarida chet til o'qitish masalalarini ko'rib chiqishni taqozo etadi.

1. Maktabgacha ta'lim muassasalari(Ular orasida xususiy va davlat muassasalari mavjud; imkoniyati cheklangan bolalar uchun maxsus muassasalar ham shular jumlasidan).
2. Umumiy o'rta ta'lim muassasalari ( boshlang'ich va o'rta ta'limni o'z ichiga olib, ular orasida xususiy va davlat muassasalari mavjud; imkoniyati cheklangan bolalar va alohida iqtidorli bolalar uchun maxsus muassasalar ham shular jumlasidan )

3. Akademik litseylar
4. Oliy ta'lim muassasalari (bakalavr, magistratura va doktoranturani o'z ichiga oladi)
5. Malaka oshirish tarmoq markazlari

Bilamizki, yuqorida ko'rsatilgan ta'lim muassasalarida chet til o'qitiladi/o'rganiladi. Pedagog sifatida e'tiborimizni qaratishimiz kerak bo'lgan jihat bu - turli ta'lim muassasalaridagi chet til fanining hususiyati, maqsadi, vazifalari, metodlari, usullari turlichaligidir.

#### Maktabgacha ta'lim muassasasi

Maktabgacha ta'lim muassasasida dars berayotgan har bir pedagog, bolalarda qancha energiya borligini biladi. Bu degani faqat oldinga qarab intiluvchilar guruhi desa mubolag'a bo'lmaydi. Sizing darsingiz tinglovchilaringiz kabi yoqimli, faol, yuqori energiyali o'yinlar bilan to'ldirilgan bo'lmasa, ularni yo'qotasiz. Bolalarga mashg'ulotlarni faol va qiziqarli o'tkazish uchun siz innovator bo'lishingiz kerak. Ularning yoshida biz faqat tinglab tushunish va gapirish ko'nikmalarini shakllantiramiz.

Ushbu yosh guruhlari qo'shiqlarga, rangli tasvirlarga va harakatga juda yaxshi munosabat bildiradi. Faoliyatingiz davomida ularni qiziqтира bilishingizga ishonch hosil qiling. Nafaqat mashqlar, balki sizni o'zingiz ham bolalar uchun yoqimli va qiziqarli bo'lishingiz kerak. O'zingizni boladek tutishdan qo'rqmang. Maktabgacha ta'lim muassasasi tarbiyalanuvchilari mimika, harakatlar va baland tovushlarga ijobiy reaksiya qilishadi. Masalan, o'rmondagi hayvonlarni o'rgatish, hayvonlarning tovushlarini va obrazlarini yaratish juda samarali bo'ladi. Ular nafaqat aktyorlikni yaxshi ko'radilar, balki o'qituvchi bilan munosabatga kirishish bolalarda o'ziga ishonish hissini oshiradi. Va yana shuni yodda saqlanki, ushbu yosh guruhlarida leksika aynan ularga mos va xos tanlangan bo'lishi darkor.

#### Boshlang'ich ta'lim muassasasi

Boshlang'ich sinf o'quvchisi o'zida hali ham ko'p miqdorda energiyani saqlaydi, ammo bolalar bog'chalariga qaraganda ko'proq e'tiborga muhtojdirlar. Ushbu yoshdagi bolalar hozir maktabda darslar bilan band, o'ynab, yugurib yurishdan uzoqda. Boshlang'ich sinf o'quvchilari, psixologik tadqiqotlarga asosan, o'zlari uchun asta-sekin yangi dunyoni kashf etishadi va hamma narsani bilaman degan hulosada yurishadi.

Bu yoshda, juda ko'p rolli o'yinlar o'ynash juda samarali. Sababi shuki, o'quvchilar o'zlarini kichik yoshdagilar kabi tutishni hush ko'radilar. Bu yoshda ko'proq energiya sarflanadigan o'yinlar o'ynash qiziqarli. Bu esa chet tilni o'rganishning oson va qulay yo'lidir. Raqobatlik hissi bu yoshda juda kuchli va shu sabab guruhlarga ajratib til mashqlarini bajarish samarali bo'ladi.

Boshlang'ich sinflar uchun darsni rejalashtirayotganda, jismoniy faollik, miya faoliyati va do'stona raqobat o'rtasidagi muvozanat saqlanishi lozim. Darsda bir qancha yuqori aktiv mashg'ulotlarini bajaring, va raqobatchilik ruhini qo'shish uchun sinfni guruhlarga bo'ling. Yuqori energiyali muvozanatini saqlash uchun jumboqli savollar va viktorinali tadbirlar o'tkazilishi maqsadga muvofiq. Unda o'quvchilar o'zlarining mahoratini namoyon qiladilar.

Bundan tashqari ilmiy nuqtai nazardan qaraganda ushbu yoshdagi bolalar uchun kommunikativ yondashuv birlamchi hisoblanadi. Aynan shu bois o'quvchilarni bir-biri bilan chet tilda muloqot qilishlari zaruriyati tug'iladi. Chet til o'rganish/o'rgatishning eng yaxshi kommunikativ usuli esa– rolli o'yinlardir. Misol uchun, siz sinfda ularni “Maktab bozori” mavzu doirasida suhbatga tortayotganingizda sinfda kichik do'kon shakllantiring. Siz har bir o'quvchining kassir, xaridor va sotuvchining rolini bajarishiga undashingiz mumkin. Bunda bolalar ingliz tilining haqiqiy dunyoda qanday ishlashini ko'radi. Bu esa bolalarga nafaqat qiziq, balki maroqli ham bo'ladi. Garchi bu yosh guruhlari hamma narsani bilib, kattalar rolini o'ynashga harakat qilsada, ular hali ham bolalar ekanliklarini unutmang, shuning uchun barcha faoliyatni yengil va qiziqarli o'tkazing. Bu kabi mashg'ulotlar bolalarni vaqtini maroqli o'tkazishidan tashqari, ularga o'rganilayotgan til madaniyatini ham yaqindan tanishtirib boradi.

O'rta ta'lim muassasalari

Kichik yoshdagi o'quvchilarga nisbatan yoshi kattaroq o'quvchilarni o'qitish osonroq deb o'zingizni ishontirmang. Bunday emasligini va ushbu yosh guruhini o'qitish har qanday qiyinchiliklarni o'z ichiga olishini yoddan chiqarmang. O'smir bo'lish - bu oson ish emas va juda ko'p o'zgarishlar yuz beruvchi yosh hususiyatiga ega. Ularni o'ziga bo'lgan ishonchi gohida oshib gohida esa susayib turadi. Bu yoshdagi bolalarga o'zgalarning ular haqidagi fikri ko'proq qiziqtiradi. Ularga hushmuomalalik va do'stlik munosabatida bo'lish har taraflama ijobiylikka yetaklaydi.

Ushbu yoshdagi o'quvchilar bilan chet til dars mashg'ulotini o'tkazishning eng yaxshi usuli – o'quvchilarni bir-biriga nisbatan raqobatdoshlik ruhida bo'lishga o'rgatishdir.

Siz uchun pedagog sifatida Birinchi dars, har doim birmuncha qiyinchilik tug'diradi. Chunki o'quvchilarlar sizni va sinfdoshlarini chet tildagi bilimdonligini aniqlab olishlari uchun birmuncha vaqt kerak bo'ladi. Ularni harakter jihattan o'rganib, o'zingizga ijobiy yondashtirish uchun bu qulay fursatdir. Buning uchun o'quvchilar o'zlarining sevimli filmlari, musiqalari va bo'sh vaqtlarida nima qilishni yoqtirishlarini bilib oling va buni bilish uchun test savollari bering yoki so'rovnoma orqali amalga oshiring. Ushbu ma'lumotlarga ega bo'lganingizdan so'ng, siz ularning dunyosini bilib olishingiz mumkin. Ularning qiziqishlaridan xabardor bo'lib, ulardan dars jarayonida muvafaqiyatga erishish uchun foydalaning. Va albatta aytib o'tish joizki, bu yoshdagi o'quvchilarda gapirish, tinglab tushunish, yozuv va o'qish, leksika talaffuz, va shuningdek grammatika integrallashgan holda o'qitiladi.

Akademik litseylar

Akademik litseylarda chet til o'qitish maqsadlari asos qilib olingan. Ya'ni, boshqa bosqichlardan farqli 4 maqsadni emas (amaliy, umumta'limiy, tarbiyaviy va rivojlantiruvchi) balki beshinchi maqsadni (kasbiy)ham o'z ichiga qamrab oladi.

Bu bosqichda ham metod va texnologiyalar o'rta ta'lim muassasalaridagi kabi bo'lib, farqli jihati fanga ajratilgan soatda, leksik birliklarda, nisbatan murakkablashgan grammatik qoidalarda va nutq materiallarni ko'pligidadir.

Oliy ta'lim muassasalari

Talabalar. O'ziga ishonchi baland, g'ururli, jamiyat taraqqiyotiga ta'sir ko'rsatuvchi shaxslar bo'lib, ular chuqur nazariy bilim hamda amaliy ko'nikmalarga ega bo'lish maqsadida til o'rganadilar. Ularga chet til o'qitish mazmuni(til materiallari, nutq malakalari(Skills and Subskills)) module sifatida alohida hamda integrallashgan holda o'qitiladi. Bunda o'qituvuvchidan yuqori malaka hamda iqtidor talab etiladi, ya'ni yuqori kompetentlik. Mashq turlarining deyarli barchasi qo'llanilishi mumkin. Kommunikativ yondashuv hali ham birlamchi ekanligi yodingizdan chiqmasligi zarur.

Malaka oshirish markazlari

Ko'pgina yosh o'qituvchilar kattalarga chet til darslarini o'rgatishdan qo'rqishadi, aksariyat paytlarda sizga qaraganda kattaroq va ko'proq tajribali kishilarni tilga o'rgatish mushkulday ko'rinadi, lekin bu sizni tashvishga solishiga yo'l qo'ymang. Yodingizda bo'lsin, ular sizdan mahorat(Til) o'rganish uchun kelishdi va yoshroq kadr tomonidan o'rgatilgani uchun o'zlarini noqulay his qilishadi. Ushbu dinamika tufayli auditoriyani neytral ushlashga harakat qiling. Siz bu guruh tinglovchilariga nisbatan do'stona munosabatda bo'lishingiz kerak, chunki ular tarbiyaviy soatga muhtoj bolalar emas. Sinfda erkinlik hukmron bo'lishi kerak. Maktab yoshdagi o'quvchilar bilan ishlaganday kattalarga muomala qilib bo'lmaydi. Ularga maqtov so'zlarni ko'p aytmaslik kerak, balki oson metodik usullarni qo'llagan holda o'z faoliyatingizni olib borish yetarli..

Ularni o'rgana boshlaganizda, o'zingiz va tinglovchilar o'rtasida o'xshashlikni toping. Musiqa, sport yoki boshqa mavzularda suhbat qurish, yaqindan tanishish yoki ular bilan bog'lovchi umumiy mavzular haqida suhbatlashish samaralidir. Bu siz va tinglovchilaringizni bir xil dunyodan ekanligingizni anglatadi. Chet tildagi intensive darslar yordamida ularga tanish mavzularda ko'proq matn bering. Masalan bola parvarishi, oila muammolari, haridlar va hokazo.

Har qanday yosh guruhida, sabr-toqat qilishni va o'rgatish/o'rganishni davom ettirishni unutmasligimiz kerak. Siz doimo faol va qiyinchilikdan qo'rqmaydigan mutaxassis ekanligingizni va sizga hamisha o'ziga o'zi ishonchi baland obraz mosligini yoddan chiqarmang.

Yuqorida ta'kidlangan bosqichlarning barida baholash masalasi alohida o'rin egallaydi. Baholashning barcha prinsiplari, turlari o'z ornida qo'llanilishi chet til o'qitishdagi muvaffaqiyat garovi hisoblanadi. Bu borada keyingi maqolalarimizda mufazzal to'xtab o'tishni joiz ko'rdik.

Xulosa sifatida aytish joizki, chet til o'qitish qiyosiy metodikasida ko'plab tadqiqotlar olib borilishi kerakligi, unga tegishli juda qiziqarli va albatta ta'lim jarayoniga samarali jihatlari talaygina.

## Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati:

1. Jalolov J.J. Chet til o`qitish metodikasi: chet tillar oliy o`quv yurtlari (fakultetlari) talabalari uchun darslik. – Toshkent: O`qituvchi, 2012. -432 b.
2. Hoshimov O'. Yoqubov I. Ingliz tili o`qitish metodikasi. Toshkent, 2003.
3. Mary Lou McCloskey, Janett Orr, Marlene Dolitsky. Teaching english as a foreign language in primary school. TESOL, 2006.
4. Верещагина И.Н., Рогова Г.В., Языкова Н.В. Методика обучения английскому языку: 1-4 классы: Пособие для учителей и студентов педагогических вузов. -4-е изд. – Москва: Просвещение, 2008. -223с.
5. Жалолов Ж.Ж. ва б. Умумий ўрта таълим мактаблари учун инглиз тили ўқув дастури //ж.Халқ таълими. 2013 , 4-сон. – б.44-75.
6. Зимняя И.А. Психология обучения иностранным языкам в школе. – Москва: Просвещение, 1991. -222 с.

## БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

*Н.М.Аҳмедова,  
Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (ТДПУ)*

**Аннотация.** Бугунги кунда мамлакатимиз янги глобал иқтисодий интеграция шароитида ижтимоий модернизация, индустриализация ва жадал инновацион муаммоларни ҳал қилишни талаб қилмоқда. Шу муносабат билан, XXI асрда миллий рақобатбардошликни ривожлантириш, бутун дунёда мамлакатимизнинг тан олинисини таъминлаш мақсадида сифатли ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш асосий вазифалардан бири булиб қолди. Албатта бунда бўлажак ўқитувчилар юқори даражада инновацион технологиялардан фойдаланишлари бўйича кўникмага эга бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

**Аннотация.** Сегодня в контексте новой глобальной экономической интеграции в нашей стране необходимо решить проблемы социальной модернизации, индустриализации и быстрых инноваций. В связи с этим подготовка качественных и высококвалифицированных кадров несет огромную ответственность за развитие национальной конкурентоспособности в XXI веке, обеспечение процветания и признание страны во всем мире. Конечно, также важно, чтобы у будущих учителей были навыки использования высоко инновационных технологий.

**Abstract.** Currently, the new conditions of global economic integration and social modernization, industrialization and rapid innovation are required to solve the problems. In this regard, the training of high-quality and highly qualified



personnel bears a huge responsibility for the development of national competitiveness in the 21st century, ensuring the prosperity and recognition of the country throughout the world. Of course, it is also important that future teachers have the skills to use highly innovative technologies.

**Калит сўзлар:** интеграция, инновация, инновацион технология, интерфаол методлар, касбий тайергарлик.

**Ключевые слова:** интеграция, инновация, инновационные технологии, интерактивные методы, профессиональное обучение

**Key words:** integration, innovation, innovative technologies. interactive methods, professional training

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологиялари ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан кунга кучайиб бормокда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда талабаларни фақат тайёр билимларини эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 11 июлдаги ПФ-5763-сон «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида белгиланган : “Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасида замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш; замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва чет тилларини чуқур ўзлаштирган кадрларни тайёрлашнинг юқори даражаси ва сифатини таъминлаш; таълимнинг янги педагогик технологиялари ва ўқитиш услубларини жорий этишнинг халқаро амалиётга мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш, ўқув режалари ва фан дастурларини такомиллаштириш, ўқитишнинг замонавий шакллари ва ахборот-коммуникация технология воситаларини жорий этган ҳолда ўқув жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш; олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро мустаҳкам интеграцисини таъминлаш, илмий-тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни кенг жалб этиш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш; зарурлиги қарорда ўз аксини топган.

Таълимда инновацияларнинг ўрни катта. Таълим жараёнида инновацион технологиялар, масалан, компьютерлар, Интернет, мултимедия ресурсларидан самарали фойдаланиш таълим сифатини намоёни этишнинг ягона усули ҳисобланади. Талабаларнинг коммуникатив қобилиятларини такомиллаштиришнинг инновацион технологияларидан бири бу дарс

жараёнида мултимедиа воситаларидан фойдаланиш. Аудиторияда педагогик технологиялардан тўғри фойдаланиш, талабаларга вазифаларни пухта эгаллашга имкон берадиган турли хил матнлар билан ўзаро ишлаш имкониятини беради.

Бундан ташқари, таълим технологиялари ўқув дастурининг ажралмас қисмига айланиши кутилаётганлиги сабабли, талабалар электрон манбалардан фойдаланиш ва улардан фойдаланиш бўйича билимларга эга бўлишлари керак.

Афсуски, таълим муассасаларини электрон манбалар билан таъминлаш нуқтаи назаридан ҳалигача бир қатор муаммолар мавжуд:

- Таълим муассасаларида давлат тилидаги маҳаллий электрон дарсликларнинг (ЕТ) виртуал йўқлиги;
- Мавжуд электрон дарсликлардан фойдаланиш самарадорлиги йўқлиги;
- электрон дарсликлардан фойдаланишда ўқитувчилар тайёрлаш сифати пастлиги;
- ўқув жараёнига янги таълим технологияларининг етарли даражада жорий этилмаганлиги;
- ўқитишнинг автоматлаштирилган баҳолаш тизимининг самарадорлиги пастлиги.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари маълумотларни аксариятини кундалик ҳаётининг жуда муҳим таркибий қисми бўлган бундай воситаларни яратган электрон қурилмалардан олишади. Дарсда инновацион технологияларни тилларни ўқитиш воситаси сифатида ишлатиш кўплаб афзалликларга эга. Бу вазифаларни бажаришга туртки беради ва талабаларга узоқ муддатли таъсир кўрсатишга ёрдам беради. Талабанинг роли ўқитувчининг ролидан координаторгача ўзгаради. Ўз-ўзидан мустақил ўқитиш методикаси - бу инглиз тилида инновацион технологиялар ёрдамида тарғиб қилинадиган жараёндр.

Инновацион технологиялардан фойдаланиш талабаларга уларнинг тасавурлари, қизиқишлари рағбатлантирадиган оммавий ахборот воситалари орқали маълумот тўплаш имконини беради. Тил ўқитувчиси, айниқса касбга янги келганда дуч келадиган асосий муаммолардан бири бу касбий тайёргарлиги методик жиҳатдан етарли билимга эга эмаслигидадур. Маккартининг таъкидлашича: Чет тилларини ўқитиш методологияси ўтган ярим аср давомида жуда ривожланди. Турли вақтларда грамматик таржима, аудио-лингвистик, тузилиш-глобал аудиовизуал, индуктив /дедуктив, функционал, ғоявий, ситуатцион, коммуникатив, иммерсия, ўрганиш/ олиш, тавсия ва бошқаларда олиб борилган[2].

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологиялари ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда талабаларни фақат тайёр билимларини эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб

топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шакилланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи талаба асосий фигурага айланади. Шунинг учун олий ўқув юртлири ва факультетларида малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари-интерактив методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва рўли бениҳоя каттадир. Педагогик технология ва педагог маҳоратига оид билим, тажриба ва интерактив методлар ўқувчи-талабаларнинг билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади. Интерактив методлар-бу жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

-бўлажак ўқитувчининг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиши;

- бўлажак ўқитувчини ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлаши;

- бўлажак ўқитувчиларни билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар-бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтириши;

-бўлажак ўқитувчиларни ҳамиша ҳамкорликдаги фаолиятини ташкилланиши.

Педагогик технологиялар масалалари, муаммоларини ўрганаётган ўқитувчилар, илмий-тадқиқодчилар, амалиётчиларнинг фикрича, педагогик технология бу фақат ахборот технологияси билан боғлиқ, ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланлши заруру бўлган компьютер, масофали ўқиш ёки турли хил техникалардан фойдаланиш деб белгиланади. Бизнинг фикримизча, педагогик технологиянинг энг асосий негизи бу ўқитувчи ва талабанинг белгиланган мақсаддан қафолатланган, натижага ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларга боғлиқ деб ҳисоблаймиз, яъни ўқитиш жараёнида мақсад бўйича қафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳамкорлик фаолиятни ташкил эта олса ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида бўлажак ўқитувчилар мустақил фикрлай олсалар, ижобий ишлай олсалар, излансалар, таҳлил эта олсалар, ўзлари хулоса қила олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса, бизнинг фикримизча ана шу ўқитиш жараёнининг асоси

ҳисобланади. Ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор яъни ўқув жараёнидаги педогогик технология бу яқка тартибдаги жараён бўлиб, у бўлажак ўқитувчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан холда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан лойиҳалаштирилган ва кафолатланган натижа беришига қаратилган педагогик жараёндир[232].

Ўқитиш жараёнида бўлажак ўқитувчиларга шахс сифатида қаралиши, турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий методларни қўлланилиши уларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндашиш, маъсулиятни сезиш, илмий тадқиқод ишларини олиб бориш, таҳлил қилиш илмий адабиётлардан унимли фойдаланишга, энг асосийси, ўқишга, фанга, педогогика ва ўзи танлаган касбига бўлган қизиқишларни кучайтиради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПФ-5763-сон «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида қарори
2. McCarthy В. (1999) "Integration: the sine qua non of CALL", CALL-EJ online 1, 2 September 1999.
3. Mullamaa К. (2010). ICT in language learning – benefits and methodological implications. International Education Studies, № 3 (1). P. 38-44.
4. Гриншкун В.В. Качество информационных ресурсов и профессиональные качества педагогов. Взаимосвязь и проблемы // Информатика и образование. 2013. № 1 (240). С. 79–81.
5. Мильруд Р.П. Максимова И.Р. Современные концептуальные принципы коммуникативных обучающих иностранных языков // Иностранные языки в школе. 2000. № 4. С. 9–15.
6. Плужник И.Л. Формирование межкультурной коммуникативной компетентности студентов гуманитарного профиля в процессе профессиональной подготовки: автореф. дисс. ... д-ра наук. Тюмень, 2003. 15 с

## O'QUVCHI TA'LIMNING TUZILISHIDA OTA-ONALARNING PEDAGOGIK TA'LIMI TIZIMINING ROLI

*N.O.Abdullayeva*  
(BuxDU),  
*M.Gulyamova,*  
*talaba (BuxDU)*

**Annotation.** This article discusses the role of parents in the upbringing of children, the upbringing of the younger generation in the future mature and harmonious.

**Аннотация.** В мақоллада yosh avlodni kelajakda yetuk va barkamol qilib tarbiyalash, bola tarbiyasida ota-onalarning roli haqida fikr yuritiladi.

**Аннотация.** В статье рассматривается роль родителей в воспитании детей, воспитании подрастающего поколения в будущем зрелым и гармоничным.

**Kalit so'zlar:** Qo'shma boshlang'ich, mehnat, taraqqiyot, muvofiqlik, yetuklik.

**Ключевые слова:** первичный состав, труд, прогресс, конгруэнтность, зрелость.

**Key words:** Primary joint, labour, progress, in general public, enactment, spiritual headway, congruence, mature.

Yosh avlod ishtimoiy turmushning barcha soxalari xususiyatlari bilan oila quchog'ida tanishadi. Oilaviy turmushda, odamlar, mehnat, narsalar va o'z-o'ziga bo'lgan narsalarni ifoda etuvchi xususiyatlar asta-sekin tarkib topib boradi. Shuning uchun ham oila jamiyatning boshlang'ich bo'g'ini sifatida bo-lalarning axloqi, qobiliyati, aql, zakovat, xulqi, yurish-turishi, xatti-xarakati, o'zaro muloqoti, e'tiqodi va dunyoqarashlariga yuqori darajada yuqori tarbiya-viy ta'sir ko'rsatish imkoniyatiga egadir.

Inson uning mehnati va turmushi, ma'naviy taraqqiyoti haqida g'amxo'rlik qilish mustaqil O'zbekistonning oily maqsadidir. Ma'lumki, kishi kamoloti, uning inson sifatida hayot ishtimoiy turmush va mehnat, madaniy va ma'naviy boyliklarga bo'lgan munosabati asosan oilada shakllanadi.

Odatda oila degan tushuncha nimani anglatadi? unga qanday ta'rif berish mumkin?

Oila nikohga yoki tug'ishganlikka asoslangan kichik guruh uning a'zolari ro'zg'orning birligi, o'zaro yordami va ma'naviy ma'suliyati bilan bir-biriga bog'langan. Oilaning eng muhim ishtimoiy vazifalari inson zotini davom ettirish, farzandlarni tarbiyalash, oila a'zolarining turmush sharoiti va bo'sh vaqtini samarali uyishtirishdan iboratdir.

Aflotun oila haqida shunday fikr bildirgan: "... Urf-odatlar, ukalarning otalardan farzandlarga qanday o'tishi haqida ham ma'lumot beradi. Agar bu jarayon birlik – birdamlikni idrok etishiga oilb keladigan bo'lsa, u holda turli hayot tarzidagi odamlarni, katta, obro'li oilalarning tabarruk yoshdagi otalar va

farzandlarini farog'at keltiradigan birdamlikka birlashtiradigan qonunlar yaratishga majbur etadi”.

Oila tarbiyasida bolalar hayotini to'g'ri uyishtirish ularni vaqtdan to'g'ri va unumli foydalanishning asosiy garovidir. Bolaning oiladagi vaqtini o'yinmehnat va o'qish faoliyatiga to'g'ri taqsimlash nihoyatda muhimdir.

Kelajagimiz bo'lmish yosh avlod tarbiyasi va uning taraqqiyoti davlat ahamiyatiga molik masala hisoblanadi. Avvalgi qabul qilingan qonun va qoidalardan farqli o'laroq o'zbekiston respublikasining “ Ta'lim to'g'risida”gi qonunida oila va oiladagi ta'limga asos solindi. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 64-moddasida ta'kidlanganidek: “ Ota-onalar o'z farzandlarini voyaga yetgunga qadar boqish va tarbiyalashga majburdirlar”.

Inson tabiiy xislatlarga ega-bular undagi xulq-atvor va xatti xarakatlarga sabab bo'ladi, deb tushintiriladi. Sohibi qonun bu xislatlarni nazarda tutishi, ularni tuzatishi shu xislatlarni tuzatuvchi qonunlar chiqarishi kerak, chunki bu bilan sohibi qonun fuqaroning xulq-atvorini ham tuzatadi.

Rohatlanish, dard chekish va qayg'urish asosiy tabiiy xislatlar hisoblanadi, ular tufayli fazilatlar va illatlar o'zlashtiriladi. Va nihoyat barog'at va bilimlarga, ya'ni rivojlanishga tarbiya va mashq orqali erishiladi. Masalaning murakkabligi va qimmatli tomoni shundaki, o'qituvchi-tarbiyachi, xalq ta'limi xodimlari, keng jamoatchilik oilaviy taraqqiyot, uning rivojlanish oqibatlarini oldindan bilishi, ularni hisobga olgan holda oilaviy tarbiyaning nazariy va amaliy asoslarini pedagogik jihatdan to'g'ri izohlashi va tegishli metodik tavsiyalar berilishi lozim.

Respublikamizning ma'naviy hayoti va uning o'ziga xos tomonlari muttasil rivojlanmoqda, ularning oilaviy tarbiyaga ta'siri kuchaymoqda. Shaharlarning ko'payishi, o'sishi, yashash sharoitining yaxshilanishi, madaniy va moddiy tomonidan yuksalishi oilalarning yuksalishi va bolalarning har tomonlama yetuk kishilar bo'lib kamol topishlariga sabab bo'lmoqda yordam bermoqda. Ko'p bolalik nisbatan kamayib borautganiga qaramay haliham bu ko'rsatkich o'z kuchini yo'qotgan emas. Fiziologik jihatdan olganda esa ko'p bolalik oilalarda ota-onalar bolalar uchun yaqqol namuna bo'lib xizmat qiladilar xalqimiz “Bolali uy bozor, bolasiz uy mozor deb bejiz aytmagan”.

Oilada xamkorlik, o'zaro yordam, bir-biriga ishonch holati mavjud ekan bunday oilada rostgo'y, samimiy, mehribon, o'rtoqlariga doimo yordam berishga tayyor bo'lgan insonlar kamol topadi. Rus psixologi V.I. Selevanov iolada shaxsni shakllantirish jarayonini o'rganib, baxtli bolalik oiladagi quvonchli xamjihatlikning hamda ota-onalarning o'z bolalariga g'amxo'rli- ning samarasidir, degan xulosaga keladi.

Yuqorida keltirilgan tadqiqotchi olim kuzatishlari shuni ko'rsatmoqdagi, yoshlarda kattalarning xatti-harakatlari axloqiy vazilatlariga tanqidiy munosabatda bo'lish hissi kuchli bo'ladi shu jihatdan qaraganda tinch totuv yashaydiganlarning oilalaridagi bolalar ham shu oilada mavjud bo'lgan axloqiy xislatlar, xush muomalalik, odoblilik, kattalarga xurmat, kichiklarga g'amxo'r- lik

qilish, oila a'zolari o'rtasidagi o'zaru hurmat, ayniqsa ayollarga nisbatan ko'rsatiladigan kabi ijobiy fazilatlardan namuna olib voyaga yetadilar.

Oila jamiyat hayotini olg'a suruvchi, uni yanada yuksak bosqichlarga ko'tarib, ravnaq toptiruvchi, kelajak avlodlarni tarbiyalab yetishtiruvchi kamol toptirish uchun mas'ul bo'lgan g'oyat muhim boshlang'ich guruhdir. Oila erkaklar va ayollarning to'liq teng huquqligi oila uchun babbaravar javobgarlik asosida quriladi.

Yuqorida ta'kidlanganidek oiladagidaromadlarning oshishi bir tomondan ota-onalarning bilim saviyalari va madaniy hayotlarining yaxshilanishiga sabab bo'lsa ikkinchi tomondan oila a'zolarining yuqori ma'naviy ehtiyojlarining ijobiy shakllanishi, oilaviy munosabatlarning takomillashuvi boyishi kattalar va kichiklar orasidagi muloqot mazmuniga ijobit ta'sir ko'rsatmoqda shu sababli yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlash davr talabiga aylanib bormoqda.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Abdulla Avloniy Turkiy guliston yoxud axloq - "Cho'lpon", 1994.
2. Adullayeva D. Yorqulov R. Atabayeva N. Oila psixologiyasi "Tafakkur bo'stoni", 2015.
3. Asqarova O'.M, Xayitboyev M, Nishonov M.S. Pedagogika – "Talqin" 2008.
4. Boymurodov N. Amali psixologiya – "Yangi asr avlodi", 2008.
5. To'rayeva O. Turopova M. Odobnoma - "O'qituvchi", 1999.

## **PERSONALITY FACTORS AS ONE OF THE MAIN ISSUES INFLUENCING LANGUAGE LEARNING**

*G.G`Abdullayeva  
(BuxDU),  
Sh.F.Nasriyeva,  
talaba (BuxDU)*

**Annotation.** Dealing with psychology of the learners, and, accordingly designing teaching methods and activities are secrets of success in language learning and teaching. Actually, the role of personality factors in language learning is an obvious and undoubted issue in modern methods of teaching languages. The area that the this article focuses on has been becoming an integral part of the educational process.

**Annotatsiya.** Til o'rganuvchilar psixologiyasiga muvofiq ravishda o'qitish usullari va faoliyatlarini loyihalashtirish til o'rganish va o'qitishdagi muvaffaqiyat sirlari hisoblanadi. Darhaqiqat, tilni o'rganishda shaxs omillarining roli tillarni o'qitishning zamonaviy uslublarida muhim rol o'ynaydi. Ushbu maqola diqqat markazida bo'lgan yo'nalish o'quv jarayonining ajralmas qismiga aylanib kelmoqda.

